

А.Нурмонов,
М.Мирзахидова,
Г.Абдуллаева

ЎЗБЕК

ТИЛИ



7

**КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН
МАМЛЕКЕТТИК ГЕРБИ**



**КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН
МАМЛЕКЕТТИК ТУУСУ**



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН МАМЛЕКЕТТИК ГИМНИ

Текстин авторлору:
Ж. Садыков менен Ш. Күлүев.

Музыкасынын авторлору:
Н. Давлесов, К. Молдобасанов.

Ак мөңгүлүү аска-тоолор, талаалар,
Элибиздин жаны менен барабар.
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,
Сактап келди биздин ата-бабалар.

Кайырма: Алгалай бер, кыргыз эл,
Азаттыктын жолунда.
Өркүндөй бер, өсө бер,
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
Досторуна даяр дилин берүүгө.
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма.

Аткарылып элдин үмүт-тилеги,
Желбиреди эркиндиктин желеги.
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
Ыйык сактап урпактарга берели.

Кайырма.



А. Нурмонов, М. Мирзахидова, Г. Абдуллаева

ЎЗБЕК ТИЛИ

Умумтаълим мактабларининг
7-синфи учун дарслик

*Қирғизистон Республикасининг
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

Бишкек-2012

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Уз. я721
Н 90

Масъул муҳаррир: филология фанлари номзоди,
доцент Д.Абдуллаева.

Нурмонов А. ва бош.

Н-90 **Ўзбек тили: Умумтаълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик / А. Нурмонов, М. Мирзахидова, Г.Абдуллаева. - Б.: 2012 - 244 б., ил.**

ISBN 978-9967-439-92-4

Кўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун "Дарсликлар яратиш маркази" томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни "Марказ" маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

Бизнинг манзил: Ўш шаҳри, Г. Айтиев кўчаси, 25-уй.

А 4306020200-12

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Уз. я721

ISBN 978-9967-439-92-4

© А. Нурмонов, М. Мирзахидова, Г. Абдуллаева, 2012.
© Дарсликлар яратиш маркази, 2012.
Қирғизистон Республикасининг Таълим ва фан вазирлиги, 2012.

АЗИЗ ҲУҚУВЧИ!

Сиз VI синф она тили дарсларида ўзбек тили фанининг морфология бўлими билан танишиб, мустақил сўз туркумларидан сифат, сон ва олмошларнинг англатган маънолари, грамматик белгиларини билиб олдингиз. Бу туркумлардан оғзаки ва ёзма нутқингизда тўғри фойдаланиш малакаларини ҳосил қилдингиз.

VII синфда сиз ўзбек тили фанининг морфология бўлимини ўрганишни давом эттирасиз. Бу синфда мустақил сўз туркумларидан феъл ва равишни; мустақил бўлмаган (ёрдамчи сўз туркумлари) сўз туркумларидан кўмакчи, боғловчи ва юктамаларни; алоҳида олинган сўз туркумлари – таклид сўз, ундов сўзлар ва модал сўзларнинг англатган маънолари ва грамматик хусусиятлари билан танишасиз. Нутқингизни тўғри ва раво тузиш малакаларини шакллантириб борасиз.

Бу бўлимда ҳам сиз сўз туркумлари, сўз тузилиши ва имлоси билан яқиндан танишишни давом эттирасиз.

Ёзувда ҳато қилмаслик учун морфологияни пухта ўрганиш ва билиш зарур.

ДУНЁ ТИЛЛАРИ ТИЗИМИДА ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ТУТГАН ҲРНИ

Ҳозирги кунда ер юзида олти миллиарддан кўпроқ аҳоли яшайди. Агар сиз Бишкекдан поездга ўтириб Москва ва у орқали Парижга сафар қилсангиз, йўлингизда қозок, татар, бошқирд, рус, белорус сингари тиллардаги сўзлашувларни эшитишга мушарраф бўласиз. Эшитиш жараёнида айримларининг она тилингизга қандайдир яқин, шу билан бирга нимаси биландир фаркли эканлигини, айримларининг эса тамомила бошқа, яқин жиҳатлари умуман йўқлигининг гувоҳи бўласиз.

Бир-бирига яқин, умумий жиҳатлари кўп бўлган тиллар қариндош, бир-биридан узок, умумий жиҳатлари бўлмаган тиллар эса қариндош бўлмаган ҳисобланади. Масалан, қирғиз, ўзбек, қозок, татар, уйғур, бошқирд, озарбайжон каби тиллар қариндош тиллар саналади.

Қариндош кишилар бир аجدоддан тарқалгани каби, қариндош тиллар ҳам бир бобо тилдан келиб чиққандир. Шунинг учун ҳам

дунё тиллари қариндошлигига кўра тил оилаларига бўлинади. Тил оилаларининг номлари бобо тил номи билан юритилади. Масалан, славян тиллари оиласи, герман тиллари оиласи, роман тиллари оиласи, туркий тиллари оиласи ва бошқалар.

Бу тил оилаларининг ҳар қайсиси ўз ичида яна кичик гуруҳларга бўлинади. Хусусан, туркий тиллар оиласи кипчок тиллари гуруҳи, ўғуз тиллари гуруҳи, қарлуқ тиллари гуруҳига бўлинади. Қирғиз, козоқ, татар, бошқирд, хакас, ёкут каби тиллар кипчок гуруҳига; ўзбек ва уйғур тиллари қарлуқ гуруҳига; озарбайжон, туркман, усмонли турк тиллари эса ўғуз гуруҳига киради.

Кўриниб турибдики, ўзбек тили дунё тиллари тизимида ўзининг муайян ўрнига эга бўлиб, туркий тилларнинг қарлуқ гуруҳига мансубдир.

1-машқ. Шеърни ифодали ўқинг. Ўқиш, билим олиш ҳақида ўз фикрингизни баён қилинг.

БИЛИМ ОЛ

Бўлай десанг сен олим,
Доно, устоз, муаллим,
Меҳр қўйиб ўкиб кол,
Бор кучингни ишга сол.

Билим – чексиз хазина,
Кўкка ясайди зина.
Ҳамма нарса билимдан,
Ойга ҳам учдик шундан.

Меҳнат, устоз китобинг
Бошингдаги офтобинг.
Билим берган устозга,
Хур келажак авлодга

Чин дилдан деймиз раҳмат,
Минг йил бўлсин саломат.

А. Пулат

Ёзда сиз қандай дам олдингиз? Расмга қараб сўзлаб беринг.



2-машқ. Ўқинг. Гапларнинг моҳиятини ўз сўзингиз билан тушунтиринг.

1. Сўзни чертиб сўзласанг, ҳар ким сени сийлар. (А.) 2. Нутқи ширин кишининг меҳрибон кишилари кўп бўлади. (Кай.) 3. Тил миллионларча авлодлар томонидан яратилган тирик жондир. (Л.Т.) 4. Тилимизнинг софлиги учун, бойиши учун жон куйдирсак, фарзандлик бурчимизни адо этган бўламиз. (Ч.А.) 5. Ёмон тилнинг заҳри тиллардан ёмон. (М.)

6. Тилингни сўзлашга соз, муҳайё қил,

Сўзингни ўқ қилу ақлини ёй қил. (Фирд.)

7. Узун тил умрни қисқартирар. (М.) 8. Тил – юракнинг калити. (М.) 9. Тилдан ҳам бол томар, ҳам заҳар. (М.) 10. Тилдан қоқилишдан кўра оёқдан қоқилиш афзал. (М.) 11. Сўзингни билиб гапирсанг, тилингни дури тўқилмас. (М.) 12. Ҳар қандай халқнинг урф – одатларини билай десанг, аввало унинг тилини билишга урин. (Пифагор) 13. Кимки ўзга тилларни билмаса, ўз тилини ҳам яхши тушунмайди. (Гёте) 14. Кўп тилни билиш битта қулфга тушадиган бир неча калитга эга бўлиш деган гап. (Ф.Вольтер) 15. Сўз сеҳридан кучлироқ сеҳр йўқ. (А.Франс) 16. Тилинг бирла кўнглингни бир тут. (А.Н.) 17. Миллатнинг даҳоси, ақли ва руҳияти мақолларидан билинади. (Ф.Бекон)

18. Сўз дорига ўхшашдир, ортиқчаси зарар келтиради. (М.)

19. Гўрўғлидай соз сўзлагил,

Бедил каби оз сўзлагил,

Бобур каби рост сўзлагил,

Нуткинг равон бўлсин, болам. (Э.Ж.)

ЎҚУВ ЙИЛИ БОШИДА ТАКРОРЛАШ

Мустақил сўз туркумларининг морфологик белгилари

Саволларга жавоб беринг

1. Сиз 6 - синфда тилшунослик фанининг қайси бўлимини ўргана бошладингиз?

2. Нима учун сўзлар туркумларга бўлиб ўрганилади?

3. Сўз туркумларидан қайсиларини биласиз?

4. Ўрганилган сўз туркумларини айтинг.

5. Ўрганилган сўз туркумларининг грамматик белгиларини тушунтиринг.

6. Сон сўз туркуми ҳақида билганларингизни айтинг.

7. Ог, сифат, сон сўз туркумлари ўрнида қайси сўз туркуми қўлланилади?

8. Олмошнинг маъно турларини айтинг.

3-машқ. Ўқинг. Матндан отларни аниқлаб, қайси келишида эканини айтинг. Ажратиб кўрсатилган отларни ўзи боғланиб келган сўз билан бирга намунадагидек кўчиринг.

Намуна: (қаерга?) оромгоҳга бордим.

ОРОМГОҲ

Мен ўртоғим Нодир билан таътилда оромгоҳга бордим. Оромгоҳ бизга жуда ёқди. Оромгоҳда ҳар куни эрталаб бадантарбия қилдик, турли кизик китоблар ўқидик, янги ўйинлар ўргандик. Мен шахмат - шашка тўғарагига қатнашдим. Ўқитувчимиз билан оромгоҳ яқинидаги тоққа саёҳатга чиқдик. У ерда биз мактабимиз учун ҳар хил ўсимликлардан гербарийлар ва тошлардан коллекциялар тўпладик. Ҳар куни чўмилдик. Вақтида овқатландик, вақтида ухладик.

Биз оромгоҳдан жуда яхши дам олиб қайтдик.

4-машк. Кўчиринг. Отларни топиб, остига чизинг, маъно турини тушунтиринг.

1. Сенинг ақлингни илминг ва одобинг билан ўлчайдилар. (Оз - оз ўрганиб...) 2. Текиннинг миннати кўп, меҳнатнинг зийнати кўп. (М.) 3. Киши меҳнат ва билимдангина бахтга эришмоғи мумкин. (М.) 4. Ўқишда қийинчиликларни енгиш учун чидам ва сабот талаб қилинади. 5. Ота-онага муҳаббат – барча яхши фазилатларнинг асоси... (Цицерон) 6. Яхши китоб ҳаётнинг беқиёс ганж - ҳазиналаридан биридир. (С.С.Майлс) 7. Биз ўз ўлкамизни ва ўз она тилимизни севамиз. 8. Шу вақт бирдан булбул шодлигидан сайраб юборди. (Т.Т.)

5-машк. Нукталар ўрнига келишиқ кўшимчаларидан мосини кўйиб кўчиринг, гаптаги вазифасини тушунтириб беринг.

1. Дўстлик – жаҳондаги бойликлар...энг ноёби, қимматлиси. (Газ.) 2. Ҳамфикрлик дўстлик... вужудга келтиради. (Газ.) 3. Бўри... кўрккан ўрмон... кирмас. (М.) 4. Дўстлик кул ... ҳам, ҳукмдор.... ҳам зор эмас. Дўстлик ... тинчлик керак. (И.А.Гончаров) 5. Эй, хушовоз шоир, сен ўқиган шеърлар булбуллар ... эрта тонгдаги навосидан ҳам ёқимли экан. (Д.А.) 6. Навоий ... келиш хабари астрободликлар ... юрагида чексиз қувонч уйғотди. (О.) 7. Кичкиналар ширин тил билан салом беришади. (П.Қ.)

6-машк. Нукталар ўрнига сўз ўзгартувчи, сўз ясовчи кўшимчалардан мосини кўйиб, гапларни кўчиринг, кўшимчаларнинг турини тушунтириб беринг.

1. Кишлоқ мева..., ўт..., буғдой ...ўртасида қад кўтарган эди. (О.Ё.) 2. Дадам меҳнат..., ҳалол, пок одам эди. Дадамнинг шаъни... доғ туширмай яшаш – бирдан - бир орзуим! (Р.Ф.) 3. Ҳиндистон – деҳқончи.... учун қулай маскан. (А.Қ.) 4. Чўпон молларни ўт ... томонга ҳайдаб кетди. (Х.Н.) 5. Сени безар, ҳой арча, чирок, конфет юлдуз... (Кўшиқ)

6. Эй, йўл ..., бўлақол кўноқ,

Уй... боринг кўраимиз баҳам. (А.О.)

7-машк. Кўчиринг. Отларни топиб, остига чизинг. Содда, кўшма, жуфт ёки кискартма эканлигини тушунтиринг.

1. Биз мингоёқ, калтакесак, бешиктерватар ва турли кўнғизлардан коллекция тўпладик. (Х.Н.)
2. Биз турган ердан азим Сирдарёнинг кумуш суви яркираб кўриниб туради. (Газ.)
3. Тоштемир билан Турсунпўлат тоғолча кўчати олиб келишди.
4. Далада хотин-халаж, бола-чака чувурлашиб пахта тераётган эди. (М.И.)
5. Раззоқдан шундан кейин хат-хабар бўлмади. (Х.Ф.)
6. Металл кони Бекобод
Совғасидан эл обод. (Қ.Х.)

8-машк. Кўчиринг. Сифатларни топиб, энглатган маъноларини изоҳланг.

1. Яхши бола ёмон ишларга кўл урмайди.
2. Кўм-кўк ток барглари эргалабки қуёшда жилваланади. (О.)
3. Унумли меҳнат – келтирар давлат. (М.)
4. Сарик, пушти, pistaки рангларга бой ипагим. (Қ.Х.)
5. Анор – кичик мевали дарахт.
6. Саёхатчилар тоғнинг энг баланд чўккисига чикдилар. (Х.Н.)
7. Ўрикнинг сап-сарик барглари тунда тагига кўрпадек тўкилибди. (О.Ё.)
8. Ариқчалар бўйида ўткир хилли, қорамтир ялпизлар, сершоҳ жамбиллар ўсиб ётибди. (Х.Н.)

9-машк. Кўчиринг. Гаплардан сифатларни топинг. Остига чизинг.

1. Олтин тупроғингда жумла олам бор,
Дарёлар мазмуни мазмуниингга зор. (Ф.Ф.)
2. Содлароқ ва беғамроқ, шу билан бирга, ҳайбатли кўрингани учуими Жамолбойга кўпроқ гап отади, ҳазиллашади. (О.)
3. Фуррак саъвадан каттароқ, каптардан кичикроқ қушдир.
4. У энг тоза булок сувидан ҳам тозароқ.
5. Осмон ҳар вақтдагидек булутлардан ҳам беғубор, тиниқ, кўм-кўк. (М.И.)
6. Тўғри одам эгри сўздан ор қилади. (М.)
7. Шаҳар хавосига караганда бу ернинг хавоси тозароқ.

10-машк. Ўқинг. Гаплардан озайтирма ва кучайтирма сифатларни топинг. Озайтирма сифатларнинг қандай хосил бўлишини тушунтириб бериш.

1. Қизғиш, кўкимтир қоғозлардан қиркиб, ишларга тиздик. (Ў.У.)
2. Кўм-кўк майсалар устида ўтириб суҳбатлашдик. (Х.Н.)

3. Сарғимтир чанг шабадада ҳар томонга ёйилиб, аста - секин осмонга кўтарилди. 4. Билинар - билинмас жимирлайди кўлнинг суви – кўкимтир шойи. (У.) 5. Сап-сарик буғдойлар олтин бошқларини силкитиб туради. (О.) 6. Қоп-қора осмонда юлдузлар чарақлаган. (А.Мухт.) 7. Юлдуз ширингина кулди. (М.Мухамедов) 8. Бу ердан кичиккина сой оқиб ўтар эди. (Ў.У.)

11-машқ. Ўқинг. Туб ва ясама сифатларни аниқланг. Ясама сифатларнинг ясалиш усулини тушунтиринг. Кўчиринг.

1. Ой нурида қизнинг чўзинчоқ, чиройли оқиб юзи, ҳуркак охуникидек шахло, жавдирок кўзлари баралла намоён бўлди. (О.Холдор) 2. Унинг шишасимон жонсиз кўзлари лаънат ёғдираётгандек туюлар эди. (Н. Бирюков) 3. Навоий икки дарчали, пастгина, кўримсизгина уйга кирди. (О.) 4. Эрталабки иш – кўнгилни қилар хуш. (М.) 5. Энди тўғри танқиддан эгри хулоса чиқаришингизни ташланг. (О.) 6. Номард, кўрқоқ, очкўз, қаллоб кишиларгина ватанфурушликдан тоймайди. (Ё.Ш.) 7. Эшик орқасида кенг пешонали, юзи сал чўтир, кўзлари ўйнаган, бўйликкина йигит турар эди. (Х.Ғ.)

12-машқ. Ўқинг. Сифатларнинг тузилишига кўра турларини (туб, ясама, содда, қўшма) аниқланг. Отлашган ёки отлашмаган сифатларни аниқлаб, гаптаги вазифасини изоҳланг.

1. Сержихоз, шинам, ёруғ ва кенг уй меҳмонларга тўла. (А.Мухиддин) 2. Соғли тордан нозли куй чиқади. (Ш.) 3. Ақлсизлар гап бермайди отасига. (А.П.) 4. Хадича яхши аёл – кўнгли тоза, мард, тўғри сўз. (О.) 5. Гулнор сулув, яхши суратли, куралай кўзли, ўрта бўйли, хушхаёл, зеҳни тез, серфаҳм киз эди. (О.) 6. Паст-баланд адирлик, кейин эса баланд - баланд тоғлар бошланади. (Л.Б.) 7. Лола кўзларини катта очиб, Қундузга қаради. (С.З.) 8. Ёмондан қоровул кўйсанг, ёв етти бўлур. (М.)

13-машқ. Кўчиринг. Соғларни топиб, уларнинг остига чизинг.

1. Бир минутдан кейин қий чув бошланиб кетди. (О.Ё.) 2. Инсоннинг юраги йигирма тўрт соат ичида юз минг мартага яқин уради. («Тонг юлдузи»дан) 3. Ер шарининг ўртача диаметри – ўн уч минг километр. («Тонг юлдузи»дан) 4. Ер қуёш атрофида бир минг етти юз қирқ уч километр тезлик билан айланади. («Тонг

юлдузи» дан) 5. Бир сутка – йигирма уч соат, эллик олти дақиқа қирқ етти сонияга тенг. 6. Синфимизда йигирма тўққиз ўқувчи бор. 7. Узокдан беш-олтита отлик кўринди. 8. Қизларнинг тўртталаси масалани ўз вақтида тўғри бажарди. 9. Шарқ халқлари йигирма биринчи мартни катта байрам сифатида нишонлайдилар.

14-машқ. Ўқинг. Сонларни топинг. Миқдор сон ёки тартиб сонлигини аниқлаб, устига ёзинг.

1. Келаётган одамларнинг бири Қурбон ота, иккинчиси Иброҳимов экан. (А. Қ.) 2. Шоир ташқари чиқиб, ўнг ёқдаги қирқ мрамар устулли қаср томон юрди. (О.) 3. Атроф жим - жит. Узокдан хўрознинг биринчи қичқирғи эшитилди. (П.Қ.) 4. Умарали йигирма уч - йигирма беш ёшларда баланд бўйли, оқишдан келган, келишган йиғит эди. (О.) 5. Қирқ иккинчи йилнинг августи эди ўшанда. (Ў. У.) 6. Мен бу улуғ даргоҳга юз мартача келгим бор. (Ф. Ф.) 7. Икковга биров ботолмас, отликқа яёв етолмас. (М.)

15-машқ. Ўқинг. Миқдор сонларини аниқлаб, остига чизиб, турини ёзинг.

1. Оғрик жойини топса, олти ой қишлайди. (М.) 2. Бу жавобдан учовлари қаҳ-қаҳ уриб қулди. (Л. Б.) 3. Битта одамнинг қўлидан шунча иш келишига баъзан ўзи хайрон қолар эди. (А. Қ.) 4. Қўқондан йигирматача терговчи келди. (А. Қ.) 5. Эшик олдида бешта от қатор турар эди. (А. Қ.) 6. Кўпакбойнинг юзгача навқари Хўжа Яҳёнинг ҳовлисини кўриқлаб турди. (П. Т.) 7. Сиф кутубхонасига ҳар бир ўқувчи учтадан китоб олиб келди.

16-машқ. Кўчиринг. Содда, кўшма ва жуфт сонларни аниқлаб. Гапдаги вазифасини тушунтириб беринг.

1. Иккаласи ёшлиқдан бирга ўсишган. 2. Бирни кессанг, ўрни эж. (М.) 3. Толимаржон сув омборида биринчи марта бир миллиард кубометр обиҳаёт тўплашга эришилди. (Газ.) 4. Суюнбой аканинг ўн етти яшар хушёрғина ўғли бор эди. (П.Қ.) 5. Бир минг тўққиз юз тўқсон биринчи йили ўттиз биринчи августда Қирғизистон мустанқил республика, деб эълон қилинди. 6. Учнинг квадрати – тўққиз. 7. Мен ўрта мактабни икки минг бешинчи йилда битирганман. 8. Қирқига чидаган бирига ҳам чидайди. (М.)

17-машк. Кўчиринг. Олмошларни топиб, остига чизинг. Қайси сўз туркуми ўрнида келганини тушунтиринг.

1. Қизчага бирор нарса бўлганини пайқаб, Алишер бор кучи билан унга қараб югурди. (Л. Б.) 2. Шу саҳрода тўнғич ўғил туғилди, унга Бадиуззамон деб исм беришди. (Л. Б.) 3. Шабада кўзгалди. У жонга ором берди. 4. Пулат Камолов ботир йигитдир. Бундай йигитларни ҳамма ҳурмат қилади. 5. У Назокатнинг қайси даҳа, қайси маҳаллалик эканини, қандай уруғлари борлигини суриштирди. (А. Мухт.) 6. Келтирган китобларингиз қани? Нега жавоб бермайсиз, жим турасиз? 7. Нечанчи уйда турасиз? Ёшингиз нечада? 8. Ҳар қанча жабр бўлса, ўзим кўраману бировга жабр қилмайман. (Ю. Ш.)

18-машк. Кўчиринг. Олмошларни топинг, остига чизинг, гаптаги вазифасини аниқланг.

1. Дунёда шундай одамлар борки, уларнинг ҳаёти, қилган ишлари, босиб ўтган йўли биз учун юксак намуна бўлиб қолади. (О. Ё.) 2. Аканг келсин, келинойинг келсин, ўшалар гапириб берар. (О. Ё.) 3. Ўзим чақимчиларни, майда гапларни ёмон кўраман. (И.Р.) 4. Бу кеч амир Алишер ҳеч кимни қабул қилмади. (Л.Б.) 5. Дарвоқе, унинг ҳам аллақайси тоғлар орасида кишлоғи бор - ку! (П.Т.)

6. Бу ўлкада ҳар нарса бордир. (Х. О.)

7. Дарё каби уйғоқ ўтурман,
Қайга десанг, қайтмай борурман.

8. Барчасига кўз югуртирдим,
Барчаси ҳам товланар, кулар. (У.)

19-машк. Кўчиринг. Олмошларни аниқлаб, турини устига ёзинг. Англатган маъносини айтинг, ёзилишини тушунтиринг.

1. Она, мен сенинг ўғлингман, бегона эмасман. (О. Ё.) 2. Дунёда ҳеч бир халқ ўз тилини унутишга ҳақи йўқ. (О. Ё.) 3. Ким савоб ишни кўп қилса, у яхши одам. («Одоб – олтиндан қиммат») 4. Шу кишлоқда туғилдим, шу ерда ўсдим униб. (З.)

5. Сен бўлмасанг, мен дунёни нетарман,
Тирик йўқман, ўлганлардан баттарман. (Достондан)

6. Ишлаганинг – уйингга, ўрганганинг – ўзингга. (М.) 7. Гўзал ўйлабди. Нималарнидир кўнглига туғибди. (С.)

20-машқ. Гапларни кўчиринг, Келишиқ кўшимчаларини аниқланг, ёзилишини изохланг.

1. Унинг кўзларида жиддий ўй, лабларида маъноли, ингичка табассум. (П. Қ.) 2. Қаёққа қараманг, югур-югур, чоп-чоп, ҳеч кимда тиним йўқ. (Ж. Абд.) 3. Ҳа, сен бизга энг ростгўй, энг виждонли одам бўлганинг учун кераксан. (П.Қ.) 4. Иғвогарнинг ўзи ёмон, ўзидан ҳам сўзи ёмон. (М.) 5. Ҳеч кимга, ҳеч бир зотга қалбида нималар кечаётганини билдирмасди. (Ч. А.) 6. Бундан кейин мени кўрганда, ўрнингдан турмасанг ҳам бўлаверади. (О.Ё.)

7. Қаердаки интизом маҳкам, у ерда иш йирик.

Қаердаки интизом бузилди, у ерда иш расво. (У.)

8. У ўзи шунақа одамижон, барчага баробар. (С.)

21-машқ. Гапларни кўчиринг. Олмошларни топиб, тузилишига кўра турини айтинг, уларнинг ёзилишини тушунтиринг.

1. Мен ўз - ўзимга дейман: наҳотки, оз муддатда шунчалик ўзгарибман. (Мирт.) 2. Уларнинг ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, тинч - тотув яшардилар. (Ж. Абд.) 3. Бу ерда қанчадан - қанча шеърлар, дostonлар, хикоялар, романлар, саҳна асарлари ёзилади. (У.) 4. Мен ана шу гулларга сув қуяётган эдим. (Ҳ. Н.) 5. Ҳар ким эканини ўрар. (М.) 6. Ахир, бугун шундай кунки, ҳар ким ўз дўсти билан бирга бўлгиси келади. (О. Ё.) 7. Ҳар йили дам олиш, курорт, деб аллақайларга борамиз. Мана, курорт. (У.) 8. Шу-шу бўлдию, Туреунбой Зебихонга рўпара келолмайдиган бўлиб қолди. (С.Ахм.) 9. Чакалокка у - бу нарса ол. (С. Ахм.)

22-машқ. Кўчиринг. Гаплардан от, сифат, сон ва олмошларни топиб, остига чизинг. Қайси сўзга боғланиб, қандай вазифада келганини тушунтиринг.

1. Улуғбек – қошиёт сирларини очган улуғ олимлардан бири.
2. Узунчоқ, нақшдор деразалардан ой ўз нурини сочиб турибди.
(О.) 3. Меркурий Қуёшдан элик олти миллион километр узоқда бўлиб, Қуёш аτροφини саксон саккиз кунда тўлик айланиб чиқади.
4. Ўзини бизнинг кўзимизга яхши киши қилиб кўрсатмоқчи.
(С.Айн.) 5. Ҳар қайси ўқувчи пухта билим олишга ҳаракат қилиши керак.

6. Беш юз йил наридан бокиб турибди,

Нурли бу юзларга нуруний бир зот. (А. О.)

7. Гидамларга гул чеккан қизлар чехрасида диловар кулги. (Ж.Шарипов) 8. Одамнинг юзи офтобдан иссиқ. (М.) 9. Ҳалол одамлардан ёмонлик чикмайди. 10. Юртимизда мевазор боғларни кўпайтириш учун миришкор боғбонлар керак. (Газ.)

1-§. ФЕЪЛ

Умумий маълумот

Тошширикни бажаринг.

I. Берилган гаплардан иш-харакатни билдирган сўзларни топинг.

Жалолободни гўзал шаҳарлардан бирига **айлантирайлик**. Янги авлодга янгича муносабатда **бўлиш керак**. Мен моҳир овчи Баҳромшоҳни хотирангизга **солмоқчиман**. (Л. Б.) **Қадрласанг**, кадринг ошар, кадрисдан ҳамма **кочар**. (М.)

Шундай ибтидоий бўлса ҳам гарчанд,

Менинг ёзганимни **қилажаксиз** ёд. (F. F.)

Уйларин **ёритур** ҳар кимнинг ўз меҳнати. (F. F.)

II. Ажратилган сўзларга савол беринг.

III. Иш-харакат маъносини билдирган сўзларнинг ўзак-негизи ва кўшимчаларини намунадагидай белгиланг.

Намуна: Сол - моқ - чи - ман.

Предметнинг ҳаракатини билдириб, нима қилди?, нима қилипти?, нима қилмоқчи? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлган сўзлар феъл дейлади.

Феъллар бўлишли (*келдим*) ва бўлишсиз (*келмадим*) шаклда қўлланади.

Феълларда уч замон бор:

ўтган замон – *келди*;

ҳозирги замон – *келяпти*;

келаси замон – *келмоқчи*.

Феъллар шахс-сон кўшимчалари билан тусланади: *бордим, бординг, борди; бордик, бордингиз, борди (лар)*.

Феъллар гапда кесим бўлиб келади: *Баҳор келди, табиат уйқудан уйғонди*.

23-машк. Кўчиринг. Ҳаракат ва ҳолат маъноларини ифодалаган феълларни аниқлаб, остига чизинг.

1. Арслонбоб тоғларига бу йил кор эрта тушди.
2. Мўлжалдаги шифокор олиб келинди. (Ш.) 3. Тез кунда бораман, дийдор кўришамиз. (Х. Ғ.) 4. Бектемир шодликдан хорғинликни, очликни ҳам унутди. (О.) 5. Чирок ўчирилган, гулхан ҳам сўниб қолган. (М. Салом) 6. Ҳосил кам бўлса, ҳаводан кўрма. (М.) 7. Мирхайдар тегирмоннинг новлари тепасида тўхтади. (Ш.) 8. Оқил ва донолар меҳнатдан қочмайдилар, илму ҳунарни ўрганадилар. (Оз-оз ўрганиб...)

24-машк. Ўқинг. Нукталар ўрнига мазмунига мос келадиган феълларни топиб, ўрнига қўйинг ва ёзинг.

1. Гиёҳларнинг хушбўй хиди димокка ... (нима қилди?). (О.)
2. Санобархоннинг қалбида бир истак... (нима бўлди?). (С. 3.)
3. Бу йил баҳор эрта ... (нима қилди?). 4. Гулчехраҳон жуда яхши ... (нима қилади?). 5. Азоб чекмагунча ҳузур ... (нима қилади?).
6. Меҳнат қилмагунча ... (нима бўлмайди?). 7. Сарвиноз дугоналари билан яхши... (нима қилади?).

25-машк. Ўқинг. Феълларни топинг, қандай маъно ифодалаганини тушутиринг.

1. Қирғизистоннинг Давлат тили қирғиз тилидир. 2. Бола беланчақда тинчгина ухляпти. 3. Ғалабага, истиклолга ҳақ йўлдан бориб эришилади. 4. Темурбек хат ёзди, уни икки буклаб китоб орасига қўйди. 5. Дарвоза тагида Бўрибосар ётарди. (Д.Нурий) 6. Мана, энг баланд чўккига ҳам чиқилди. (Х. Н.) 7. Болаларнинг ўқув қуроқларини яхши асраши ота-оналар учун моддий ёрдамдир. 8. Табиатни асраш – соғлиқни асраш демак. 9. Шамолларда қолди менинг ҳисларим. (Отаёр) 10. Дехқонларимизнинг йил бўйи меҳнат қилиши, элнинг дастурхонини бойтади. 11. Қишда ернинг музлаши, зарарли ҳашоратларни ўлдиради. (Газ.)

26-машк. Берилган феъллардан *юрши* билан боғлиқ бўлган ҳаракатнинг қандай турлари ифодаланганлигини аниқланг.

Йўрғаламоқ, пилдирамоқ, шипилламоқ, имилламоқ, одимламоқ, югурмоқ, сақрамоқ, кетмоқ, бормоқ.

27-машқ. Берилган гап жуфтликларини ўқинг. Улар орасидаги фаркни изоҳланг.

1. Баҳорда ёмғир кўп ёғади, шунинг учун чўлда ўт кўпаяди. Баҳорда ёмғирнинг кўп ёғиши чўлда ўтни кўпайтиради. 2. Ҳалим-жон эрталабки бадантарбия машқларини мунтазам бажаради. Бу унга спорт мусобақасида голиб келишига замин ҳозирлайди. Ҳалимжоннинг эрталабки бадантарбия машқларини мунтазам бажариши унга спорт мусобақасида ғалаба олиб келди. 3. Мард сўзида туради. Бу яхши хислат. Марднинг сўзида туриши – яхши хислат. 4. Танловда Диёра куйни жуда яхши чалди. Бу мактаб ўқувчиларига ғалаба олиб келди. Танловда Диёранинг куйни яхши чалиши мактабдошларига ғалаба олиб келди.

28-машқ. Ўқинг. Берилган гаплардаги феълларни ҳаракат ёки ҳолатни англатишига кўра икки гуруҳга ажратинг.

1. «Темурнома» асарини Салоҳиддин Тошкандий ёзган. Бу асарда у дуғ бобомиз Амир Темурнинг ҳаёти ва унинг олиб борган шиддатли жангларини тасвирлаган. 2. Кўзичоқ чопкиллаб ёнимизга келди. 3. Буюк аллома Абул Қосим ибн Маҳмуд Замахшарий 1075 йилда туғилиб, 1144 йилда Кўҳна Урганчда вафот этган. 4. Ўқувчилар кундалик бўлаётган янгиликлардан қувонадилар. 5. Гилос эндигина қизаряпти. 6. Ҳаммаёқ тинч. Фовур - ғувур босилди. Майдон тинчланди. (М. Исм.) 7. Деворни нам, инсонни ғам йикитади. (Ҳ.)

2- §. ФЕЪЛНИНГ НОАНИҚ ШАКЛИ

Топширикни бажаринг.

I. Қуйидаги матнни диққат билан ўқинг. Тагига чизилган сўзларга эътибор беринг.

1. Биз мактабга билим ва тарбия олиш, фанларини пухта эгаллаш учун келамиз. 2. Вақтдан унумли фойдаланиш керак. 3. Дунё халқларининг мақсади битта – тинч яшаш, ўқиш, ишлаш ва қуриш. 4. Билмоқ учун ўқимоқ керак. (Ҳ.) 5. Сув билан олишув бошланди. 6. Ҳақиқат олтинга ўхшайди, уни сунъий йўл билан вужудга келтириш мумкин эмас. (Ҳ.)

II. Остига чизилган сўзлар қайси кўшимчалар воситасида ясалган?

Нутқимизда феълнинг ўқимоқ, ўқиш, ўқув, билмоқ, билиш, билув каби шакллари мавжуд.

Феъл ўзак-негизига *-моқ, -ш, (-иш), -в, (-ув)* кўшимчаларини қўшиш билан ясалган феъллар феълнинг ноаник шакли дейилади.

Феълнинг бундай шакллари:

а) иш-ҳаракатнинг номинигина билдириб, замонни, шахс-сонни кўрсатмайди;

б) отлар каби эгалик, келишиқ кўшимчалари билан қўлланади;

в) гапда отлар каби эга, кесим ва иккинчи даражали бўлақлар (тўлдирувчи, аниқловчи) вазифасида келади. Масалан: *Ўқимоқ* (эга) – мақсадим. Мақсадим *ўқимоқ* (кесим). *Ўқимоқни* (тўлдирувчи) қилдим орзу. *Ўқимоқнинг* (аниқловчи) фойдаси кўп.

-моқ кўшимчаси билан ясалган феълнинг ноаник шакли бош шакл ҳисобланади.

Эслатма: луғатларда феъллар бош шаклда берилади.

29-машқ. Кўчиринг. Феълнинг ноаник шаклини топиб, гапдаги вазифасини аниқланг.

1. Инсон фикр юритиш, оламни фахмлаш ва уни сўз оркали ифодалаш қобилияти билан ер мавжудотлари орасида энг етук ва энг буюғидир. Шунинг учун ҳар бир сўз – юрак овози, ақл кўзгуси бўлмоғи керак. 2. Ишла, ишлов вақти келди. (Ҳ, Ҳ.) 3. Ўйламоқнинг ҳам ўзига ҳос завқи бўлади. 4. Ишонч – куч, ишонтириш – санъат. (М.)

5. Озод, шод диёримиз,

Тинч яшаш – ширимиз. (П, М.)

6. Аъло ўқиш, биз ўқувчиларнинг Ватан олдидаги бурчимиздир. 7. Дилобар чеварчилик сирларини ўрганмоқ учун бел боғлади. 8. Ўқувчилар компютерда ишламоқ учун келдилар. 9. А. Навоий шам ёруғида ёзмокка ўтирди-ю, хаёлга чўмди. (О.) 10. Биз футбол ўйнашга борган эдик. (Ҳ, О.) 11. Нияти – саҳрода ҳам янги шаҳарча барпо этиб, чўлни боғ - бўстонга айлантириш. (О, Ё.)

30-машқ. Берилган сўзларни ўзак ва кўшимчаларга ажратинг.

Намуна: бил-моқ.

Яшамок, яшаш, учирмок, учуриш, юрмок, юриш, йигирмок, йигириш, ўкимок, ўқув, билув, билмок.

31-машқ. - моқ - ш (- иш), - в (- ув) кўшимчалари билан ясалган тўртта феъл топинг, улар иштирокида гап тузиб, дафтарингизга ёзинг.

3- §. МУСТАКИЛ ФЕЪЛЛАР ВА ЁРДАМЧИ ФЕЪЛЛАР

Топширикни бажаринг.

I. Ўқинг, ҳар бир устундаги сўзларга савол беринг.

Қаради	караб турди
Кўрди	кўриб қолди
Ёзди	ёзиб бўлди
Тасдиклади	тасдиқ қилди

II. Қайси устундаги феъллар сўз таркибидаги асосий маънони билдирапти?

III. Сўз маъносини тўлдириб, изоҳлаган феъллар қайси устунда ёзилган? Ўқиб беринг.

Феъллар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра мустакил феъл ва ёрдамчи феълларга бўлинади. Мустакил феъллар сўз таркибидаги асосий маънони билдиради. Гапнинг бирор бўлаги вазифасида келади.

Сўзнинг маъносини тўлдирадиган, изоҳлайдиган феъллар ёрдамчи феъллардир.

Ёрдамчи феъл ўрнида қўлланган феъллар ўзи боғланиб келган феъл билан биргаликда бир синтактик вазифани бажаради: *Саида тез-тез гапирди-ю, иошиб кетиб қолди.*

32-машқ. Ўқинг. Ёрдамчи феълларни топинг.

Бошлади – ёза бошлади, ишлай бошлади, бера бошлади, ола бошлади.

Келди – етиб келди, бориб келди, қайтиб келди, кўриб келди, билиб келди, саклаб келди.

33-машк. Қуйидаги феъллардан ёрдамчи феълли бирикмаларни ҳосил қилинг.

Намуна: *айтди – айтиб қўйди.*

Саклади, борди, юрди, ўтирди, чиқди, битди, келди, етди, ўтди, берди.

34-машк. Ўқинг. Нукталар ўрнига қуйида берилган сўзлардан мосини қўйиб ёзинг.


1. Меҳмон кетмасдан аввал шоир уни эшикка . . . (О.)
2. Йўлчи эҳтиёткорлик билан кумфонга бир чимдим чой... (О.)
3. Боғларни, далаларни... (У.)
4. Аччиқ савол ..., ширин жавоб ... (М.)
5. Бизни хушхабар ҳаяжонга ...
6. Олти мушукча офтобда...
7. У шарпадан ...

Қўйиш учун сўзлар: *уйғониб кетди, мириқиб ухлади, кутма, бериб, сайр этдик, солди, олиб чиқди, ташлади.*

35-машк. Гаплардай феълларни топинг, остига чизинг, мустақил, ёрдамчи феъл эканлигини аниқлаб, устига ёзинг.


1. Қишлоғимизнинг қоқ ўртасидан ҳайқириб сой оқади. (И. Р.)
2. Кўнглимдаги орзуга бирпас кулоқ солинг. (И. Р.)
3. Комила ўртоғининг хонасига кириб, хонадаги ҳар бир нарсага зўр кизиқиш билан қаради. (О.)
4. Уй дим эди, Комила иккала деразани очиб қўйди. (О.)
5. Феруза ховлига тушиб, шабнамда қийғос очилган атиргуллар устига эгилди, тўйиб - тўйиб ҳидлади. (Х. Ғ.)
6. Аммо бу совғани гоҳ - гоҳида синглим иккаламиз талашиб қоламиз. (У.)


36-машк. Нукталар ўрнига керакли феълларни қўйиб, ўқинг.

Намуна: Ёзиб 

Ўқиб 

Билиб 

Чизиб 

Кўриб 

Топширик

Расмларни кузатинг. Расмлар асосида мустақил ва ёрдамчи феъллар иштирок этган кичик ҳикоя ёзинг.



4-§. БЅЛИШЛИ ВА БЅЛИШСIZ ФЕЪЛЛАР

Топшириқни бажаринг.

Берилган гаплардан аввал ҳаракат бажарилганлигини билдирган феълларни, сўнг ҳаракатнинг бажарилмаганлигини билдирган феълларни белгиланг.

1. Саёк юрма, таёқ ейсан. (М.) 2. Ситора янги китобларни зўр қизиқиш билан ўқиди. 3. Янги дўст орттирсанг, эскисидан юз ўгирма. («Қобуснома») 4. Тилни ақлдан устун кетишига йўл қўйма. (М.) 5. Билишлик ўзи кифоя эмас, уни амалда қўллай билиш керак. (Гёте) 6. Дарсни диққат билан тинглагани туфайли Нигора уй вазифасини бажаришда қийналмади.

Тилимиздаги ҳар бир феъл бўлишли ва бўлишсиз шаклда қўлланади.

Бажарилган, бажарилаётган ёки бажариладиган иш-ҳаракат ва ҳолатни билдирган феъл бўлишли феъл дейилади. Масалан: *ёзди, айтган эди, келяпти, келмоқчи, ол, ишла, ўқи, ёздирди, ухлади, ухляпти, кулди, ўтир.*

Бажарилмаган, бажарилмаётган, бажарилмайдиган иш-ҳаракат ва ҳолатни ифодаладиган феъл бўлишсиз феъл дейилади. Масалан: *сўзлама, гапирма, борма.*

Бўлишсиз феъллар қуйидагича ясалади:

1. Бўлишли феъл негизига **-ма** қўшимчасини қўшиш орқали: *ёзмади, ёзмаяпти, ёзмайди.*

2. Йўқ, эмас сўзларини феълнинг сифатдош шаклидан кейин келтириш орқали: *ёзгани йўқ, ёзган эмас, боргани йўқ, борган эмас.*

3. На инкор боғловчиси ёрдамида: *Нигора на ўқиди, на ёзди.*

37-машқ. Кўчиринг, бўлишли феъллар остига бир чизик, бўлишсиз феълларнинг остига икки чизик чизинг.

1. Чинор чиримас, арча қаримас. (М.) 2. Ўтинаман, толма юрагим, ярим йўлда толдирма мени. (Т. Сайдалиев) 3. Биласизми, бир макол бор; ҳақиқат қуёшин яшириб бўлмас. (О.) 4. Ҳакимжон нималарни кўрмади, иеларни бошидан кечирмади. (А. Қ.) 5. Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди. (М.) 6. Дунё бино бўлиб, биз – Қамишқапа меҳнатқашлари бунчалик қувонган эмасмиз. (Т.Т.) 7. Илм ва ҳикмат билан кўтариладиган шохсулага қурол билан чиқиб бўлмайди. (Қ. Ҳамро) 8. Соат ҳали тўккиз бўлган эмас, шунинг учун ҳам қўнғироқ чалинган йўқ. 9. Мияси ғовлаб кетган Мирзо Улуғбек бошини кўтариб, ён-верига қаради. (О. Ё.)

38-машқ. Қуйидаги бўлишли феълларни бўлишсиз феълга айлантириб ёзинг, улар иштирокида ган тузинг.

Кийинди, кийилди, тушунтирди, қийинчилик кўрган, боргунча, бориб эди, билган эди.

39-машқ. Кўчиринг. Бўлишсиз феъл ҳосил қилувчи қўшимчаларни изоҳланг.

1. Ёмон билан йўлдош бўлма, нодон билан сирдош бўлма. (М.) 2. Сўзига эмас, юрагига қулоқ сол. (М.) 3. Олижаноб юрак тўғри йўлдан оғиши мумкин эмас. (О. Бальзак) 4. Ҳалол одам учун дўстларга яхшилиқ қилишдан зарурроқ лаззат йўқ. (Ф.Вольтер) 5. Ҳожи хола индамади эмас, бошда йиғлади ҳам. (М. И.) 6. Шундай қилингларки, на сих куйсин, на кабоб. (Н. С.) 7. Йўқ, ҳали иш тамом бўлган эмас. (О.)

40-машқ. Адабиёт мажмуасидан бирор матнини тахлаб, ўқинг, ундан бўлишли ва бўлишсиз феъл иштирок этган гапларни топиб, ўнтасини дафтарингизга ёзинг.

5-§ ТЎЛИҚСИЗ ФЕЪЛЛАР

Топшириқни бажаринг.

I. Матнини диққат билан ўқинг.

Мақтабимиз қоровули нуроний, кекса отахон эди. У доимо бизга «Ҳадис»лардан хикматли сўзларни ўқиб берар эди. Биз охирги соатдан кейин уйга кетмай, отахон олдига югуриб борар ва унинг ҳикояларини тинглар эдик.

Бир куни мен отахоннинг ҳикояларини онамга айтиб бердим. Онам кимдан эшитганимни билиб, хурсанд бўлдилар ва отахонга раҳмат айтиб қўйишимни (албатта онам номидан) таъкидладилар... (Л. Б.)

II. Остига чизилган сўзлар қайси сўзлар билан бирга келмоқда?

III. Улар қандай маънони ифодаламоқда?

Нутқимизда ўзи мустақил маъно билдирган *ёзди, ўқиди, боради* каби феъллардан ташқари *эди, экан, эмиш* каби тўлиқсиз феъллар ҳам ишлатилади. Улар барча мустақил сўзларга қўшилиб, турли маъноларни ифодалайди.

Эди тўлиқсиз феъли ўтган замон феъл шакларини яшаш учун хизмат қилади. Масалан: *эшитган эди, биринчи кўриши эди, келмасин эди, айтинг эди*.

Экан тўлиқсиз феъли нарса, белги, ҳаракат кабиларнинг аввалдан маълуму, кейин номаълум

бўлганлигини билдиради. Масалан: *Эртага саёҳатга чиқар эканмиз. Шоир ва ёзувчилар билан учрашув бўлар экан.*

Эмиш тўлиқсиз феъли эшитиб билганлик, кесатиш, ишонмаслик маъноларини билдиради. Масалан: *Заҳар солмоқ эмиш қасби илонинг. (А.Н.) Эртага мажлис бўлар эмиш.*

эди, экан, эмиш тўлиқсиз феъллари баъзан **-ди, -кан, -миш** каби қисқарган шаклда ҳам келиб, ўзидан олдинги сўзга қўшилиб ёзилади.

Масалан: *Оғайнимми тоғ билан дарё,
Қизиқ эмиш сўзлари гоят. (Ҳ.О.)*

Бегубор сувларнинг юзида хазон сузаркан, майин шабода супа атрофидаги гулларни эринибгина қимирлатарди. (П. Қ.)

Тўлиқсиз феъл гапда асосан кесим билан бирга келиб, боғлама вазифасини бажаради. Масалан: *Бугун яна ота билан орамизда гап қочмаса эди. (Ҳ. Н.)*

41-машқ. Кўчиринг. Тўлиқсиз феълларни топиб, остига чизинг.

1. Унинг боши жиддий ўйлар билан банд эди. (Ҳ. Н.) 2. У вази-фаларини бажариб бўлган экан. 3. Киши шодлик билан ғам орасида довдираб қолар экан. (Ё.Ш.) 4. Низомжон ўзига-ўзи гапириб борарди. (С. Аҳм.) 5. Баъм авжга чиққан пайт эди. (Л. Б.) 6. Уйга хат ёзмоқчи ҳам, бормоқчи ҳам эмасман. (С. Аҳм.) 7. Тоғда ёввойи мевалар кўп бўлар эмиш.

42-машқ. Ўқинг. Тўлиқсиз феълларни ўзи боғланиб келган сўз билан бирга кўчиринг.

1. Носир спорт машғулотида фаол иштирок этар эди. 2. Мираббос балиқ овига дам олиш куни борар эмиш. 3. Гулга ишқибоз чойхоначи гулзорга садарайхон эккан экан. (А. Қ.) 4. Кутубхонага янги китоблар келтирилган эмиш. 5. Қиз йилнинг ҳамма фаслларида ҳам боғ сайрини тарк этмасди. (М. Г.) 6. Шоир ҳали уйғоқ эди. (Л. Б.) 7. Ўқувчиларнинг кийимлари тоза ва ораста эди. 8. Кўнглим тоғдай кўтарилганини билсангиз эди. (Ж. Абд.) 9. Низомжон уфққа қаради. Узоқдан бир гала ўрдак учиб келаётгани

43-машк. *Эди, экан, эмиш* тўлиқсиз феъллари иштирок этган 6 та гап тузинг ва дафтарингизга ёзинг.

44-машк. Нукталар ўрнига *эди, экан, эмиш* тўлиқсиз феъллардан мосини топиб, қўйинг ва гапларни кўчиринг.

1. Қуёш анча тик кўтарилган 2. Бугун бизникига холамлар келар... . (О.) 3. Офтоб кўринмас, осмонни қора булут қоплаган (О.) 4. Ҳовузга оқиб тушаётган ариқ сувининг бир маромда шилдираши эшитилар... . (А. Мухт.) 5. Гулзордан ранг-баранг гулларнинг муаттар бўйи таралар

45-машк. Матни ўқинг. Тўлиқсиз феъллар иштирок этган гапларни кўчириб ёзинг.

1. Эргаш ака ҳориган, секин кимирлар, лекин гаплари бийрон эди. (Ш.Тошматов) 2. Бундан беш йил олдин Каримжон экскурсияга чикканда, бу ерлар кимсасиз чўл эди. Вакт пешиндан оққан эди. Ўқишлар тамом бўлган, таътил бошланган эди. (О. Ё.) 3. У ухламай, тик этса эшикка қараб ўтирган эди. (С.Аҳм.) 4. Ёмғир бетиним ёғар, лекин унинг томчилари кўзга илинмас эди. (П.Т.) 5. Кундузги иссиқ сал пасайиб, канал томондан эсаётган шабада хуш ёқар эди. (Ҳ. Ғ.)

46-машк. Худойберди Тўхтабоевнинг «Сарик девни мициб» асаридан парча ўқинг. Тўлиқсиз феъл иштирок этган гапларни топинг. Улардан 10 та гапни танлаб, дафтарингизга ёзинг.



47-машк. *Эди, экан, эмиш* тўлиқсиз феъллари ва уларнинг қисқарган шакллари (*-ди, -кан, -миш*) воситаси билан 6 та гап тузинг ва дафтарингизга ёзинг.

Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Феъл сўз туркуми ҳақида қандай тушунчага эга бўлдингиз?
2. Феълларга мисол келтиринг.
3. Феъл қайси гап бўлаги вазифасини бажаради?
4. Феълнинг ноаниқ шаклига мисоллар келтиринг.
5. Луғатларда феъллар қайси шаклда кўлланилади?
6. Мустақил феълларга мисол келтиринг.
7. Ёрдамчи феълларга мисол келтиринг.
8. Қандай феъллар ҳаракатнинг бажарилганлигини билдиради?
9. Бўлишсиз феълларга мисол келтиринг.
10. Бўлишсиз феъл ясовчи кўшимчалар қайсилар?
11. Тўлиқ феъллар қандай маънони англатади?
12. Тўлиқсиз феълларни айтинг.

6-§. ФЕЪЛНИНГ ТУСЛАВИШИ

Топшириқни бажаринг.

- I. Иш - ҳаракатнинг ким томонидан бажарилганлигини аниқланг.
- II. Ажратилган сўзларга савол беринг.

Мен ўқидим. Сайёра ёзди. Аббос ишлади. Биз хабарни эшитдик.
Бу хабарни улар ҳам эшитдилар. Сиз ўқидингизми? Сен мактабга борасанми? У китобни олди.

Феълнинг шахс-сон шакллари ҳаракатни, бажарувчи шахсни кўрсатади. Ҳаракатни бажарувчи шахснинг уч тури бор.

I шахс бирлик шакли ҳаракатнинг сўзловчи томонидан, кўплиги сўзловчилар томонидан бажарилишини билдиради:

бирлик – *ўқидим;*

кўplik – *ўқидик.*

II шахс бирлик шакли ҳаракатнинг тингловчи томонидан, кўplik шакли тингловчилар томонидан бажарилганлигини билдиради:

бирлик – ўқидинг:

кўплик – ўқидингиз.

III шахс бирлик шакли ҳаракатнинг ўзга томонидан, кўплик шакли ўзгалар томонидан бажарилишини билдиради:

бирлик – ўқиди:

кўплик – ўқидилар.

Феълнинг замон ва шахс - сон қўшимчалари билан ўзгариши тусланиш дейилади. Шахс-сон қўшимчалари туловчи қўшимчалар деб юритилади.

Ёзда сақланг

Шахслар	Бирлик		Кўплик	
	Шахс-сон қўшимчалари	Мисоллар	Шахс-сон қўшимчалари	Мисоллар
I шахс (Сўзловчи шахс)	-м, -ман -й, -ай, -ай (ин), -й (ин)	ишласам, ишладим, ишлаган эдим, ишлабман, ишлайман, ишлаганман, ишламоқчиман, ишлай, ишлайин.	-к, -имиз, -йлик, -ойлик	ишладик, ишлаймиз, ишласақ, ишлаган эдик, ишлабмиз, ишлаганмиз, ишламоқчимиз, ишлайлик.
II шахс (тинловчи и шахс)	-нг, (инг) -сан, -син	ишла, ишладинг, ишласанг, ишлаган эдинг, ишлабсан, ишлагансан, ишламоқчисан, ишлагин.	-нгиз, (ингиз), -нглар, (инглар), -сиз	ишладингиз, ишласангиз, ишлабсиз, ишлагансиз, ишламоқчисиз, ишлангиз, ишланглар, ишлангизлар.
III шахс (ўзга шахс)	-ди, -ти, -син	ишлади, ишляпти, ишласин, ишлаган эди, ишласа, ишлабди, ишламоқчи.	-лар, -ди (лар), -ти (лар), -син (лар)	ишлади(лар), ишласа(лар), ишлаган эди(лар), ишлаган(лар), ишламоқчи(лар), ишласинлар.

48-машқ. Нукталар ўрнига шахс- сон қўшимчаларидан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг. Ажратиб кўрсатилган феълларга қандай қўшимчалар қўйиш мумкинлигини тушунтиринг.

1. Содик бекларингиз Хўжандни ёғийга **топшир** (П.Қ.)
2. Ўқи ... **тингла** ... бутун она-Ватан сиз учун. (Қ. М.) 3. Темурбек қайрилиб, кўзи Боязид жалойирга **туш**... . (Б.А.) 4. Ўзингиз бил... ховлимиз ёмон эмас. 5. Менга икки хона ет... (Мирт.) 6. Ёшлик

чоғида азият чекса... қариганда азиятнинг ўзи сизга хизмат қилади.
(«Донолар ўғити»дан) 7. Арслон йиртқичлиги билан, инсон эса
ақлу ҳикмат, одоб ва ахлоқи билан кун кечир... . («Донолар
ўғити»дан)

49-машқ. Кўчиринг. Гаплардаги шахс-сон кўшимчаларини
аниқланг.

1. Шон-шарафи йил сайин ортаётган ота юртим
Қирғизистонни улуғлайман. 2. Тер тўкиб меҳнат қилсанг, обрў
кўрасан. (М.)

3. Ўзбек ўғлиман, қалам тутган қардошлар ёзинг,
Сўзласин келгуси авлод достонимда менинг. (Чуст.)

4. Йўқ, яшай билмасман асримдан нари
Даъво ҳам қилмасман мангулик изга. (А.О.)

5. Чарчаманг, кўзларим, боқай тўйгунча,
Бу завқ, дарёсидан шимай тўйгунча. (Т. Сайдуллаев)

6. Арслонбоб тоғлари бағрида кўплаб доривор ўсимликлар
ўсади. 7. Юк кўтаришга елка, пўлат эритишга ақл, идрок керак.
(А. Мухт.) 8. Эрк, адолат, саодат жaxonни кезиб юрсин. (У.)

50-машқ. Кўчиринг, феълларни топиб, шахсини аниқланг.

1. Биз, ҳаммамиз, XXI аср кишиларимиз. 2. Сен нега отнинг
бошини маҳкам тортмадинг? (П.Қ.) 3. Суратни мен олиб кетай.
(П.Қ.) 4. У ёзувга берилиб кетиб, чопиб келган отнинг дупурини
эшитмади. (П.Қ.) 5. Шоҳиста Пиримкул Қодировнинг «Бобур»
романини ўқиб чиқди. 6. Раъно эккан гуллар кийфос очилди.
(А.Қод.) 7. Сиз ҳозир жўнайсизми? Мени ҳам Рибачрегача олиб
кетинг. (Ч. А.) 8. Биз икки киши тўрт хонада турамыз. (Мирт.) 9. У
ўгирилиб, елкаси оша менга қаради. (Ч.А.) 10. Менинг бу
гапларимни сен ҳам ёдда тутгил. (П.Қ.) 11. Улар Ила дарёсининг
нариги қирғоғида жойлашган. (Б.Аҳм.) 12. Ўқидим, ўргандим,
илғор ёшларни танидим. (О.)

51-машқ. Ўқинг. Берилган феълларнинг ёзилишига аҳамият беринг.

Айт, асра, асрагин, айтиб, айтса, асраса, айтди, асради;
белгила, белгилаган, белгилаб, белгилади, белгиласа; бўша,
бўшаган, бўшаса, бўшаб, бўшади; егизма, егизмади, егизмай,
егизиб, егизса, егизмаган.

52-машк. Кўчириг. Нукталар ўрнига мос келадиган феълларни кўйиб, шахс - сонини аниқланг.

1. Ёшликдаги одат... , қаригунча... . (М.) 2. Мен икки юз саксон саккизинчи масалани ..., сен кейинги мисолни 3. Сиз кушларга ..., улар боғ айлангани 4. Сен ақлингни ҳам, илмингни ҳам, одобинг билан (Ж. Камол) 5. Одамгарчилик кишининг қалбида (Абай) 6. Қуруқ чанани судраб (Н. Ф.)

53-машк. *Ўқияман, бординг, ёзган, ёзайлик, айтмоқчисиз, тушунсинлар* каби феъллар иштирок этган 10 та гап тузиб, уларнинг шахс - сонини аниқланг, устига ёзинг.

ТАНИШТИРИБ БОРАМИЗ КИРИШНИНГ ТОННИНГ МАШХУР ИНСОНЛАРИ ОЛИМ УСМОНОВИЧ УСМОНОВ

Машхур тилшунос Олим Усмонович Усмонов 1913 йилда Жалолобод шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилди. 1930 йилда Самарканд педагогика техникумини тугатгач, Низомий номи Тошкент педагогика институтига ўқишга кирди. Уни 1940 йилда имтиёзли битирди.

У 1947 йилда Алишер Навоийнинг «Муҳокамат-ул луғатайн» асари мавзuida профессор А. К. Боровков раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёклайди.

О. У. Усмонов ўзбек тилшунослигининг кўпгина соҳалари бўйича Республика газета-журналларида илмий-назарий ва педагогик йўналишда эликдан ортик мақола эълон қилади. У кўплаб илмий, ўқув-методик дарсликларни яратган муаллифлардан биридир. Айниқса, лексикография соҳасида яратган бешта йирик луғат китоби жамоатчилик орасида ўрганилиб, катта ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлди. У Ўзбекистон Республикасининг йирик олимлари ва таникли педагогларидан бири сифатида кўплаб ёш мутахассисларнинг фан номзоди, фан доктори бўлиб етишувига шахсан раҳбарлик қилди.

Топшириқ. Юқоридаги матидан феълларни топинг, шахс-сонини аниқланг.

Топшириқни бажаринг.

Гаплардаги ажратиб кўрсатилган сўзларга диққат қилинг. Иш-харакатининг бажарилиш вақтига эътибор беринг.

1. Одамлар дам олгани *тарқалишди*. (А.Қ.) 2. Боғдан кушларнинг сайраши *эшитилмоқда*. 3. Бу одамни балки илгаридан *танирсан*. 4. Аввало, кеч бўлса ҳам маслаҳатга келиб *тўғри қилгансан*. (Х. Ғ.) 5. Эзгулик дўстликни, ёмонлик душманликни *келтиради*. (Донолар ўғити) 6. Ташқарида қурилган катта қозонда овқат *қайнамоқда*. (Х. Шамс) 7. Гап пашша бўлиб *чақади*, фил бўлиб *қайтади*.

Феълнинг муҳим грамматик белгиларидан бири иш-харакатнинг замонини кўрсатишдир.

Феъл замонлари нутқ сўзланаётган пайтга қараб белгиланади. Шу жиҳатдан ўзбек тилида феълнинг уч замони бор:

1. Ўтган замон феъли.
2. Ҳозирги замон феъли.
3. Келаси замон феъли.

7-§ **ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ**

54-машқ. Ўқинг. Гаплардан феълларни топиб, остига чизинг ва англаган маъносини тушунтиринг.

1. Китобни кутубхонадан олдим.
2. Бокқа кирдим, олмалар қип-қизариб пишибди.
Силкитибди шамоллар, ерга тўп-тўп тушибди. (З. Д.)
3. Она фарзандига қуёш бўлиб боққан эди. 4. Мана, кўплашиб селнинг йўлини тўсдик. (Х. Н.) 5. Оппоқ халат кийиб икки аёл олдида кириб келди. (С.)

Иш-харакатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан аввал бажарилганлигини англаган феъл ўтган замон феъли дейилади.

Ўтган замон феъллари англаган маъноларига кўра куйидаги турларга бўлинади:

1. Яқин ўтган замон феъли.
2. Узок ўтган замон феъли.
3. Ўтган замон давом феъли.
4. Ўтган замон ҳикоя феъли.

8- §. ЯҚИН ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ

Иш-ҳаракатнинг яқин ўтган замонда бўлганлигини англатган феъл яқин ўтган замон феъли дейилади. У феъл ўзагига **-ди** замон кўшимчасини кўшиб, сўнг шахс-сон кўшимчаларини келтириш йўли билан ясалади.

Яқин ўтган замон феълнинг тусланиши

Шахслар	Бирлик	Кўшлик
I шахс	кел - ди - м	кел - ди - к
II шахс	кел - ди - нг	кел - ди - нгиз
III шахс	кел - ди	кел - ди - (лар)

Эслатма: **-ди** кўшимчаси жарангсиз ундошдан сўнг, **-ти** тарзида эшитилса-да, **-ди** шаклида ёзилади.

Масалан: *айтди, туиди.*

55- машқ. Кўчиринг. Гаплардаги феълларни топиб, остига чизинг. Яқин ўтган замон феълнинг таркибини тушунтиринг.

1. Офицер йиқилди ва ётган ерида кўлини кўтарди. (А. Қ.)
2. Худотлар, амирлар, беклар ва хонлар,
Бу элни талади, оқизди конлар. (Достондан)
3. Меҳнатни севган киши унади, ўсади. (Ё. Ш.)
4. Мен одатдагидек тонг саҳарда далани айландим.
5. Ўсган кишлоғимга қайтиб келдим. (О.)
6. Ўша куни мажлис жуда кизғин ўтди. (Ғ. Ғ.)
7. Ойгул туриб эрта тонг,
Кўшинларга урди бонг. (Ҳ. О.)
8. Кампир Темир ботирни кўриб қувлабди. (Эрт.)
9. Чарчаган эканман ухлаб қолибман. (Эрт.)

56-машк. Нукталар ўрнига машк охирида берилган сўзлардан мосини кўйибкўчиринг, уларнинг айтилиши ва ёзилишига диққат қилинг.

1. Тонг қоронғусида уйқум... . (С.Аҳм.) 2. Ота юртимиз бўлмиш Қирғизистонни ..., чунки у биз нафас олиб турган ҳаводек.
3. Гулнорнинг юзига тушган муздек томчи хаёлини... . (С.З.)
4. Биз овулга... . (Ч. А.) 5. Беғубор, мусаффо, майин шабада (С. Аҳм.) 6. Атрофида одамларнинг сийраклашиб қолганини шундагина (С.З.) 7. Темир ботир ҳайрон бўлиб, кийимларини кийиб отга... . (Эрт.)

Кўйиш учун сўзлар: *сезди, бузилди, эсди, севамиз, қочирди, яқинлаша бошладик, эса бошлади, минибди.*

57-машк. Ўқинг. Феълларни топинг. Яқин ўтган замон феъллари иштирок этган гапларни кўчиринг.

1. Қизлар ҳаммадан бурун уйғонишди. Тўғриси, уларни аста - секин туртиб, Дилшод уйғотди. (О.) 2. Субҳидам. Атроф энди оқариб келяпти. (О.) 3. Куёш аста - секин ётоғидан бош кўтармоқда. (О.) Болалар тинчгина ухлаб ётишибди. (С.Аҳм.) 4. Мен бу одамни деярли ҳар якшанба учратардим. (С.З.) 5. Навоий Ҳирот атрофида айланмоқда. (Л.Б.) 6. Қобил фарзанд отасига кўл кўтармайди. (М.) 7. Аҳмаджон офицерни олиб кетди. (А.Қ.)

9-§. УЗОҚ ЎТГАН ЗАМОН ФЕЪЛИ

Иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан анча илгари бажарилган ёки бажарилмаганини билдирган феъл узок ўтган замон феъли дейилади. У қуйидагича ясалади:

1. Феъл феъл ўзак-негизига **-ган (-қан, -қан)** кўшимчасини кўшиш билан: *ўқи-ган – ўқиган, кел-ма-ган – келмаган* каби.

Эслатма: Жарангсиз товушдан сўнг **-ган** кўшимчасидаги жарангли г товуши жарангсизлашиб, **-қан** тарзида айтилса ҳам, **-ган** шаклида ёзилади: *ўсган, кетган* каби. **-ган** кўшимчаси **-г, -к** билан битган феъл ўзак - негизига **-қан** шаклида кўшилади: *эк-қан – эккан, чиқ-қан – чиққан* каби.

2. Фейл ўзак негизига **-ган** кўшимчасини кўшиб, сўнгра эди тўлиқсиз феълини келтириш билан ҳосил қилинади: *ўқи-ган эди – ўқиган эди.*

Узоқ ўтган замон феълининг тусланиши

Шахслар	Бирлик	Кўплик
I шахс	айтганман	айтганмиз
II шахс	айтгансан	айтгансиз
III шахс	айтган	айтган(лар)
I шахс	айтган эдим	айтган эдик
II шахс	айтган эдинг	айтган эдингиз
III шахс	айтган эди	айтган эди - лар

58-машк. Кўчиринг. Узоқ ўтган замон феълларини топиб, остига чизинг.

1. Менинг бобом тут кўчатларини эккан эди. 2. Ҳосил деб курашдик бутун ёз бўйи. (У.) 3. Йўк, мен данагини деразадан ташлаб юборганман. (Л.Т.) 4. Ҳайдовчи уйдан овкат олиб келиб, кутиб ўтирган экан. (Ч. А.) 5. Ўзи бугун келиб қолар, деб кўнглимга тугиб турган эдим. (С.З.) 6. Пахта эккан одамни бошда кўтариб юриш керак, деб ўзингиз айтган эдингиз. (Э.Усмонов)

7. Бири завод, бири фабрика қурган.

Беҳисоб давлатга эга бўлган. (С.З.)

59-машк. Кўчиринг. Гаплардан феълларни топиб, замонини аниқланг. Ўтган замон феъли ясовчи кўшимчаларининг остига чизинг.

1. Билимсизлик ҳали ҳеч кимга фойда келтирган эмас.

2. Бутун жонли ва жонсиз тинглади жим,

Ҳазалдан бу каби завқ олмаган ким? (И.Султон)

3. Қаюмжон шу вақтгача шийпон билан дарвоза ораси шунчалик узоқ эканлигини билмаган экан. (С.З.) 4. Умримда шундай ширин ош ичмаган эдим. (F.F.) 5. У кийноқдан, кайғудан, шармандалиқдан ҳориб озган эди. (О.) 6. Урушга борган экансиз, мен ҳам борганман. (А.Қ.)

7. Менинг боғимда емирилган

Зулмининг коп-қора тахти. (У.)

8. Мен болалик давримда экинзорлар, кирлар, тоғ ва адирларни сира кўрган эмасман. (Жамбул)

60-машқ. Кўчиринг. Гаплардан феълларни топиб, ўтган замон феъллари ҳосил қилувчи кўшимчаларни аниқланг, остига чизинг.

1. Дала йўлининг икки томонидаги боғлар туташ гуллар билан қопланган. (О.) 2. Танга қўлдан-қўлга ўтавериб, сийқа бўлиб кетган экан. (А. Қ.) 3. Бибимнинг гапига караганда, дарахтларни бобомлар эккан эканлар. (А. Қ.) 4. Дарҳақиқат, Гулноз Зулмбекни аввал самимий хурмат қилган эди. (Х.Ғ.) 5. Ўрмонжон отини эшик олдига боғлади. (А.Қ.) 6. Қишлоқ аҳли унинг хурмат-иззатини жойига қўйган, ёлғизлигини билдирмаган. (Л. М.) 7. Гулни узишга қўлни чўзган эдим, ғойиб бўлди. («Чор дарвеш»)

61-машқ. Кўчиринг. Берилган гаплардан феълларни топинг ва ясалишини тушунтиринг.

1. Юсуф Хос Ҳожиб XI асрда яшаган. 2. Бир зумда дастурхон ёзилди. (О.) 3. Оғиз-бурним, кўз-қулоқларим ҳаммаси чанг билан гўлган эди. (Ч. А.) 4. Ўша вақтда унинг исмини ҳам билиб олмаган эканман. (Ч. А.) 5. Бахтга қарши бунга ҳали фурсат етишмаган экан. (Б. Аҳм.) 6. Улар ўринларидан турганларида, ой энди юз кўрсатган эди. (С.Аҳм.) 7. Қишлоқ кўчалари, боғлар ва далаларга офтоб аллақачон ёйилган. (Х. Н.)

62-машқ. Қуйидаги сўзлардан фойдаланиб, узок ўтган замон феълларини ясанг, улар иштирокида гаплар тузинг.

Намуна: *Оқ-оқарди. – Пастликда эзилдираб тиниқ сув оқарди.*

Оқ, қизил, электр, хўжалик, зўр, сон, ёш, онг.

10-§ ЎТГАН ЗАМОН ДАВОМ ФЕЪЛИ

Нутқ сўзланиб турган пайдан илгари давоми бўлган ёки такрорланиб турган иш-ҳаракатни ифодалайдиган феъл ўтган замон давом феъли дейилади.

Ўтган замон давом феъллари феъл ўзак - негизларига *-р, -ар,* ёки *-моқда, -ётган* кўшимчалари билан ясалган феъллардан кейин *эди, экан, эмиш* тўлиқсиз феълларни келтириш билан ҳосил қилинади. *Масалан: борар экан, борар эди, борар эмиш.*

Ўтган замон давом феълнинг тусланиши

Шахслар	Бирлик	Кўплик
I шахс	кел - ар эди - м (экан - ман) ўқир эди - м (экан - ман)	кел - ар эди - к (экан - миз) ўқи - р эди - к (экан - миз)
II шахс	кел - ар эди-нг (экан - сан) ўқи - р эди - нг (экан - сан)	кел - ар эди - нгиз (экан - сиз) ўқи - р эди- нгиз (экан - сиз)
III шахс	кел - ар эди (экан) ўқи - р эди (экан)	кел - ар эди - лар (экан - лар) ўқи - р эди - лар (экан - лар)

63-машқ. Ўқинг. Гаплардан ўтган замон давом феълларини топиб, ясалишини тушунтиринг.

1. Дам олиш куни келсанг, ёш техниклар станциясига борар эдик. 2. Ранг-баранг гулларнинг ёкимли хиди келиб турар эди. 3. Эшмат ака кексалар шифохонасида даволанмоқда эди. 4. Атрофимизда яшовчи кишиларнинг ҳаммаси кўчманчилик қилар эди. 5. Хўп ажойиб боболаримиз, оталаримиз ўтган. 6. Бир неча бола анҳорда чўмилаётган эди.

11- §. ЎТГАН ЗАМОН ҲИКОЯ ФЕЪЛИ

Иш-ҳаракатнинг бўлганлигини эслатиш ёки у ҳақда эшитганликни аниқлаган феъл ўтган замон ҳикоя феъли дейилади.

Ўтган замон ҳикоя феъли икки хил йўл билан ясалади:

1. Феъл ўзак-негизига **-б**, **-иб** қўшимчали равишдошга шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан:

Зўр бир мардлик қилибсан.

Лекин бекор келибсан. (Х. О.)

2. **-б** ёки **-иб** қўшимчали равишдошдан сўнг «эди» тўлиқсиз феълени келтириш билан: *сўзлаб эди, айтиб эди. Ҳаммалари хайрлашиб, ўз мамлакатларига жўнабдилар. У ҳикоятни сўзлаб эди, чироқ ўчиб қолди.*

Ўтган замон ҳикоя феълининг тусланиши

Шахслар	Бирлик	Кўшлик
I шахс	кел-иб-ман, ўқи-б-ман, кел-иб эдим, ўқи-б эдим	кел-иб-миз, ўқи-б-миз, кел-иб эди-к, ўқи-б эди-к
II шахс	кел-иб-сан, ўқи-б-сан, кел-иб эдинг, ўқи-б эдинг	кел-иб-сиз, ўқи-б-сиз, кел-иб эдингиз, ўқи-б эдингиз
III шахс	кел-иб-ди, ўқи-б-ди, кел-иб эди, ўқи-б эди	кел-иб-ди(лар), ўқи-б-ди(лар) кел-иб эди (лар), ўқи-б эди(лар)

1 -эслатма: Бу феълнинг III шахсини кўрсатувчи кўшимча **-ти** тарзида эшитилса ҳам, **-ди** шаклида ёзилади. Масалан: *олибди, борибди*.

2 -эслатма: *турибди, юрибди, ётибди, ўтирибди* феъллари гапда ҳозирги замонни англатиши ҳам мумкин.

64-машқ. Кўчиринг. Феълларни топинг. Уларнинг қайси бири ўтган замон давом феъли, қайси бири ўтган замон ҳикоя феъли эканлигини аниқланг.

1. Жалолободликлар байрамга қизғин тайёрланардилар.
2. Тепа остида Анорхон чой қайнатар эди. (О.) 3. Ҳовуз четидаги ишком тагига сўри кўйилибди. (М.Қ.) 4. Кўкатлар мавж уриб ётибди. (С.З.) 5. Деразани кимдир чертарди. (С.З.) 6. Муборак опа шу беш йил ичида анча ўзгарибди. (С.З.) 7. Йигитнинг кўзи жанговарлик ўти билан чақнар эди. (Газ.) 8. Халқуми қуриган, кўз олди қоронғилашган эди. (О.) 9. Бу гулнинг рангидек гулни ҳеч кўрмаган эди. («Чор дарвеш»дан)

65-машқ. Кўчиринг. Ўтган замон феълларини аниқланг, ясалишини тушутиринг.

1. Майдонни тўлдириб турган одамлар денгиз тўлкинидек тебранар эди. (М.Қ.) 2. Хонада ўринбосар ёлғиз ўзи ўтирар эди. (Ё.Ш.) 3. Сел гўё қатта дарёдек пишқириб оқар эди. (П.Қ.) 4. Юринг, бу ердан кетдик. (Мирт.) 5. Қор ёғди, дон ёғди. (М.) 6. Сиз яхши пазандасиз, эшитганман. (О.) 7. Қуёш уфққа ошиқарди. (О.) 8. Ҳаво тўлкини зарбидан дарахтлар йнқилар, шохлари синиб тушар эди. (А.Қ.)

66-машк. Кўчиринг. Ўтган замон феълларининг остига чизинг.

1. Ранг-баранг гулларнинг хиди келиб турар эди. (С.Аҳм.)
2. Гарчи мен ер тишлаб ётган бўлсам ҳам, енгилмаган эдим. (Ч.А.)
3. Ёшлигим шу қишлоқда ўтган. (О.)
4. Кун ўтди, кун кетидан кун келди, лекин тоғ қазувчилар шиддати заррача ҳам бўшашмади. (М.И.)
5. Абубакир худди шуни кутиб турган эди. (Ч.А.)
6. Мехмондўст халқимизнинг донғи оламга кетган. (М.И.)
7. Темур ботир кийиниб, асбобларни олибди. (Эрт.)
8. Нозик, ранг-баранг парвоналар лампа атрофида айланар, гулдор канотларини шишага уриб, гиламга кулаб тушар эди. (О.)

67-машк. Қуйида берилган узоқ ўтган замон феъллари иштирокида биттадан гап тузиб, ёзинг.

Ўқиган эдим, терган эдик, борган эдилар, олган эдингиз, эккан эдингиз, сўраган эди.

68-машк. Гапларни кўчиринг, ўтган замон феълларини топинг, остига чизинг. Ясалишини тушунтиринг.

1. Улуғ Пушкин Украинани билар ва севар эди. Унинг қишлоқларидан завкланар эди.
2. Ёмғир тўхтади, ҳаво бир зумда чарақлаб очилиб кетди. (Ч.А.)
3. Беш-олти йилдирки, дўкон Авазга қолган. (С. С.)
4. Мен сизни фақат уста пахтакор, деб билар эдим. (З. Фат.)
5. Шогирдимни Бешсеркага юбориб эдим. (А. Қ.)
6. Юпка ой нурига ўралган шохчалар кузнинг салқин нафасидан енгил титрайди. (О.)

7. Обод бўлур яна ўлка,

Нурга тўлур чўлу тоғ. (Қ.Х.)

69-машк. Қуйида берилган ўтган замон феъллари иштирокида биттадан гап тузинг ва ёзинг.

Борар эдик, тинглар эдингиз, ёрдам берар эдим, терар эдик, айтар эдингиз, сўраб турардингиз, ёзарди, кечди.

70-машк. Кўчиринг. Ажратиб кўрсатилган феълларни шахс-сон кўшимчалари билан тусланг.

1. Кўрикнинг ҳар томонида одамлар кўринар эди. (С.З.)
2. Дарёнинг кўпригига қараб йўл олдим. Борсам, дарё тошиб,

кўприкни сув олиб кетибди. (Эрт.) 3. Очиқ деразадан ғириллаб баҳор нафаси кирар эди. (П.Қ.) 4. Шаҳзода бир зумгина ўйланиб қолибди. (Эрт.) 5. Ҳаводан мағорланган япроқ хиди анкир эди. (М.Қ.) 6. Хаёл суриб, оёғимни артмасдан кирибман. (А.Қ.) 7. Қудратжон ўз кишлоғига қайтиб кетди. (Х.Н.) 8. Кўчқор туман марказига кетганича қайтиб келмади. (С.Анб.)

71-машқ. Кўчиринг. Ўтган замон давом, ўтган замон ҳикоя феълларини топиб, ҳосил бўлишичи тушунтиринг.

1. Очиқ деразадан ғириллаб баҳор нафаси кирарди. (С.Аҳм.) 2. Пойтахтимизда кўп қаватли бинолар қад кўтарган эди. 3. Тошбақа Ироқдин Ҳижозга борур эди. (Гулханий) 4. Мен бўлсам, уялганимдан ерга тушиб кетар эдим. (М.Г.) 5. Ҳаммалари хайрлашиб, ўз мамлакатларига жўнадилар. (Эрт.) 6. Айб сенда эмаслигини яхши билардим. (Р.Жаб.) 7. Гап мавзудан мавзуга кўчар эди. (А.Қ.) 8. От негадир тихирлик қилиб, юрмай туриб қолди. (С.Аҳм.)

72-машқ. Нукталар ўрнига ўтган замон феълларидан мосини қўйиб ёзинг.

1. Иш куни соат саккизда 2. Дарахтлар баҳорда 3. Мевалар ёзда 4. Пахталар кузда 5. Қишда қуллар 6. Ниҳола эккан гуллар 7. Бу дарахтларни синфимиз ўқувчилари 8. Боғдан салқин жой кидириб четроққа (С.З.) 9. Йиллар Дилдорнинг ҳуснини яна қамолга (О.)

73-машқ. Ўқинг. Матндан фойдаланиб шифобахш мевалар ҳақида баён ёзинг.

ГИЛОС

Гилос- раъногулдошларга мансуб, данак мевали ўсимлик. Дарахтнинг бўйи 15-20 метргача бориши мумкин. Барглари оддий, тухумсимон. Гуллари оқ, пушти рангда. Бизнинг ўлкамизда гилос март ойининг охири, апрель ойида гуллайди, меваси навига қараб май-июнда пишadi. Мевасининг оғирлиги 2,5 граммдан 10 грамм гача бўлиши мумкин.

Гилос Ўзбекистоннинг барча районларида ўстирилади. Унинг мевалари татимли ва шифобахшлиги билан кадрланади.

Республикамызда ўсадиган гилос навларининг мевалари таркибида 19,2% қанд, 1,3% органик кислоталар бор. Шунингдек В1, В2, С, каротишлар билан бир қаторда калий, кальций, магний, фосфор, темир тузлари мавжуд. Гилос мевасида 0,2% ошловчи модда ҳам бор. Гилос мевасининг уруғида 30% га қадар мой мавжуд. У техник мақсадлар учун жуда керакли маҳсулот ҳисобланади. Бундан ташқари мева уруғида 1% гача эфир мойи мавжуд бўлиб, ундан парфюмерия саноатида ва ликер ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Гилос дарахти кўп миқдорда елим ажратади. Бу елимдан тўқимачилик саноатида газламаларга жило беришда фойдаланилади. Гилоснинг тана ва илдиз пўстлоқларида 7-10% гача танид моддалари бўлиб, улар тери ошлашда керак бўладиган зарур омиллардан ҳисобланади.

Халқ табобатчилигида гилос қувват бағишловчи неъмат сифатида тавсия этилади, гулидан бод касаллигини даволашда фойдаланилади. Ҳақиқатдан ҳам гилос гуллари ўз таркибида салицил кислотасини сақлайди. Маълумки, бу модда ревматизмни даволашда илмий медицинада кенг кўламда ишлатилади.

Илмий медицинада гилосни камқонлик (гипохромная анемия) касаллигида истеъмол қилиш тавсия қилинади. Чунки гилос таркибида салмокли миқдорда темир моддаси бор.

Гилос меваларидан пиширилган мураббо ва шарбатлар жуда мазали бўлиб, уларни уй шароитида ҳам тайёрласа бўлади. Гилоснинг бир неча нави мавжуд.

(«Шифобахш неъматлардан»)

Ёдда сақланг.

Жадвалини чизиб олинг ва ўтган замон феълининг ҳар бир гурига мисол айттинг.



Топшириқ. Гапларни кўчириг. Ҳозирги замон феълени топиб, остига чизинг ва англатган маъносини изоҳланг.

1. Чимларнинг майсасига аста окиб тушаётган сув эгатларга жилдираб окмоқда. (Ҳ.Нўмон) 2. Мана, Қабис мазор ёнидан ўтиб боряпман. (Н.С.) 3. Уфққа туташган яхлит майдон кузда шудгор қилинган, қуёш тафтида кўпчиб ётибди. (Ҳ.Нўмон) 4. Табибий, Аваз ва Чокар битта товоқдан ош емоқда. 5. Бир жойда туриб тузуккина гаплашмаётганимиздан ҳайрон бўляпман. (С.Аҳм.) 6. Қирғизистон халқи янги иқтисодий ривожланиш даврига кириб бораётир. 7. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрки йил сайин ўзгармоқда.

Нутқ сўзланиб турган пайтда бажарилаётган ёки бажарилмаётган иш-ҳаракатни ифодалайдиган феъл ҳозирги замон феъли дейлади. Ҳозирги замон феъллари нима қилаётир?, нима қиляпти?, нима қилмоқда? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади. Масалан: *Сен ёшлик қиляпсан, ўз ишинг қолиб, бирокларнинг ишини қиляпсан. Ёруғ хонада йиғирма чоғли ўқувчи тўп-тўп бўлиб гаплашмоқда.*

Ҳозирги замон феъллари феъл ўзак-негизига **-яп, -ётир, -аётир, -моқда** кўшимчаларини кўшиб кейин шахсон кўшимчаларини келтириш билан ҳосил қилинади.

Ҳозирги замон феъли маъно жиҳатидан икки турга бўлинади:

1. Ҳозирги замон давом феъли.
2. Ҳозирги - келаси замон феъли.

13-§. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ДАВОМ ФЕЪЛИ

Топшириқни бажаринг.

Кўчириг. Гаплардан ҳозирги замон давом феълларини топинг.

1. Кеч куз. Олтиндек сап-сарик барглар дарахт шохларидан чирт-чирт узилиб ерга тушмоқда. (Ё.Ш.) 2. Кечирасиз, бугун кўнглим одам хохлаб қолди. Гаплашгим келяпти. Гаплашиб, кўнглимни ёзгим келяпти. (С.Аҳм.) 3. Полвон Қайсарнинг

кўшинига бир алп йигит ўзини уриб бораётир. (Э.Ж.) 4. Одамлар яхши истаклар билан ётоқхонадан чиқиб келмоқдалар, («Саодат»дан) 5. Хўжайин бўлгандан кейин ўз хўжалигининг кам-кертиги, унинг ривожи тўғрисида ўйлайди, жон куйдиради, маслаҳат олади. (Х.Ф.)

6. У келади, албат, қошингга,
Элга шодлик олиб келади. (Х.О.)

Иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтда аниқ давом этиб турганини англатувчи феъллар ҳозирги замон давом феъли дейилади.

Ҳозирги замон давом феъли феъл ўзак-негизларига *-яп, -ётир, ётиб, -моқда* кўшимчаларини кўшиб, ундан сўнг шахс-сон кўшимчаларини келтириш билан ҳосил қилинади. Масалан: *Эрта баҳор қуёши эрта ёғиб ўтган ёмғирнинг намини тортиб олаётир. (Ш.С.) Ефим тоға сизларга тансиқ бир овқат пиширяпти. (А.Мухт.)*

Ҳозирги замон давом феълнинг тусланиши

Шахслар	Бирлик	Кўплик
I шахс	ёзаяпман ёзаётибман ёзаётирман ёзмоқдаман	ёзаяпмиз ёзаётибмиз ёзаётирмиз ёзмоқдамиз
II шахс	ёзаяпсан ёзаётибсан ёзаётирсан ёзмоқдасан	ёзаяпсиз ёзаётибсиз ёзаётирсиз ёзмоқдасиз
III шахс	ёзаяпти ёзаётибди ёзаётир ёзмоқда	ёзаяптилар ёзаётибди(лар) ёзаётирлар(лар) ёзмоқда(лар)

74-машқ. Нукталар ўрнига ҳозирги замон давом феълдан мосини кўйиб кўчиринг.

1. Ана ҳозир сойда ишлаётганлар ранг-баранг бўлиб кўзга... . (О.)
2. Отанг боғда (Х.Ф.)
3. Биз мана бир бутун қувватни тўплаб,
Шу олий жаҳонни... . (F.F.)
4. Қуёш-ку фалакда сузиб... . (А.О.)
5. Ҳарсанглар тағидан

тип-тиниқ булоқ виқир -виқир қайнаб (Ч.А.) 6. Лутфулла шариллаб қуяётган ёмғирга ҳамон завқ билан тикилиб (Мирм.)

Кўйиш учун сўзлар: *чиқмоқда, юрибди, қураёттирмиз, қўришмоқда, ишлаяптилар, турарди.*

75-машқ. Нукталар ўрнига ҳозирги замон давом феъли ҳосил қилувчи қўшимчалардан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Эскилик янгиликдан енгилиб қол (С.Аҳм.) 2. Ой уфқдан салгина юқорида хира нур соч ... (А.Қ.) 3. Янги иморатта пойдевор қур (Ч.А.) 4. Аччиқ мастава қил ..., бир коса ичсангиз бўлади. (А.Қ.) 5. Қушлар шохдан - шохга сакрашиб қувноқ сайраш

76-машқ. *Ўйламоқда, бормоқда, олмоқда, ёзмоқда, келмоқда, айтмоқда* феълларини тусланиш қондасига таяниб тусланг.

Намуна:

Шахслар	Бирлик	Кўплик
I шахс	бормоқдаман	бормоқдамиз
II шахс	бормоқдасан	бормоқдасиз
III шахс	бормоқда	бормоқда(лар)

77-машқ. *Эслаяпти, айтаёттир, ётибди, ўсмоқда, ўқиёттир* каби ҳозирги замон давом феъллари иштирок этган 6 та гап тузинг ва ёзинг.

78-машқ. *Кўрсатмоқ, оқмоқ, тўқимоқ, ҳисобламоқ, айтмоқ, бермоқ* феълларини тусланг.

79-машқ. Шахс ва предметларнинг доимий ҳаракатини билдирувчи феълларга мисоллар топинг ва улар иштирокида 6 та гап тузинг.

80-машқ. Ўқинг. Ҳозирги замон давом феълларини топиб, турини аниқланг.

1. Она табиат уйғониб, бутун олам яшил либос киймоқда. (Х.Н.) 2. Россияга ёғоч кесиш бригадасига бошлиқ бўлиб кетяпман. (Ш.) 3. Секин-секин қадам босиб, чакалак ичидаги йўлдан келаёттирман. (Н.С.) 4. Осмонда юлдузлар чарақлаб, ойдин кечанинг чиройини оширмоқда. (Ҳ.Нўъмон) 5. Ҳозир бойнинг ерини хайдаб келаёттирман. (С. Аҳм.)

81-машк. - *ял*, - *моқда*, - *ётир*, -*ётиб*, -*япти* қўшимчалари ҳамда тусловчи қўшимчаларни бириктириш йўли билан ҳозирги замон феъллари ясанг.

14 §. ҲОЗИРГИ - КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИ

Топширикни бажаринг.

Ғапларни кўчиринг. Феълларни тоғиб, остига чизинг ва англагган маъносини тушунтиринг.

1. Мана булар ажойиб ҳунар эгалари бўлиб ўсмоқда. (Ибоҳон)
2. Бунинг устига улар эркаклардан ҳеч қолишмай ишлашяпти. (Ч.А.)
3. Қовунни қаёққа олиб кетяпсизлар? (С.Аҳм.)
4. Буни кўриб Ойсулув қайтмай қилич солиб бораётир. (Достондан)
5. Кетяпман. Шошилмай ўз тақдирларим, қилмишларим ҳақида ўйлаб боряпман.
6. Ўсмоқдамиз биз ёш авлод, бўлиб содиқ фарзанд она-Ватанга. (Э.Р.)

Нутқ сўзланиб турган пайтда ва ундан кейин бўладиган иш-ҳаракатнинг давом этишини билдирган феъллар ҳозирги - келаси замон феъли дейилади.

Ҳозирги - келаси замон феъли *-а* ёки *-й* қўшимчаси билан ясалган равишдошга шахс-сон қўшимчаларини қўшиш билан ясалади. Масалан: *сўрайман*, *айтаман*, *айтасан*, *сўраймиз*, *сўрайсиз*, *айтади*, *айтади(лар)*.

Ҳозирги-келаси замон феълнинг тусланиши

Шахслар	Бирлик	Кўплик
I шахс	кел-а-ман, ўқи-й-ман	кел-а-миз, ўқи-й-миз
II шахс	кел-а-сан, ўқи-й-сан	кел-а-сиз, ўқи-й-сиз
III шахс	кел-а-ди, ўқи-й-ди	кел-а-ди-лар, ўқи-й-ди-лар

Эслатма: *-й* товуши билан тугаган (*ёй*, *тўй*, *кий* сингари) феъл негизига *-а* равишдош қўшимчаси қўшилганда *-й*, *-а* ўрнига *-я* ёзилади; *кий* – *кияман*, *тўй* – *тўяди*.

82-машқ. Кўчиринг. Ҳозирги - келаси замон феълларини топинг ва остига чизинг.


1. Мана, энди улар Қосимжон билан бирга қаровсиз қолган ерларга жон киритмоқдалар. (Ч.А.) 2. Қуш учади. Одам гапиреди. Балик сувда яшайди. От кишнайди. 3. Теваракдаги одамларнинг шовкин-суронлари ва сайроқи кушларнинг овозлари янграмоқда.

4. Тошбақа билди, деди: – Феъли ёмон,
Не ҳаракатлар қиласан бу замон. (Х.Ҳ.)

5. Кўзим изингга, қулоғим товушингга зор бўлиб ўтирибман. (С.Аҳм.) 6. Қадр - қимматингни туширманглар, бўтам. Яна танангизга ўйлаб кўрасиз. (Ж.Абд.)

Ёдда сақланг.

Жадвални чизиб олинг ва ҳозирги замон феълнинг ҳар бир турига мисол айтинг.



13-8. КЕЛАСИ ЗАМОН ФЕЪЛИ

Топшириқни бажаринг.

I. Кўчиринг. Келаси замон феълларини топинг ва остига чизинг.

1. Санобар мусиқага қизиқар ва мусиқа асбобларини чалишни орзу қиларди. (С.З.) 2. Вокзалга поезд кириб келиш вақти яқинлашмоқда. (И.Р.) 3. Баҳорда ҳовлимизга райҳон, чиннигул, гултожихўроз ва бошқа ҳар хил гуллар экамиз. Бу гуллар кишининг баҳри-дилини очади. 4. Тўрт болангни ўзим елкамга кўтараман, ўзим катта қиламан. (Х.Ҳ.)

5. Обод бўлур яна ўлка.

Нурга тўлур чўлу тоғ. (Қ.Ҳикмат)

6. Биз ёзги таътилда болалар оромгоҳига борадиганмиз.
7. Ўқувчи кизлардан тўқувчи кизлар қилмоқчимиз. (И.Р.)

II. Қуйидаги ҳаракатни билдирган сўзларни ўзак, негиз ва кўшимчаларга ажратинг.

Қизиқар, қиларди, яқинлашмоқда, экамиз, очади, яшаяжак, бўлур, тўлур.

Иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан кейин бўлиши ёки бўлмаслигини аниқлаган феъллар келаси замон феъли дейилади.

Келаси замон феъли маъно жиҳатдан икки хил бўлади:

1. Келаси замон мақсад феъли.
2. Келаси замон гумон феъли.

16-§. КЕЛАСИ ЗАМОН МАҚСАД ФЕЪЛИ

Нутқ сўзланиб турган пайтдан кейин бажарилиши мақсад қилиб олинган иш-ҳаракатни ифодаловчи феъллар келаси замон мақсад феъли дейилади.

1. Келаси замон мақсад феъли феъл ўзак-негизига **-моқчи, -диган** кўшимчаларини кўшиш билан ҳосил қилинади: *бормоқчиман, айтмоқчисан, келмоқчи, ёзадиганман, ёзадигансан, ёзадиган. Бу киши Маърифат опанинг жойини зиёрат қилмоқчи.* (А.Қ.)

2. **-моқчи** кўшимчаси билан эди тўлиқсиз феълнинг бирикиши орқали: *Ҳокимжон ўн икки кунлик дам олишга бормоқчи эди.* (А. Қ.)

3. Феъл негизларига **-диган** кўшимчасини ва ундан кейин шахс-сон кўшимчаларини кўшиш билан: *Ахир, мен ҳам олийгоҳга кирадиганман.*

Келаси замон мақсад феълнинг тусланиши

Шахслар	Бирлик	Кўплик
I шахс	кел - моқчи - ман, сўра - моқчи эдим	кел - моқчи - миз, сўра - моқчи эди - к
II шахс	кел - моқчи - сан, сўра - моқчи эди - нг	кел - моқчи - сиз, сўра - моқчи эди - нгиз
III шахс	кел - моқчи, сўра - моқчи эди	кел - моқчи - (лар), сўра - моқчи эди - (лар)

Эслатма: Келаси замон феълнинг **-жак** шакли ҳам бор. Масалан: *бор - а- жак, кел - а- жак, ўқи - я - жак, (ўқи - й - жак; -й, -а ўрнига -я ёзилади.)*

83-машк. Ўқинг. Келаси замон феълларини топиб, маъно жиҳатидан турини ва фарқини тушунтиринг. Ажратиб кўрсатилган феълларни тусланг.

1. Эртага Ботиралининг онасига жамоадан егулик олиб **борадиганман**. (Х.Ғ.) 2. Йўқ, бу ўлим эмас, бизнинг юрагимиз – халқимиз юрагида абадий **туражакдир**. (О.) 3. Ақлли кишиларнинг ўғиллари устидан қилган ишлари, албатта, номақбул бўлмас. (А.Қод.) 4. Муқаддас вазифа этилур адо. (У.) 5. Сен билан очикчасига **гаплашмоқчиман**, қизим. (Ж.Абд.)

6. Ипагим толим - толим,

Яшнар чамандай доим. (З.)

84-машк. Нукталар ўрнига каве ичида берилган қўшимчалардан мўсини кўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Ёмғир шиббалаб ёғ... (-моқда, -р, -ар). (Х.Ғ.) 2. Қумри хола ўзининг меҳнаткаш, жафокаш кўлларини сила... (-яп, -моқда, -ёт). (С.Аҳм.) 3. Саида ён дафтарчасига бир нима ёз... (-моқ, -моқда, -ар). (А.Қ.) 4. Осмонда юлдузлар чакна... (-й, -ар, -моқда). (С.Ш.) 5. Бу йил синфимиз ўқувчилари Арслонбобга бор... (-моқчи, -моқда, -ар)

6. Дуторни энг яхши чал... (-ар, -арди, -рди) эди у.

Каштага баҳорни ёй... (-яр, -ярди, -рди) эди у. (О.)

85-машк. *Келдим, айтганман, айтган эди, борар эди, келибсиз, бораман* феъллари иштирокида 6 та гап ёзинг ва замонини аниқланг.

86-машк. Берилган гаплардан феълларни топиб, остига чизинг ва замонини устига ёзинг.

1. Ўзим кўрдим, тош чап елкасига тушибди. (М.И.) 2. Узоқдан адирларнинг, сойларнинг бағрида кўланкалар тентирарди. (О.) 3. Чинор тепасидаги уяда лайлак ҳали ҳам бир оёқлаб турибди. (С.Аҳм.) 4. Саодатхоннинг назарида машина жуда секин кегаётганга ўхшарди. (С.З.) 5. Олисда кумушдек товланиб дарё оқарди. (Ў.У.)

6. Сен бормасанг, баҳор бўлмайди,

Очилмайди боғларда гуллар. (Х.О.)

87-машк. -р, -ар, -ур, -моқчи, -моқчи эди, -диган, -жас қўшимчалари иштирокида келаси замон феъллари ҳосил қилинг ва шаҳе-сонда тусланг.

17- §. КЕЛАСИ ЗАМОН ГУМОН ФЕЪЛИ

Иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайдан кейин бажарилиш ёки бажарилмаслигининг тахмин қиливишини билдирган феъл келаси замон гумон феъли дейилади.

Келаси замон гумон феъли *-р, -ар* қўшимчаси билан ясалган сифатдошга тегишли шахс-сон қўшимчаларини кўшиш билан ясалади.

Келаси замон гумон феълининг тусланиши

Шахслар	Бирлик	Кўплик
I шахс	ўки-р-ман, айт-ар-ман	ўки-р-миз, айт-ар-миз
II шахс	ўки-р-сан, айт-ар-сан	ўки-р-сиз, айт-ар-сиз
III шахс	ўки-р, айт-ар	ўки-р-(лар), айт-ар-(лар)

88-машқ. Нукталар ўрнига *-р, -ар, -ур, -мас* қўшимчаларидан мосини кўйиб кўчиринг ва шу феълларнинг маъносини айтиб бering.

1. Онанг шўрлик бўлганда, боши осмонга ет... ди. (Ё.Ш.)
2. Насиб бўлса хали неча кел...ман,
Ҳар келганда аввал сени кўр...ман. (Фольклор)
3. Оз - оз ўрганиб доно бўл...
Қатра - қатра йиғилиб дарё бўл... (А.Н.)
4. Сен бўлмасанг, ҳеч иш кел... кўлимдан,
Кўзларимнинг нури бўлган дўмбирам. (Э.Ж.)
5. Янчир зулматни нур, албатта, шаксиз. (И.Султон)
6. Меҳнатдан дўст орт..., гийбатдан душман орт... (М.)

89-машқ. *Ўқимоқ, ишламоқ, бормоқ, ўйнамоқ, айтмоқ, сўрамоқ* феълларидан келаси замон феъллари ясаб, шахс-сон қўшимчалари билан тусланг.

Намуна: *ёзмоқ – ёзар, ёзарман...*

90-машқ. Кўчиринг. Гаплардан келаси замон гумон феълларини топинг ва ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг остига чизинг.

1. Бахил эҳсондан қочар, хасис меҳмондан. (М.)
2. Баҳор келиб, қор кетмаса,
Гул очилиб, яшнамас. (Яшин)
3. Шогирд канча мохир бўлса, қувонар устод. (F.F.)

4. Тушлик овкатдан сўнг отланарсан. (М. Аvezов) 5. Она табиат уйғониб, бутун олам яшил либос киймоқда. (Газ.) 6. Икки йилни тишимни тишимга кўйиб тамомлаб келяпман. (С.Аҳм.) 7. Бўтабой катта йўлга етганда отдан тушди. (С.Аҳм.)

91-машқ. Ўзингиз ўқиган (шеърый ёки насрий) бадий асардан ҳозирги замон ва келаси замон феълларининг ҳар бирига 4 тадан гап топиб дафтарингизга ёзинг.

БІЛІНБ ҚЎЙ АН ЯХШІ

Расмий – идоровий иш қоғозлари ҳақида

Ижтимоий ҳаётда иш қоғозларининг ўрни ва аҳамияти катта. Ҳар бир мутахассис, қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар, ишлаб чиқаришда мустақил фаолият бошлар экан, албатта, иш қоғозларига дуч келади, уларни тузиш борасида зарур билим ва малака кераклигини сезади. Буни жамият тараққиёти талаб қилади.

Маълумки, ҳужжатлар хилма-хил ва миқдори жуда кўп. Ҳужжатларнинг мақсади, йўналиши, ҳажми, шакли ва бошқа бир қатор сифатлари ҳам турличадир.

Ариза, таржиман ҳол, тавсифнома, тавсиянома, далолатнома, мажлис баёни, таклифнома, тилхат, эълон, маълумотнома сингари иш қоғозлари расмий – идоровий ҳужжатлардир. Юқоридаги иш қоғозлари содда ва мураккаб кўринишларга эга.

Мақтаб ўқувчиларига юқоридаги иш қоғозларини тўлғазиш малакаларини 6-7-синфлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Сиз 6-синфда таклифнома, ариза каби иш қоғозларини қандай ёзиш қоғозларини билиб олдингиз. 7-синфда ҳам расмий иш қоғозларининг бир неча турини тўғри ёзиш қоғозлари билан танишасиз.

Таржиман ҳол ёзиш

Таржиман ҳол маълум бир шахс томонидан ўз шахсий ҳаёти ва фаолияти ҳақида баён қилинадиган ахборот бўлиб, у она тили машғулотларида нутқ ўстиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Таржиман ҳол матни эркин (ихтиёрий) тузилади, лекин унда айрим зарурий қисмлар бўлиши шарт. Жумладан, матнда муаллиф (ўқувчи) фамилияси ва отасининг исми, туғилган вақти

ва жойи, ота-онаси ҳақида маълумот, мактабгача қаерда тарбияланганлиги, қачон мактабга келганлиги, қайси фанларга қизиқиши, жамоат ишларида иштироки, олган мукофот ва рағбатлантиришлари, турар жойи қабилар қайд этилади.

Таржиман ҳол

Мен, Ўрмонов Мир Алишер Бобуржонович, 1982 йил 7 августда Жалолобод вилояти Сузоқ туманидаги Янгиер қишлоғида зиёлилар оиласида туғилганман. Отам – Ўрмонов Бобуржон – муҳандис. У Жалолобод шаҳридаги ип йиғириш фабрикасида ишлайди. Онам – Каримова Насибахон Раимжоновна математика ўқитувчиси, Янгиер қишлоғидаги 19-ўрта мактабда ишлайди. Мен 1988 йил 1 сентябрида Жалолобод шаҳридаги академик Қодир Зокиров номи 2-ўрта мактабнинг 1-синфига ўқишга қабул қилиндим. 1999 йили мазкур мактабни аъло баҳолар билан тамомладим. Шу йили Жалолобод Давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирдим. 2004 йили мазкур олийгоҳни тамомладим. Олийгоҳда ўқиган кезларимда факультетда фаолият кўрсатаётган «Ёш қаламкашлар» тўғарагига раҳбарлик қилдим.

Оиламизда икки укам бор. Улар ўрта мактабнинг юқори синфларида ўқишади.

Мен иш фаолиятимни Жалолобод шаҳридаги академик Қодир Зокиров номи 2-ўрта мактабда бошладим.

Менинг яшаш манзилим: Жалолобод вилояти Сузоқ тумани Янгиер қишлоғи.

23.12.08 йил

Ёдда сақланг

Жадвални чизиб олинг ва келаси замон феълининг ҳар бир турига мисол айтинг.



Саволларга жавоб бериш

1. Ўтган замон феъли қандай ҳосил бўлади?
2. Ҳозирги замон феълнинг ҳосил қилиш йўллари айтинг.
3. Келаси замон феъли - чи?
4. Феълларнинг ҳар уч замонига мисол келтиринг.

ФЕЪЛ НИСБАТЛАРИ

Топшириқни бажаринг.

I. Ўқинг. Гаплардан иш-ҳаракат билан унинг бажарувчиси орасидаги муносабатни аниқланг.

1. Ҳақиқатнинг тантана қилишини ҳамма билади. 2. Кўп ўқиган киши доно бўлади. (М.) 3. Навоий сеҳрли садоларга берилди. (О.) 4. Шаҳримиз марказига кўркем бинолар қурилди. 5. Болалар рухсат сўрашди ва ичкари киришди. 6. Она боласининг қорнини тўйдирди ва ухлатди.

II. Гаплардаги ҳар бир феълнинг маъносига ва таркибига диққат қилинг.

Билади, бўлади феълларида замонни кўрсатувчи *-ди* кўшимчасидан бошқа кўшимча йўқ; аммо *берилди* феъли *бермоқ* феълидан; *қурилди* феъли *қурмоқ* феълидан; *сўрашди, киришди* феъллари *сўримоқ, кирмоқ* феълларидан; *тўйдирди, ухлатди* феъллари эса *тўймоқ, ухламоқ* феълларидан *-ил, -ш, -иш, -дир, -т* кўшимчалари ёрдамида ҳосил бўлиб, бу феъллар ўзи ҳосил бўлган феъллардан маъно жиҳатдан фарқ қилади.

Феъл нисбатлари иш-ҳаракат билан унинг бажарувчиси ўртасидаги муносабатнинг ифодаланишини билдиради.

Ўзбек тилида феълнинг бешта нисбати бор:

1. Аниқ нисбат.
2. Ўзлик нисбат.
3. Мажхул нисбат.
4. Биргалик нисбат.
5. Орттирма нисбат.

18- §. АНИҚ НИСБАТ

Аниқ нисбатнинг махсус феъл нисбати ҳосил қилувчи кўшимчаси йўқ. Масалан: *Насиба шеър ёзди. Онам мактабда ишлайди.*

92-машқ. Кўчиринг. Аниқ нисбатдаги феълларни топинг, остига чизинг.

1. Чўл бобо боғдан бир этак олма олиб чикди. (Ҳ.Б.)
2. Меҳнатга куюк меҳр боғлаган инсон доимо бахтли бўлади. (М.Исм.)
3. Мен ундан сўрадим: «Меҳрингни қўйиб, шунчалар саралаб гул тердинг кимга?» (F.F.)
4. Элга қўшилган оройиш топади. (М.)
5. Яқинда мактабимизга машҳур адиб Турсунбой Адашбоев келди.

6. Жилғаларга тушди ҳаяжон,
Юр, ўртоқжон, уйғонар жаҳон. (Э.В.)

93-машқ. *Билди, кўрди, сўради, қолди, айтди, қайтди* сингари аниқ нисбатдаги феъллар иштирок этган 6 та гап тузинг ва дафтарингизга ёзинг.

19- §. ЎЗЛИК НИСБАТ

Тошшириқли бажаринг.

I. Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган феълларнинг ўзак ва кўшимчаларини аниқланг.

II. Бу феъллар ўзакка қайси кўшимчаларни қўшиш билан ҳосил бўлган?

1. Элмурод *ювинди, таринди* сўнг айвондаги сўрига келиб *ўтирди*. (П.Т.)
2. Ойбек болалик йилларини Тошкентда *ўтказди*.
3. Кумушнинг кўз олди қоронғилашиб, аста *йиқилди*.
4. Анвар жавобни ўқиб, *завқланди*. (А. Қод.)

Иш-ҳаракатнинг бошқа предметга ўтмай, бажарувчи шахснинг ўзида қолганлигини билдирган феъл феълнинг ўзлик нисбати дейилади. Масалан: *Аваз ҳазил қилиб қутулшига уринди.* (П.Қ.)

Ўзлик нисбатдаги феъл куйидагича ҳосил қилинади:

1. Феъл ўзак-негизига *-и, (-ин), -л, (-ил)*

кўшимчаларини кўшиш орқали: *Куёш тоғлар орқасига яширинди. Болалар дарёда чўмилди.*

2. **-лан** кўшимчаси орқали: *Биз ота юртимиз билан фахрланамиз.*

3. **-ш** кўшимчаси орқали: *Насиба истамайгина сўрашди.*

94-машқ. Кўчиринг. Ўзлик нисбатдаги феълларни топиб, остига чизинг, ҳосил бўлишини тушунтиринг.

1. Сиддикжон чуқур хўрсинди. (А.Қ.) 2. Белгиланган тадбирлар ҳаммаси амалга оширилди. (С.Н.) 3. Бахтиёр муздек сувда яхшилаб ювинди. 4. Мунисхон бирданига орқасига тисарилди. 5. Ўтлар орасидаги чумчуқлар чуғурлашади. 6. Йигит шу сўзни айтишга айтди-ю, кўзини олиб қочишга жой тополмай қийналди. (П.Қ.)

95-машқ. **-л, -ил, -н, -ин, -лан, -ш** кўшимчалари билан ясалган ўзлик нисбат феъллар иштирокида 6 та гап тузинг ва англаган маъноларини изоҳланг.

96-машқ. Кўчиринг. Нукталар ўрнига керакли ясовчи кўшимчаларни кўйиб, ўзлик нисбатдаги феъл ҳосил қилинг.

1. Узоқдан старшинанинг гулдирарган овози эшит... . (А.Қ.)
2. Саида ариқ сувида юв... . 3. Саида автобус бекатида Аъзамжон билан учра... . (А.Қ.) 4. Жамила тракторга хомушгина яқинла... .
5. Абубакир зерикиб эснади, кўлларини кирсиллатиб кер... . (Ч.А.)

97-машқ. Шеърини ўқинг. Феълларни топиб, шахс-сонини тушунтиринг.

ҚУШЛАР БАЙРАМИ

Бўлди қушлар байрами,
Баҳор чоғи – таътилда.
Шартга кўра ҳар бола,
Сўзлади қуш тилида.

Қушларга хос кийиниб,
Рақсга тушиб яйрашди.
Анвар – булбул, Нор – қарға,
Басма - басга сайрашди.

Дам олмасдан қирк қушининг
Номин айтди Боймирза,
Қушлар номин яширган
Жадвал тузди Оймирза.

Дарахтларга илдилар
Қушлар инин яшашиб.
Раҳмат десин дўстларга,
Тинч, осуда яшашиб.

Қурбон Жўра

20- §. МАЖХУЛ НИСБАТ

Топширикни бажаринг.

I. Ўқинг.

Санади	Саналди
Тозалади	Тозаланди
Таради	Таралди
Олди	Олинди
Солди	Солинди

II. 1- устундаги феълларнинг 2- устундаги феъллардан фарқини тушунтиринг.

III. Берилган феълларнинг ўзак-негизи қайси товушлар билан тугаганини аниқланг.

Иш-ҳаракатнинг бирор номаълум шахс томонидан бажарилишини англатган феъл мажхул нисбатдаги феъл дейилади. Масалан: *Сув сепилди. Қарор ўқилди.*

Мажхул нисбатдаги феъллар *-л -ил, -и, -ин;* кўшимчаларини қўшиш билан ҳосил қилинади. Масалан: *Қўйлар саналди. Топшириқ олинди. Чора кўрилди.*

Ўзлик ва мажхул нисбат ҳосил қилувчи кўшимчалар ўзаро омонимдир. Улар ёрдамида айни бир феълдан ўзлик ва мажхул нисбат феълларини ҳосил қилиш мумкин. Масалан, қиёсланг: *Гуларо онасининг бўйнига осилди. Қишга сақланадиган узумлар шифтга осилди.*

98-машқ. Кўчиринг. Мажхул нисбатдаги феълларни топиб, остига чизинг.

1. Топинг: газлаб олинмас, пудлаб сотилмас, пулга топилмас, савдо қилинмас, ҳар кимда бирдан ортик бўлмас, кўзга кўринмас, кўлга илинмас, исми «А» билан бошланади, бир сакраб «Л» билан тугайди, ақл билан топилади, бир сўз билан айтилади, номи айрим терилган, жавоби ҳам берилган. (Топишмоқ) 2. Аваз хавотирланиб, ортига ўгирилди. 3. Шоҳона дастурхон ёзилди. (С.С.) 4. Ўрнатилди жиҳозлар, дарпардалар қокилди, сўнг Пулат янги уйни тоза томоша қилди. (А. Мухт.) 5. Керакли тўнлар, қийиқлар ажратилди, саналди. 6. Кўприқдан ўтилди ва маррага етиб келинди. (М. Исм.)

99-машқ. Кўчиринг. Гаплардан мажхул нисбатдаги феълни топиб, остига чизинг ва қайси кўшимча билан ҳосил қилинганини изоҳланг.

1. Республикамизда истиқлолдан кейин ободонлаштириш ишлари жонлантирилди. 2. Кўшин орқага қайтарилди. (Л.Б.) 3. Кўчага асфальт ётқизилди. 4. Корхона ўз вақтида ишга туширилди. 5. Мевалар қуритилиб, қутиларга жойлаштирилди. 6. Бу идиш тоза, ҳозир чайқалди.

100-машқ. Берилган гап жуфтларидан феълнинг ўзлик ёки мажхул нисбат шаклда келганлигини аниқланг.

1. Гуллар тез очилди. Сир тафтишчилар томонидан тез очилди. 2. Дехқонларнинг фидокорона меҳнати туфайли ерлар ўз вақтида экишга тайёрланди. Меҳриноз мунозарага тайёрланди. 3. Чикиндилар ахлатга ташланди. Ботир ёвга арслондек ташланди.

Топшириқни бажаринг.

I. Расмларни кузатинг. Савол беринг.

II. Ўқинг. Бу гаплар орасида маъно фарқи борми, изоҳланг.



1. Ўқувчилар ҳикояни мириқиб тингладилар.
2. Қизлар меваларни тез-тез тердилар.
3. Болалар ўқитувчидан Мужрим Обид ҳақида сўрадилар.
4. Боғда қушлар баланд овоз билан сайрадилар.

1. Ўқувчилар ҳикояни мириқиб тинглашди.
2. Қизлар меваларни тез-тез теришди.
3. Болалар ўқитувчидан Мужрим Обид ҳақида сўрашди.
4. Боғда қушлар баланд овоз билан сайрашди.

Иш-ҳаракатнинг бир неча шахс ёки предмет томонидан бажарилганлигини билдирган феъл биргалик нисбатдаги феъл дейилади.

Масалан: *Дўстларим мен билан хайрлашишди. Икки дўст қувонч билан кўришдилар.*

Биргалик нисбатидаги феъллар феъл ўзак-негизига *-и (-иш)* кўшимчасини кўшиш билан ясалади. Масалан: *Чойхонадаги одамлар ҳанг-манг бўлиб қолишди. (А.Қ.) Ҳаммалари теварак стол атрофини эгаллашди. (Ё.Ш.) Ўқувчилар мактаб ҳовлисига йигилишди.*

101-машқ. Кўчиринг. Гаплардан биргалик нисбатдаги феълларни топиб, тагига чизинг ва ясовчи кўшимчаларини изоҳланг.

1. Икки ўртоқ бир-бирига маънодор қараб олишди.
2. Топинг: -ш - ишлар билан бирга ҳар ишни қилар бирга. (Топишмоқ)
3. Даврон ака билан Сергей кизғин суҳбатлашиб ўтиришди.
4. Икковлари кулимсираб жуда самимий хайрлашдилар.
5. Шоҳида билан Шаҳзода алланималар ҳақида баҳслашдилар.
6. Фермер фаоллари меҳмонларни хурмат - эхтиром билан кузатиб кўйишди.
7. Мана бу тўрт гилдиракли аравани ҳам мен билан бирга олиб келишди. (Ч.А.)
8. Чинакам фаол дўстлик ўзаро бир-бирини суяшдир. (Гёте)

102-машқ. Нукталар ўрнига *-и, -иш, -лаш* кўшимчаларидан мосини кўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Дугоналар иш билан банд бўл...ди. (Ҳ. Ғ.)
2. Улар ҳамиша ишдан кейин шийпонда суҳбат...адилар (О.)
3. Қалмоқлар бу ерга 17-асрда кел...ган. (Ч. А.)
4. Орада тўполон кўтар...ди. Гулчиroy ўртоқлари: Бахрагул ва Барно билан роса тўйиб-тўйиб тўптош ўйна...ди. («Ж. тонги»дан)
5. Томошабинлар артистларни гулга кўмиб юбор...ди.

103-машқ. Гапларни кўчириб ёзинг, феълларни топиб, остига чизинг ва нисбат турини устига ёзинг.

1. Мактаб ҳомийлар ёрдамида муддатидан илгари куриб битказилди.
2. Сорабиби буғланиб турган чучварани супага келтирди. (О.)
3. Ўлмас чўчиб ёнига ўгирилди.
4. Ҳаммалари кўприкдан ўтишиб, йўлга тушишди. (Ё.Ш.)
5. Паровознинг узокларга тарқалган чўзик овози мени хушимга келтирди. (Ч.А.)
6. Навкарлар қалъа томонга от чоптириб кетишди. (С.С.)

Топшириқни бажаринг.

I. Ўқинг. Иш-ҳаракатнинг бошқа шахс воситасида бажарилишини билдирган феълларни топинг.

- | | |
|---------------------|---------------------------|
| 1. Ишла, ўқи | Ишлат, ўқит |
| 2. Кул, топ, айт | Кулдир, топтир, айттир |
| 3. Кел, оқар, кучай | Келтир, оқартир, кучайтир |
| 4. Бит, қайт | Битир, қайтар |
| 5. Юр, тур, ўт | Юргиз, турғиз, ўтказ |

II. 1 - устундаги феъллар қайси саволга жавоб бўляпти?

III. 2 - устундаги феъллар-чи?

Иш-ҳаракатнинг бошқа бирор шахс ёки нарса - буюм воситасида бажарилганлигини билдирган феъл феълнинг орттирма нисбати дейилади. Масалан: *Ҳайдовчи кучли шамолга қарамай, машинани юргизди.*

Феълнинг орттирма нисбати феъл ўзак-негизига *-т, -тир, -дир, -ир, -ар, -из, -гиз, -киз, -қиз, -гиз, -каз, -қаз* каби қўшимчаларни қўшиш билан ясалади.

104-машқ. Кўчиринг. Феълларни топинг. Орттирма нисбат ясовчи қўшимчалар остига чизинг.

Ажратмок, бўшатмок, ўқитмок, англатмок, билдирмок, бойитмок, юргизмок, ўчирмок, ичирмок, кенгайтирмок, кўкартирмок, эшиттирмок.

105-машқ. Кўчиринг. Орттирма нисбат феълларини топиб, остига чизинг.

1. Муҳаммад Раҳимхоннинг ўзи тошга ўйиб ёздирган. (С.С.)
2. Уй эгаси унга олма келтирди. (Н.С.) 3. Нор хола Бўстонни ичкари уйга киргизди. (О.) 4. Бой одамларни раҳмсизлик билан ишлатарди. (Ё.Ш.) 5. Молни чорвадорга боқтирди. (Ё.Ш.)

106-машқ. Нукталар ўрнига керакли қўшимчаларни кўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Қўл остидаги шаҳарларда мактаб ва мадрасалар сол...ди.
(Л. Б.) 2. Ўрмонжон бир неча кунни дала айланиб, одамлар билан

танишиб ўт...ди. (А.Қ.) 3. Мирҳомид шу гапни айтиб, тугунчани Қамбарали аканинг кўлига тут...ди. (А.Қ.) 4. Токни устасига кес...ди. (Р.Ф.) 5. Элу халққа шундай хабар бил...ди. (Р.Ф.)

6. Каналдаги машҳур қиз

Ғайратингни ош... қиз. (Кўшиқдан)

107-машқ. Кўчиринг. Феълларни топинг, остига чизинг. Қайси нисбат шакли эканини устига ёзинг.

Намуна: *Ўлмас билан Сабоҳон Искандаровга тикилганча бирг.н. қолишди. (Ё. Ш.)*

1. Бошинг омон бўлсин, ўғлим, эсон-омон кўришайлик. (Ё.Ш.)
2. Аёллар челақларини ташлаб, мен томон югуришди. (Ч.А.)
3. Аҳмадjon Табибий икки қадам олға юриб, кулдук бажо келтирди. 4. Уфқ ортидан заррин нурларини сочиб, баркашдек қуёш кўтарилди. (Ч.А.) 5. Аваз қадамини тезлатди. (С.С.)

108-машқ. Нукталар ўрнига қуйида берилган сўзлардан мосини кўйиб, гапларни кўчиринг, нисбат турини аниқлаб, устига ёзинг.

1. Улардан кейин Табибий билан шоир Зорий (С.С.)
2. Уйда Искандаровнинг беш ёшлар чамаси ўғилчаси билан уч яшар қизи қоғозга алланималарни чизишиб... . (Ё.Ш.) 3. У болалар томон (Ё.Ш.) 4. Милиционер билан завод қоровули кириб... . 5. Ота-оналари Московга 6. Мана бу акам гувоҳ, (Ё.Ш.)

Кўйиш учун сўзлар: *гаплашайлик, келишди, кетишган, ўйнашяпти, ўғирилди, киришди.*

109-машқ. Қуйида берилган феълларни берилган жадвалга феъл нисбатлари турларига кўра гуруҳлаб ёзинг.

Келтирдим, ёзилдим, ёзилди, келтирилди, юпанди, бордим, келдим, узатилди, тўхтатилди, ясанди, ясалди, сақланди, ёқилди, бажарилди, тарандим, ювиндим, ўқилди, сўзлашди, ажрат, кўчир, юргиз, кетказ, ўтказ, юргизди.

Аниқ нисбат	Ўзлик нисбат	Мажхул нисбат	Биргалик нисбат	Орттирма нисбат
ўқиди	ясанди	ўқилди	ўқишди	юргизди
...

Саволларга жавоб бериш

1. Феъл нисбатлари хақида гапиринг ва мисоллар келтиринг.
2. Ўзлик ва мажхул нисбат шаклларининг бир-биридан фарқини айтинг.
3. Орттирма нисбат қўшимчаларини айтинг. Мисоллар билан тушунтиринг.
4. Биргалик нисбат қандай қўшимчалар билан ҳосил қилинади?
5. Барча феъл нисбатлари иштирокида 5 та гап ёзинг.

Феъл нисбатларининг ясалishi

Номи	Ясовчи қўшимчалар	Маъноси	Мисоллар
Аник нисбат	—	Феълнинг ҳеч қандай нисбат қўшимчасини олмаган шакли.	Ол, ёз, кел, кет
Ўзлик нисбат	-и, -(ин); -л (-ил)	Иш – ҳаракатнинг бажарувчи шахсга ўтганлигини билдиради.	Ясанди, қийналди, кўринди.
Мажхул нисбат	-л, -(ил) -и, -(ин)	Иш – ҳаракатнинг бажарувчи шахсни аник билдирмайди.	Ўқилди, ёзилди, айтилди, белгиланди.
Биргалик нисбат	-иш, -(иш)	Иш – ҳаракатнинг бирдан ортик шахс томонидан бажарилганлигини билдиради.	Бошлашди, сўзлашди, учранди, ювишди.
Орттирма нисбат	-т, -тир, -дир, -ир, -гиз, -гиз, -гиз, -гиз, -қиз, -қиз	Иш-ҳаракатнинг бошқа бирор шахс воситаси билан бажарилишини билдиради.	Ажрат, келтир, ёздир, юргиз, кўчир, кетказ, ўтказ.

Ёзда сакланг



Ўзгаларга ёзма жавоб беринг

1. Феъл нисбатлари деб нимага айтилади?
2. Аниқ нисбат қандай ясалади?
3. Ўзлик нисбати билан мажхул нисбатни қандай фарқлаймиз?
4. Биргалик нисбат ясовчи қўшимчаларни ёзинг.
5. Орттирма нисбат ясовчи қўшимчаларни ёзинг.

Билиб олинг.

Қирғизистон Республикасининг Давлат байроғи

Қирғизистон Республикасининг Давлат байроғи мустақил давлатимизнинг рамзидир.

Давлат байроғи кизил рангда. Байроқнинг ўртасида қуёшнинг 40 та заррин нури тасвирланган. Қуёш ичида кизил рангда қирғиз уйининг туйнуғи тасвирланган. Байроқнинг узунлиги 2 метр, эни 1 метрни ташкил этади.



Қуёшнинг 40 заррин нури – аҳилликнинг, яхшиликнинг рамзи. 40 нур қирғиз халқининг қирқ уруғи ифодасидир. Байроқнинг кизил ранги эса буюк Манас ота байроғининг ранги бўлиб йигитликнинг, ботирликнинг тимсолидир.

Айтишларича, Манас ота қизил байроқ остига қирқ таркоқ қирғиз уругини тўплаган ҳамда бир халқ бунёд этган.

Қирғизистон Республикасининг Давлат байроғи Республика Жогорку Кенешининг 1992 йил 3 мартдаги қарори билан тасдиқланган.

ФЕЪЛ МАЙЛЛАРИ

Иш-ҳаракатнинг бажарилиши, бажариш истаги, шarti ва мақсадини аңлатган феъллар феъл майллари дейилади. Феъл майллари хабар, буйруқ-истак ва шарт маъноларини аңлатишига кўра уч хил бўлади:

1. Хабар майли.
2. Буйруқ-истак майли.
3. Шарт майли.

23-§. ХАБАР МАЙЛИ

Топширикни бажаринг.

Ўқинг. Гаплардан иш-ҳаракатнинг бажарилганлигини, бажарилаётганини, бажарилишини билдирган феълларни топиб, остига чизинг.

1. Ақром бу йил ўн биринчи синфни тугатади. 2. Биз истиклолимиз йўлидан олға бораётирмиз. 3. Эртага Бишкекка жўнаб кетаётирман. 4. Ёмғир пақирлаб қуйиб турган бўлса ҳам, Санжар Махбубани кутар эди. (Х. Н.) 5. Мен аълочи ва одобли ўқувчи бўлмоқчиман.

6. Йигитлар, меҳмонларни ўлка бўйлаб кездиринг, Боримизни кўрсатинг, ипидан игнасиғача. (Ф. Ф.)

Уч замондан ва уч шахсдан бирига тааллуқли бўлган иш-ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслигини билдирган феъл майли хабар майл дейилади.

Хабар майли махсус ясовчи қўшимчага эга эмас. Феълнинг ўтган, ҳозирги, шунингдек, келаси замон шакллари хабар майл ҳисобланади, турли нисбатларда қўлланилади. Масалан: *Айтдим* – яқин ўтган замон феъли, аниқ нисбат, хабар майли.

Хабар майлининг тусланиши

Шахслар	Бирлик	Кўплик
I шахс	ўқидим, ёзаяпман	ўқидик, ёзаяпмиз
II шахс	ўқидинг, ёзаяпсан	ўқидингиз, ёзаяпсиз
III шахс	ўқиди, ёзаяпти	ўқиди(лар), ёзаяпти(лар)

110-машқ. Кўчиринг, хабар майлдаги феълларни топиб, остига чизинг, замонини кўрсатинг.

1. Юлдузхон бироз жим қолди. (С.З.) 2. Кўп юрагинг чиқавермасин, улар донг қотиб ухлашяпти. (Ё. Ш.) 3. Инсон улуғ, инсон муқаррам. Унинг олдига етти иқлим сажадага келади. (С.С.) 4. Ҳар доим соф дил бўлайлик, 5. Орзу қанот бағишлайди. (М.) 6. У менга жимгина термулиб турарди. (Ч.А.) 7. Султонмурод шеърни гўзал ўқирди. У ўқиганда, шеърят оташидан маҳрум мисралар ҳам гўё бирдан ялтираб кетарди. (О.) 8. Сарой дарвозасидан икки киши кириб келгач, уларнинг бирови дарвоза ёнидаги кимдандир сўради. 9. Қиш кунлари бир тутам, «ха дегунча» кеч бўладир. (А.Қод.) 10. Тўйбека нари-бери ошини еб, ташқарига чиқиб кетди. (А.Қод.) 11. Бу кунларда Марғилонда шундай хабар чиқиб қолди: «Тошканд ҳокими бўлган Азизбек Қўқонға қарши бош кўтарган» ... (А.Қод.) 12. Навоий обод жойлардаги экинзорларга, мевазор боғларга қаради. (О.)

111-машқ. Ўқинг. Гаплардан хабар майлдаги феълларни топинг. Савол беринг.

1. Николай Солдатов қош қорайганда уйга кириб келди. (В.Ғ.) 2. Ҳомид мағрур бир тусда Отабекка қаради. (А. Қод.) 3. Фозил чолнинг маслаҳати бўйича автобусга ўтириб жўнади. (В.Ғ.) 4. Қумушбиби қизлар билан уйга кирди. (А.Қод.) 5. Бу сўзлар шоирни чўчитмади. (О.) 6. Хусайн Бойқаро ҳаёл сурганча, чодир шипига қараб қолди. (О.) 7. Қирғизистон кўп миллатли жумҳурият ҳисобланади. 8. Навоий ғазални шавқ билан товуш чиқариб ўқиди. (О.) 9. Навоий тарихда машҳур шайхларнинг ҳаётлари, фикрлари, масалақлари ва уларга доир афсоналар ҳақида асар ёзишни Жомийга таклиф этди. Жомий бундай орзу унинг дилига кўпдан бўён жо бўлганини, Навоийнинг илҳоми ва ёрдами орқасида бир китоб вужудга келтириш мумкинлигини баён қилди. (О.)

112-машк. Хабар майли қатнашган 6 та гап тузинг. Бош бўлақларини аниқлаб, ёзинг.

113-машк. Қуйида берилган йиғиқ гапларни ёйиқ гапга айлантириб ёзинг.

Намуна: *У фахрланади.* – *У ёзувчи дўсти борлигидан фахрланади.*

1. У фахрланади. 2. Бедил кузатди. 3. Қоронғу тушди. 4. Усталар йиғилди. 5. Қарсақлар чалинди. 6. Совуқ музлатди. 7. Дўстлар кетди. 8. Мажлис бўлди. 9. У ўқиди. 10. Шаҳобиддин мактади. 11. Султонмурод сукут килди. 12. Қор ёғяпти.

24-§. БУЙРУК - ИСТАК МАЙЛИ

Топшириқни бажаринг.

I. Буйруқ-истак маъноларини билдирган феълларни топинг.

1. Шеърни кизлар ўқий қолсин. 2. Вазифани биргалашиб бажарайлик. 3. Мактабда ўзингни яхши тут, одобли бўл, дарсларга кечикма.

II. Бу феъллар қандай ясаляпти?

Иш-ҳаракат ҳақида буйруқ-истак, маслаҳат - илтимос маъноларини ифода этган феъллар буйруқ-истак майлидаги феъллар дейилади.

Буйруқ-истак майлидаги феъллар қуйидагича ҳосил бўлади:

I шахс феъл негизига бирликда - *ў, -ай*; кўпликда - *ай, -айлик* қўшимчаларини қўшиш билан: *сўра -ў, -сўрай, -сўрайлик, кет - кетай, - кетайлик.*

Буйруқ-истак майлининг II шахс бирлигининг махсус қўшимчаси йўқ: *ўки, ёз, чиз, ол.*

Баъзан бу майл *-гин (-кин, -қин)* қўшимчаси билан ҳам қўлланади: *ўқигин, эчкин, чиққин.*

II шахс кўплиги *-нгиз, -ингиз; нгизлар, -инглар;* қўшимчаларини қўшиш билан ясалади. Масалан: *сўра-нгиз - сўрангиз, сўра - инглар - сўранглар; қайт - ингиз - айтингиз, қайт - инглар - қайтинглар.*

II шахс кўплиги *-нг (-инг)* кўшимчаси билан ясалган буйруқ-истак майли кўплик ҳамда ҳурмат маъноларини англатиши мумкин: *ишла- нг – ишланг, бор -инг – боринг.*

Буйруқ-истак майлидаги феълларнинг III шахси феъл негизига *-син, -син(лар), -ишин, -ишсин* кўшимчаларини кўшиш билан ҳосил бўлади: *бор - син - борсин, борсинлар, боришсин; сўра - син, сўрасинлар, сўрашсин.*

Буйруқ-истак майлидаги феъллар гапда кесим вазифасида келади.

Масалан: *Тилни билиш, дилни билишга йўл очади. (Ҳикматли сўз)*

Эслатма: Буйруқ-истак майлидаги феъллар баъзан тўлиқсиз феъллар билан бирикиб келади: *ўқисин эди, ўқисин эмиш.*

Буйруқ-истак майли феълнинг тусланиши

Шахслар	Бирлик	Кўплик
I шахс	ўкий (- ин) борай (- ин)	ўкийлик борайлик
II шахс	ўки (ўкигин) бор (боргин)	ўкинг, ўкингиз, ўкинглар, боринг, борингиз, боринглар, борларинг
III шахс	ўқисин борсин	ўқисинлар, ўқишсин, борсинлар, боришсин

114-машк. Буйруқ - истак майли шаклидаги феълларни аниқлаш, ясаллигини тушунтириш.

1. Эртароқ бориб келайлик-чи? 2. Мен китобни ўз қўлим билан элтиб, подшоҳ ҳазратларига тақдим этай. (О.) 3. Ақлнинг кучига ишонингиз, сизга ҳар вақт у раҳбар бўлсин. Беш - ўн китобни кўриб, олимлик даъвоси билан лоф урмоқдан сақланингиз. (О.) 4. Менинг дафтаримга ёзиб қўй, мўл ҳосил учун ваъда бераман. (А. Қ.) 5. Шундай юра берайлик ... (А. Қод.) 6. Кирсин, майли кирсин, қабул қилади, албатта. (Мир.) 7. Кела бергин якка - якка, Уруш майдонимни кўргин. (Ф.Й.) 8. Мен ҳам кўра бошига бориб ётай, бўрилар келадиган вақт яқинлашди, бирон фалокат бўлиб яна жанжалга қолмайлик, - деди. (С. А.)

115-машк. Кўчиринг. Буйруқ - истак майли шаклидаги феълларни аниқланг, ясалиши ва маъносини тушутиринг.

1. «Шошма, уйда азиз меҳмонлар бор, суюнчисини бергин, айтаман», – деди Аня. Ойижон, бўлар энди, ўзингизни уринтириб кўясиз. Юринг, кетайлик. (В. Ф.) 2. Китобни биргалашиб ўқинг. 3. Темур Малик Кўхистон ишига маслаҳат тарзида сўз котди: – Иброҳимни юборайлик, Мушкий хазратларини кўрғонга олиб келсун. Жой тайёрлансун. – Кетдик! – деди Темур Малик Иброҳим Дўлдойга. – Бошқаларга буюринг, бунда дастурхон тайёрласунлар, (Мир.) 4. Майли, энди кизим, мен борай, – деди кампир онаси пиқиллаб. (Эрт.) 5. Кўйинг, гапирманг! (О. Ё.) 6. Яхши. Ваъда ҳам берайин, аммо сен унамай тур! (А. Қод.) 7. Кўй, бугунча дам ол, ишга борма, иситманг қайтсин. 8. Рустам акамга нималарни гапиряпсан, Муҳаббат, биз ҳам эшитайлик? – кулиб лукма ташлади Каромат. (В. Ф.)

116-машк. -син, -ин, (-қин, -қин), -й, -ай кўшимчалари ёрдамида буйруқ - истак майли феълни ясанг. Улар иштирок этган б та гап тузинг.

117-машк. Қуйида берилган феълларни буйруқ - истак майли феълга айлантириб ёзинг ва шахс-сонда тусланг.

Намуна: *Борамиз - борайлик*

Қиламиз, борамиз, кўрамиз, ёдлаймиз, қуйлаймиз, чаламиз, қувнаймиз, ишлаймиз, тайёрлаймиз.

Шахслар	Бирлик	Кўплик
I шахс	борайин	борайлик
II шахс	боргин	борингиз
III шахс	борсин	борсин(лар)

25- §. ШАРТ МАТНОИ

Топшириқни бажаринг.

Ўқинг. Ажратилган сўзларнинг ясалишига диққат қилинг.

1. Ўқувчи эртақ, ҳикоя, ривоятларни кўп **ўқиса**, сўз бойлиги ортиб, ширинсўз ва маъноли гапирадиган бўлади. (О.Т.) 2. Отанг **ўргатса**, доно бўласан (Х.) 3. Ёш **келса** ишга, қари **келса** ошга. (М.) 4. Эртароқ **борсанг**, тўгаракка қатнашардик.

Шарт майли феъли иш-ҳаракатнинг бажарилиш - бажарилмаслиги ҳақидаги фараз, маслаҳат, истак, гумон, тахмин каби маъноларни билдиради.

Феъл ўзак-негизига *-са* кўшимчасини кўшиш билан ҳосил килинади. Масалан: *қимирлатса, айтса, ёнмаса*.

Шарт майли феъли куйидаги маъноларни билдиради:

1. Бирор иш-ҳаракатнинг бажарилиши учун ундан олдин бажарилиши шарт бўлган иш-ҳаракатни англатади: *Дам олиш кунни бизникига келсанг, вазифаларни бирга бажарамиз.*

2. Орзу - истак, илтимос, маслаҳат маъноларни англатади: *Эртага ёмғир ёгмасайди, далага чиқардик.*

3. Шарт майли феъли *керак* сўзи билан қўлланганда, гумон, тахмин, ноаниқлик маъноларини ифодалайди: *Дадам кечроқ келсалар керак.* 4. Шарт майли феъли *эди, экан* тўлиқсиз феъллари билан қўлланганда шарт маъносига истак маъноси ҳам кўшилади: *Ўқисам эди, борсангиз экан.*

Шарт майлдаги феъллар гапда асосан кесим вазифасида келади.

Шарт майли феълнинг тусланиши

Шахслар	Бирлик	Кўплик
I шахс	айтсам, ўқисам	айтсак, ўқисак
II шахс	айтсанг, ўқисанг	айтсангиз, ўқисангиз
III шахс	айтса, ўқиса	айтса(лар), ўқиса(лар)

118-машқ. Кўчиринг. Шарт майлдаги феълларни топиб, яслишини ва маъносини тушунтиринг.

1. Олди баҳор, яхшилаб тайёргарлик кўрилмаса, бўлмайди. Ишинлар бўлса, буюраверинлар, сизларнинг хизматларингни қилмаса, қимшиқини қилади! (В. Ф.) 2. Агар биз Отабекни бу ердан уйлантириб қўйсак, Ҳожи биздан хафа бўлмасмикан?

– Менимча, Қутидорнинг олдидан бир йўли ўтилсин, – деди Ҳасанали.

Агарда кўниб, хўп деса-ку, хайр, кўнмаган тақдирда бу хабарни Отабекка етказсак, зора шунинг билан кўнгли совиб тушса. (А.Қод.) 3. Борсам, балким улгуриб қолармидим, кетишиб қолишибди. 4. Узумларни яхши парвариш қилсак, кўпроқ майиз еймиз. 5. Эртага қор ёғса керак.

119-машқ. Атоқли ёзувчи Одил Ёкубовнинг «Улуғбек ҳазинаси» романидан берилган қуйидаги парчага ўқинг. Ундан феъл майлларини аниқланг. Феълнинг шарт майли иштирок этган гапларни кўчиринг, шах- сонда тусланг.

– Устод сизга салом йўллади. Салом билан бирга устод бир нозик тилак билдирди, – деди. Мавлоно Мухиддиннинг патир ушатаётган нозик бармоқлари ҳаракатдан тўхтаб, ҳавода муаллақ осилиб қолди.

– Не тилак эмиш?

– Хабарингиз бордир, азизим, бугун субҳидам аъло хазратлари Мовароуннахр сарҳадига қўшин тортиб кирган шахзодага қарши юриш бошлади. Иншооллоҳ, 40 йил шафоат қилган Тангри таоло бу сафар ҳам ўз иноятини дариг тутмас... Ва лекин банди ғофил Ҳақ таолонинг ихтиёрини билмоқдан ожиздурмиз. Агар - чи, Ҳумо қуши шахзоданинг бошига қўниб, юрт осойиши бузилса... расадхоналардаги барча ноёб қўлёмаларни асраб қолмоқ сизу бизга юкланибдир, биродари азиз...

– Асраб қолмоқ? Бунинг учун не қилмоқ керак? Ақлимга сиғмайду...

– Бунинг учун энг нодир қўлёмалар билан ноёб китобларни яширмоқ даркор. Расадхонадан олиб чиқилса, ишончли жойга яширилса, китобларни асраб қолар эдик...

120-машқ. *Келиб қолса керак, ўқисам эди, кўрсанг эди, ёғмаса эди, келса эмиш* каби тўлиқсиз феъллар билан келган шарт майли иштирокида гаплар ёзинг. Ясалишини ва маъносини тушунтиринг. Гапдаги вазифасини аниқланг.

Намуна: *Ёғмаса эди – Бугун ёғар ёғмаса эди.*

121-машқ. Ўқинг. Феълларнинг ясалишини билиб олинг, маъносини тушунтиринг.

1. Чол-кампирнинг сертақаллуф хатти-ҳаракатларидан ҳижолат чеккан Шукуров юқорига ўтмоқчи эди. ховлига кириб келган Отақўзи:

– Шошманг-шошманг, – деб уни тўхтатди.

– Мен бу кишига кутубхонаингизни кўрсатмоқчиман, тоға, майлими? . . .

– Э, ўзларига қолса ҳалиям бўлса қўл қовуштириб ўтирмоқчи эмаслар...

– Лекин бунақа экан нега қишлоққа кўчиб ўтмоқчилар бу киши? (О. Ё.) 2. Бу чоракни факат аъло баҳоларга битирмоқчиман. Аълочи ўқувчи бўлмоқчиман. Мактабни битиргач, олий ўқув юртига кирмоқчиман. 3. Мен бормоқчи бўлиб тургандим, келиб қолибсан. 4. Керакли китобни кутубхонадан олмоқчимиз.

122-машқ. Кўчиринг. Қуйидаги гапларга иккинчи даражали бўлақларни қўйиб, феъл майлларини аниқланг.

У кўрkitмоқчи. Ўч олмоқчи у. Нима қилмоқчисиз, уста? Равшан бормоқчи. Мен айтмоқчи эмас эдим. У сўрамоқчи бўлди. Биз кўрмоқчимиз. Баҳоламоқчи бўлди. Қўйларни боқмоқчи. Баҳодир чизмоқчи. Пиймани киймоқчи.

123-машқ. Ўқинг. Феълларни топиб, майл шаклининг ясалишини тушунтиринг. Шахс-сонини айтинг.

1. Бир неча кундан бери калласи хумдек шишиб юрган Махсум, кечки овқатни иштаҳасизлик билан еб, дастурхонга наридан бери фотиҳа қилди. Онаси, ташқари эшикни занжирлаб ол, мен келгунча очик қолмасин, – деб кўчага чиқиб кетди. У Муҳаббатларникига бормоқчи, тунов куни шийпонда бўлган гап учун она-болани узиб-узиб олмоқчи эди. Лекин нима учундир оёғи тортмади... Чойхонага йўл олди. Кечга томон одам билан лиқ тўладиган чойхона кейинги кунларда фэйзини йўқотгандек. Унинг гули бўлган юраги ўт ёш - яланглар фронтда... (В. Ф.)

2. Жуда кизик! Ахир, олдин овқат ғамлаб оламиз, шундан кейингина қор кураймиз, – деб катъий қарор қилиб қўйишган эди - ку. Лекин ҳозир қоринлари сал-пал тўйиши биланок, улар яна сўкмоқда ишламоқчи бўлиб қолдилар. Уларнинг бу иши қоронғу кечада дарё юзида ёниб турган машъалга ўзини урган балиқларнинг ҳаракатига ўхшар эди. (В.Анонян)

124-машқ. *Билмоқ, санамоқ, кўрсатмоқ, билдирмоқ* феълларини тусланг.

125-машқ. Қуйида қирғиз халқ достони «Манас» дан берилган парчаи ўқинг. Феълларнинг замонини, нисбатини, майл шаклини топинг ва тушунтиринг.

...Машҳур Ойдин кўлнинг қирғоғи. Кўл баҳайбат кўзгуга ўхшайди. Юксак тоғлар гўё булутга қўниб олгандай сув сатҳида сузиб боришмоқда.

Ўтовдан чиккан одам улуғ тоғнинг қуёш тегиб турган кийма кизил чўққисини, ярим кизғиш бўлиб ҳилпираб кўринган қояларни кўради. Осмонда қалқиб учаётган булутларга кўзи тушади. Кўм-кўк осмон саҳнида жундай титилган, кўпикдай кўпирган бўлиб қалқийди...

Бугун Жақипнинг овулида ўзгача тантана. Дўнгликка кашкар гилами солинган, унда Жақип билан Бердике ўтирибди. Четрокда Манас ботир ва кишлок оксоколи Оқболта. Хизматкор йигитлар Оқболтанинг олдига турли юмушлар билан келиб кетиб турибди...

– Халойик! Сизларни барчамиз учун муҳим бўлган бир маслаҳатли ишни ақл ва фаросат билан ҳал қилиб олиш учун чақирдик. Маълумингизким, Тангри қўллаб, бошимиз бирикиб, эл номини олдик, олишмоққа кучимиз етади. Атрофимиз ёв билан ўралган. Фафлатда қолмайлик... Юртнинг кут - баракаси унинг хони бўлади. Сизлар рози бўлсангизлар, юртимизни бошқара биладиган муносиб бир хон сайласак, деган таклиф бор, – деди Оқболта...

Манас кирғоғига олтин хошияли жияк тикилган, тепаси баркут жиғали бўркни бошига кийиб, Тўругарга минганида одамлар қайтадан муборакбод қилди.

– Мақсадимизга етдик. Бир умр хон бўл, Манас.

26- §. МАЙЛСИЗ ФЕЪЛЛАР

Феъллар майлли ва майлсиз хусусиятларига қараб икки турга бўлинади:

1. Майлдор феъллар.

2. Майлсиз феъллар.

Майлдор феъллар ҳақида олдинги мавзуларда танишиб олдингиз. Майл тушунчасини аңлата олмайдиган феъл шакллари майлсиз феъллар дейилади. Масалан: *Ўқимоқ, ўқиш, ўқув, ўқи, ўқигач* каби.

Майлсиз феълларга феълнинг бош шакли, равишдош ва ҳаракат номи (бу шакллар билан сиз кейинроқ танишасиз) киради, чунки бу хил феъл шаклларида майл маъноси ва майлга хос хусусиятлар йўқ.

Майлсиз феълларда замон, шахс-сон шакллари бўлмайди.

126-машк. Ўқинг. Майлсиз феълларни ажратинг, савол беринг.

Оляпти, олув, кўрсатишди, кўрсатмоқ, ёзади, ўзмоқ, бажаради, бажармоқ, сотади, келади, келдик, келгач, ўқигани, ўйнагани.

127-машк. 10 та майлсиз феълларга мисол келтириб, дафтарингизга ёзинг. Феълнинг бош шаклидан фойдаланинг.

128-машк. Матни ўқинг. Феълларни аниқлаб, нисбат ва майл шакллари тушунтиринг.

НОН ХИДИ

Дунёда нон хидидан хушбўй, кадрлироқ ва оҳанрабо хид бўлмаса керак. Ер юзида ҳаёт пайдо бўлган кундан бошлабоқ, жамики, жонзотлар ўзлари учун зарур бўлган озиқ-овқат ахтаришган. Одам эса буғдойни танлаган. Ўз онги, меҳнати, тафаккури билан уни ўзгартириб, ҳосилдорлигини, мазасини, тўйимлилигини оширган... Буғдойнинг нон сифатида шаклланишига 25 - 30 минг йил бўлди.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги ёзуви ҳам нон билан чамбарчас боғланганлигини археологик қазилмалар тасдиқлаб турибди. Қадимги Афросиёб, Қашқа ва Сурхон воҳаларининг аҳоли истикомат қилган манзилларидан топилган, буғдой қолдиқлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Халқимиз ғалла етиштириш, уни хушбўй ва тўйимлик даражасини ошириб, истеъмол қилишни минглаб йиллар олдин ҳам яхши ўзлаштириб олганлар ва ҳозирги кунда ҳам бу давом этиб келмоқда.

Тарихий манбаларга кўра, эрамиздан минг йиллар илгари Марокандда, Ўрта Осиё ва қадимий юнонларда ноннинг 24 хили маълум бўлган экан. Жумладан, Марокандда энг суюмли ва машҳур бўлган Самидамита нони энг кучли буғдой унидан тайёрланган нон бўлган.

Шуниси қизиқки, икки элат ўргасида душманлик пайдо бўлган ҳолларда ҳам нон дўстлик ва тинчлик элчиси вазифасини ўтаган. Шу нарса адабиётларимизда ҳам ўз аксини топган. Искандар Зулқарнайн ҳам маҳаллий аҳоли билан тинчлик ўрнатиш мақсадида туб жой саркардаларининг кизларига уйланишга ҳаракат қилган. Никоҳ маросимида мулозимлар Македония одатига кўра

Самидамита нонини оқ рўмолга ўраб Искандарга тутадилар. У ёнидаги қиличани суғуриб, нонни иккига бўлади ва ярмини ўзига, ярмини қайлиғига тутади...

Подшоҳ Хусайн Бойқаро мулозимларига дунёдаги энг ёқимли хидга эга бўлган нарсани келтиришни буюрибди. Мулозимлар дунёдаги ҳамма хушбўй гул ва кўкатлардан келтирибдилар, лекин подшоҳга улар ёқмабди. Нима қилишини билмай қолган вазирлар охири ҳазрат Алишер Навоийдан маслаҳат сўрабдилар. Навоий уларга тавдирдан янги узилган бир сават нон олиб боришни буюрибди. Подшоҳ нонни хидлаб, энг ёқимли хид – нон хиди эканлигига тан берибди...

Олим Н. И. Вавилов буғдойнинг келиб чиқиш тарихини ўргана туриб, бешта асосий марказни аниқлади. Шулардан бири Ўрта Осиёдир. Нонга алоҳида эътиқод ва ҳурматни бутун борлиғимизга сингиб кетганлигининг боиси ҳам, балки шундандир.

Н. Мамиров

Топширик

Юқоридаги ҳикоянинг режасини тузинг ва шу режа асосида баён ёзинг.

Саволларга жавоб беринг:

1. Қайси феъллар майли феълларга киради?
2. Феълнинг нечта майли бор?
3. Буйрук - истак майлдаги феъллар қандай ясалади?
4. Шарт - майли феълларининг ясалишини айтинг.
5. Хабар майли феълларига мисол келтириб, ясалишини тушунтириб беринг.
6. Мақсад майли феъллари қандай ясалади? Мисоллар орқали ясалишини тушунтиринг.
7. Майлсиз феълларга мисоллар келтиринг. Қайси феъл шакллари майлсиз феъл ҳисобланади?

ФЕЪЛЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Ўзбек тилида феъллар асосан икки хил усул билан ясалади:

1. Феъл ясовчи қўшимчалар ёрдамида.
2. Сўзларни қўшиш йўли билан.

Топшириқни бажаринг.

Ўқинг. Биринчи ва иккинчи устунда содда феъллар берилган. Бу феълларнинг қайсилари туб феъл, қайсилари ясама феъл? Учинчи устундаги феъллар қандай ҳосил бўлган?

кел	ишла	ўқиб чик
ўқи	бура	ёза бошла
ўйна	бойи	қулоқ сол
ёз	шодлан	айтиб юбордим
ўра	бирлаш	кўмак бер

Биринчи устунда берилган феъллар туб феъл бўлиб, улар ёлғиз бир ўзакдан тузилган феъллардир.

Иккинчи устундаги феъллар эса ясама феъллардир. Ясама феъллар ўзакка махсус феъл ясовчи қўшимчалар қўшиш билан ҳосил қилинади. Масалан: *оқ -ла, кам -сит, сув -ла, таъсир -ланди, жиддий -лашди.*

Учинчи устундаги феъллар сўзларни қўшиш билан ҳосил бўлган феъллардир. Булар қўшма феъллар дейилади.

27- §. ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР БИЛАН ФЕЪЛ ЯСАШ

Ўзбек тилида феъл ясовчи қўшимчалар талайгина. Бу қўшимчалардан айримлари махсулдор ҳисобланади:

-ла. Оддан ясалган феъллар: *дазмолламоқ, эговламоқ, арраламоқ, тарбияламоқ.*

Сифатдан ясалган феъллар: *оқламоқ, майдаламоқ, текисламоқ.*

Ундов ва таклид сўздан ясалган феъллар: *додламоқ, ишвириламоқ.*

-лан: *ишкоятланмоқ, шодланмоқ.*

-лаш: *мусобақалашмоқ, дўстлашмоқ.*

-лантир: зарарсизлантирмоқ.

-лаштир: режсалаштирмоқ, газлаштирмоқ.

-р (-ар): қизиқар, оқар, кўқар, эскир, қисқар

129-машқ. Кўчиринг. Феъл ясовчи қўшимчаларни аниқланг. Ясалишини тушунтиринг.

Арарат водийсига яна баҳор келди. Аракс дарёсининг сувлари яна тўлиб-тошиб, лойқаланди.

Қоплон дарадан пастдаги, Арарат водийсининг ҳали ўзлаштирилмаган ерларига тракторлар хужум бошлади. Улар шу пайтгача ҳеч кимнинг қўли тегмаган ерларни ҳайдаб, соз тупроқли ерларда қатор-қатор эгат олади.

Боғбон Аршак саватидан ёввойилашиб кетган узум қаламчаларини олиб, боғ-боғи билан уни ўраб туришган ўқувчи болаларга топшира бошлади.

– Мана, болаларим, экинлар, лекин албатта, ўсиб чиқадиган қилиб, яхшилаб экинлар! – деб ўзининг ёш ёрдамчиларига насихат қилиб кўярди.

Бир вақтлар Қоплон дарада етиштирилган узум қаламчалари эҳтиётлик билан экилди. В. Анония

130-машқ. Ғ.Ғулом қаламига мансуб «Яша, дейман, ўғлим!» шеърдан келтирилган қуйидаги парчани ўқинг. **-ар, -са** қўшимчалари орқали ясалган феълларнинг ёзилишига аҳамият беринг.

– Дада, мен осмонга учар бўлсам,

Чеки йўқ кўкни кучар бўлсам,

Юлдуздан-юлдузга кўчар бўлсам,

Сиз нима дейсиз?

– Яша, дейман, ўғлим! (Ғ. Ғ.)

131-машқ. Кўчиринг. Қўшимча қўшиш орқали ясалган феълларни топинг ва остига чизинг.

1. Степан амаки гапдан тўхтаб, кўрадан кип-кизил чўғдек темирни олиб, сандалга қўйди-да, бир кўлига кичик болға олди. Унинг кетидан Сергейнинг болғаси келиб тушди. Икки болға ўз галидан адашмай олдинма-кейин темир устида ўйнаб, сон-саноксиз учқунлар сачрата бошлади. (В. Ғ.) 2. Олдинга бир кадам босгач, иккиланиб қолди. 3. Иккала дўст ҳоли қолиб гурунглашди.

4. Меваларни сараладик, энди махсус идишларга соламиз. 5. Раис донгдор теримчиларни мукофотлади. 6. Ит хура-хура тинчиди.

132-машқ. Ўқинг. Феълларни топиб, сермахсул феъл ясовчи кўшимчаларни аниқланг, ясалишини ва ёзилишини тушунтиринг.

1. Чиндан дарс ўқиш, ғайрат,

Етказар чин тилакка.

Ташланиб дадил қадам

Яшнаган келажакка. (F. F.)

2. Китобни қанча севсам оз бўлур,

Китоб десам кўнглим баҳор, ёз бўлур. (F. F.)

3. Рустам болтани эговлади-да, терлаб-пишиб ўтин ёришга киришди. 4. Томоғим оғрияпти, шикоятланди Нилуфар онасига. 5. Гўё япроқлар шивирлашгандай туюлди, назаримда. 6. 7-А, 7-Б синф ўқувчилари бири-бири билан тартиб-интизом ва ўқишда мусобақалашмоқчилар.

133-машқ. *-лан, -лаш, -лантир, -лаштир* кўшимчалари иштирокида феъллар ясанг ва дафтарингизга ёзинг.

134-машқ. *-ла, -р (-ар)* феъл ясовчи кўшимчалари иштирокида феъллар ясанг ва дафтарингизга ёзинг, ясовчи кўшимчаларни изоҳланг.

135-машқ. Адиб Уйғуннинг «Икки она» шеърини топиб ўқинг. Ундаги феълларни аниқланг, феъл ясовчи кўшимчаларни изоҳланг.

МАХСУЛСИЗ ФЕЪЛ ЯСОВЧИ КЎШИМЧАЛАР

Қуйидаги кўшимчалар махсулсиз феъл ясовчи кўшимчалар ҳисобланади:

-лат: қойиллатмоқ, безиллатмоқ, йигиллатмоқ;

-(а)-й: бўшамоқ, кўпаймоқ, олаймоқ;

-са (-сай): сувсамоқ, кексаймоқ;

-сира: ҳадиксирамоқ, уйқусирамоқ;

-лла: тақилламоқ, чирқилламоқ;

-ира: ялтирамоқ, хилтирамоқ;

-ат; -ит: тўлатмоқ, киритмоқ.

136-машк. Ўқинг. Берилган феъллардан маҳсулсиз феъл ясовчи кўшимчаларни топинг.

Бўшамок, кўпаймок, тинчимок, камимок, босинқирамок, куйламок, гуркирамок, чиркирамок, чакиллатмок, кексаймок, овламок, пикилламок, толикмок.

137-машк. *-сир*, *-илла*, *-ира* кўшимчалари иштирок этган феъллар ясанг. Уларнинг иштирокида 4 та гап тузинг ва феъл ясовчи кўшимчаларни тушунтиринг.

Билиб олинг.

Айрим феъл ясовчи кўшимчалар ўзакка кўшилганида феъл ўзак-негизида ўзгариш рўй беради. Улар куйидагилар:

-а феъл ясовчи кўшимчаси *ўйин*, *қийин* каби сўзларга кўшилганда бу сўзлардаги и унлиси тушиб қолади: *ўйин - а - ўйна*, *қийин -а - қийна*.

-а феъл ясовчи кўшимчаси *от*, *сон*, *ёш* каби отларга кўшилганда, бу сўзлардаги о товуши а товушига ё товуши эса я товушига айланади ва шундай ёзилади: *от - а - ата*, *ёш -а - яша*, *сон -а - сана* каби.

-ай феъл ясовчи кўшимчаси *наст*, *суст* сўзларига кўшилганда т ундоши тушиб қолади: *наст -ай - насай*, *суст -ай - сусай* каби.

138-машк. Матнни ўқинг. Феъл ясовчи кўшимчаси бор феълларни топиб, маъносини айтинг.

Бу қизик, биласизми?

СУМАЛАК ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?

Сумалак тайёрлаш учун жайдари ёки кайроки буғдой керак бўлади. Буғдойни совуқ сувда ювгач, идишга солиб уч кун ивитиб кўйилади. Уч кунда буғдой ниш уради. Сўнгра тоза тахта устида бир энлик қалинликда ёйилади ва қуёш нури тушмайдиган жойга кўйилади. Уч -тўрт кун давомида ҳар кун қизил бир маҳал сув севалаб турилса, майсаси униб чиқади ва томир олади. Майса игна бўйича бўлганида етилган ҳисобланади. Бўлакларга бўлингач, гўшт киймалагичдан ўтказилади. Ҳосил бўлган коришмага бироз сув куйиб, аралаштириб, докадан ўтказилади. Аралашмага яна икки

марта сув қуйиб сузиб олинади. Қозонда ёғ доғланиб, бироз совутилади, кейин ёққа ун ва биринчи сузиб олинган шарбат қуйиб аралаштирилади. Қумоклари йўқолгач, иккинчи сузилган шарбатни қўшиб қайнатилади.

Қайнаб чикқач, учинчи сузилган шарбат қўшилади.

Сумалак қайнаб, қуюқ торта бошлагач, кавлаб турилади. Тагига олмаслиги учун ёнғоқдек - ёнғоқдек силлик тошчаларни ювиб, қозонга ташланади. Сумалак тахминан 10 - 12 соат қайнайди. Агар қуюқ тортиб кетса, бироз қайноқ сув қуйиб, то шимиғунча қайнатилади, сўнгра олови тортиб олинади ва қозонга тоғора тўнтариб, эрталабгача димлаб қўйилади.

Бир килограмм буғдойга 2 килограмм ун, 1 килограмм ёғ солиш мумкин.

(«Ўзбек тансиқ таомлари» китобидан)

139-машқ. Ўқинг. Гаплардан феълларни топиб, уларнинг ясалиши ва ёзилишига диққат қилинг.

СУМАЛАК

Синфдошлар ахдлашиб,
Пиширмоқ - чун сумалак
Тўнка ёрса Саъдулло,
Кўкни туйди Муборак.

Икромжон ўт қаласа,
Нодира ёғ доғлади.
Унни чайиб Зулфия,
Пиширмоқни чоғлади.

Қозон кавлаб тонггача,
Етти бор сув қуйишди.
Ким ухласа, кўзига
Сумалакқош қўйишди.

Қирмоч ялаб тун бўйи,
Мазахўрак бўлишди.
Пиширганин сахарда
Маҳаллага бўлишди.

(«Ўзбекистон байрамлари» китобидан)

Саволни бажаринг.

Доғлади - доғлади; куйишди - кўйишди; бўлишди - бўлишди
сўзларидаги белгиланган унли, ундошлар сўз маъносининг
ўзгаришига қандай таъсир кўрсатмоқда?

28- §. СЎЗЛАРНИ ҚЎШИШ ФЕЪЛ ЯСАШ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИЛИШИ

Сўзларни қўшиш билан ясалган феъллар қўшма феъл
хисобланади. Қўшма феъллар икки йўл билан ясалади:

а) феъл бўлмаган сўзларнинг феъл билан
бирикишидан: *шод бўлмоқ, тасдиқ қилмоқ, азоб чекмоқ,
гам емоқ, оҳ урмоқ, танг қолмоқ, дод - вой қилмоқ, дир - дир
қилмоқ, қирс этмоқ, гижим бўлмоқ*. Бундай феълларнинг
айримлари содда феълларга синоним бўлади: *ёрдам берди*
– *ёрдамлашди, масхара қилди – масхаралади*.

б) икки феълнинг бирикишидан: *ўқиб чиқмоқ, гатириб
бермоқ, қараб турмоқ*.

Қўшма феъллар ажратиб ёзилади: *Анвар хатти ёзиб
берди*.

Қўшма феълдаги асосий маънони сақловчи феъл
етакчи феъл, қўшимча маънони англатувчи сўз кўмакчи
феъл дейилади.

Қўшма феъл таркибидаги кўмакчи феъл тусланади,
етакчи феъл эса ўзгармайди: *Ўқиб бердим, ўқиб бердинг,
ўқиб берди*.

140-машқ. Кўчиринг. Қўшма феълларни аниқланг.

1. Ҳеч мумкин эмас, тун бўйи элик нафар йигит ўрда кўрғони
остида айланиб туради. (А.Қод.) 2. Шу энтиқиш мени ўқитувчилар
техникумига олиб кирди. Биринчи шеърий тўпламим 1932 йилда
босилиб чиқди... Мен ҳозир ҳам у айрилиқнинг куйдирувчи
аламларини бутун оғирлиги билан ҳис қилиб турибман. (З.)
3. Ўша пайтларда машҳур бўлган дорбознинг ўйинларига,
масхарабозларнинг қилиқларига қойил қолардик. Оёқларимни
шиша тилиб ташлади. Артистликка ҳам қизиқиб кўрдим.
Докторлик мактабида ҳам 5 - 6 ой ўқиб чиқдим. (С.Аҳм.)

141-машк. Кўчиринг. Қўшма феълларни топинг, остига чизинг.

1. Қурбонбой ҳам қорасини кўрсатмай қўйди. Уйига бир юз саксонга шифер, 30 та тунука тушириб берди. Аввалига ўзим ҳам хайрон бўлиб қолдим. Тавба, шунча пахтани ўзим тердимми, ё биров қўшиб қўйдими? (С.А.) 2. 1930 йилда унинг отаси кулоқ сифатида беш йилга сургун қилинди. Мактабда яхши ўқиди, аммо кулоқнинг боласи бўлгани учун мукофотлардан махрум эди. (О.Ё.) 3. Эътикодни деворга осиб кўз - кўз қилиб бўлмайди. (О. Балрзак) 4. Эътикод ўз табиатига кўра фаолсиз маънавий бойлик бўла олмайди. (В. Сухомлинский) 5. Мақсади улуғлашган одам ҳам улуғлашиб боради. (В. Шиллер) 6. Ҳар ким хато қилиши мумкин, фақат нодонгина ўз хатосини тан олмайди. (Цицерон)

7. Шарилласа сув агар, демак, мироб ўлмабди.

Агар бўлса китобхон, демак, китоб ўлмабди. (М. Ш.)

142-машк. Ўқинг. Қўшма феълларнинг топинг. Остига чизинг ва маъносини изоҳланг.

1. Султон Ҳусайн ҳозир Ҳиротга қайтолмас. (Л.Б.) 2. Аъзамхон ўзича жилмайиб қўйди. (А.Мух.) 3. Бу санъаткорнинг овози булбўлни лол қилади. (С.Аҳм.) 4. Бўтанинг орқасидан ҳеч ким қуволмади. («Саодат» дан) 5. Йигит истар - истамас чодир томонга кета бошлади. («Саодат»дан) 6. Зиёфат, келди- кетди алламаҳал-гача давом этди. (О.) 7. Пиёла Ўктамнинг қўлидан тушди-ю, синди-қолди. (А.Орифжонов) 8. Молни боксанг тўқ бўлур, боқа олмасанг, йўқ бўлур. (М.) 9. Тинчлик омонлик учун, ўртоқжоним, қўлинг қўй. (Кўшиқдан)

143-машк. Гапларни ўқиб, қўшма феълларни топинг. Уларнинг ясаллиши ва ёзилишини, қайси бири кўпроқ қўлланишини тушунтиринг.

1. Негадир Дилдорнинг икки юзи қизариб, хуснига хусн қўшилиб борарди. (Ё.Ш.) 2. Фуломжон ўнг қўлини кўксига қўйиб туриб, таъзим қилди. (М.Исм.) 3. Яхши одамнинг боқишлари ҳам гўзал бўлади. (М.Исм.) 4. Пахтазорлар қўйнида мардона жавлон айлайин. (У.) 5. Ўлмас ҳар кунги одати бўйича хуфтон намозидан кейин идорага кириб келди. (Ё.Ш.) 6. Агрофдаги ҳамма ғала-ғовур тугаши билан турмуш жуда тез ўзгариб кетади. Кундан-кунга фаровон ҳаётга яқинлашаверамиз. (Ё.Ш.)

144-машк. Қуйида берилган содда феъллар иштирокида қўшма феъллар ясанг. Улар иштирокида гаплар тузинг.

Ўқи, айт, ёз, кет, бор, эшит, асра, кул, бўл, кол, чиқ, қув, кидир, ол, кел.

29- §. ЖУФТ ФЕЪЛЛАР ВА ТАКРОРИЙ ФЕЪЛЛАР, УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Жуфт феъллар бир хил феълларнинг такрорланиб, жуфтлашиб келишидан ҳосил бўлади ва чизикча билан ёзилади: *Олди - қўйди, ўқиди - ташлади, борди - келди.*

Агар жуфт феъллар орасида *-у, -ю* юкламалари қўлланган бўлса, у ҳолда чизикча шу юкламалардан олдин қўйилади.

Масалан: *айтди-ю қўйди, борди-ю келди.*

Жуфт феълларда ҳам қўшма феъллар каби биринчи қисм асосий маънони ифодалайди ва етакчи феъл ҳисобланади, иккинчи қисм эса ўз маъносини йўқотган бўлади.

Масалан: *айтди - қўйди* (ҳеч нарса қўйган эмас): *ёзди - олди* (ҳеч нарса олган эмас)

Жуфт феълларда шахс-сон, замон қўшимчалари ҳар иккала қисмга қўшилади.

Масалан: *айтдинг - қўйдинг, ёздик - олдик, бордик - келдик.*

Сўзлашув нутқида бир феълни икки марта такрорлаб қўллаш ҳоллари учрайди. Бундай феъллар такрорий феъллар саналади, ёзувда орасига чизикча қўйилади: *сайрагани - сайраган, қарагани-қараган.*

145-машк. Ўқинг. Қўшма ва жуфт феълларни аниқланг. Қўшма феълларнинг қандай сўзлардан ташкил топганини тушунтиринг.

1. Темир йўл ишчилари заводга караб югурадилар. (С.А.)
2. Аччиқ шамол кечки пайт яна қанот ёзди. (С.З.)
3. Дилдор тўсатдан туғилган бу фикрдан хайрон бўлди. (Ё.Ш.)
4. Бизнинг замон кизлари яйрагани - яйраган. (Қўшиқдан.)
5. У бор гапни айтди - қўйди. (М.Г.)
6. Э, ўтир, – деди Ғозивой кулиб, – сенинг

қизикчилигинг қолмади - қолмади - да. (Ё.Ш.) 7. Тўп садада кўш булбул сайрагани - сайраган. (Кўшиқдан) 8. Бир пасда чор атрофдан дехқонлар кела бошлади. (С.С.) 9. Аҳмад Хусайнга шубҳали ва кибрли назар билан қараб кўйди. (О.) 10. Юртни обод қиламан деган киши, ўзи обод бўлади. (А.Қ.)

146-машқ. Куйида берилган қўшма феълларнинг икки хил ўзгариш сабабини айтиб беринг. Шу феълларни қатнаштириб 4 та ёйик гап ёзинг.

Ёза олади – ёзолади, бора олади – боролади, кета олади – кетолади, юра олади – юролади.

147-машқ. Ўқинг. Гаплардаги қўшма ва жуфт феълларни аниқланг. Уларнинг ёзилиши ва ясалишини изоҳланг.

1. Аҳён - аҳёнда эсган иссиқ шамол капани бир чайқаб ўтади. (С.З.) 2. У ҳеч нарса демай кўлидаги қоғозни йиртди - кўйди. (С.Аҳм.) 3. Бу гапни эшитиб турганлар кўлидаги талонларига қараб - қараб кўйишди. (Н.С.) 4. Далаларда қурт - кумурскалар ўрмалай бошлади. (М.М.) 5. Булутбой ўзини кўйгани жой тополмасди. (М.М.) 6. Мовий осмонда булутлар сайр қилмоқда. (С.Аҳм.) 7. Муроджон ўзини кўйгани жой тополмай борди - келди, ўтирди - турди.

148-машқ. Нукталар ўрнига куйида берилган феълларни кўйиб, гапларни кўчиринг. Уларни содда, қўшма ёки жуфт феъл эканлигини тушунтириб беринг.

1. Бугун учинчи кун кидирилишига ... , Ўлмасни ҳеч қаердан (Ё.Ш.) 2. Онаҳон яна бир кайноқ ишнинг ўртасига (А.Мухт.) 3. У шовқиннинг тинишини кутиб (Н.С.) 4. Душман менинг юзимдан куёш нуруни бир нафас ҳам (А.Мухт.) 5. Бир қатор таҳминлар (Ё.Ш.) 6. Планер кўйиб юборилиши билан

Кўйиш учун сўзлар: *топиб бўлмади, тушди - қолди, жим турди, беркита олмайди, бекор чиқди, учди - кетди, қарамай.*

149-машқ. Матни ўқинг. Феълларни топинг. Феъл шаклларини белгиланг. Матннинг режасини тузинг, тузган режангиз асосида ижодий баён ёзинг. Ўзингиз кўрган, гувоҳ бўлган воқеалар ҳақида ёзсангиз ҳам бўлади.

ТОҚҚА САЁХАТ

Ёқимли ёз кунлари. Ёш саёхатчилар кишлоқдаги ўртоқлари билан дўстона суҳбатлашиб ўтирар эдилар. Узоқдан баланд тоғлар кўриниб турарди. Болалар баланд тоғ бағрида ёнаётган гулхани кўриб қолишди.

– Шу тоққа чиқса бўладими? – кизикиб сўради Ҳамид Фозилов.

– Бўлади, бу тоғда менинг отам ферманинг йилқиларини боқади. Агар тоққа чиқмоқчи бўлсангиз, мен сизларни энг яқин йўлдан бошлаб бораман, – деди Жамила Мирзараҳмонова.

Ёш саёхатчилар у ерга боришга қарор қилдилар. Улар пухта тайёргарлик кўрган ҳолда йўлга чиқдилар. Саёхатчилар тепалик ва қирлар ошиб, мўлжалга етиш учун йўл босишар эди. Улар кўп йўл юришди. Уч қир ошгач, чорвадорлар жойлашган ерга етишди. Ферма чўпонлари бу ерда чорпояларда ўтиришарди. Улар саёхатчиларни дам олишга чақирди. Саёхатчилар бу ерда бироз дам олдилар. Сигир соғувчи Ҳожия опа болаларни пиширилган сут ва катик билан меҳмон қилди. Саёхатчилар уларга миннатдорчилик билдириб, яна йўлда давом этишди. Улар ҳар бир қирдан ошишар экан, ҳаво ўзгариб, тоғ соғуғи тобора сезила бошлади. Тоғ устидаги ҳали эриб битмаган оппоқ қорларни кўрган ўқувчилар ажабланиб бир-бирларига қараб кўйишар эди. Ёш саёхатчилар гулхан кўринган жойга етиб келдилар.

Бу ерда машҳур йилқичи Мирзараҳмон Ҳақимов йилқиларни боқар экан.

– Шаҳарлик ўртоқларимни олиб келдим, – деди Жамила отасига.

Болалар Мирзараҳмон ака атрофига ўтиришди, шундан кейин кизгин суҳбат бошланди. Мирзараҳмон ака ёшлигидан бери йилқиччилик билан шуғулланиб келаётганлиги, ҳозирда йилқиларини қандай парвариш қилаётганлиги ҳақида сўзлаб берди. Ҳамма болалар моҳир йилқичининг сўзларини мароқ билан тингладилар, сўнгра унга турли - туман саволлар бера бошладилар:

– Сизга ўхшаб машҳур йилқичи бўлиш учун нима қилиш керак?

– деди ёш саёхатчилардан бири. Мирзараҳмон ака кулиб:

– Аввал ҳар бир ишга ҳавас керак, ўғлим, кейин ғайрат. Ҳалол меҳнат қилсангиз, моҳир йилқичи бўласиз. Мамлакат ва халқнинг молларини ўз молларим, деб билиб, унга ғамхўрлик қилсангиз, ҳурматга сазовор бўласиз, – деди.

Мирзараҳмон ака ўқувчиларнинг қандай баҳога ўқиётганликларини сўради. Сухбат тугаб, ҳамма ўрнидан турди. Саёҳатчилар ажойиб таассуротлар билан манзилларига қайтдилар.

Ҳақим Назир



Билиб олинг.

КИШИНING ТАШКИ КЎРИНИШИ – ПОРТРЕТИ ТАСВИРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Кишининг ташки кўриниши – портретини – оддий, илмий ва бадий тасвирлаш мумкин. Оддий тасвирдан, одатда, йўқолган кишини кидиришда суд ишларида, суҳбатдошга бирор кишини таништиришда, у ҳақида маълумот беришда фойдаланилади. Бунда тасвирланаётган кишининг ўзига хос муҳим белгилари: одамнинг ёши, юз тузилиши, кўзи, кулоғи, бурни, сочининг ранги, бўйи, гавдаси кабилар аниқ далилларга асосланган ҳолда, кўрсатилади. Масалан:

Тўрт яшар киз бола йўқолиб қолди. Исми Дилобар. Катак гулли паҳмок кўйлак кийган, боши яланг, оёғида оқ сандал. Сарғиш, сийрак сочи ўримга келмаган, бўйи паст, семизгина, кўзлари думалок, коп -қора.

Илмий тасвирида. Бирор этник гуруҳ, ирк, миллат вакилининг (масалан: ҳабаш, араб, корейс) ташқи кўриниши тасвири аниқ ва изчил кўрсатилади.

Бадний тасвирида. Бадний асарда иштирок этувчиларнинг ташқи кўринишини – портретини тасвирлаш ёзувчи учун ҳам, китобхон учун ҳам муҳимдир. Ёзувчи учун портретни тасвирлаш бадний тасвир воситаси, яъни қаҳрамоннинг хулқи, табиати, феъли, юриш - туришида намоён бўладиган руҳий хусусиятларини ифодалаш усулидир. Одатда ижобий қаҳрамонларнинг портрети чиройли, ёқимли; салбий қаҳрамонларнинг портрети эса хунук, ёқимсиз қилиб тасвирланади.

150-машқ. Ўқинг. Қайта хикоя қилиб бериш.

Сарвиноз – синфимиздаги энг пешқадам аълочи қизлардан бири. У қорачадан келган, юзлари лўпигина, қулиб турган чехраси доим ўзига ярашиб туради. Айниқса, унинг сермаъно сўзлари, шахло кўзлари, коп-қора қалин сочлари одамларнинг диққатини ўзига тортади. Лабининг чап томонидаги қора холи унинг хуснига хусн, гўзаллигига гўзаллик бахш этиб туради. Сарвиноз оддий кийинишни хуш кўради. Унинг ҳамиша дазмолланган кофтаси, қора юбкаси ўзига жуда ярашади. Қалин сочларини баъзан майда қилиб ўриб, орқасига ташлаб юришини ҳаммамиз ёқтирамыз. У ўзига ортиқча оро ҳам бермайди, ортиқча зебу зийнатни ҳам ёқтирмайди. Унингча, ҳамма нарса ўз меъёрида бўлиши керак.

Қани энди ҳаётимизда Сарвинозга ўхшаган қизлар кўп бўлса. Бундай қизларни ҳаммамиз ёқтирамыз.

151-машқ. Ўқинг. Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» романида Раъно портретини тасвирлашда унинг характеридаги хусусиятларга қандай эътибор берганига диққат қилинг.

«Раънонинг семи - жисмига, ёхуд хуснига жуда мувофиқ тушган эди... Бу гўзал киз оч раъно гулининг тусида ёки оқ - сарик тусда яратилган эди... Сочни гунг-гурт қора, яъни қуёшсиз

жойларда қора кўринса ҳам, қуёшда бир оз сарғиш бўлиб кўринар эди... Жоду кўзига каттиқ қараганда, қоралиқдан бошқача яна бир турли кизғиш нур сочар эди. Киприклари остида нафис бир сурма доираси бор эди. Қоши туташ кўринса ҳам, кўндаланг ётган икки қилич орасини нафис бир қуюлиб кўтарилиш ажратиб турар эди. Бурни ҳеч бир мунаққидга беришмаслик мутаносиб, ҳар замон уялиш табассумига ҳозир турган нафис иринларининг юқориги қисмида сезилар - сезилмас туклар кўқарган эди. Юзи чўзиқ ҳам эмас, ой кулча деб ҳам бўлмас; кишига кулиб қараганда кизил олма остларида иккита шакл ҳосил бўлар, гўё бизга чин раъно гули очилган ҳолатда кўринар эди. Сочлари жуда қуюқ, саноксиз кокиллари орқа - ўнгини тутиб ётар, қадди узунлик билан қисқалиқ ўртасида, дўндик бармоқларининг жимжалоғида хина гуллари; ҳар ҳолда бу қиз ёлғиз Қўқондагина эмас, умуман, Фарғонанинг куйларга қўшилиб мақталадиган гўзалларидан эди».

Абдулла Қодирий

Топширик

Ўзингиз ўқиган ёки синфда ўрганган асар қаҳрамонларидан бирига салбий тавсиф ёзинг.

Феълнинг функционал шакллари

Феълнинг гапда маълум бир вазифани бажаришга мослашган шакллари феълнинг функционал шакллари дейилади. Феъллар куйидаги функционал шаклларга эга:

1. Равишдош.
2. Сифатдош.
3. Ҳаракат номи.

30-8. РАВИШДОШ

Топширик

I. Ўқинг. Қайси гапларда иш- ҳаракатнинг белгиси, мақсади, пайти ва сабаби ифодаланган?

II. Ажратилган сўзларга савол беринг.

Қуёш чикди.

Биз келдик.

Чой совумад.

Қуёш чарақлаб чикди.

Биз ўқигани келдик.

Чой ичгунча совумад.

Юзини бурди.
Бермоғи бор.

Юзини уялиб бурди.
Олмоқнинг бермоғи бор.

Иш-харакатнинг белгисини қай тарзда, қачон, қандай мақсадда бажарилишини билдирган феъл шакли равишдош дейилади.

Равишдош феълнинг равишга яқин шаклидир. Шунинг учун равишдош ҳам феълга, ҳам равишга хос хусусиятларга эга.

Равишдошлар худди равишлар каби сабаб, мақсад, пайт маъноларини ифодалайди, гапда иккинчи даражали бўлак ҳамда кесим вазифасида келади.

Масалан: *Улар қувнаб-қувнаб ҳол-аҳвол сўрашдилар.* (А. Мухт.) *Ҳаво очилиб, офтоб чарақлади.* (Х, Ирфон) *Мен бугун юрагимни очиб гапиргани келдим.* (У.) *Дилафруз йўлда бораётиб гапирди. Йўлдошибой куни билан пиёда йўл босиб, кечга яқин Ўзганга кириб борди.* (Х, Н.) *Маҳаллам олдига келгач, трамвайдан сакраб тушдим.* (О.)

Равишдошнинг феълга хос хусусиятлари қуйидагилар:

1. Феъллар каби тусланади: *ўқибман, ўқибсан, ўқибди; келамиз, келасиз, келадилар.*

2. Етакчи феъл билан кўмакчи феълни боғлайди: *ёза олди, ўқий бошлади.*

3. Бўлишли, бўлишсиз бўлади: *ўқигач (бўлишли); ўқимагач (бўлишсиз).*

5. Нисбат билдиради: *ўқиб – (аниқ нисбат); ўқилиб – (мажҳул нисбат).*

152-машқ. Ўқинг. Гаплардан ҳаракатнинг белгисини, бажарилиш мақсадини, пайтини билдирган феъл шаклларини аниқланг.

1. Сирдарёнинг пахтасини терай қувнаб-қувнаб. (Кўшиқдан)
2. Асаларилар ҳам ғўза гулларида бол эмгани келдилар. (Х, Н.)
3. Дарс бошлангунча ям-яшил боғни айланиб чиқдик. 4. Нур сочиб, ой чиқади пахтазорга бокқани. (Х, Н.) 5. Бу лақабни айтмагунча кишлоқда уни биров танимайди. (О, Ё.) 6. Эртага қайиғи йўқларни камиш ўргани юбориш керак. (А, Мухт.)

153-машқ. Ўқинг, равишдошларни топиб, нима учун қўлланганлигини айтинг ва гапларни кўчиринг.

1. Шу пайт чорбоғдан эчки етаклаб Дилдор кириб келди. (О.)
2. Оқушлар Иссиқкўлга фақат кузда учиб келишиб, шу ерда кишлашади. (Ч.А.) 3. Алибек Асалга якин келиб, қўл бериб саломлашди. (Ч.А.) 4. Ҳовуз бўйида сулайиб ётиб, чанкокликка бардош беролмай қолдим. (Н.Ф.) 5. Янги кесилган тут устида болтасини ушлаб Собиржон ўтирибди. (С.З.) 6. Сиз билан маслаҳатлашгани келдим. (Б.Раҳмон.)

154-машқ. Кўчиринг. Берилган гаплардан равишдошларни топиб, гаптаги вазифасини аниқлаб, остига чизинг.

1. Ақромхон ўрта мактабни тамом қилгач, отаси уни Тошкентга ўқишга юборди. (А.Қ.) 2. Кўпчиликнинг савлати босиб, нима деярини билмай қолди. (И.Шоир) 3. Султонмурод кела солиб ўқишга киришди. (О.) 4. Э, ўғлим, хушxabарнинг садағаси кетай. Бутун трасса бўйлаб оғизма-оғиз кўчиб юрибди. (Ч.А.) 5. Наврўз менинг қилмишларимни бирма-бир домлага етказибди. (Н.С.)

6. Касб этгач, ўзига меҳнатни инсон,

Қалам келиб қўлга қўнибди осон. (Жавҳарзода)

155-машқ. Кўчиринг. Гаплардан равишдошларни топиб, қайси бирида феъллик белгилар, қайси бирида равишлик белгилар мавжудлигини тушунтиринг.

1. Мунча хайкиргунча телба тўлқишлар,

Симларга қувват бер шалолалардан. (Мир.)

2. Қанотини куш қоқиб майин

Уйғонар эл полвоилари. (Мир.)

3. Тобига келган чойдек шарақлаб кулиб Палмантоз кириб келди. (А.Мухт.) 4. Муяссар шоша-пиша унга кечаси ўйлаган гапларини гапира бошлади. (О.Ё.) 5. Вақт кеч бўлиб қолгач, Холмат ака ортиқча ўтиришни лозим топмади. (Х.Н.) 6. Узоққа кетмагин, сени кўргани одамлар келади. (Я.)

156-машқ. Ўқинг. Гаплардан равишдошларни топинг.

1. Саида Қаландаровнинг кабинетидан вақти чоғ бўлиб чиқди. (А.Қ.) 2. Улар бу ерга комбинат, шаҳар, ҳаёт яратгани келишган. (А.Мухт.) 3. Бир-биримизни дўст тутамиз, чунки бирга ўсганмиз.

(А.Қ.) 4. Боғдан чикқач, қаёққа боришимни ўйлаб, бир зум туриб қолдим. (О.Ё.) 5. Бугун журналдаги расмингга тикила-тикила хўрсиниб кўйдим. (О.) 6. Раёно кўчага чикқач, қадамни тезлатди. 7. Ариқчада кумушдек сув шилдираб оқмоқда. (О.Ё.) 8. Тонг отгач, саёхатчилар йўлга тушишди. (Х.Н.)

РАВИШДОШ ЯСОВЧИ КЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Равишдош куйидагича ясалади:

1. **-б, -иб** кўшимчалари билан: *ўйлаб гапирди, қониб - қониб сув ичди.*

Равишдошнинг бу шакли иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини, бажариш пайти, сабаби каби маъноларни билдиради.

2. **-а, -й** кўшимчалари билан. Равишдошнинг бу тури, асосан, такрор шаклда қўлланади, ёзувда чизиқча билан ёзилади: *Кула-кула гапирди, ишлай- ишлай чарчади.*

3. **-гач (-қач, -қач)** кўшимчалари билан. Равишдошнинг бу шакли пайт ва сабаб маъноларини билдириб, гапда ҳол вазифасида келади: *Бобур уни танигач, отнинг жиловини тортиб, орқасига қаради.* (П.Қ.)

4. **-гунча (-қунча, -қунча)** кўшимчалари билан: *тикқунча, оққунча, кетгунча.* Равишдошнинг бу шакли, асосан, пайт маъносини билдиради, гапда кесим вазифасида келади: *кетгунча, тикқунча, оққунча. Тонг отгунча катта йўлга чиқиб олдилар.*

5. **-ганча (-қанча, -қанча)** кўшимчалари билан: *букқанча, чиққанча, кўрганча.*

Гапда ҳол вазифасида келади. *Дарвозага суянганча Саодатнинг жавобини бир марта ўқиб чиқди.* (О.Ё.)

6. **-гани (-қани, -қани)** кўшимчалари билан: *айтгани, экқани, чиққани. Раиснинг буйругини айтгани борди.*

157-машқ. Кўчиринг. Равишдошларни топиб, равишдош ясовчи кўшимчаларнинг тагига чизинг.

1. Кўклам кўкатлари гуркираб ўсди. (С. А.) 2. Тома-тома кўл бўлур. (М.) 3. Қизғиш тутун буралиб-буралиб осмонга кўтарила

бошлади. (А.Қ.) 4. Бора-бора кетди қадрим, эътиборим ким десун. (Муқимий) 5. Хон ҳазратлари гуноҳингдан ўтибди. (С.С.) 6. Сени анжуманга чорлаб турибди. (С.С.) 7. Йигит юра-юра бир кўл кирғоғига чиқибди. (Эрт.) 8. Кишининг иши тўғри бўлгач, бу унинг учун энг яхши мақтовдир. (Н.) 9. Чол боши билан тасдиқлагач, йигит давом этди. (О.) 10. Ҳадеганда эшик очилавермагач, ҳавотир олдик-да. (Ҳ.Нўмон). 11. У кетгач атрофга зулмат чўкди.

158-машқ. Нукталар ўрнига қавс ичида берилган қўшимчалардан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Ишла ... (-май, -а, -й) еган, оғри ... (-май, -а, -й) ўлар. (М.) 2. Бир икки йил бурун ёзилган, шекилли, қоғоз сарғай ... (-иб, -б) кет ... ди (-иб, -б). (С.С.) 3. Энди қармоқларга тез-тез балиқчалар илин ... (-а, -й) бошлади. 4. Биз ўзимизни бироз чалғит ... (-б, -иб) ишга шўнғидик. 5. Эркин чоп ... - чоп ... (-й, -а) чарчади. (Ё. Ш.) 6. Йигитлар ўтин тер ... (-б, -б), қизлар гулхан ёқишди. 7. Бемор отамни кўр...(-гани, -кани, -қани, -гали) касалхонага бордим. (С.З.) 8. Элдан айрил ... (-унча, -кунча, -қунча) жондан айрил. (М.)

159-машқ. -а, -й, -б, -иб қўшимчалар иштирок этган олти та равишдош ҳосил килинг ва улар иштирокида олти та гап тузиб, дафтарингизга ёзинг.

160-машқ. Қавс ичидаги феълларни равишдош билан алмаштириб кўчиринг.

Намуна: *Ситора бизнинг олдимизга (югурмоқ) югуриб келди ва (зитикмоқ) зитикиб сўзлади.*

1. Қора тол бир ерда (ўсмоқ), бир ерда кесилади. (С.Аҳм.) 2. Давлатали кишлокдаги воқеаларни (оқизмоқ - томизмоқ), (сўзламоқ) берди. (О. Ё.) 3. Йўлчи пиёлаларни (ювмоқ - артмоқ) кўя бошлади. (О.) 4. Болалар токка (кўтарилмоқ) ёмғирда қолди. 5. Бектемир дарахтлар орасидан (хатламоқ), (қоқилмоқ - қоқилмоқ) чопиб кетди. (О.)

161-машқ. Кўчиринг. Гаплардан равишдош шаклларини топинг ва равишдош ясовчи қўшимчаларнинг остига чизиб, аниқлатган маъносини изоҳланг.

1. Яна икки кўз ҳам бердим,
Ёв келганда кўргали. (Ҳ.О.)

2. Ётиб қолгунча, отиб қол. (М.) 3. Орадан бир мунча вақт ўтгач, каналнинг у ёғидан автомобиль чироғи кўринди. (А.Қ.) 4. Қизлар гулдаста тергани боққа кириб кетишди. (С.З.) 5. Турли хил гуллардан териб, учта гулдаста боғлагач, тезда қайтишди. (С.З.) 6. Ҳаво очилгунча, кутиб турдик. (Ҳ.Н.) 7. Маъмураҳон мохир тикувчи бўлгунча, тўғарак машғулотларига мунтазам қатнашиб турди. 8. Алексей ичкарига кириб олгач, диққат билан қулоқ солиб турди. (М.Г.) 9. Муқимий чуқур билим эгаллагани Бухорога келди. (С.Абд.) 10. Мен сизни ичкарига таклиф қилгани чиқмадим. (А.Қод.)

Равишдошнинг ясалиши

№	Ясовчи қўшимчалар	Маъноси	Мисоллар
1	-б, -иб	ҳолат, пайт, сабаб	хабарлар (келди), қулиб (гапирди), кўриб (келмади)
2	-а, -ай	пайт, сабаб	югура-югура (чарчади), қувнай-қувнай (ўйнаяпти)
3	-гач (-қач, -қач)	пайт	кўрингач (чақирди), келавермагач (жўнатдик)
4	-гунча (-қунча, -қунча)	ҳолат	тиқилганча (турибди), осмонга боққанча (хаёл сураяпти)
5	-гани (-қани, -қани)	мақсад	кўргани (келдик), тўққани (келяпти, чиққани (ижозат сўради))

Равишдошни таҳлил қилиш тартиби

1. Қайси сўроққа жавоб бўлади?
2. Гаптаги қайси сўз билан боғланган?
3. Ясалиши.
4. Бўлишли ёки бўлишсизлиги.
5. Нисбати.
6. Гаптаги вазифаси.

Намуна: *Келажакни ўйламай, орзусиз яшаган кишиларнинг қизи гаггин, қиши эса ундан баттар бўлади. (Ё. Ш.)*

Ўйламай - равишдош, сўроғи - нима қилмай? Келажакни сўзи билан боғланиб келган; **-май** қўшимчаси билан ясалган; бўлишсиз; аниқ нисбат; гапта ҳол вазифасида.

162-машк. Кўчиринг. Равишдошни топиб, таҳлил қилинг.

1. Чўққидагилар жавоб бермагунча, биз чақиришни давом эттирдик. (Х.Тўхт.) 2. Чўпон қўйларни суғоргани пастликка ҳайдади. (Х.Н.) 3. Деразалар очилгач, хонага тоза ҳаво кирди. (С.Аҳм.) 4. Ҳаллослаб чопганимча, чойхонага яқинлашиб қолган эдим, биров отимни айтиб чақирди. (Ў.У.) 5. Сувонқул чинни лаганни кўтарганча, ўчок бошига борди. (О.) 6. Тонг оқариб, булбуллар сайрай бошлади. (А.Қ.) 7. Булут ёмғирин тўккач, майсалар яшнаб кетди. (С.Аҳм.) 8. Шовкини зўр, кичкина сой. Суви тип - тиник тубида тошлар жимираб кўринади. (С.Анорб.)

Сўзларнинг аъволи бўлиши

1. Равишдош нимани билдиради?
2. Равишдошнинг асосий хусусиятларини сананг.
3. Равишдош ясовчи қўшимчалар ва уларнинг ёзилишига мисоллар келтиринг.
4. Равишдош гапнинг қайси бўлаги бўлиб келади?

163-машк. Сайланма баён. Ўқувчиларда кишининг ташқи кўринишини тасвирлаш малакаларини мустаҳкамлаш. Унда қуйидаги матндан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

СЎЗНИНГ КУВИНИ

Ҳаво ранг штапель кўйлак устидан оқ фартук кийган Салима 7 - «Б» синфнинг қўш табақали бўйдор эшиги олдида бир оз аланглаб турди. У гоҳ пастдан чиқиладиган зинага, гоҳ ўқитувчилар хонаси томонга қараб - қараб қўяр эди. Кейин икки учини эзгилаб турган шойи бўйинбоғидан қўлларини олди- да, шахдам одимлар билан синфга кириб кетди.

Эрталабки илик куёш баҳаво синфга кенг, оппоқ деразалардан жилмайиб турарди. Болалар жойларида, фақат ҳозиргина шошилиб кирган Салима ўқитувчиси столи ёнида турибди. У синфни, тартибни, яна нималарнидир ҳаяжон билан кузатади. Бирдан кўзлари Замира ёнидаги бўш ўрнида тўхтади. Замирани партадоши Илҳом келмаган эди. Салиманинг қора, ингичка қошлари чимирилди, қовоқлари тушди, ёшига ярашмаган бир асабийлик билан пастки лабини тишлади. Кейин кимгадир жahl қилгандек, тагдўзи дўппилик кичкина бошини силкиди-да, шарт ўгирилиб, югурганича синфдан чиқиб кетди. *М. Исмоилов*

164-машк. Ўқинг. Чап ва ўнг томонда ажратиб кўрсатилган сўзлар қайси сўзга боғланган ва қандай сўроққа жавоб беради?

- | | |
|--|--|
| <p>1. Улуғ Ватан, гўзал табиат оро берар ўзига. (У)</p> <p>2. Кўркам, чиройли уйларга кўчиб кирамиз.</p> <p>3. Қорамтир осмонда беҳисоб юлдузлар чараклаб турарди.</p> | <p>1. Бугда пиширилган шолғом соғлиққа катта фойда беради.</p> <p>2. Ўз бурчини ҳалол бажардиган киши маданиятли шахсдир.</p> <p>3. Тонгда эсаётган майин шабада танга ором беради.</p> |
|--|--|

Нарса-буюмнинг ҳаракат, ҳолат белгисини билдирган феъл шакли сифатдош дейилади. Бу феъл шакли нарса-буюмнинг белгисини билдириши билан сифатларга ўхшайди ва шу хусусиятига кўра сифатдош деб номланади.

Сифатдош худди сифатлардек от олдидан келиб, уни аниқлайди.

Қиёсланг.

Сифат	Сифатдош
чаккон киз	ўтирган бола
интизомли бола	келаётган одам
тиник сув	оқар сув

Сифатдош феъллик ва сифатлик белгиларга эга.

Феъллик белгилари:

феъл сингари иш-ҳаракатни англатади; замон, нисбат, бўлишли-бўлишсизлик маъноларини ифодалайди. Масалан: *ўқиган* (бола) – ўтган замон, *ўқийётган* (бола) – ҳозирги замон; *ўқийдиган* (бола) – келаси замон; *ўқиган* (бола) – аниқ нисбат, *ўқилган* (китоб) – мажхул нисбат, *ювинган* (қиз) – ўзлик нисбат; *ўқиган* (бола) – бўлишли, *ўқимаган* (бола) – бўлишсиз.

Сифатлик белгилари:

сифат каби предметнинг белгисини билдиради, отга боғланади. Гапда сифат каби аниқловчи бўлиб келади.

Худди сифатлардек қайси? қандай? каби сўроқларга жавоб бўлади. Масалан: *очилган* (қандай?) гул – сифатдош, *чиройли* (қандай?) гул – сифат.

Сифатдош ҳам сифатлар сингари отлашиб келганда кўплик, эгалик, келишик кўшимчаларини қабул қилади Гапда эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи вазифасида келади. Масалан: *Ботайтган* (қандай?) *қуёш барра кўкатларга шуъласини сочарди*. *Сўраганинг* (ниманинг?) *айби йўқ*. *Кўрққанга* (кимга?) *қўш кўришар*. *Ўқиган* (ким?) *ўзар* (нима килади?), *ўкимаган* (ким?) *тўзар*.

165-машқ. Кўчиринг. Сифатдошларни аниқланг, гапдаги вазифасини тушунтиринг.

1. Бошга тушгани кўз кўради. (М.) 2. Оқаётган тиниқ сув – бутун борлиқнинг жони. (З.Д.) 3. Оломон сесканиб кетди, ўтирганлар ўринларидан турдилар. (М.Г.) 4. Мен шеърга солдим айтар сўзимни. (У.) 5. Ер очганинг бахти очилади. (М.) 6. Қўшиқни майин хиргойи қилиб кетаётган бола бирдан жимиб қолди. (О.Мухт.) 7. Чортерақдан келганлар самоварни тўлдириб гурунглашиб ўтиришарди. (С.Аҳм.) 8. Гул билан безанган бинолар кишига ором беради. (Э.Раҳм.)

166-машқ. Кўчиринг. Гаплардан сифатдош бирикмаларни топиб, остига чизинг ва устига ёзинг.

1. У берган овқат ширин, ётқизган тўшаги юмшоқ, айтаётган эртаги сеҳрли эди. (Х.Ғ.) 2. Қип-қизил маржон такқан икки чиройли киз югуриб чиқиб кетди. (Х.Ғ.) 3. Синаган одам башарасига балчиқ сочиб синайдими? (Ш.) 4. Аъзам кузда меваси пишадиган дарахтга баҳордан салом берувчилардан эди. (Ш.) 5. Эзгулик ҳеч эскирмайдиган бирдан бир либосдир. (Х.)

167-машқ. Кўчиринг. Гаплардан равишдош ва сифатдошни топиб, остига чизинг ва устига турини ёзинг.

1. Болалар боққан балиқлар аквариумда сузиб юрибди. 2. Йўлга чиккандлар охиста одимлашарди. (С.Назар) 3. Машинадан тушганларга дарахтзор ҳовлисининг салқини урди. (А.Мухт.) 4. Эсаётган шабада Комилжонга майин туюлди. (И.Р.) 5. Поезд бир кичкирди-да, гуриллаб йўлга тушди. (Х.) 6. Ҳошимжон қош қорайтириб келган эди. (Х.) 7. Сўнгра кула-кула бир хикояни айта

бошлади. (Ҳ.О.) 8. Тонг оқариб булбуллар сайрай бошлади.
(С.Аҳм.) 9. Гулсарани олиб кетгани келдим. (Я.)

32-§. СИФАТДОШ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Сифатдош куйидагича ясалади: **-ган (-кан, -қан)**
қўшимчаси орқали: *ўқиган йигит, келган вакил, ўсган дарахт.*

-а ёки **-й** билан тугаган равишдошга **-ётган**
қўшимчасини қўшиш орқали: *сўзлай – сўзлаётган, куйлай – куйлаётган.*

-р, -ар қўшимчасини қўшиш орқали: *учар қушлар, оқар сувлар, қилар иш, келар меҳмон.*

-а ёки **-й** билан тугаган равишдошга **-диган**
қўшимчасини қўшиш билан: *айтадиган гап, берадиган жой, ўқийдиган китоб, битадиган иш кабилар.*

-ажак қўшимчаси жуда кам қўлланади. Масалан:
келажак авлод, бўлажак келин, боражак манзил.

-гуси -гуси қўшимчалари ҳам сифатдош ясади: *келгуси иш, бўлгуси ҳаёт.*

168-машқ. Ўқинг. Сифатдошларни топиб, ҳосил бўлишини тушунтиринг.

1. Етиб борган куниёқ.

Айт-да, хат ёзажагинг. (Мирт.)

2. Одам ўзи ўтирган дарахтнинг шохини чопмайди. (М.)

3. Йўлимизда жилгадан хайқириб чикиб келаётган сой келди.

(А.Қ.) 4. Туя бўйидай келадиган камшизорга киришлари билан олдинда бораётган сувори юзидан қора чарм никобини олди. (О.Ё.)

5. Қуёш кўкка интилиб, табассум қиларди. 6. Яна йирокдаги баланд тоғлардан топилувчи Бадахшон лаълилари тўғрисида нималарнидир ёзиб қўйди. (К.Монсева)

169-машқ. Нукталар ўрнига сифатдош ясовчи қўшимчалардан мосини қўйиб кўчиринг, маъносини тушунтиринг.

1. Ўт боғла... қанотлар,

Беқанот уч... отлар. (Ҳ. О.)

2. Милтилла... чирок олдида бошини газетага эгиб ўтир...

Ўсаржонни машинага юборди. (О.) 3. Икки томони темир исканжага олин... Днепр қайнаб тошмоқда. (М.Г.) 4. Эндигина тандирдан чик... жиззали ноннинг ҳиди димоқларга урилди. 5. Инсонга ҳаётда энг кўп фойда беради... нарса – умид. (А.Вольтман) 6. Кўкда саёҳат қилиб юр... ой булут орасига кириб яширинди. (И.Р.) 7. Эрка қилиб боқил..., текис йўлда қокил... (Ш) 8. У қайна... қонини, фарёд чек... жонини қўймоққа топмади жой. (Х.О.)

170-машқ. *Кўймоқ, отмоқ, ўчирмоқ, сақламоқ, ишонмоқ, ўйнамоқ, юрмоқ* феълларини сифатдошга айлантириб, ҳар уч замонда ёзинг.

171-машқ. Ўқинг. Сифатдошларни топиб, ўзи боғланган сўз билан ёзинг. Замонини ясовчи қўшимчаларини аниқланг, имлосини тушунтиринг.

1. Инсон учун фазилат шондир шарафли меҳнат.

Ишдан кочувчиларнинг бурди- қарори бўлмас. (У.)

2. Чақнаган юлдузлар аста кўкни ёритиб турибди. (П.Қ.) 3. Биз ботаётган қуёшни томоша қилдик. 4. Аваз олисда сув ёқалаб келаётган қора чўтир кишига қараб-қараб кўйди. (С.С.) 5. Роҳати-жон эрди оқар сувлари. (Гулханий) 6. Ақл камтарлик узугида ўзга нур сочувчи асл тошдир. (М.Г.) 7. Яхши ўқиганнинг тили бурро бўлади. (М.) 8. Кишига ўйлаганини айта билмасликдан кўра ҳам оғирроқ азоб йўқ.

Сифатдошнинг ясалиши

№	Замони	Ясовчи қўшимчалари	Мисоллар
1	Ўтган замон	<i>-ган (-қан, -қан)</i>	айтган, экан, оккан
2	Ҳозирги замон	<i>-ётган, -аётган</i>	ишлаётган, ўқийётган ёзаётган, келаётган
3	Келаси замон	<i>-йдиган -адиган</i>	ишлайдиган, ўқийдиган, ёзадиган, келадиган

172-машқ. Нукталар ўрнига сифатдош ясовчи қўшимчаларни қўйиб, сўзларни ёзинг.

Бор... йўл, ўқий. . қиз, оқа... сув, меҳнатсев... одам, кўр... кўз, уч... гилам, кел... йўл.

173-машқ. Кўчиринг. Гаплардаги равишдош ва сифатдошларни топиб, уларни ҳосил килувчи қўшимчаларни аниқланг, маъносини тушунтириб беринг.

Намуна: *Кўрар кўзим, Авазжоним, бормисан. (Э. Ж.)*

Кўрар – сифатдош; келаси замон сифатдоши; **- ар** қўшимчаси билан ясалган; бўлишли; аниқ нисбатда; гапда сифатловчи - аниқловчи вазифасида.

1. Бўлгуси паришонлик,
Ўтгуси пушаймонлик,
Гард юкса-да, бир онлик,
Енгуси чин инсонлик. (Х. Ғ.)

2. Дунёни сув босиб, ўт олса ҳам, эгрининг эгрелиги қолмайди. (Х. Ғ.) 3. Эрназар ака Умаралининг кўзларига тикилиб каради. (И.Р.) 4. Сиз ғоятда усталик билан мени савол берувчидан жавоб бергувчига алмаштириб юборяпсиз. (Ю.Семёнов) 5. У бир четда дилдираб турган Аҳмаджонга ўшқирди. (С.С.) 6. Қулмуҳаммад ўзи яратган куйлар билан шуҳрат топганди. (М.Б.) 7. Яхшилик эккан, омонлик ўради. (М.) 8. Сўзлаётган одамнинг гапини бўлишдан ҳам ёмонроқ дағаллик йўқ. (Х.)

Сифатдошни таҳлил қилиш тартиби

1. Қайси сўроққа жавоб бўлади?
2. Гапда қайси сўз билан боғланган?
3. Ясалиши.
4. Замони.
5. Бўлишли ёки бўлишсизлиги.
6. Нисбати.
7. Гапдаги вазифаси.

Намуна: *Қалбдан чиққан сўз қалбга йўл олади.*

Чикқан - сифатдош; қандай? сўроғига жавоб бўлади; сўз сўзи билан боғланган; **-қан** қўшимчаси билан ясалган; ўтган замонда; бўлишли; аниқ нисбатда; гапда аниқловчи вазифасида келган.

174-машқ. Берилган гаплардан сифатдошларни топиб, таҳлил қилинг.

1. Ишда ошиққан кўп тойилур, кўп тойилган кўп йикилур. (А.Н.) 2. Дарчадан отилиб чиққан Алолат уйга югуриб кирди. (С.З.) 3. Туганмас хузур-халоват меҳнатда. (Х.) 4. Ноиб мудир

олдида сўроқ бераётган муллабаччадай шошиб колди. (С.С.)
5. Чақирилган жойгагина боринг. 5. Ўтирган кишига иш буюрманг, малол келмасин. (Х.) 6. Аваз билан Хулкар юқоридан шилдираб тушаётган сув бўйида ўтириб овкатланишди. (П.Қ.)

7. Ялтирарди доим товланиб,

Ой нурида чўмилгувчи тош. (Х.О.)

Савал ва тошшириклар.

1. Сифатдош нимани билдиради?

2. Сифатдошнинг феъллик ва сифатлик белгиларини айтиб беринг, мисоллар келтиринг.

3. Ўтган замон сифатдошнинг ҳосил бўлишини мисоллар билан тушунтиринг.

4. Ҳозирги замон сифатдошига мисол келтиринг ва ҳосил бўлишини айтиб беринг.

5. Келаси замон сифатдошини ҳосил килувчи қўшимчаларни айтинг ва мисоллар билан тушунтиринг.

6. «Халқ мақоллари» китобидан сифатдош шакллари иштирок этган ўнта мақол танланг ва ёд олинг.

7. Феъл сўз туркуми сиз ўрганган бошқа сўз туркумларидан нимаси билан фарқ қилади?

175-машқ. Матнни ўқинг. Феълларни аниқланг, ясалиши, нисбати ва майлини тушунтиринг.

Ў, Иссиқкўл! Қирғиз диёрининг сўнмас қўшиғи. Бу денгиз ошиқ - маъшуклар хақидаги афсона ва қўшиқлар диёри эканлигига ишонмай бўладими, ахир. У шу дамда мавжланиб, қатра ғуборсиз ранг-баранг товланиб туради.

Кўкимтир тўлқинлар ўркак-ўркак бўлиб, гўё қўл ушлашиб олишгандек сарғимтир кирғоқлар сари елиб - югуради. Тоғлар ортида қуёш ботмоқда, сувнинг этаклари кўзни камаштириб, пушти ранг касб этган. Узоқларда осмон гумбазига бош урган қорли тоғларнинг оч бинафша ранг тизмалари кўзга чалинади. Бу тизмалар устида кул ранг булутлар сузиб юарди.

– Уни қара, Асал! Оккушлар! Оккушлар! Иссиқкўлга кузда учиб келишиб, шу ерда кишлашади. Баҳорда эса бу ерга жуда камдан кам келишади. Одамларнинг айтишларича, булар шимолга учиб кетаётган жануб қушлари эмиш. Уларнинг келиши яхшиликдан, бахтдан дарак берар эмиш.

Оккушлар галаси окшомда кўл узра учиб юришарди. Қушлар гоҳ юкорига кўтарилар, гоҳ қанотларини ёйиб, пастга сузишарди. Улар сувга кўнар, қанотлари билан шалоп -шалоп уриб, кўпириб турган сув томчиларини узоқларга сачратардилар - да, яна осмонга кўтариладилар. Сўнгра улар турна қатор тизилиб, бир текисда қанот қоқишиб, тунамоқ учун кўрфазнинг қумлоқ сохиллари томон учиб кетишарди.

Ч. Айтматов

§ 8. ХАРАКАТ НОМИ

Иш-ҳаракатнинг номини билдириб, замон ва шахсонини кўрсатмайдиган феъл шакли ҳаракат номи дейилади. Масалан: *Спорт билан шугулланиш одамни соғлом қилади.*

Ҳаракат номи:

1. Ҳаракат ва ҳолат тушунчасини англатади: *ёзмақ* (ҳаракат), *ухламоқ* (ҳолат)

2. Бўлишли ва бўлишсизликни билдиради: *кетishi* (бўлишли), *кетмаслик* (бўлишсиз).

3. Отлар каби кўплик, эгалик кўшимчаларини қабул қилади (кўплик шаклида, асосан **-и (-и)** билан ясалувчи феъл шакли кўпроқ ишлатилади). Келишиқ кўшимчаларини олиб турланади. Масалан: *ўқиш, ўқишинг, ўқишини, ўқишига, ўқишида, ўқишидан.*

4. Гапда от сингари эга, кесим, тўлдирувчи, қаратқич аниқловчи вазибаларида келади. Масалан: *ўқиш* (эга) *фойдалидир. Мақсадим – ўқимоқ* (кесим). *Ўқимоқни* (тўлдирувчи) *қилдим орзу. Ҳайқирмоқнинг* (қаратқич аниқловчи) *фойдаси йўқ.*

176-машқ. Ўқинг, ҳаракат номи иштирок этган гапларни изоҳланг.

1. Портловчилар тўхташи ҳамон қудуқдаги техникани қутқаришга киришдик. (И.Р.) 2. Инсон бўлиш курашчи бўлмоқликдир. (Гёте) 3. Ишлашни билган одам яшашни ҳам билмоғи даркор. (Х. Расул) 4. Меҳнатни кадрламоқ, севмоқ керак. 5. Шеър ёдлашнинг фойдаси кўп. 6. Олмоқнинг бермоғи бор. (М.)

177-машк. Нуқталар ўрнига қуйида берилган ҳаракат номи шаклларида мосини қўйиб кўчиринг.

1. Ҳавас эди бизларга
Боғ ..., гул (Қ.М.)
2. Фафур Фулом туйган ғурурни
... керак оламга дoston. (А.О.)
3. Толеингда бор экан ...
Гоҳ қон ичдинг, гоҳида шароб. (А.О.)
4. Уятли иш ... аввало ўзидан ... керак. (Демок.)
5. Корхона мени Тошкентга ... учун юбормоқчи. (И.Ақром)

Қўйиш учун сўзлар: *ўстириш, экиш, ўқув, қилмоқ, қилувчи, уялиш, яшиш, ўқиш.*

178-машк. Ўқинг. Гаплардан равишдош, сифатдош, ҳаракат номларини топинг. Уларнинг гаптаги вазифасини тушунтиринг.

1. Ёндириш мумкинми, ёнмасам ўзим,
Қондириш мумкинми, қонмасам ўзим. (Т.Сайдалиев)
2. Йигирилган иплардан ҳар хил газламалар тўқилади. (Газ.)
3. Режали иш бузилмас. (М.)
4. Қалин қорда отлар чираниб кадам ташлар эди. (А..)
5. Учқун бешиқда пишиллаб ухлаб ётибди. (Ҳ.Ғ.)
6. Саломлашиш – одобнинг белгиси. (М.)
7. Шундан бери дарё бўйида,
Тинмай ишлар экан халойиқ. (Ҳ.О.)
8. Оқар сувлар турғун сувдан салқин ва тоза бўлади. (Ҳ.Н.)

34-8. ҲАРАКАТ НОМИ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Ўзбек тилида ҳаракат номи қуйидаги қўшимчалар билан ясалади:

1. Феъл ўзак -негизларига **-иш** **-(иш)** қўшимчаларини қўшиш йўли билан: *бориш, чиқиш, ўқиш, ҳайдаш.*

2. Феъл ўзак - негизларига **-в**, **-ув** қўшимчаларини қўшиш билан: *кўрув, ишлов, ўқув, билув.*

3. Феъл ўзак-негизларига **-моқ** қўшимчасини қўшиш билан. Масалан: *келмоқ, бормоқ, ишламоқ.*

179-машқ. Ўқинг. Ҳаракат номларини топиб, ҳосил бўлишини тушунтиринг.

1. Инсоннинг руҳин синдирмоқ учун
Қанча ташвишларни яратди ҳаёт. (М. Али)
2. Фарзандни ўстирмоқ она химмати,
Онани яшартмоқ фарзанд қисмати. (М. Али)

3. Чавандоз бу гапларни Эртоевга айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмасди. (О. Ё.) 4. Рўйи заминда инсон бўлмоқ ажойиб рутубатдир. (М. Г.) 5. Сиздан ажрамоқ қалбни иккига бўлмоқ билан баробар. (Л. Б.) 6. Деҳқон ерга қанча кўп ишлов берса, ҳосил шунча мўл бўлади. 7. Гуноҳдан кўркмаслик – иймонсизлик белгиларидан бири. (Ҳадис)

8. Яшашдан бир аср олтин қафасда,
Яшаш афзал бир ой эркин нафасда. (У.)
9. У бир баҳор, боғларида
Очилиш бор, сўлиш йўқ. (У.)

180-машқ. Нукталар ўрнига куйида берилган ҳаракат номларидан мосини кўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Ростини айтмаганингда барибир ... ўтказар эдим. (Ё.Ш.)
2. Маслаҳат шуки, кунт билан... ҳаётни ўрганиш демак. 3. Ўзидан ... доно киши ҳаётининг зарур шартидир. (Л.Т.) 4. Билим ҳам бор... ҳам бор. (П.Қ.) 5. Ўз тенгқурларингизга айтинг ҳаммалари... борсинлар. (И.Ақром) 6. Бас, улар учун озиқ-овқат ... чорасини кўрайлик. (И.Ақром) 7. Инсон кадр-қимматини оёқ ости... ўзини жуда баланд олиб, бошқаларни назарга илмасликдир. (М.Г.) 8. Кишининг ҳақиқий инсон ... бошқа мақсади бўлиши мумкин эмас. (Л.Шеффер)

Кўйиш учун сўзлар: ўқишга, қониқмаслик, ўқув, ўрганишга, жамғариш, қилиш, бўлмоқликдан, ўқиб.

181-машқ. Матини ўқинг. Мазмунини қайта хикоя қилинг. Чойни сақлаш ва дамлаш сирлари ҳақида фикр - мулоҳаза юритинг.

ЧОЙ ҚАНДАЙ САҚЛАНАДИ ВА ДАМЛАНАДИ

Чой – жуда нозик табиатли маҳсулот. Дамлаётганингизда қондага риоя қилинг. Бунга кўп вақт кетмайди, энг муҳими шовилманг ва тadbирларни кетма- кет пухта бажаринг.

Аввало, чой қандай навли бўлишидан қатъи назар, уни яхши саклай билиш лозим.

Чой сакланадиган кутича чойдаги кимёвий маҳсулотлар билан аралашмаслиги ва шундай беркитилиши керакки, ундан ҳаво, нам ва бошқа хидлар ўтмасин. Курук чой чинни ва шиша идишда жуда яхши сакланади, идишнинг қопқоғи бўлиши керак. Шунда чойнинг таъми бузилмайди. Металл ва пластмасса идишларда, чой кутичада чой сакламанг. Қоғоздан нам ўтиши билан бирга чойга турли хид ўтириб қолади, чунки қоғозда сульфат моддаси бор.

Чой таъминининг бузилмаслиги ҳароратга ҳам боғлиқ. Чой идишини иссиқ, курук, тоза ва шамоллатиб туриладиган жойга кўйиш керак. Нотўғри сакланган чой бир суткада хидини йўқотиши мумкин. Меъёрли шароитда эса бир неча ой, йиллар давомида ҳам чойнинг сифати бузилмайди. Шиша идишдаги курук чой буралиб ёпиладиган қопқоқ билан яхши беркитилган ва намлиги 3 - 4 фоиз бўлса 10 йилгача бузилмайди.

Сувни секин оловда қайнатсангиз, қайнаб совиб қолган сувни яна қайтиб ёки иситиб дамласангиз, чойнинг сифати ёмонлашади. Айниқса, қайнаб чиққан сувга совуқ сув аралаштирсангиз, ундан дамланган чойнинг таъми хуш бўлмайди. Электрочойнак, электросамоварлар оддий самоварлардан катта фарқ қилади, чойни ҳам сифатсиз бўлади.

Муз ва қорнинг эритилган сувидан чой дамлаб бўлмайди. Чой дамлаш учун сувни оқ металл ва сирли идишларда қайнатиш лозим. Идиш ичидаги чўкма қалинлашмасин десангиз, чойнакни оловдан вақтида олиниг, сув қайнаб буғланиб кетмасин. Чойнакни вақти-вақти билан юзиб туришни унутманг.

Сирланган чойнакда сув тез қайнайди. Чойни яхшиси чинни чойнакка дамланг (металл идишга эмас) шиша идиш (стакан) ноқулай. Чой дамлашнинг бир неча усуллари бор.

Чинни чойнакни яхшилаб 3 - 4 марта қайноқ сувга чайиб олиниг. Олдин ярим чойнак дамланг. Сўнг чойнакнинг устини сочик билан (сочик жўмракни беркитиши шарт) ўранг. 3-4 минут турсин. Бу вақтда чойнинг назик хиди тарқаб кетмайди.

Чой дамланиб бўлгандан кейин кўпиги борми-йўкми шунга эътибор беринг. Агар кўпиги бўлса, демак, чой яхши дамланган. Лекин кўпик чойнакнинг қопқоғига ёпишмаслиги керак. Янги дамланган чойни чорак соатда ичиш лозим.

«Шифобахи неъматлар» китобидан

Харакат номини таҳлил қилиш тартиби

1. Қайси сўроқка жавоб бўлади?
2. Ясалиши.
3. Бўлишли ёки бўлишсизлиги.
4. Нисбати.
5. Гапдаги вазифаси.

Намуна: *Инсон ўқимоқчигина эмас, балки ўқмоқни ҳам билиши керак.*

Ўқимоқни – ҳаракат номи; феъл ўзак-негизига -моқ қўшимчасини қўшиш билан ясалган; бўлишли; тушум келишигида; гапдаги вазифаси - тўлдирувчи.

182-машқ. Берилган гаплардан ҳаракат номларини топиб, таҳлил қилинг.

1. Вақтин ўғирламоқ - бахт ўғирламоқ. (Мирт.) 2. Ана ўғлим, бизнинг халқ холига йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билмайсан! (А.Қод.) 3. Марғуба шаҳар кенгашининг депутати бўлгани учун уни йўқлаб келувчилар кўп бўлар эди. (С.З.) 4. Фозилжон Марғубага ҳам қўрқув билан бокиб турарди. (С.З.) 5. Туякуш сувда чўмилишни яхши кўради. (О.Мўминов) 6. Бола билан киз одамлар олдига боришни ҳам, бормасликни ҳам билмай тоғ тепасида туришарди. (Ч.А.) 7. Мана шу ер ватанингиз бўлади. Минг йиллар тинч - тотув яшанглар. (Ч.А.)

Ёдда сақланг

№	Феълнинг ўзак негизи	Ҳаракат номи ясовчи қўшимчалар	Маъноси ва вазифалари	Мисоллар	Бўлишсиз шакли
1	ўқи, ёз	-и (-иш)	ҳаракат номини билдиради иш, машғулот номини билдиради	ўқиш ёзиш жилмайиш суғориш шўр ювиш	-маслик
2	ишла, кўр	-а (-аи)	-ш (-иш) қўшимчаси билан вазифадош баъзилари бира тўла отга қўчган -ш, (-иш) қўшимчасига нисбатан	Ишлов кўрув сайлов кистов ўқимок кўрмок	-маслик
3	ўқи, кўр	-моқ	мақсадим ўқимок -моқ ўрнида доимо -ш, (-иш), -в, (-ув) шакларини қўллаш мумкин	ўқимок кўрмок	-маслик

Савол ва топшириқларга жавоб беринг.

1. Феълнинг маъноси ва грамматик белгиларини айтинг.
2. Бўлишли ва бўлишсиз феълларни мисоллар билан тушунтиринг.
3. Феъл нисбатлари деганда нимани тушунаси?
4. Ўзлик ва мажхул нисбатдаги феълларга мисоллар келтириб, ҳосил бўлишини тушунтиринг.
5. Биргалик ва орттирма нисбатдаги феълларни ҳосил килувчи қўшимчалар қайсилар?
6. Буйруқ - истак майлидаги феъллар қандай ҳосил бўлади?
7. Феъл замонларини айтинг.
8. Равишдошга мисоллар келтиринг ва ҳосил бўлишини тушунтиринг.
9. Сифатдошга мисоллар келтириб, феъллик ва сифатлик белгиларини тушунтиринг.
10. Ҳаракат номи ҳосил килувчи қўшимчаларни айтиб, мисоллар билан тушунтиринг.

11. Ясама феълларнинг ясалиш йўллари ни мисоллар билан тушунтиринг.

12. Ўтган замон феъллари қандай ясалади?

13. Ҳозирги замон феъллари қандай ясалади?

14. Келаси замон феъллари қандай ясалади?

183-машқ. Кўчиринг. Берилган гаплардан ҳаракатни билдирган сўзларни топиб, қандай сўроққа жавоб бўлишини айтинг ва маъносини изоҳланг.

1. Тонг отди. Тоғлар орасидан куёш нурида яйлов майсалари кўринди. (И. Р.) 2. Соғиниб эрдим, баҳор бўлди баҳона дўстлар. (С. Аҳм.) 3. Унинг куюқ қошлари кўтарилиб, чиройли кўзлари чараклади. (А. Мухт.) 4. Бу ишда ихтиёрингизни менга беринг, мен вақт топаман. (Ш.) 5. Омманинг ичида яшангиз, ҳамма нарсадан хабардор бўласиз.

6. Уфқларда сайр этгин мудом

Куёш келиб, сувга чўкканда. (Х. О.)

184-машқ. Матни ўқинг. Мати муҳокама тарзида бўлгани учун уни синфда муҳокама қилинг ва « Мен китобни нима учун севаман?». «Боғдорчилик мен севган касб», «Ўқиш зарурми?» мавзуларидан бирида ишро ёзинг.

ШИФОКОР БЎЛАМАН

Дилобар ўтган йили IX синфни битирди. У ҳозир тиббиёт билим юртида ўқияпти. Мен яқинда Дилобарни кўрдим. У бундай деди: – Тиббиёт билим юртига кирганим ўзимга жуда ёқяпти. Беш - олти ёшимда «доктор-доктор» ўйнашни яхши кўрардим. Бу ўйинда мен доктор она бўлар эдим. Ўша вақтдаёқ катта бўлганимда шифокор бўламан, деб орзу қилардим.

Нима бўлди-ю, оғриб қолдим. Мени шифохонага ётқизишди. Мени ажойиб, ширин сўз шифокор аёл даволади. Шифохонада даволанаётган пайтларим шифокор опанинг «Оппоқ кизим, дорини ичсанг, тузалиб кетасан», – деган мулоийм сўзларини эшитганимда севиниб кетардим. Кейинроқ бу касбни нима учун ёқтирганлигим ҳақида ўйлай бошладим.

Шифокорлар беморларни даволайдилар. кишиларнинг соғлиғи ҳақида ўйлайдилар. Кишилар кўпроқ яшашлари учун соғлом бўлишлари керак.

Дилобар шифокор бўлиш учун кунт билан ўқияпти.
Мати мазмуни юзасидан суҳбат ўтказилади.

Иншонинг таркибий қисми:

- а) ўртага ташланаётган асосий фикрлар (кириш);
- б) фикрлардан тўғрисида далиллар билан асослаш;
- в) умумий хулоса чиқариш.

185-машқ. Матни ўқинг. Ҳаракат - ҳолат билдирган феълларни белгилап.

1. Балки устоз Ойбекдан
Ўзажакман янги бир дoston. (А.О.)
2. Фалакда юлдузлар чакнаган чоғи
Кишандор ўзбекнинг суврати тайёр. (А.О.)
3. Мен сизнинг ўғлингизман, лойимни ҳам ўзингиз коригансиз.
(С.С.)
4. Ўғиллари ёмон йигитга ўхшамайди, меросингиз бўлса,
берар. (Ш.)
5. Сойда ям-яшил дарахтлар, шохини ерга эккан
мажнунтоллар ва онда-сонда тераклар кўринади. (Ё.Ш.)
6. Ўзбек
қизларининг хаё, ибфо, иффиати хамиша йўқолмаган. («Тасвир»дан)
7. Сени бир кун келиб учратаман, деб ўйламагандим. Мен, ҳаттоки
сени қайси болалар уйига топширганини ҳам билмас эдим. Фақат
суратинг эсдалик бўлиб қолганди. Сен суратда Нозимага қуйиб
қўйгандек ўхшайсан. (И.Содиқова)
8. Қўлидаги гулдастанинг боғига
ўралган гул япроқларида сув зарралари ялттирарди. (С.З.)

186-машқ. Матни ўқинг. Исирикнинг табобатдаги хусусиятларини
билиб олинг.

ИСИРИК

Исирик – туятовондошлар оиласига мансуб бўлиб, бўйи
20 - 70 см етадиган кўп йиллик ўсимлик. Пояси бир неча, сершоҳ.
Барглари ингичка, бир неча бўлақларга бўлинган. Кул ранг, яшил
тусли. Улар пояси бўйлаб жойлашган, бандсиз. Илдизи ер остига
чуқур жойлашган. Гуллари оқ, диаметри 4 см гача бўлади. Меваси
кўп уруғли, уч чанокли кўсакча. Исирик май - июнь ойларида
гулдайди, меваси июнь - августда пишади. Бу ўсимлик қурғоқ
ерларда ва даштларда, шўрхокроқ ерларда ўсади.

Исирик илдизида 3, 3 %, поясида 3, 57% гача, баргида 4, 96 %
ва уруғида 6, 60 % гача алкалоидлар борлиги аниқланган бўлиб.

улар йиғиндисидан гармалин, гармин, цеганол каби моддалар ажратиб олинади.

Исирик қадим замонлардан бери Шарқ халқлари табобатида қўлланиб келинаётган шифобахш гиёҳлардан саналади. Халқ табобати исирик қайнатмасидан тери касалликларида, бодни даволашда ванна қилиш йўли билан фойдаланишни тавсия этади. Шунингдек, исириқдан тайёрланган қайнатма ва дамламалардан безгак, тутқанок, невростания, шамоллаш билан боғлиқ бўлган хасталикларда фойдаланилади. Исириқдан тайёрланган қайнатмаларда оғиз чайқаладиган бўлса, оғиз бўшлиғи ва томоқ шамоллашдан халос бўлади.

Абу Али Ибн Сино исирикни куймич асаблари шамоллаганда, тизза ва суяклар қакшаб оғриганда оғрик қолдирувчи омил сифатида ишлатишни тавсия этган. У исириқдан кучли сийдик хайдовчи дори сифатида фойдаланган.

Исирикнинг сут ширасига ўн кун давомида шимдирилган пахта ёки жузли мато қичима билан оғриган беморларга суртилса, улар анчагина таскин топади.

Исирик ва зиғир уруғининг қайнатмаси нафас олишнинг кийинлашишида, калампир уруғи қайнатмаси билан бирга захм, бод касалликларини даволашда ишлатилади.

«Шифобахши неъматлар» китобидан

Билиб олинг.

Тест нима ва уни қандай бажариш керак?

Болалар, мана бир неча ўқув йилларидан буён ўрта махсус ва олий таълимда кириш имтиҳонлари тест синовлари асосида ўтказилмоқда.

Хўш, тест нима ўзи? Шу ҳақда ўз фикр - мулоҳазаларингизни айтинг.

Тест – бу маълум фан ёки унинг бирор бўлими юзасидан олинган, ўзлаштирилган билимларни синаш демакдир. Ушбу дарсимиздан бошлаб, олган билимларимиз асосида тест саволлари билан ишлаб борамиз. Бу билан ўрганилган мавзулар бўйича олган билимларимизни синаймиз.

Тест қандай бажарилади?

Тестда бир етакчи савол бўлиб, унга 4 ёки 5 та жавоб берилади. Жавобларнинг фақат биттаси (баъзи бир ўринларда иккитаси) тўғри

бўлиб, колганлари нотўғри ҳисобланади. Агар ўқувчи ўтилган мавзуларни пухта ўзлаштирган бўлса, жавобларни тўғри топа олади.

Келинг, биргаликда тест бажаришни ўрганайлик.

Феъл сўз туркуми юзасидан тест - синов саволлари

1. Феъл қайси туркумга киради?

- A. Мустақил сўзлар туркумига киради.
- B. Ёрдамчи сўзлар туркумига киради.
- C. Таклид сўзларга киради.
- D. Ҳеч қайси сўз туркумига дахлдор эмас.
- E. Алоҳида олинган сўзлар гуруҳига киради.

2. Феълнинг ноаниқ шакли берилган қаторни аниқланг.

- A. Ўқимоқ, ёзмоқ, ухламоқ
- B. Ўқиган эди, ўқиган экан, ўқиган эмиш
- C. Келди, келаётир, келар
- D. Борайин, айтайин, айтса
- E. Ўқибман, ўқибсан, ўқибди

3. Феълнинг шарт майли шакллари жавобларнинг қайси бирида берилган?

- A. Ўқидим, ёзган эдим, ёзарман
- B. Ўқисам, ёзган бўлса, келсангиз
- C. Ўқиди, ёзаяпти, берди, яшаяпти
- D. Тошкент, Ўш, Жалолобод
- E. Ярим, иккидан бир, минг

4. Қайси жавобда феъллар берилган?

- A. Дархол, тасодифан, ҳаминша
- B. Гўзал, кучли, серфайз
- C. Ўқиди, ёзаяпти, берди, яшаяпти
- D. Бишкек, Ўш, Жалолобод
- E. Ярим, иккидан бир, минг

5. Ўтган замон феъллари қайси жавобда қайд этилган?

- A. Ўқиди, борганман, айтибди
- B. Ўқияпти, гапирмоқда, бораётир

- С. Ўқийман, бораман, айланади
- Д. Ўқирман, ўқимоқчи, ўқиган
- Е. Борар, ўқимас, сайради

6. Жавоблардан феълнинг орттирма нисбат шаклини белгиланг.

- А. Бордим, яйраймиз, ўқибди
- В. Силкинди, тарқалди, гапирди
- С. Ювинди, кўрилди, чайқалди
- Д. Ўқишди, ёзишди, қайтишди
- Е. Ишлат, қулдир, ўтказ, юргиз

7. Равишдошлар қайси жавобда келтирилган?

- А. Ўқидик, ўқиганмиз
- В. Бормоқчи, ёзмокчи
- С. Ўқийин, ўқийлик, ёзгин
- Д. Айтибман, ўқибсиз, берибсиз
- Е. Ўқиган (бола), оқар (сув)

8. Жавобларнинг қайси бирида сифатдош шакли берилган?

- А. Айтсанг, келсанг
- В. Бормоқчи, ёзмокчи
- С. Билиб, келгач, келай
- Д. Ўқиган(бола), келаетган(қиз), қайнар (булоқ)
- Е. Бажарди, бирлашдик, айттирди

9. Ҳаракат номлари қайси жавобда берилган?

- А. Ўқийди, ёзайлик
- В. Ўқиган бўлса, ёзган эди
- С. Яшнаяпти, ўтаяпти
- Д. Ўқув, ўқиш, ўқимок
- Е. Ўтлай бошлади, сўраб билди, айтиб қўйди

10. «Ювинтиришди» феъли қайси феъл нисбатида қўлланган?

- А. Ўзлик нисбатда
- В. Мажхуллик нисбатда
- С. Орттирма нисбатда
- Д. Биргалик нисбатда
- Е. Ҳамма жавоблар тўғри.

11. «Мардни меҳнат енголмайди» гапидаги феълнинг шахсонини аниқланг.

- А. II шахс, бирлик
В. II шахс, кўplik
С. I шахс, кўplik
Д. II шахс, бирлик
Е. I шахс, бирлик

12. Берилган гапдаги феъл замонини аниқланг. Табиат уйқудан уйғонди.

- А. Келаси замон
В. Ҳозирги замон
С. Ўтган замон
Д. Ҳозирги-келаси замон
Е. Келаси замон давом феъли

13. Феъл ясовчи қўшимчаларни белгиланг.

- А. -ла, -сира, -а, -ай
В. -чан, -часига, -она
С. -лик, -ли, -сиз
Д. -чи, -ча, -ма
Е. -кор, -паз, -бон, -гар

14. Сифатдош ясовчи қўшимчаларни аниқланг.

- А. -б, -иб, -гач, -гунча
В. -мок, -ш, -иш, -ув
С. -н, -ин, -л, -ил
Д. -тир, -гиз, -каз
Е. -р, -ар, -ган, -жак

15. Равишдошни топинг.

- А. Тарқалди
В. Юрган
С. Бўшатишди
Д. Келгунча
Е. Улғаймок

35-§. РАВИШ

Умумий маълумот

Топпирикни бажаринг.

Қуйидаги гапларни ўқинг, остига чизилган сўзларнинг маъноларини аниқланг.

1. Юксак бинолар томон
Бордик бизлар атайин. (П.М.)
2. Бугуннинг болалари, эртанинг эгалари. (М.)
3. Мен ҳаётда

хеч нарсага осонлик билан эришмаганман. 4. Юлдуз тез-тез юриб ошхонага кириб кетди. (Мохинур) 5. Мардона курашдик, зафарлар кучдик. (Ш. Саъдулла) 6. Оз гапириб, кўп тинглаган ютади. (М.) 7. Узоқдан қилич дамидай ялтираб дарё кўринди. (Ш.) 8. Сабрнинг сўнги – сариқ олтин. (Ш.) 9. Тўлаган чол нондож ўрнидан турди. (С. Аҳм.) 10. Яхши кўшиқ ёшу қарига бирдай таъсир қилади. (Қ.Норқобил)

Иш-ҳаракатнинг белгисини, ҳолатини, пайтини, ўрнини, даража-миқдорини, сабаб ва мақсадини билдирган сўзлар туркуми равиш дейилади.

Равишлар *қандай?, қай тарзда?, қачон?, қерда?, қанча?, неча?, нима учун?* каби сўроқларга жавоб бўлади.

Равиш феълга, шунингдек сифат ва равишга боғлана олади. Равиш феълга боғланганда иш-ҳаракатнинг белгисини билдириб, гапда ҳол вазифасини бажаради: *Адолат секин атрофга рази солди. (С. З.)*

Сифат ва равишга боғланган равишлар белгининг даражасини билдиради: *У бизни болаларча содда, бегубор табассум билан қутиб олди. (Ҳ. Н.)*

Отга боғланган равишлар эса нарса-буюм белгисини билдиради: *Кўп болалар масъулиятни сезишмайди.*

187-машиқ. Гапларни кўчиринг. Равишларни топинг, қайси сўз билан боғланганини аниқланг, остига чизинг.

1. Сойининг тубида тошлар жимирлаб кўринади. (С.Ан.) 2. Ғоят маъқул фикр, кечга, албатта, келурман. (О.) 3. Ўзимизнинг ўзбек-она паловини соғиндим. (Ш.) 4. Халоллик инсонни маънавий юксакликка кўтаради. (Ҳикмат) 5. Илгари сизни унчалик билмас эканман. (А. Қ.)

6. Кўпни кўрган қари дунёдан,

Бахт ахтариб кўплар ўтдилар. (Ҳ. О.)

7. Ёшлар орасида бундай истеъдодли мутахассислар жуда кўп. (Ё. Ш.) 8. Ҳар бир ишингиздан эртанинг шабадаси келиб турибди, ўғлим. (О.) 9. Аравалар секин борар эди. (Пушкин) 10. Кўпи кетиб, ози қолди, киши кетиб, ёзи қолди. (М.) 11. Анвар гуноҳкорларча бошини қуйи эгди. (А. Қод.) 12. Бир пиёла чой баҳонасида кўплар билан мириқиб гаплашиб олдик. (И. Р.)

188-машқ. Ўқинг. Равиш иштирок этган гапларни кўчириб ёзинг. Равишлар қандай сўроқларга жавоб бўлишини айтинг.

1. Ҳозирги ёшлар янгича фикрлайди. 2. Йигит кишига етмиш хунар кам. (М.) 3. Хужрага қоронғу чўкканига анча бўлди. У атайин чирок ёкмади. (С.Аҳм.) 4. Энг кейин Насимжон кетди. (О.) 5. Атрофлича муҳокама қилсак, янги фикрлар чиқиб қолади. (Р.Ф.) 6. Чамандек очилган бепоён пахтазор кўзни қамаштиради. («Ш.юлдузи») 7. Кумуш уялганнамо юзини бурди. (А.Қод.) 8. Ёқимтой бўл ҳар ерда. (Қ.М.) 9. Улар йўлда олдинма-кейин юриб боришмоқда. (Р.Ф.) 10. Азиза юмшоққина кулди. (С.З.) 11. Насиба Ўқтам билан қариқдошларча хайрлашди. (О.Ё.) 12. Энди кийимни бир оз ўзгартириш керак. (Ё.Ш.) 13. Ойижон, бу ердан кўчиб кета қолайлик. (Мохнур) 14. Кечкурун ош сузсак, бир насиба кам. (Ғ.Ғ.)

189-машқ. *Аста, аввал, узоқ, ноилоҳ, жўрттага, бир оз* равишлари иштирок этган 6 та гап ёзинг, аниқлашган маъноларини тушунтириб беринг.

190-машқ. Гапларни ўқинг. Нукталар ўрнига қўйиш учун берилган сўзлардан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Хаёлларим ... тез учади. (Ҳ.О.) 2. ... ажойиб қўшиқ аниқ эшитилаёттир. (Ҳ.Н.) 3. ... тонг ёриша бошлади. (С.Аҳм.) Қозоқ саҳросида умр кўрдим(Жамб.) 5. Очил бува ... қаради. (А.Мухт.) 6. Кичикқина Обид ... ухлаб қолди. (Ҳ.Ғ.) 7. Орага ... жимлик тушди. (С.З.) 8. Саида ... билмасликка олди. (А.Қ.)

Қўйиш учун сўзлар: *узоқ вақт, аллақачон, узоқларга, юз куз, юз баҳор, аста - секин, узоқдан, шамолдек, атайлаб, узоқ.*

191-машқ. Матни ўқинг. Равишларни топинг, аниқлашган маъноларини тушунтириб беринг.

...Йўлдан адашганимга ўзим таажжубланиб, тепаликдан дарров пастга тушдим. Шу оннинг ўзида аъзойи баданим бўшашиб, жуңжиқиб кетдим, ўзимни гўё бир ертўлага кириб қолгандек ҳис қилдим. Мен йўлимни тезда бошқа томонга буриб, чап томондан теракзор ёқалаб юриб кетдим.

Умрим бино бўлиб бундай кимсасиз, хилват жойларни сира кўрмаган бўлсам керак: ҳеч қаерда милт этган чирок кўринмас ва

хеч қандай товуш эшитилмас эди. Мен шу ҳолда кетаётиб, эрталабгача бирор жойда тунаб кўя қолай, деган фикрга келган ҳам эдим, тўсатдан бир чуқур ёқасига бориб қолганимни сездим... (Х.Н.)

Равишнинг маъно турлари

Тошширикни бажаринг.

Ғапларни ўқинг. Равишларни топиб, уларнинг маъносини изоҳлаб беринг.

1. Қуёш анчагина кўтарилган эди. (О.) 2. Кўпни кўрган икки боланинг кўнгилли суҳбати узок давом этди. (О.) 3. Биз аъло ўқиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. 4. Ўртада сува ва ҳовуз. (О.) 5. Ҳамон сизнинг яхшилигингиз эсимда. (А. Эшон) 6. Сирожиддин шошганидан устма-уст гугурт чакарди. (С.З.) 7. Қадамимни атайлаб дадил - дадил босаман. (П.Қ.)

Равишлар маъносига кўра қуйидаги турларга бўлинади:



30-§ ҲОЛАТ РАВИШИ

Иш-ҳаракатнинг қандай ҳолатда ёки қай ғарзда бажарилишини билдириб, *қандай?*, *қай тарзда?*, *қай ҳолда?* каби сўроқларга жавоб бўлган равишлар ҳолат равиши дейилади. *Аста-секин, тез, илдам, жисм, пиёда, яёв, бирдан, тасодифан, яққол, қўққисдан, битталаб, оҳиста, янгича, ўзбекчасига, қаҳрамонларча, мардона, дарҳол, гойибона, жисм-жит* каби сўзлар ҳолат равишларидир.

1. Арслон улар билан гойибона таниш. (Мирт.)
2. Зумрад оҳиста онасининг тиззаларини қучоқлади. (О.)

3. Элмурод учун бу ерда ҳаёт янгича бошланди. (Ш.)

Ҳолат равиши гапда феълга боғланганда равиш ҳоли, отга боғланганда сифатловчи аниқловчи ва кесим вазифасида келади: *Тоғ орқасидан аста шамол кўтарилди. (Ойдин) Авазнинг шеърларини астойдил тинглайдиганлардан бири Собир ака эди. (Ж. Шарипов) Ҳовли жим-жит. (С. Аҳм.)*

192-машқ. Кўчиринг. Ҳолат равишларини аниқлаб, остига чизинг ва савол беринг.

1. Азмиддинов жанговар топширикни каҳрамонларча бажарди. (И.Р.) 2. Шохида бозордан чарчаб келди. (Н. Сайдазимова) 3. Кампир шошилганча, эшикни очди. (А.Қ.) 4. Икковлари сукут ила оҳиста кетдилар. (О.) 5. Ариқ суви бир хилда жимгина, шарпасиз ва шабадасиз окмоқда. (И.Р.) 6. Ўрмон-жон тўсатдан келиб қолди. (А.Қ.)

193-машқ. Кўчиринг. Ҳолат равиши иштирок этган гапларни топинг, гапдаги вазифасини айтинг, остига чизинг.

1. Салкин шабадалар келиб олқишлар.

Бизнинг ғолибона байроғимизни. (А. Мухт.)

2. Саёхатчилар бирин-кетин чўккига чикиб боришди. (Ё. Ш.)

3. Бошлиқ олдинда эмаклаб борарди. (Б.П.) 4. Ўзи ўта пулдор одам эмас, аммо тadbирли. (Ш.) 5. Тез уйга киринглар, болакайлар. (Моҳинур) 6. Жамила ўша куни нохуш юрди. (Ч.А.) 7. Биз бир-биримизга жимгина қарадик. (Ч.А.)

194-машқ. Ўқинг, гаплардаги ҳолат равишларини топинг ва ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

1. Салкин таъсирида жунжикиб, тезда уйкум келавермади. (Моҳинур) 2. Уни кўргани тез-тез келиб тураман. (О.) 3. Илм олиш – игна билан қудуқ казишдан оғир. (О.) 4. Тўйларимиз янгича. (С. Аҳм.) 5. Отликлар отда, оти йўқлар пиёда, сойма – сой изланглар. (Ч.А.) 6. Дарё канчалик чуқур бўлса, шунчалик секин оқади. (М.) 7. Ҳабиб секин-секин юриб онасининг ёнига келди. (С.З.) 8. Санобар қора кўзларини катта очганча секин орқасига ўгирилди. (С.З.)

195-машқ. Кўчиринг. равиш вазифасида келган сифатларнинг тагига чизинг.

1. Дилобархон жуда чиройли ёзади. 2. Дурдона дугоналари билан инглизча сўзлашади. 3. Илмли кишилар маъноли гапиради. 4. Бир нарсани кадрлаш учун аввал уни яхши билиш керак. (Ё. Ш.) 5. Самарқанд тонглари шавкли, завкли. (З. Обидов) 6. Азимов совук, хира, кўкимтир осмонга ғамгин, хаёлчан қаради. (О.) 7. Улуғбек Ургут тоғларига узок тикилиб турди. сўнг дардли хўрсиниб отдан тушди. (О. Ё.)

196-машқ. Нукталар ўрнига ҳолат равишларидан мосини кўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Назира Зокир билан ... суҳбатлашди. (М.И.) 2. ... иш тутиш учун биргина ақлнинг ўзи камлик қилади. (Достоевский) 3. Булутлар ҳам ... пасая бошлади. (А.Толстой) 4. Усмонжон ... жилмайди. (С. З.) 5. Исқандар ... юриб йўлакка чиқди. (С. Ражабов) 6. Азим бойвачча кўзларини ... қисиб, таъзим қилди. (С.Аҳм.)

Кўйиш учун сўзлар: *айёрларча, оҳиста, гуноҳқорона, аста, аста-секин, дўстона, оқилона.*

197-машқ. *Кўққисдан, дарҳол, пиёда, мардона, тасодифан, яққол, яёв, битталаб* каби ҳолат равишлари иштирок этган 8 та гап ёзинг.

37- §. ПАЙТ РАВИШИ

Тошшириқни бажаринг.

Гапларни ўқинг. Пайт равишларини топиб, ўша равишларга мос сўроқлар беринг, қайси гап бўлаги вазифасида келаётганини тушунтиринг.

1. Баҳорда ва кишда ёгингарчилик кўп бўлса, ёз ва кузда ҳосил мўл бўлади. 2. Янги ариққа сув очиш маросими кечкурун ўтказилди. (С.Айн.) 3. Алишер эрталаб турганда ховлилар чиннидек тоза, ҳамма ёққа сув сепилган эди. (С.Иб.) 4. Тунда сой бўйи ҳам кўркам, ҳам ваҳимали бўлади. (Ч.А.) 5. Носиржон аллақачон интернетда ўтирибди. Эртага олимларнинг йиғилиши очилади. (С.Аҳм.) 6. Аввал яхши соғайиб олинг, бирон иш топилар, ахир. (С. З.) 7. Эрта эккан хирмон килур, кеч эккан армон килур. (М.) 8. Улар яқинда кўчиб келишган. (С. Иб.)

Нуткимиздаги энди, сўнг, кейин, ҳануз, ҳали, илгари, эрталаб, ҳамиша, аввал, бугун, кечқурун, пешинда, кундуз, ҳар кун, тунов кун, қишин - ёзин ва бошқа сўзлар пайт равишларидир.

Иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдириб, қачон?, қачонгача?, қачондан бери? сўроқларига жавоб бўлган равишлар пайт равиши дейилади. Масалан: 1. *Аввал ўйла, кейин сўйла. (М.)* 2. *Арча қишин-ёзин кўм-кўк туради.* 3. *Эрталабдан ёққан қор кечқурун тинди. (О.)* 4. *Бу ерда кундузи болалар, кечқурун катталар билим олишади. (Ё. Ш.)*

Пайт равишлари гапда кўпинча пайт ҳоли, баъзан кесим вазифасида келади. Масалан: 1. *Самарқандда ҳар йил илк баҳор Наврўз сайли бўлар эди. (Н. Охундий)* 2. *Ҳозир пахта далаларида пахтага ишлов беришининг энг қизгин палласи.*

198-машқ. Кўчиринг. Пайт равишларини аниқлаб, тагига чизинг.

1. Яхши кишиларнинг ниятлари ҳамиша рўёбга чиқади (С. З.) 2. Ёз кунлари офтобда юриш фойдали. 3. Эргаш бугун уйкудан эрта уйғонди. (П.Қ.) 4. Бундан икки йил аввал яйловда кизик воқеа юз берди. (Ё. Ш.) 5. Бир вақт ҳушимга келиб, кўзимни очсам, домла йўк экан. (Н. С.) 6. У аввал Қори ака билан бир чеккага чиқиб, нималарнидир гаплашиб олди. (И.Р.) 7. Кечқурун овулда совуқ хабар тарқалди. (Ч.А.) 8. Асалой, сизни кўпдан бери кутаман. (Ч.А.)

199-машқ. Қуйида берилган равишлардан гаплар тузиб, ёзинг. Уларнинг турини ва гаптаги вазифасини айтинг.

Бултур, ҳозир, эртага, кийгос, дўстона, аллақачон, саҳарлаб, ҳануз.

200-машқ. Кўчиринг. Пайт ва ҳолат равишларини аниқланг.

1. Дехқонлар фидокорона меҳнат килаётир. (С. Аҳм.) 2. Биз мактабда ҳафтанинг ҳар сешанба кунини кирғизча сўзлашамиз. 3. Ойнинг баркашдек доираси аста юксалди. (Ш.) 4. Энди қолар боғни эмас, борар тоғни ўйлаш керак. (С. С.) 5. Тезда бойиб кетиш ҳеч гап эмас. 6. Эндигина шабнами қуриган кўкатларнинг хиди анқиб турарди. (Ё.Ш.)

201-машқ. Кўчиринг. Нукталар ўрнига куйида берилган равишлардан мосини кўйиб ёзинг.

1. Овозим-ла чулғанур поёни йўқ Улуғ Русь,
... барча эллар мени ёдлайди. (Пушкин.)
2. ... йиғсанг ... ейсан. (М.)
3. Шукурким душманим ... дўстларим ила тирикман. (С. С.)
4. ... ўйлаб кўриб биргалашиб киришга рози бўлди. (А. Қод.)
5. Узоқдан қўлидан ушлаб турган Анзират, ... келсам онасининг кўзини шамғалат қилиш пайида экан. (С. Аҳм.)
6. ... Саиданикига почтальон Қурбон оға чопкиллаб келди. (Ч.А.)

Қўйиш учун сўзлар: *эртаси эрталаб, яқин, озроқ, кейин, ундаги, ёзда, қишда, ҳар кун.*

202-машқ. Кўчиринг. Равишларни топиб, остига гаптаги вазифасига кўра чизинг, турини устига ёзинг.

п. рав.

Намуна: *Эртагаёқ Абдухалилни Қувасойга жўнатаман.*

1. Эрталабки гимнастика машқлари билан мунтазам шуғулланиш кишини соғлом қилади.
2. Зумрад она эрталаб барвақт уйғонди ва қуртларга барг солди. (С. З.)
3. Уйку ўз тўрин ёйди, кейин мен ҳам мудраб кетдим. (И.Тург.)
4. Бир зумда бошқарма вакиллари ҳам етиб келишди. (А.Мухт.)
5. Саёхатга боровчилар эрталаб мактаб ховлисига тўпландилар. (Х. Н.)
6. Марҳамат саёхатнинг вазифасини ва тартибини яхшилаб тушунтирди. (Х. Н.)
7. Фидокорона меҳнат самаралари яққол кўриниб турибди. (А. Мухт.)
8. Чикаман куёшдан илгари,
Ботар осмоннинг хулқари. (С. Абд.)

203-машқ. Нукталар ўрнига берилган равишларнинг синонимларини топиб ёзинг.

Пиёда ..., кўккидан ..., аста ..., бултур ..., кечкурун ..., мардларча ..., кам ..., фидокорона

Топшириқни бажаринг.

Ўқинг. Равишларнинг англаган маъноларни тушунтиринг.

1. Тоғда, боғда яшайди,

Қишин - ёзин яшнайдди. (Тоғи.)

2. Чўпонларнинг уйлари узоқдан кўриниб турибди. (П.Қ.)
Узоқдан оёқ товушлари эшитилгандай бўлди. (И. Р.) 3. Пастда яшариб, яхшиланиб келаётган чўл ястаниб ётибди. (С.Аҳм.)
4. Устоз шогирдлари билан оталарча сўрашмоқда. 5. Биз бу ерда қувнаб-қувнаб дам оламиз. 6. Энди илож қанча, ботирнинг халокати – элнинг кулфати. (Ч.А.)

Нуткимиздаги: *узоқда, пастда, тубанда, олдинда, юқорида, баландда, уерга, буерга, унда - бунда, аллақерда* каби сўзлар ўрин равишларидир. Масалан: *Айвон олдида болалар қатор терилишиб турибди.* (С. Аҳм.)

Харакат ва ҳолатнинг бажарилиш ўрнини, ҳаракат йўналган томонни билдирган равишлар ўрин равиши дейилади. Ўрин равишлари *қаерга?, қаерда?, қаердан?* каби сўроқларга жавоб бўлади.

Ўрин равиши гапда асосан ўрин ҳоли вазифасида келади: *Қадам бос илгари, юртим соқчиси.* (Мирт.)
Ёқимтой бўл ҳар ерда. (Қ. М.)

204-машқ. Кўчиринг. Ўрин равишини топиб, тагига чизинг.

1. Чўккиларда йилтирайди қор,

Пастда эса гўёки баҳор. (М. Бобоев)

2. Опа, ё у ёкка, ё бу ёкка юринг. (С.З.) 3. Шаҳар мулкдорлари орасида Ҳожининг мавқеи баланд. (Ш.) 4. Ўнг томонда кўм-кўк барра ўтлар, чап томонда эса хилма - хил гулларга кўмилган адир бошланади. (Ё. Ш.) 5. Болалар чувиллашиб ташқарига чиқишди. (П.Т.) 6. Тоғлар орқасидан куёш чикиб, ҳамма ёқ чароғон бўлиб кетди. (С.Аҳм.) 7. Бунда қуртлар ипак тўқийди. (Х.О.) 8. Бир ёқда тўнфурушлар, бир ёқда маҳаллий яҳудий базозлар. (М.Исм.) 9. Энабувининг хаёли аллақаякларга бориб келди. (F. F.)

205-машк. Ўқинг. Гаплардаги ўрин равишларини топиб, ҳар бирини ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг.

1. Қанча кунлар орқада қолди,
Кетда қолди қанча манзиллар. (Ҳ.О.)

2. Фуломжон орқадан қараб қолди, аммо қиз узоқлаб кетмади. (М.И.) 3. Очил бува узоқларга қаради. (А.Мухт.) 4. Ҳамма ёқдан куйинди хиди келарди. (С.З.) 5. Машина олдига келдим, қўлларим қалтирарди, нима қилишимни билмасдим. (Ч.А.) 6. Ўзингиз тошкентлик бўла туриб, нима мажбурият остида Марғилондан уйландингиз? (А.Қод.) 7. Бу вақтда Гули кишлоғидан олисда, қатта шаҳарда ўкиётган эди. (Муродли Дил) 8. Довон ортида Алибек билан учрашганмиз. (Ч.А.)

206-машк. Кўчиринг. Ўрин равишларини топиб, гапдаги вазифасини аниқлаб, остига чизинг.

Намуна: У ёқдан Ҳолида билан Йўлдош келди. (С.Аҳм.)

1. Ёши улуғ Назарали ота шу ерда. (Ғ.Ғ.)

2. Илғари интил, олдинга бос, деб

Қудратли халқимиз беради сабоқ. (Ғ.Ғ.)

3. Манзуранинг ховлиси икки маҳалла нарида эди. (Ш.) 4. Ҳали у ердан, ҳали бу ердан гулдурас чапақлар эшитилади. (Ю.Бирюков) 5. Тоғ орқасидан аста шамол кўтарилди. (Ойдин) 6. Узоқдан кўм-кўк тутун кўринди. (С.Аҳм.) 7. Бу ерда чорва учун озуқа йиғилганча топилади. (Э.Усмонов)

207-машк. Ўқинг. Берилган гаплардан ҳолат, пайт, ўрин равишларини топиб, тагига чизинг. Устига турини ёзинг.
пайт рав,

Намуна: Гулноза онани уйига қўйиб, кейин уйга қайтмади. (С.Иб.)

1. Пастда тошқин Аму пишқириб,

Орол томон шошилмоқда. (С.Кар.)

2. Эрк севган эл хор бўлмас ҳеч қачон. (Ҳ.О.)

3. Аъзам кўчага чиқиши билан қаёққа боришини билмай қолди. (Ш.) 4. Санобархон дарвозани секин-секин урди. (С.З.) 5. Бугун хонадон тинч, осуда эди. (С.Иб.) 6. Шу маҳал ташқаридан, «Санобар, ҳой Санобар» – деган товуш эшитилди. Ўткир билан Санобар ичкарига кирди. (С.Иб.) 7. Фидокорона меҳнат қилиш фидойи халқимизнинг туғма ҳислати.

208-машк. Нукталар ўрнига равишлардан мосини кўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Ҳазаб билан ўридан турди.

Тиккасига ... юрди. (Х. О.)

2. Ёўлчи чиндан ҳам най чалишни билар эди ва ... чаларди.

(О.) 3. Чиннигул билан ... кетаётган Ҳасан ... тўхтади. (С. З.)

4. Анча ... кўрган Қоплонбекнинг эси оғиб қолди. (Ш.) 5. Зулфия

табиат, турмуш синовларига ... бардош берди. (Мохинур)

7. Садбар даладан келиб ... мўралади. (З. Дўстматов) 8. Жангчилар

... кетиб қолишган эди. (В. Ғ.)

Кўйиш учун сўзлар: *аллақачон, аста, ичкарига, мардонавор, наст-баланди, ёнма-ён, яхши, ичкари.*

39-§. ДАРАЖА – МИҚДОР РАВИШИ

Тошширикни бажаринг.

Берилган гаплардан даража-миқдор равишларини топинг, маъноларини тушунтиринг.

1. Номардларга ҳеч ҳам эгма бўйинингни,

Пуч ёнғокка тўлдиради кўйинингни. (М.)

2. Ўсмонжон акамнинг бир гаплари сира эсимдан чиқмайди.

(А.Қ.) 3. Раҳмат, анча тузукман. (Я.) 4. Жонажон Қирғизистони-

мигни жуда севамиз. 5. Афсуски, орамизда бунақа одамлар кам.

(С.Ан.) 6. Хайр, пича солайлик, эртага умоч килармиз. (М. И.)

7. Бир сўзлаб, тингла қирқ. (М.)

Иш-ҳаракатнинг даража-миқдорини, белгининг даражасини, нарса - буюмнинг ноаниқ миқдорини билдириб, қанча?, қандай?, қай даражада? каби сўроқларга жавоб бўлган равишлар даража - миқдор равиши дейилади.

Даража-миқдор равишлари англатган маъноларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Ҳаракат ва ҳолатнинг миқдор белгисини билдирувчи равишлар: *кўп, мўл, анча, кам, бир оз, пича, хийла, сал, аранг, зўрга, зўр-базўр, сал, сал - пал, хийла, чор-пачор, өзгина* каби.

2. Ҳаракат ва белгининг ортиклигини кўрсатувчи равишлар: *жуда, энг, гоаят, ниҳоят, яна*, каби.

Даража-миқдор равишлари гапда кўпинча хол ва кесим вазифасида келади. Масалан: *Унинг кўнгли бироз ёришган эди, лекин бу узоққа чўзилмади. Қари кўнгилда ёш орзулар кўп, Ўктамжон, – деди Мирҳайдар ота. (О.)*

Даража-миқдор равиши отлашиб, отлар сингари эгалик, келишик, сон кўшимчаларини олиб, гапда тўлдирувчи, аниқловчи, эга вазифасида келади.

Масалан: *Кўкка боқма кўнга боқ. (М.) Бог кўчада юрардик ялангоёқ кўтимиз. (Қ.Х.) Тарбия учун тарихдай зўр восита кам. (П.Қ.) Ўз умримда кўп одамларни кўрганман, кўпларининг саргузаитларини эшитганман. (С.Аҳм.)*

209-машқ. Кўчиринг, гаплардаги даража - миқдор равишларини топинг, остига чизинг.

1. Авазнинг уйи кенг, мўлгина эди. (С.С.) 2. Марғилонга келганингизга кўп бўлдимми? (А.Қод.) 3. Сарой учун аллақанча тахта, ёғоч, ту누ка олдириб қўйган. (С.Аҳм.) 4. Ота яна сўзини давом этди. (Д. Файзий) 5. Ерни обдон пишириш керак. (О.) 6. Ўктамнинг ковуни кизга жуда ёқди. (О.) 7. Гулини у ерда жуда соғиндим. (Муродли Дил) 8. Иним, ўртоғингизни ташлаб кетгани кўнглим сира бўлмапти. (А.Қ.)

210-машқ. Ўқнинг, даража - миқдор равишларини топиб, уларнинг маъно ва грамматик жиҳатдан фарқини айтнинг.

1. Оз-оз ўрганиб доно бўлур,

Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур. (М.)

2. Ҳали далаларда ҳосил мўл. 3. Мен дарвозанинг ёнида анча туриб қолдим. (О.Ё.) 4. Биз кишлоқдан анча узоқлашиб кетган эканмиз. (Нодирабону) 5. Бир оз сабр қиласиз. (И. Р.) 6. Қатортол сойининг суви ҳамиша оз бўлади. (П.Қ.) 7. Чанг ва тутун орасида машина ва одамлар аранг кўринар эди. (А. Қ.) 8. Бир гап кам, иккитаси ошиқча. (О.Тожиева) 9. Озгина сабр қилсанг, нима бўларди, болажоним. (О.Тожиева) 10. Баҳорда энг олдин бодом гуллайди. Қамбар ота жуда секин тўпдан чиқиб кетди. (А.Қ.)

211-машқ. Кўчиринг. Гаплардаги даража-микдор равишларини топиб, остига чизинг. Ушбу равишлар қайси гап бўлаги вазифасида келяпти?

1. Энг олдин меҳмонлар келишди. (О) 2. Улар жуда секин юришди. (О.) 3. Сув сал тақчил бўлар, дейман. (С.Аҳм.) 4. Тоғда қоронғи тез тушади. (Ҳ. Н.) 5. Энг оғир йўқотишлардан бири вақтни йўқотишдир. (Ж. Бюффон) 6. Вагонда анчагина одам бўлса ҳам, жимгина ўтиришар эди. (В. Ф.) 7. Инсон қанча кўп билса, у шу қадар кучли. (М. Ф.) 8. Кимки оз билса, озга ўргатади. (Я.Коменский)

212-машқ. *Оз, мўл, кўп, гоят, ниҳоят, бир оз, жуда* даража-микдор равишлари иштирок этган 8 та гап ёзинг. Равишларнинг остига чизиб, маъносини изоҳлаб беринг.

213-машқ. Нукталар ўрнига қуйида берилган даража-микдор равишларидан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг.

1. ... кузатиб туриб, қармоқни тортган эди ҳеч нарса илинмади. (Ш.) ... ўйла, ... сўзла. (М.) 3. Қишлоғимизда икки опасингил бор. Иккаласи ҳам ... хушсурат, юлдузи иссиқ, ... одобли, ифбатли қизлар. (О. Ё.) 4. Хитойга катнаш ... кунлик йўл, ким билади? (Ч. А.) 5. Навбат менга келди. Мен ... ҳаяллаб қолдим. (Ч. А.) 6. Шу кунда ... вақт ётдим, билмайман. Ҳар қалай ... ётган бўлсам керак. (Ч. А.) 7. Нури ... тортиниб ўтирди, у гапирмас, қизларнинг суҳбатига аралашмас эди. (С. З.)

Қўйиш учун сўзлар: *сал, қанча, анча, кўп, оз, бир оз, жуда, анча.*

214-машқ. Кўчиринг. Гаплардаги равишларни топиб, турини аниқлаб, аниқлатган маъносини тушунтириб беринг.

1. Узоқдан ажойиб кўшиқ эшитилаётир. (И.Ақром) 2. Буни қаранг, илгари сезмагандим. (А.Абд.) 3. Ўқимаган бўлса ҳам, ўқиганлардан кам топмайди. (С.З.) 4. Секин юриб институт рўнарасидаги дарахтзор майдонга бордим. (О. Ё.) 5. Орадан хиёл ўтмай эшик охишта чертилди. (А.Абд.) 6. Йўқ, Муҳсинбек, ҳозир булар ҳақида ўйлагим келмайди. (Р.Жаб.) 7. Дунёда бахт жуда оз - у, лекин уни асраш ниҳоятда қийин. (Р.Тагор) 8. Бир зумда бутун шаҳарни алғов-далғов қилиб юборишлари мумкин. (Р.Жаб.)

215-машқ. Кўчиринг. Равишларни аниқланг.

1. Элмурод ноилжликдан индамасликка мажбур бўлди. (Ш.)
2. Аканг, Йўлчи ўғлим, ким учун, нима учун қон тўкди? (О.) 3. У ноилжликдан биринчи қаторга келиб ўтирди. (С. Раж.) 4. Улар атайин айланма йўл билан юрдилар. (С. Иб.) 5. Саида жўрттага билмасликка солди. (А. Қ.) 6. Буни атайин сизга олиб кўйган эдим. (С. С.) 7. Элмурод хурсандлигидан корни очлигини ҳам унутган эди. (П. Т.) 8. Дуррож бўлса, ўзининг ёлғончилигидан овчининг тузоғига илинди. (А. Н.)

216-машқ. Кўчиринг. Нукталар ўрнига куйида берилган сўзлардан мосини кўйиб, гапларни кўчиринг. Равишларнинг остига чизинг ва турини устига ёзинг.

ҳолат рав.

Намуна: *Маъсуда ойисини оҳиста кучоқлади.* (С. 3.)

1. Булбул хушовоз куш ... халкимиз энг яхши кўшиқчиларнинг овозини унинг сайрашига ўхшатади. (С.3.) 2. Тоғ бағридаги лолаларнинг ... табиат ранг олганга ўхшайди. (С. 3.) 3. Олимжон ... қаттиқ овоз билан гапирди. (С. Раж.) 4. Мен сизни ... келдим. (А.Абд.) 5. Хуррак отаманми? - деди Аъзам безовталигининг сабабини айтмаслик учун ... (О.) 6. Қоратой билан Ўроз ушланиб қолмаслик учун ўзларини ... халқ ичига урди. (О.) 7. Баҳор осмони ... ковоғини ... солиб олган. (С. 3.) 8. Аяжон! Мен ... йўлдаман. Сизни ... соғиндим. (С. 3.)

Қўйиш учун сўзлар: *жуда, бугун, атайин, жўрттага, олиб кетгани, қизиллигидан, бўлганлиги учун, ҳозир, ўта.*

217-машқ. *Дўстона, тўсатдан, пича, ўта, олисда, аллақачон, чорасиз, атайлаб* каби равишлар иштирокида 8та гап тузинг. Равишларни тагига чизинг, устига маъно турини ёзинг.

218-машқ. Матини ўқинг. Ундаги равишларни топиб, энглатган маъносини тушунтириб беринг.

Саёҳатда

Ёзининг иссиқ кунларидан бири. Эрталаб барвақт уйғондик. Яхшилаб нонушта қилгач, тайинланган жойга етиб келдик. Аллақачон ҳамма ўқувчилар тўпланган эди. Биз тахминан ўттиз

киши эдик. Ҳамма йўл халтасини жангчилардай орқалаб олган. Икки соатча йўл юргач, Кўктоғ этакларига етиб келдик. Биз йўл-йўлакай бир неча типратикан ва тошбакани тириклигича ушладик. Буларни мактабнинг табиат бурчагига совға қилишни кўнгилдан ўтказдик.



Тоғнинг ҳар ер, ҳар ерида ўсган турли ерларда гуллайдиган ўсимликлардан коллекция тўплادик. Тоғдан тушганимизда атроф қоронғилашиб қолган эди. Яқин ховлилардан бирида тунадик. Уй эгаси билан дўстона хайрлашиб, йўлга тушдик.

Саёҳат давомида олган таассуротларимизни ён дафтаримизга қисқача ёзиб бордик, Алишер кўрганларини йўл -йўлакай ўртоқларига сўзлаб келди. Сухбатга берилиб кетиб, етиб келганимизни сезмай қолибмиз. Биз келганда аллақачон қоронғи тушиб қолган эди.

Ҳаким Назир

40 - § МАҚСАД ВА САБАБ РАВИШЛАРИ

Топшириқни бажаринг.

Ўқинг. Иш ҳаракатнинг нима мақсадда бажарилишини билдирган сўзни топинг.

У атайин эшикни тақиллатиб кўрди. Салимбой бу ишни қасддан қилган эди.

Ҳаракатнинг қандай мақсадда юзага келаётганини билдирувчи равишлар мақсад равиши дейилади. Мақсад равиши қандай?, қанақа мақсадда?, нима учун? каби сўроқларга жавоб бўлади. Масалан: *атай, атайин, атайлаб, жўрттага, қаердан* ва бошқалар.

Ҳаракатнинг бажарилиш сабабини англатувчи равишлар сабаб равиш дейилади: *ноилож, чорасиз, кўрққанидан, куйганидан* каби.

219-машқ. Гапларни кўчиринг. Мақсад равишларининг тагига чизинг.

1. Кўзларини жўрттага чакчайтириб, қошларини ўйнатиб, қичқирди Ўктам. (О.)

2. Юксак бинолар томон,
Бордик бизлар атайин. (П. Мўмин)

3. Нигора қасддан хатни йиртиб юборди-ю, қилган ишидан пушаймон бўлиб йиғлаб юборди. (О.)

4. Улгура олмайман-да. Унда ишим бор эди... Атайлаб колхоздан келувдим. (Х. Сеитов)

220-машқ. Ўқинг. Аввал мақсад равишли гапларни, кейин сабаб равишли гапларни кўчиринг.

1. У чорасизликдан қизини дўхтирга кўрсатолмади. 2. Ўзи ҳамма нарсани билиб турса-да, атайлаб билмасликка олди.

3. Начора, буни жўрттага қилувдик. (М.Исм.) 4. Ахмаджон унинг илтижо билан боқиб турган кўзларига қараб ноилож кўнди.

5. Унинг бу гапи қасддан айтилганлиги сезилиб қолди. (О.)

221-машқ. Мақсад ва сабаб равишлари қатнашган 4 та гап ёзинг.

222-машқ. Ўқинг. Топишмоқларнинг жавобини топиб, тушунтириб беринг.

1. Икки «н»дир ёнма-ён, бўлар кўзга намоён.

2. Рангу, хажму, маза - таъм –
Маъносида мужассам.

3. Номин айтмай кишиларни билдирар,
Бирлик, кўплик ҳар уч шахсда қўлланар.

4. Маъносидан англашилар ҳаракат,
Ҳаракатдан келар соғлик, баракат.

5. Билағон, зийрак сўзлар
Тилимизда кўп улар
Ишинг тез, секин, қачон?
Бўлишини билдирар.

223-машк. Равишларнинг маъно турларига оид жадвални кўчиринг. Нутқда энг кўп қўлланадиган равишларни ёдда сақлаб қолинг.

Равишнинг маъно жиҳатдан турлари

Равишнинг маъно турларининг номлари	Сўроқлари	Ифода хусусиятлари	Ғадаги вазифаси	Мисоллар
Ҳолат равиши	қандай? кай ҳолатда?	иш-ҳаракатнинг қандай ҳолатда ёки кай тарзда бажарилишини билдиради.	равиш ҳоли, сифатловчи-аникловчи ва кесим	кўкжисдан, беҳосдан, аста-секин, тез, жим, шёда, яёв, тасодифан, яққол, дарҳол, ўзбекчасига, мардона, қахрамонларча
Пайт равиши	кай тарзда? қачон? қачондан бери? қачонгача?	иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради.	пайт ҳоли, баъзан кесим	эди, сўнг, кейин, ҳануз, ҳали, илгарин, эрталаб, аввал, ҳаминда, бурун, кечкурун, ҳар кунин, кўшин-ёшин, эрта – ю кеч
Ўрин равиши	каерга? каердан? каерда? каергача?	ҳаракат ва ҳолатнинг ўринини, йўналган томонини билдиради	ўрин ҳоли	узюкда, пастда, олданда, юкоринда, баландда, олинда, у ерга, у ерда, у ердан, шу ерда, шу ердан, бу ерда, бу ердан
Даража-миқдор равиши	қанча? кай даражада? қанчадан?	иш-ҳаракатнинг даража миқдорини, белгининг даражасини, нарсабуюмининг миқдорини билдиради.	ҳол, аниқловчи, баъзан кесим; отлашганда тўлдирувчи ва қараткич аниқловчи вазифасида	кўп, оз, мўл, анча, кам, бир пича, хийла, сал, аранг, зўрга, озгина, жуда, энг, ғоят, ғоятда, ниҳоят, янада, ниҳоятда, яна
Мақсад равиши	қандай? қандай мақсадда? нима учун?	иш-ҳаракатнинг қандай мақсадда юзага келишини билдиради	ҳол	атай, атайин, атайлаб, қасдан, жўртга
Сабаб равиши	нима сабабдан? нима учун?	ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдиради	ҳол, отлашганда тўдирувчи	ноилож, сорасиз, кўрканидан, кутганидан

Топширикни бажаринг.

Берилган равишларни икки гуруҳга (туб ва ясама) ажратинг. Энди, эрталаб, мардона, тахминан, йиллаб, юзларча, сидирғасига, лутфан, ёппасига, мардларча, ўзбекча, шарқона, батамом, аста-секин, узил-кесил, дўстона, дехқончасига, бутунлай, секин-секин, ҳаммаёқ, бир оз, қалбан, қасддан, расман.

Ўзбек тилида равишлар икки хил усул билан ясалади:

1. Равиш ясовчи кўшимчалар билан.
2. Сўзларни кўшиш билан.

41- §. РАВИШ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР БИЛАН РАВИШ ЯСАШ

1. **-ча.** Оғ, сифат, олмош, равиш ва феълларга қўшилиб ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини билдирувчи равиш ясаydi: *ҳозирча, сенча, яширинча, ўзбекча, украинча, қисқача, ўзимча, билганимча.*

2. **-часига.** Турли сўзларга қўшилиб, ҳаракатнинг бажарилишини, сўз негизида ифодаланган предметга ўхшатиш маъносини англатган равиш ясаydi: *ҳарбийчасига, қаҳрамончасига.*

3. **-ларча.** Ҳаракатнинг қай тарзда бажарилиши, ҳаракат ва белгининг ўхшашлиги маъноларини англатувчи равиш ясаydi: *ботирларча, катталарча, йигитларча, ўртоқларча.*

4. **-лаб.** Ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатини, пайтини ва миқдорини билдирадиган равиш ясаydi: *яхшилаб, ойлаб, тонналаб.*

5. **-гача.** Давом этиш чегарасини билдирувчи равиш ясаydi: *эрталабгача, ёзгача.*

6. **-она, -дек, -дай.** Ўхшатиш ва таққослаш маъносини билдирган равиш ясаydi: *мардона, оқилона, камтарона; тоғдек, отдек, сендек; пахтадай, ойдай.*

7. **-ига, -сига.** Ҳаракатнинг бажарилишини бирор ҳолатга ўхшатиш маъносини билдирган равиш ясаydi: *бараварига, ёппасига, бирданига, кўндалангига.*

224-машқ. Кўчиринг. Равиш ясовчи кўшимчаларнинг тагига чизинг. Қандай равиш ясовчи кўшимча эканини тушунтиринг.

1. Молдаванча кийинган қиз бола кўринди. (Р.Ф.)
2. Салимжон қўл бериб дўстларча кўришди. (А.Қ.) 3. Узоқдан мардларча отни сурган суворийлар кўринди. (Х. О.) 4. Лекин у қаторасига бир неча кун келмади. (П.Т.) 5. Чамандай очилган пахтазор кўзни камаштиради. (С. Аҳм.) 6. Қиртишлаб супурилган ҳовлида ҳеч ким йўқ. (О.) 7. Трамвайдан тушиб кетаётганда тасодифан Комилани кўриб қолди. (О.)

225-машқ. Гапларни кўчиринг. Равишларнинг тагига чизинг. Ясама равишларнинг қайси сўз туркумидан ясалганини айтинг.

1. Зўрга ҳам зўрдек бало бор. (М.) 2. Давлатбеков Элмурод акага муғомбирона кўз ташлади. (П.Қ.) 3. Биз тахминан беш кундан кейин саёҳатга жўнаймиз. (С. Раж.) 4. Умарали бутунлай бошқа одам. (И. Р.) 5. Агар сиз бунини чинга ҳисоблаган бўлсангиз, мен ҳам чинча сўрайин. (А.Қод.) 6. Мардларча курашмоқ мардларнинг иши. (С. Аҳм.)

226-машқ. Нуқталар ўрнига равиш ясовчи кўшимчалардан мосини кўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Қутлуғжон тез орада ўзбек... бийрон -бийрон сўзлаша бошлади. (О.) 2. Бектемирнинг кўзлари телбалар... олайиб кетди. (О.) 3. Чорлади Ватан ишқи мард... от сурдинг. (Ғай.) 4. Бир шох қарсил... синди. (Б.П.) 5. Барча бир... тинмай ишларди. (У.) 6. Кўм - кўк осмон худди шиша... тиниқ. (С.Аҳм.) 7. Ўзбек ойим эрта... Олим понсоникига қараб арава кўштирди. (А.Қод.) 8. Чўтир холанинг ғариб ... кулбаси томон юриб кетдик. (Мирт.)

Кўйиш учун кўшимчалар: *-она, -сига, -дек, -дай, -лаб, -часига, -ларча, -ча.*

227-машқ. Қуйида берилган намунага қараб - *ан, - она, - ларча, - сига, - часига, -дан, - дек, - ча* кўшимчалари билан равишлар ясанг. Ясалган равишлар иштирокида биттадан гап тузинг.

Намуна: Чалқанчасига. Турди чалқанчасига йиқилиб тушди. (П.К.)

228-машк. Қуйидаги равишларга аввал синонимлар, сўнгра антонимлар таиланг.

Доим, аввал, айёрона, аранг, астойдил, бутунлай, озгина, тўсатдан, дарров, жуда, кам, хомлигича, камтарона, сўнгра, мўл.

42-§. РАВИШНИНГ ТУЗИЛИШИГА ҚУРА ТУРЛАРИ

Топшириқни бажаринг.

Ўқинг. Гаплардан равишларни топиб, уларнинг тузилиш жиҳатидан турини аниқланг, устига ёзинг.

1. Лобарнинг овози зўрға чикарди. (С. Иб.) 2. Гуларо ортик бу ерда тура олмади. (Ф. Иқбол) 3. Эрталаб ишга келсам, тишим оғрий бошлади. (Мох.) 4. Гуларо ҳозир эшитган гапларидан эсанкирамади. (Ф. Иқбол) 5. Комила билан Қобилжон ёнма-ён ўтирарди. (Мох.) 6. Бу воқеани тез-тез эслаб тураминз. (Д. Тўйчиева) 7. Биласизми, Шароф ака, сизсиз ҳаммаёқ коп-коронғу. (Р.Сидикова) 8. Ойижон, сизнинг хизматингизни қилишдан ҳеч қачон чарчамайман. (Ф. Иқбол)

Равишлар тузилиш жиҳатидан уч хил бўлади. 1. Содда равишлар. 2. Қўшма равишлар. 3. Жуфт равишлар.

Содда равишлар туб ва ясама бўлади.

Ёлғиз бир ўзакдан иборат бўлган равишлар туб равиш дейилади: *секин, кейин, оз, яқин, ҳаммиша, обдон, нари, бугун, тича, яёв.*

Ўзакка ясовчи қўшимча қўшиливи билан ҳосил бўлган равиш ясама равиш дейилади: *тасодифан, чексиз, кўплай, янгича, яширин, бутунлай, дўстона, тоғдай, мардларча.*

Икки ва ундан ортик ўзакдан ясалган равишлар қўшма равиш дейилади: *у ёққа, бу ерда, ҳар замон, ҳеч қачон, бир оз, бирталай, ҳамма ёқ.*

Қўшма равишлар қуйидагича ҳосил қилинади:

1. У, бу, шу олмошларидан кейин жўналиш, ўрин - пайт, чиқиш келишиги шаклида *ер, ёқ, ора, ўрта* сўзларини келтириш билан: *бу ерда, шу ерга, ўша ёққа, шу ўртада, шу орада, у ёқдан.*

2. *Ҳар, ҳеч, ҳамма олмошлари ва бир сўзидан кейин ер, ёқ, вақт, замон, қачон, зум, талай, печа, қанча сўзларини келтириш орқали: ҳар ёқ, ҳар вақт, ҳар замон, ҳар қачон, ҳеч вақт, бир печа, бир талай, бир замон, бир зум, бир маҳал.*

Эслатма: Кўрсатиш олмошлари баъзан ўрин келишиги шаклидаги пайт маъносини билдирган сўзлар билан бирикиб, қўшма равиш ҳосил қилади. Масалан: *шу кун, шу кунда, ўша замон, шу заҳоти, шу онда.*

Қўшма равишларнинг юқоридаги турлари ёзувда ажратилиб ёзилади.

229-машқ. Куйида берилган туб, ясама ва қўшма равишларни уч устунга ажратиб ёзинг.

Жим, янгича, пиёда, аллақачон, тунов, кун, кўп, мардона, ҳар ерда, тириклай, хиёл, бирталай, ҳамма вақт, ҳеч қачон, бир зум, ҳамма ёқ, пича, тасодифан, секин, эрталаб, аввал, бирпас, мажбуран, кушдай, пахтадек, шу ёқда, бир неча.

230-машқ. Кўчиринг. Қўшма равишларни топиб, остига чизинг. Ҳосил бўлиш йўлини ва ёзилишини тушутиринг.

1. Бу ерда бозор кунлари билан бебозор кунларнинг фарқи сезилмайди. (Л. Б.) 2. Бугун бир оз ҳаяллаб қолдим. (С. З.) 3. Ҳирот ҳеч қачон қашшокларга бунчалик тўлган эмас. (Л.Б.) 4. Ор - номусга соқчи бўлар ақл ҳар дам. (Абай) 5. Энди бирпас ўтириб, дам олгим келади. (F.F.) 6. Кўнглимдаги ғубор бир зумда тарқаб, бутун вужудим яйраб кетди. (О.Ё.) 7. Самад аллақачон эмаклай бошлаган эди. (Ч.А.)

8. Яшнайвер барк уриб ҳар он,

Юракда қолмасин заррача армон. (А. О.)

231-машқ. Ўқинг. Ясама равишларни ўзи боғланган сўз билан бирга кўчиринг, ясалаш усулини устига я. қ. (ясовчи кўшимчалар билан), с. қ. (сўзларни кўшиш билан) деб кўрсатинг.

1. Атрофлича муҳокама қилсак, янги таклифлар ҳам чиқиб қолади. (Р. Ф.) 2. Бу ерда ҳамма дер: Қуёшча яшанг! (Ш.) 3. Турди гуноҳкорларча бошини қуйи солиб, Ортиқдан мадад кутди. (П. Қ.) 4. Қаерда ақл бўлса, қудрат ҳам ўша ердадир. (В. Попо) 5. Ҳамма ёқда сўлим ва салкин ёз кечаси ҳоким. (С.Аҳм.) 6. Менда бирор кимсанинг ҳақи бўлса, ҳеч қачон унутмадим. (А.Темур)

232-машқ. Қавсларни тушириб қолдириб, кўчиринг. Қўшиб ёки ажратиб ёзилиш сабабларини тушунтиринг.

Алла (қаер), алла (қачон), алла (қандай), бир (йўла), бир (тўла), бир (варакай), қай (вақт), ҳеч (қаер), ҳеч (қачон), ҳар (қачон), бир (зум), бу (ерда), шу (ердан), бир (мунча), бир (неча), шу (орада), шу (замонда), ҳар (ёқда).

233-машқ. Кўчиринг. Равишларни топиб, содда ёки кўшма равиш эканлигини ажратиб, устига ёзинг ва ёзилишини тушунтиринг.

1. Бу орада йўл тушиб анҳорга

Қолди чаён хайрату душворга, (X, X.)

2. Қаерда ақл етишмаса, у ерда ҳамма нарса етишмайди. (Ж.Галифакс) 3. Эрталаб Алишер қурилиш ишлари билан шуғулланадиган усталарни гаплашиб келди. (С. Иб.) 4. Нозанин ҳеч қачон ўзини бунчалик бечораҳол сезмаганди. (С.Иб.) 5. Дилором, сизни аям бир - икки кун обдон кузатибдилар. 6. Энди очикчасига гаплашайлик, (И. Р.) 7. Орзусиз яшаган кишининг умри фойдасиз оқар сувдек ўтаверди. (Ё. Ш.)

234-машқ. Ўқинг. Равишларнинг тузилиши ва маъносига кўра турини айтинг, сўроқларини аниқланг.

1. Бир оздан кейин сесканиб - сесканиб ўзига келди. (Ойдин) 2. Уй топгунимга қадар шу ерда уч - тўрт кун турсам майлими? (С.Иб.) 3. Ҳамма вақт доно бўла оладиган одам йўқ. 4. Ҳеч қачон маъносиз китобларни ўқиманг. (Р.Эмерсон) 5. Кўрдингми, бирваракайига икки ҳунарни эгалламоқчи. 6. Сизни биратўла ташвишдан кутултириб қўя қолай. (Мох.)

43- §. ЖУФТ ВА ТАКРОРИЙ РАВИШЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Топширикни бажаринг

Ўқинг, гаплардан жуфт равишларини топиб, уларнинг маъноси ва ясалиш усулларини тушунтиринг.

1. Тез-тез келиб турасизми? (А. Абд.) 2. Анча вақтдан сўнг секин-аста ўрнидан туришди. 3. Эрта-индин чарлар бўлиб ўтса, албатта, Отабек Марғилонга югурадур. (А. Код.) 4. Уруш тугагач, Мухсинбек омон-эсон фронтдан қайтиб келди. (С. Раж.)

5. У севинганидан энтикиб - энтикиб нафас олди. (Ойдин)
6. Меҳмонлар алла - паллагача ўтиришди. (П.Б.) 7. Кетма-кет кўшик овози янгради. (С. Аҳм.) Тўппа - тўғрисида ой кўтарилди. (С.Аҳм.)

Жуфт ва такрорий равишлар бир-бирига яқин ёки қарама-қарши маъноли ўзакларнинг жуфтлашишидан ёхуд ўзакларнинг такрорланишидан ташкил топади: *Кеча-кундуз, аста-секин, эрта-кеч, қишин-ёзин, бугун-эрта.*

Равишлар қуйидагича ясалади:

1. От билан отнинг такрорланиши орқали: *такрор-такрор, тун-кун, қатор-қатор, орқама-орқа, қадам-бақадам, гул-гул.*

2. Сифат билан сифатнинг такрорланиши орқали: *эсон-омон, бошқа-бошқа, зўрма-зўраки, узундан-узоқ, бекордан-бекорга.*

3. Феъл шаклларининг такрорланиши орқали: *ағдар-тўнтар, олмоқ-солмоқ, билинар - билимас, кўрар-кўрмас, кўярда-кўймай, бора-бора, ура-сура.*

4. Равиш билан равишнинг такрорланиши орқали: *нари-бери, олдин-кейин, бирин-кетин, унда-бунда, ҳали - бери.*

5. Олмош, сон, ундов ва аралаш ҳолда сўзларнинг такрорланиши орқали: *ўз-ўзидан, ўз-ўзича, якка-якка, атилтаил, тақа-тақ, очиқ-ойдин, шартта-шартта, вақти-бевақт, тўла-тўқис.*

Жуфт ва такрорий равишлар ёзувда доимо чизикча билан ёзилади.

235-машқ. Гапларни кўчиринг. Жуфт ва такрорий равишларнинг таънига чизинг, гаптаги вазифасини тушунтиринг.

1. Умида Саидадан тез-тез хабар олиб турди. (А. Қ.) 2. Анорхон югуриб уйига келди-ю, наридандан-бери кийинди. (О.) 3. Оймоможон, минг йиллар бизни кутдинг зор-зор. (Қ. М.) 4. Атрофида канизлар, бош-бошига сўзлар, ҳеллар. (Ф. Ё.) 5. Олисида бирин-кетин юлдузлар галаси ёнди. (С.З.) 6. Вой, мен сизни ҳали-бери келмайди деб ўйлаган эдим. (Х.Х.) 7. Илк қиш ҳавоси дамба-дам ўзгариб туради. (О.) 8. Эрталаб кўшнилар кетма-кет кела бошлади. (С. З.)

236-машк. Кўчиринг. Гаплардаги жуфт равишларни топиб, уларнинг тузилиши ва маъно хусусиятларини тушунтиринг.

1. Қисқа муддатли ёмғирлар тез-тез бўлиб туради. (С.З.)
2. Чиннигул билан ёнма-ён кетаётган Ҳасан бирдан тўхтади. (С.З.)
3. Болалик йилларимиз аста-секин ёшлик билан алмашди. (Л.Б.)
4. От аравалар бирин-кетин саройга олиб киритилди. (Ҳ. Ғ.)
5. Низомжон у ёқдан-бу ёққа юради, сал товуш келса дарров аланглайди. (С.Аҳм.)
6. Машраб вужуди қалт-қалт титраб чангал орасидан охиста мўралаб қаради. (О.Ё.)
7. Хижолатдан юзим гул-гул ёнур. (О.)

237-машк. Берилган равишларни намунадагидек жадвалга кўчиринг.

Содда равиш		Қўшма равиш	Жуфт равиш	Такрорий равиш
Туб	Ясама			
Эрта	Айёрони	Тез орада	Бирин - кетин	Тез-тез

Ҳар вақт, кундан-кунга, баъзи-баъзида, ҳар қачон, бугун-эрта, унда-бунда, бу ерга, ҳар ёқдан, эсон-омон, эрта, бугун, тез, хануз, ҳамон жўртага, паст-баланд, атайин, охиста, жимирлаб, чамандай, гулдек, ўртоқларга, яширин, галма-гал, ҳеч қачон, тез-тез, жуда-жуда, аста-секин, оз-оз, кам-кам.

238-машк. Кўчиринг. Гаплардан равишларни топинг. Қўшма, жуфт ёки такрорий эканлигини аниқланг, ҳосил бўлиш йўлларини тушунтиринг.

1. Қаердаки сўз тирик экан, у ерда ҳали иш ҳам ўлмаган. (Герцен)
2. Шу ёқда Гўрўғли деган чикибди. (Ф.Й.)
3. Ўлмас яна бир оз ўйлаб жавоб берди. (Ё.Ш.)
4. Аваз ҳар гал тоғдан мамнун бўлиб қайтарди. (П.Қ.)
5. Касал бир мунча тузалди, иштаҳаси ҳам бир оз очилди, оз-оз овқат ейдиган бўлди. (Н. Саидазимова)
6. Лобар бир йўла икки фарзанднинг онаси бўлди. (С.Иб.)
7. Мафтуна аллақандай бақир-чақир овозлардан ўзига келди. (Н.Ризаева)
8. Камдан-кам учрайдиган жасорат, тафаккур жасоратидир. (А.Франс)

239-машк. Нукталар ўрнига куйида берилган равишлардан мосини кўйиб, гапларни ёзинг. Содда, кўшма, жуфт равишларни аниқлаб, остига чизиб, устига ёзинг.

Намуна: Мен ҳам ... жўнаб кетарман. (С. З.) Мен ҳам жуфт р.

эрта-инди жўнаб кетарман

1. Мен ҳам бўш вақтларимда ... хордик чиқаришни хуш кўраман. (Л. Б.) 2. Ҳамма нарса ... қола берди. (С. Анорбоев) 3. Қўни - кўшнилари ... дастурхон ясадиб кўйган экан. (С.З.) 4. Элмурод онасидан ... хабар олиб туради. (С. Иб.) 5. Ёмғир... ҳам, Тошкентда ҳам... ёғади. (Х. Ф.) 6. Мен ... аччиқ ва зарарли бўлса ҳам, ҳақиқатни айтиб ўрганганман. (С. Раж.) 7. Ҳабиб ... юриб онасининг ёнига келди. (С.З.) Бурноғи йилги иш ... эсимдан чиқмайди. (Х. Н.)

Кўйиш учун сўзлар: *сирасира, ҳар қанча, мўл, секин-секин, бу ерда, тез-тез, ҳар вақт, аллақачон, ҳар ерда.*

240-машк. Ясама равишларни ажратиб ёзинг, уларни қайси сўз туркумидан ясалганини аниқлаб, равиш ясовчи кўшимчаларининг тагига чизинг.

1. Оху булоқ излагандай сени дейман ҳар замон. (Ш. Руставели) 2. Ўқувчиларни ҳарфлаб эмас, бўғинлаб ўқишга ўргатиш керак. 3. Ҳамма ёқ сутдек ёришди. (С. Аҳм.) 4. Ёппасига хуш келибсизлар. Қани марҳамат! (Ш.) 5. Дунёда оқилона сўз ва яхши номдан бошқа ҳаммаси унутилади. (С. Раж.) 6. Вақт бутунлай сезилмасдан ўтди. (О.) Шошманг энди, Комил ака, яна пича ўтирайлик. (А. Абд.)

ТАНИШТИРИБ БОРАМИК. ҚИРҒИЗИСТОННИНГ МАТЕХУР ИНСОНЛАРИ КАСИМ ТИНИСТАНОВ

Касим Тинистанов Қирғизистоннинг биринчи маориф вазири бўлган эди. У биринчи ўқиш дарслигининг муаллифидир. Ўзининг донолиги, одамлар билан муомаласи, илмга чанқоклиги билан танилган инсон эди.

К. Тинистанов билим ва илм соҳасида ўз меҳнатларини аямаган. У инсон бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактабларни ривожлантиришда ўзининг хиссасини кўшган олимлардан бири эди.

Тинистанов айна кучга тўлиб маориф йўналишида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган даврда ёвуз кучларнинг кўролмаслиги таъсирида 1938 йили 38 ёшида «халқ душмани» деган айбнома билан ўлимга ҳукм қилинади. Ўлимидан кейин айбсиз эканлиги исботланиб, оқланади.

К. Тинистановнинг болаларга атаб ёзган бир қанча асарлари омма орасида кенг тарқалган.

241-машқ. Кўчиринг. Сўзларни кўшиш билан ясалган равишларнинг тагига чизинг, қайси сўзга боғланганлигини айтинг.

1. Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда ҳам бор тошу тарозу. (М.)
2. Ҳамма ёқ ям-яшил ҳосилдор ўлка. (Ё.Ш.) 3. Бироз кулоқ солиб туришгач, аста ичкари киришди. (Ё.Ш.) 4. Бир зумда шаҳарни алғов-далғов қилиб юборишлари мумкин. (С.Раж.) 5. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди, Маҳфуза. (М. Йўлдошева) 6. Чарчадинг-да, ўғлим, бирпас кириб, дамингни ол. (С.Иб.)

242-машқ. Ўқинг. Равишларни топиб, маъносига ва тузилишига кўра турини айтинг.

1. Жаҳолат аҳли бирла қурма суҳбат,

Етар ҳар дам бу ишдан жонга захмат. (Н. Хисрав)

2. Икки аёл астойдил кўчага чиқишди. (М. Ю. О.) 3. Бу вақтда Гавҳарой ҳовлини обдон кўздан кечирди. (М. Ю. О.) 4. Уларнинг ҳар бири энг аввал Ўлмас билан сўрашишга ошиқарди. (Ё. Ш.) 5. Гавҳарой билан Ҳошнйхон у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. (М.Ю. О.) 6. Сиздан бошқа ишонадиган одамим йўқ бу ерда. (С.Раж.) 7. Секин-аста қош қорая бошлади. (С.Аҳм.) 8. Ўлмас битта-битта босиб вақт ўтганини билмай қолди. (Ё. Ш.)

243-машқ. Қуйидаги равишларга синоним ва антонимлар танланг.

Доим, аввал, айёрона, аранг, астойдил, ора - сира, бетма - бет, оз, бутунлай, дарров, жуда, сўнгра, бир зум, пича, кўкқисдан, жўрттага, ноилдож.

244-машқ. Гапларни кўчиринг. Отлашган равишларнинг остига чизиб, устига гапдаги вазифасини ёзинг.

гўл. аниқ.

Намуна: *Кўндан кўп ақл чиқар. (М.)*

1. Эртанинг режасини бугун туз. (М.) 2. Ҳосилнинг чўғи мўл. 3. Мехмон бирпас ўтириб, кетишга рухсат сўради. (И. Р.) 4. Майли, бораверинг, мен ҳам тез - тез бориб тураман. (М. Ю. О.) 5. Одамнинг умри ҳам шу ўтдек бир зумда ўчади-кетади. 6. Халқимиз чўлга ғолибона кураш бошлади. (О. Ё.)

245-машқ. Ажратиб ёзиладиган қўшма равишларни маъно турларига кўра гуруҳларга ажратиб ёзинг.

Шу онда, бу ерда, ҳеч қачон, ҳар қаерда, шу ерга, у ерда, ҳар замон, ҳар қачон, шу ёққа, шу ердан, ҳар вақт, ҳамма ёқ, бир зум, бир неча, ҳамма вақт, ҳеч қаерда, ҳеч қаерга, шу пайт, ҳар доим, бир оз, бир вақт.

246-машқ. Ажратилиб ёзиладиган равишлар иштирокида олтига гап тузинг. Тузган гапларингиздаги ҳар бир сўзнинг қайси туркумга мансублигини айтинг.

Равишни таҳлил қилиш тартиби

1. Қайси сўз туркумига мансуб?
2. Маъносига кўра тури.
3. Қайси сўроққа жавоб бўлади?
4. Гапдаги қайси сўз билан боғланган?
5. Туб ёки ясама эканлиги.
6. Гапдаги вазифаси.

Намуна: *Энди мен бутунлай шу ерда қолиб кетдим. (Ў. У.)*

Энди – мустақил сўз туркуми; равиш; пайт равиши; қачон? сўроғига жавоб бўлади; *қолиб кетдим* феъли билан боғланган; туб равиш; содда равиш; гапда пайт холи вазифасида.

Бутунлай – мустақил сўз туркуми; равиш; ҳолат равиши; қандай? сўроғига жавоб бўлади; *қолиб кетдим* феъли билан боғланган; ясама равиш; ясовчи қўшимчалар кўшиш усули билан (- лай қўшимчаси) орқали ясалган равиш; гапда ҳол вазифасида келган. *Шу ерда* – мустақил сўз туркуми; равиш; ўрин равиши;

қаерда? сўроғига жавоб бўлади; *қолиб кетдим* феъли билан боғланиб келган; ясама равиш; гапда ўрин холи вазифасида.

247-машқ. Берилган гаплардан равишларни топиб равишни тахлил қилиш тартиби ва намунасига таяниб, тахлил қилинг.

1. Турмушимизга янгича одатлар кириб келмоқда. 2. Юнус Ражабий – ҳамиша эл ардоғида яшайдиган умрбоқий санъат алломаси. (С. Кар.) 3. Умрингдан ўтган ҳар кун хазинангдан кетган бир олгиндир. (Хикмат) 4. Сарвар билан Одил олис болаликка бир зумгина қайтгандай бўлишди. гўё. (Р.Жаб.) 5. Одилнинг тасодифан йўқолиб қолиши бутун қишлоққа ёйилди. (С.З.) 7. Масалага ҳар томонлама ёндашиб иш кўриш керак. (П.Қ.) 8. Аъзам эрта-индин ўз фаолияти билан ҳамманинг оғзини очириб кўядиган бўлади. (Ш.)

248-машқ. Берилган равишлардан мосини топиб, жуфт равишлар ҳосил қилинг, улар иштирокида гаплар тузинг.

Тез, аста, ёз, эрта, олдин, оз, кейин, бекор, сал, оч, тўқ, кеча, индин, кундуз.

249-машқ. Берилган сўзлардан мосини танлаб, қўшма равишлар ҳосил қилинг, улар иштирокида гаплар ёзинг.

Бу, шу, ўша, ерга, ерда, ҳар, ҳеч, ҳамма ёкка, ёкда, ёқдан, қачон, вақт, бир, лаҳза, он, зум.

250-машқ. Ўқинг. Гаплардан равишларни топинг, от, сифат, сон, олмош, феъл ва равишдан ясалганлигини изоҳланг.

1. Ернинг унумдорлигини оширишга ҳозирдан астойдил киришдик. («Ўш садоси»дан) 2. Кўкдай бепоён менинг Ватаним. (Қ.Хикмат) 3. Бугун эса катта кўчада байрамдагидай одам кўп эди. (И.Р.) 4. Кўз очиб - юмгунча ўтган дам - киммат. (F.F.) 5. Бугун бошқачадир шиша ранг сувлар. (У.) 6. Дарчанинг кичкина илгичи бўлиб, у ҳар икки томондан бемалол очилар эди. (Ш.С.) 7. Баланд кўтарма устида соқчи у ёқдан - бу ёкка юриб турибди. (Л. Б.)

251-машк. Ойбекнинг «Болалик» қиссасидан олинган парчани ўқинг. Матндаги равишларни топиб, турини аниқланг.

Чоршанба – бозор. Ҳар бозор кун вақтли тураман. Бозорнинг ўзига хос сурони, говур-ғувури бўлади. Мен жияқларни билагимга ташлаб тикилишда тик тураман. Ҳар учраган харидорга «Олинг яхши жияк, нукул ипак», деб мақтайман. Жияк бозори ҳамиша суст. Кўпинча сотиб бўлсам ҳам, мактабдан кутулиш ниятида бозорни айланиб юраман. Бутун бозорни кезаман. Газлама расталаридан бошлаб, то атторчиликка, бешик бозорга, носвойфурушлар, шиннифурушлар, ҳатто кўмир-ўтин бозорига қадар ҳаммасини тентиб чиқаман.

Базозлар, холвафурушлар тагида қат-қат кўрпача, бозорнинг сараси биз дегандай гердаиб ўтирадилар. Қишда устиларида соатнинг олтин занжири осиглик пўстин, оёқларида ғарч-ғурч амиркон маҳси -кавуш, этик, Баъзан дўконларда молни қалаштириб, яхудийлар ўтиради. Улар мол сотишга жуда уста. Турли ипакли шойи - атлас товарларининг харидорлари нукул баёнлар, синчиклаб кузатиб ўтаман. Бу расталарда тўхтаб, савдо-сотикқа кулоқ соламан... (Ойбек)

252-машк. Матни кўчириб, мустақил сўз туркумларини аниқланг, уларнинг морфологик хусусиятлари ва гапдаги вазифасини тушунтиринг.

Табиат оқ ёпинчиғини ташлар -ташламас куртаклар кўз уқалай бошлади.


Баҳор. Майин еллари, чак-чак урган гуллари билан кириб келди. У киши билан қандайдир димикиб юраги сиқилиб ётган-у, мана энди ўз майлига кўйилганидан хурсанддек, кенг далаларда яйрайди, боғ-роғларда қувнайди; гоҳ кизларнинг дурраларини торткичлаб, ўйнайди, гоҳ юзларини мулоғим сийпайди. Тўтиқиз ана шундай баҳорлардан ўн еттисини кўрди. Бу баҳорлар уни кўклам чечаги каби очиб, ўн беш кунлик ойдай тўлдириб юборди. Сўнгги йилларда ҳар янги баҳор унга янги безакда, янги жозибадор кўришиб, юрагини ниманингдир талпинтирувчи ширин интизорлиги билан ёндиради. Шундай пайтларда у ўзини уй ичига сиғдиролмайди – худди нафаси сиқилаётгандек ташқарига отилади. Баҳор бутун топган - тутганини, бутун безак ва бисотиши нурафша боғига олиб чиққан. Тўтиқиз кушлар чуғурига, шабада шивирига кулоқ солади. *М. Исмоилов*

Саволларга жавоб бering.

1. Қандай сўзлар равиш туркумига киради?
2. Равиш туркумига кирган сўзлар феъл туркумига кирган сўзлардан нимаси билан фарк қилади?
3. Равишларнинг маъно жиҳатдан турларини айтинг ва ҳар бирига мисол келтиринг.
4. Равишларнинг тузилиши жиҳатдан турларини айтинг ва ҳар бирига мисол келтиринг.
5. Равишларнинг ясалиш усулларини сананг ва мисоллар билан тушунтиринг.
6. Равиш ясовчи қўшимчалар билан ясалган равишларга мисоллар келтиринг, уларни катнаштириб, 3 - 4 та гап ёзинг.
7. Ажратилиб ва қўшилиб ёзиладиган равишларга мисоллар келтиринг.
8. Ҳолат равишларини катнаштириб 4 та гап ёзинг.
9. 2 та гап ёзинг. Уларда иштирок этган равишларни таҳлил қилинг.

АКУЛАЛАР

Акулалар – пластинка жабралилар кенжа синфининг бир туркуми. Скелети тоғайдан иборат, териси плокаид тангачалар билан қопланган. Оғзи боши остига кўндаланг жойланган. Жағларидаги ўткир плокаид тишлари билан ғанимларини тутати. Бошининг икки томонидан одатда бештадан жабра тешиклари бўлади: гавдаси дуксимон чўзиқ бўлиб, мутаносиб ривожланган сузғич қанотлари бор. Гавдаси шундай тузилганлигидан сувда чакқон сузади.



Акулалар, асосан, денгизларда яшайди, лекин баъзи турлари Амазонка ва Ганга дарёларида ҳам учрайди. Баъзиларининг узунлиги бир метрдан кам (масалан гигант акуланинг бўйи 1, 5 метрдан ҳам ошиқ). Баъзи турлари каттик пардага ўралган тухум кўйиб кўпаяди, баъзи турлари тирик бола туғади.

Акулалар мўътадил иклимли сувларда яшайди. Баренц, Азов, Қора денгиз ва Узоқ Шарқ денгизларида тарқалган. Акулаларнинг кўпчилиги – йиртқич, асосан, балиқ, денгиз тубидаги умуртқасиз жониворлар билан овқатланади. Акулаларнинг баъзилари хўжалик аҳамиятига эга: жигари, гўшти, териси ишлатилади.

(Энциклопедия)

КАТТА ФАРҒОНА КАНАЛИ

Усмон Юсупов номли Катта Фарғона канали – Фарғона водийсидаги канал. Ўзбекистон ҳудудида 283 км. Тожикистонда эса 62 км. узунликни ташкил қилади. Водийни шимоли - шарқидан жанубий-ғарбига қараб кесиб ўтган. Собиқ СССР даврида энг йирик ирригация иншоатлардан бири бўлган бу канал Учкўрғон шаҳри яқинида Норин дарёсидан бошланиб, Тожикистоннинг Хўжанд шаҳригача боради.



1939 йили колхозчилар ташаббуси билан жуда қисқа муддатда, 45 кунда қурилган. 1940 йили Тожикистон территориясида яна узайтирилди. Канал қурилиши натижасида Норин дарёси, Қорадарё, Тентаксой ва бошқа ирригация системаларига кўшимча сув берадиган бўлди. Канал қурилишида 160 минг киши қатнашди. 270 км трассадан 17, 8 млн м³ тупрок казиб чиқарилди, 42,2 минг м³ бетон қўйилди, 45 йирик, 275 майда гидротехник иншоат қурилди. Канал, асосан, қўл меҳнати билан қурилган. Ишлаш оғир бўлган ерлардагина 14 эксковатор, 275 трактор, 420 автомобилдан фойдаланилди.

Катта Фарғона канали икки трактдан иборат. Юқори тракти Учқўрғондан бошланиб, жанубга Куйганёрғача боради. Норинни Қорадарё ва Тентаксой билан боғлайди. Узунлиги 44 км. Сув ўтказиш қобилияти 98 м³/сек. Сувнинг бир қисми суғоришга сарфланади, асосий қисми Қорадарё ва Тентаксойга ташланади.

Ҳозир Катта Фарғона канали асосий ўзанининг узунлиги 350 км, ёрдамчилариники 30 км

Канал Фарғона водийсининг текисликдаги 800 минг гектар ернинг сув таъминотини яхшилади ва шундан 210 минг гектар Наманган вилоятида, 12 минг гектар Андижон вилояти, 63 минг гектар Фарғона вилоятида, 125 минг гектар Тожикистонда.

(Энциклопедия)

ОНА ТАБИАТ

Инсон онадан туғилиб, оламга келган биринчи дақиқалардаёқ табиат эҳсонидан баҳраманд бўлади. Яъни илк бор ҳаводан тўйиб нафас олади. Одамзот униб ўсиши учун озик-овқат, сув, қуёш ҳарорати жуда зарур бўлиб, у буларнинг ҳаммасини табиатдан олади. Инсонни она туғиб, тарбияласа, табиат ўстиради. Шунинг учун «она табиат», деб аталади. Табиат мусаффо бўлса, инсон ҳам соғлом, бақувват бўлади.

Табиат шундай одил мўъжизаки, у атроф-муҳитни мувозанатга келтириб туради. Чунончи, чиқарилган карбонат ангидридни ўсимликлар ютиб, уни кислородга айлантиради. Демак ўсимликлар дунёси ҳавони чанг ва карбонат ангидриддан тозалаб берувчи мўъжизавий корҳонадир. Ҳар бир гектар ердаги тол дарахтлари бир кеча - кундузда 90 тонна чангни ютиб қолар экан. Бундан инсон ўз атрофини ўраб турган табиатни, унинг

ўсимликлар дунёсини кўз қорачиғидай асрабгина қолмай, уни бойитиши, кўлидан келганича кўпроқ дарахт экиши, кўкаламзорлаштиришга интилиши зарур, деган хулоса келиб чиқади. Шунинг учун ота - боболаримиз дарахт экишни, боғ-роғ яратишни савобли иш, деб билганлар. Бир туп мевали дарахт эккан кишининг икки дунёси обод бўлади, деб бежиз айтилмаган.

Она - табиат дейилишининг яна бир сабаби, инсон она сутидан озикланишдан тўхтагандан бошлаб, умрининг охиригача табиатдан ўз ризқ - рўзини топиб, тирикчилигини тиклаши учун зарур бўлган турли мевалар, гиёҳлардан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Т. Қурбонов

Раши сўз туркуми юзасидан тест - синов саволлари

1. Иш-ҳаракатнинг белгисини, пайтини, ўрнини, даража-микдорини, сабаб ва мақсадини билдирган сўз туркумининг номини белгиланг.

- | | | |
|----------|----------|-------|
| А. Феъл | С. Олмош | Е. От |
| В. Сифат | Д. Раши | |

2. Берилган гаптаги ажратилиб, остига чизилган сўз қайси сўз туркумига мансуб?

- Олимжон қадрдон ерларни ойлаб кўрмай ўта соғинган эди.*
- | | | |
|--------|----------|---------|
| А. Сон | С. Сифат | Е. Раши |
| В. От | Д. Феъл | |

3. Кундузлари қуёш *саратондай* қиздириб туради. Ушбу гапта остига чизилган сўз қайси қаторда тўғри изоҳланган?

- | | |
|-------------------------|---------------|
| А. Сифат | С. Ўрин раши |
| В. Пайт раши | Д. Ҳолат раши |
| Е. Даража - микдор раши | |

4. Гапта рашига хос бўлган синтактик вазифани белгиланг.

- | | |
|--------------|---------------|
| А. Аниқловчи | С. Кесим |
| В. Эга | Д. Тўлдирувчи |
| | Е. Ҳол |

5. Қуйида кўрсатилган қайси сўз туркумларига оид сўзлар якка ҳолда, жуфт ҳолда ва такрорланиб қўлланади?

- | | | |
|-----------|----------|---------------|
| 1. Олмош. | 3. Феъл | 5. Равиш |
| 2. Сон | 4. Ундов | 6. Таклид сўз |
- А. 2, 3, 4, 6
В. 2, 3, 4, 5, 6
С. 3, 6
Д. 1, 2, 3, 4, 6
Е. 1, 2, 3, 4, 5, 6.

6. Равишларнинг маъно жиҳатдан қанча тури бор?

- А. 3 та В. 4 та С. 6 та Д. 5 та Е. 2 та

7. Жавоблардан пайт равишини белгиланг.

- А. Майин С. Эрталаб
В. Оз Д. Мактабда Е. Аста

8. Даража-миқдор равишлари қайси жавобда берилган?

- А. Ниҳоят, ҳатто, фақат. С. Ўта, тим, худди.
В. Наҳот, жикқа, ҳаттоки. Д. Энг, зўрга, юзлаб.
Е. Пича, хийла, ўта, жуда.

9. Равиш ясовчи қўшимчалар қаторини белгиланг.

- А. - часига, - она, - лай, -лаб, -гач
В. - ла, - сира, -ай, - а
С. - гич, - чи, - и, - қ, - ик
Д. - чи, - кор, - паз
Е. - сиз, - сер, -ма

10. Равиш қатнашган гапни аниқланг.

- А. Бу воқеалар ҳеч қачон ёдимдан кўтарилмайди.
В. Аста-секин тонг ота бошлади.
С. Нур сочиб ой чиқади ерга бокқани.
Д. Аллақаердан бўриларнинг увиллаши эшитилади.
Е. Собиржон вазифани виждонан бажаради.

11. Фақат равишлар берилган қаторни аниқланг

- А. Тиклаб, пағалаб, мўйлаб
В. Қараб, акраб, мансаб

- С. Сўйлаб, эгатлаб, дастлаб
- Д. Уялиб, бошлаб, матлаб
- Е. Ҳафталаб, килолаб, сахарлаб

12. Қайси қатордаги равишлар кўшиб ёзилади?

- А. Бир йўла
- В. Бир қанча
- С. Бир зум
- Д. Ҳамма ёқ
- Е. У ёққа

13. Синоним равишлар берилган қаторни белгиланг?

- А. Сал, пича, андак
- В. Бирпас, бирдан-бир, ягона
- С. Озгина, танҳо, бир оз
- Д. Кўпинча, анча, сероб
- Е. Жичча, жиндек

14. Қўшма равишлар қатнашган қаторни аниқланг

- А. Ҳеч ким, ҳар нима
- В. Ҳар қачон, ҳар даҳза
- С. Кимдир, ҳар гал
- Д. Бир замон, ҳеч нарса
- Е. Ҳар ким, бир зум

15. Яқиндан мусиқа овози эшитилди. Ушбу гавда қатнашган равишни аниқланг.

- А. Мусиқа
- В. Овози
- С. Яқиндан
- Д. Эшитилди
- Е. Равиш қатнашмаган

ЎҚИҲ, ЁЎ ҚИЗИҚ.

ЕТТИ ҚАТИҲНИҲ СИНОНАТЛАРИ

Ҳаётимизда етти рақами билан боғлиқ жуда кўп тасодифларга, удум ва урф-одатларга дуч келамиз. Еттиликлар қадимдан инсоният билан ёнма-ён яшаб келмоқда. Етти ранг, етти иқлим, етти ҳазина, етти мўъжиза, етти пир, етти пушт.

Олимларнинг аниқлашича, инсон териси ҳам етти қаватдан иборат. Демак, инсон ҳаёти бу сирли рақам билан ҳамбарчас боғлиқ.

Еттининг диний тушунчалар билан боғлиқлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Масалан, «Қуръони Карим»нинг биринчи сураси – «Фотиҳа» етти оятдан иборат. Муқаддас китобнинг «Мулк» сурасида ҳам «У етти осмонни қаватма - қават қилиб яратган Зотдир» – дейлади.

Миллий қадриятларимизда ҳам еттиликларга кенг ўрин берилган. Янги туғилган болага етти кундан кейин исм қўйилган. Бирор орзусининг амалга ошишини истаган киши, одатда етти танга назр қилишни дилига тугиб қўяди. Мақоллар ва ибораларимизни айтмайсизми? Етти ёт бегона. Етти ўлчаб бир кес. Еттининг бири Хизр. Сув етти юмаласа ҳалол. Етти ёшдан етмиш ёшгача. Еридан айрилган етти йил йиғлар. . .

Ҳафта бутун дунёда кенг қўлланиладиган вақт ўлчови, бирлиги ҳисобланади. Ўзбек тилидаги ҳафта сўзи ҳам аслида форсча, етти рақамдан келиб чиққан. Қизик, нега энди ҳафта айнан етти кундан иборат? Беш ёки олти кун эмас.

Бу ҳам аслида диний тасаввурлар билан боғлиқ. Таврот, Инжил ва Қуръонда ҳам Парвардигор оламни олти кунда яратгани ҳақида ёзилади. Еттинчи кунда эса ҳеч нарса яратилмаган. Бу эса ҳозирда ҳафта кунларининг шанба кунига тўғри келади. Ўзбек ва бошқа тиллардаги шанба, рус тилидаги суббота сўзлари қадимги яҳудийларнинг «шаббат» сўзидан олинган. Бунинг маъноси дам олиш, ҳордиқ чиқариш дегани. Бизнинг тилимиздаги ҳафта кунларининг номи асосан шанба сўзига форсча рақамларни қўйишдан келиб чиқади, (як, ду, се, чор, панж); жума эса араб тилида йиғилиш, жамланиш маъносини ифодалайди. Маълумки, ана шу куни барча мусулмонлар жоме масжидларида жума намозини ўқишади. Кўпгина мусулмон халқларида ҳафта кунлари сон билан юритилади. Масалан, арабларда явмул - аҳад, явмул - иснайни, явмус - солих, явмул - робий ва ҳ. к. Озарбайжонда биринчи кун, иккинчи кун, учинчи кун қабилида айтилади. Бу анъана хоразмликларда ҳам сақланиб қолган.

Қадимда мунажжимлар ҳар бир кунни битта осмон жисмининг номи билан айтишни маъқул қўришган. Тасаввурларга қўра, ҳар бир кун битта сайёранинг ҳомийлиги остида ўтади. Масалан, душанба кунининг ҳомийси – Ой, сешанба – Миррих (Марс), чоршанба – Уторид (Меркурий), пайшанба – Муштарий (Юпитер), жума – Зухра (Венера), шанба – Зухал (Сатурн), якшанба – Қуёш.

Ҳозирги пайтда кўшлаб европа тилларидаги ҳафта номлари ҳам аслида Шарқдаги мана шу қараш асосида келиб чиққан. Масалан, немисларда Montag (ой куни душанба) Sonntag (якшанба – қуёш куни) Saturday (шанба – Сатурн куни). Французларда сешанба (Mardi) – Марс, чоршанба (mercredi) – Меркурий, жума (vendredi) – Венера сайёраларининг номидан олинган.

Кўришиб турибдики, Фарога ҳам ҳафта кунлари айнан Шарқдан кириб борган, чунки мунажжимлик, таквим (календарь) тузиш ишлари айнан Шарқ мамлакатларида амалга оша бошлаганди. Маълумотларга қараганда, эрамининг биринчи асридан бошлаб, римликлар аъёналарни аниқлашда ҳафта кунларига ном бера бошлаганлар.

Рустам Жабборов

Билиб олинг.

УЗУМ

Узум – тоқ кўп йиллик ўсимликдир. Тоқ зангининг пўстлоғи жигарранг тусда бўлиб, узун-узун ҳолида пояларидан ажралиб чиқади. Новдалари сарғиш ёки кизғиш тусда бўғим-бўғим бўлиб ўсади. Барглари одатда уч ёки беш бўлакли, тоҳида чуқур кесилган, бандлидир. Гуллари майда, кўримсиз юмшоқ ёки қаттиқроқ бўладиган тўп гуллар ҳосил қилади. Мевалари сершира, шакли, ранги, қатта кичиклиги ҳар-хил меваларда биттадан еттигача уруғи бўлади. Май, июнь ойларида гуллайди, мевалари июль, сентябрь ойларида етилади.

Узумнинг майизбоб оқ кишмиш, қора кишмиш, пушти кишмиш, шакарангур, султоний каби навлари мавжуддир.

Шифобахшлик хислатлари билан энг яхши ва фойдали мевалар сирасига қиради, озуқа ва соғлом қон пайдо қилишда унга тенг қеладиган мева оз. Ғализ мижозларни мўътадиллаштиради, қонни ҳайдайди, семиртиради, агар уни сўриб, ичидаги сувини ютиб, пўсти ташлаб юборилса, буйракдаги чаврини кўпайтиради.

Агар узум еб устидан совуқ сув ичилса, жуда ҳам зарарлидир, ҳатто ичкетар ва иситмага мубтало қилиши мумкин. Янги узилган узум ҳажми оғир, агар пўсти юмшаб, тиришгандан кейин ейилса, ҳазм осонлашади, ел ҳосил қилиш озаяди, танага қувват бағишлайди, семиртиради, соғлом қонни кўпайтиради, зарарли

моддаларни пиширади, ични юмшатади. Нимжон беморлар ва тўшакдан янги турган хасталар ҳамда доимий совуқ иситма тутадиган кишиларга фойда қилади. Абу Али Ибн Сино узум ва майизни ичак оғриқлари, буйрак ва қовуққа ишлатган бўлса, барги ва жингалакларини бош оғриғи, кўз шамоллаши, меъда, кулоқ касалликларини даволашда фойдаланган.

Халқ табобатида токнинг баргидан олинган шираси кўзни равшанлантирувчи, баргидан тайёрланган дамламалар бод хасталигини даволашда тавсия этилган. Баргининг дамламаси томоқ оғриганда чайишда, тери жароҳатларини ювишда фойда, жигар, буйрак ва қовуққа яхши шифо бўлади. Узум уруғидан ёғ ҳам олинади. Бу ёғ баданни беҳад иситувчи, шишларни кайтарувчи, терини юмшатувчи модда ҳисобланади. Узум уруғининг миждози иккинчи даражада совуқ ва қуруқдир. Агар уни ейилса бод ҳосил қилади, ични қотиради. Ток ўтинининг кулини ейилса, буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалаб тушириб юборади. Кузда ток кесилганда оқиб чиқадиган суви буйрак ва қовуқдаги тошни майдалаб, сўнгалларни, бадандаги қонталашни йўқолишига ёрдам беради. Замонавий табобатда узум камқонликда, юқумли касалликларда организмни қувватга киргизиш ва ҳазм тизимини аслига келтириш, чанқокни қондириш, пешобни кучайтириш учун ишлатилади.

Қандли диабет, меъда ва ўн икки бармоқ ичагининг яра касалликларида, организмда йирингли жараёнлар кечаётганда беморга узум буюриб бўлмайди.

Тайёрлаш 4 ош қошиқ (40-50гр) қуритилган узум баргига 0,5 литр қайнатилган сув қуйилади, паст оловда 10 - 15 дақиқа қайнатилади. Сузиб олиниб, кунга овқатдан сўнғ бир пиёладан 3-4 маҳал ичилади. Асосан, қандли диабет ва гипертоник касалликларга фойдалидир.

Майиздан қайнатма тайёрлаш учун 100 грамм сув қуйилади. Сўнгра 10 дақиқа қайнатилиб, совутгач, сузиб олиниб, таъмига қараб лимон суви қуйилиб, овқатдан олдин ярим стакан ичилади.

А. Сатторов

Ўзига ўхшаганлар ичида ўпкани бундан озиклантиради-ганроғи йўк...

Нўхатни ейиш ва ундан малҳам қилиб суртиш, нуктали конталашларни кетказади ва рангни яхшилайти.

Нўхат ёғи темираткига фойда қилади, нўхатнинг уни эса ёмон хил яраларга, қичимага ишлатилади...

Бошдаги рутубатли тошмаларга фойда қилади. Нўхат ивителиган сув эса тиш оғриғига, милкдаги иссиқ ва қаттиқ шишларга фойда қилади. Қулоқлар остидаги шишларга ҳам фойда қилади...

Товушни тиник қилади ва ўпкани ҳар нарсадан ортиқ озиклантиради. Шунинг учун нўхат ундан холвайтар қилинади.

Нўхат қайнатилаган сув сариқ касалига фойда қилади. Айниқса, унинг қора ёввойи ясмиксимон хили талоқ ва жигар тўқималарини очади. Нўхатни таомнинг аввалида ва охирида эмас, ўртасида сийиш керак...

Қора нўхатнинг қайнатмаси бодом ёғи билан ишлатилса, ковуқ ва буйракдаги тошларни майдалайди. Нўхатнинг ҳамма хили ични юмшатади. Лекин нўхат ковуқ яраларига зарарлидир...

Букротнинг айтишича, нўхатда икки модда бордир. Булар қайнатиш билан ундан ажратилади. Бу моддаларнинг бири тузли модда бўлиб, ични юмшатади, иккинчиси ширин модда бўлиб, сийдикни ҳайдайди.

Нўхат таркибида 30 фоизгача оксил, 5-8 фоиз мой, 60 фоиздан ортиқ азотсиз экстрактив моддалар бор.

Алишер Ҳурбоев

44-§. ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР ТУРКУМИ

Умумий маълумот

Кўмақчи, боғловчи ва юклама ёрдамчи сўзлар туркумидир. Ёрдамчи сўзлар ўзича – якка ҳолда қўлланилганда бирор сўроққа жавоб бўлмайди, мустақил маъно англатмайди, гап бўлагини бўла олмайди. Улар мустақил сўзлар ва айрим гаплар орасидаги муносабатни англашга хизмат қилади, сўзга ва гапнинг мазмунига

турли қўшимча маънолар қўшади. Ёрдамчи сўзларнинг маъноси нутқда англашилади. Масалан: *У ёмғир ёққани учун бора олмади. Инсон ҳар бир ишти сабр ва матонат билан юритиши лозим. (А.А.) Нақадар оромбахш садолар - а...* (Ҳ.Ғ.)

Ёрдамчи сўзлар қуйидагилар:

Кўмакчи: *билан, учун, сари, орқали, каби;*

Боғловчи: *ва, ҳам, билан, аммо, лекин, бироқ, дам, ё;*

Юклама: *-у, -ю, -да, ахир, ҳатто, -гина;*

253-машқ. Берилган гапларни ўқинг. Остига қизилган сўзларни вазифасига кўра қуйидаги жадвалда кўрсатилганидек жойлаштиринг.

1. Сизга қолса шу яхшику -я. (Мох.) 2. Илм зеҳнимизни, фикримизни килич каби ўткир қилади. (А.А.) 3. Осмон шу қадар беғубор, шу қадар кўм - кўк кўринадики, гўё ҳеч қаерда бунака тиниклик бўлиши мумкин эмасдай. (Ж.Абд.) 4. Инсон билан тирикдир инсон. (Э.В.) 5. Ер ҳам, осмон ҳам оппоқ чойшабга ўралгандай. (С.Аҳм.) 6. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдир. (А.А.) 7. Айвонга ўзгача бир файз кирди, аммо ҳовли ҳамон ивирсиқ эди. (С.З.) 8. Наҳотки, шуни билмасангиз. (Р.Ф.) 9. Ҳилола билан Вазира бир синфда ўқишади. 10. Инсон гўзалликка интилади ва ёркин уфқлар сари ошиқади. (О.Ё.). 11. Дам ёмғир ёғади, дам ҳаво очилади. (С.Аҳм.). 12. Ақл билан бойлик орттирса бўлади, аммо бойлик билан ақл орттириб бўлмайди. (М.)

Ёрдамчи сўзлар

Кўмакчилар	Боғловчилар	Юкламалар
каби	ҳам	- қў, -я

Умумий маълумот

Тошширикни бажаринг.

Ажратилган сўзлардаги *-га, -қа, -да, -дек* кўшимчаларини *каби, учун, томон, билан* кўмакчиларининг моси билан алмаштириб, маъносини тушунтиринг.

1. Адабиёт *халққа* хизмат килади. 2. *Қаламда* ёзилган хат тез ўчади. 3. Бугун *товусдек* ясанди ўлкам. (У.) 4. Биров эшикни очди, шекилли, Назокат дарров *кўчага* қаради. (С.Ахм.)

От, олмош, ҳаракат номи ва сифатдошлардан кейин келиб, уларнинг бошқа сўзга тобеланиши билан боғланишини билдирадиган ёрдамчи сўзлар кўмакчи дейилади. Масалан: *Ҳар минут ўтган сайин яқинлашар истиқбол. (И. Шоир)* 2. *Сут билан қирган ёмон қилиқ, эсон билан чиқади. (М.)*

3. Сенинг учун урушга кетган,

Номусингдан, орингдан салом. (Х.О.)

Кўмакчилар ўзидан олдинги сўзга мақсад (*ўқиш учун келганмиз*), сабаб (*касаллиги туфайли*), пайт (*Совуқ кун сайин кучаймоқда*), ўрин (*мактаб томон кетди*), биргалик (*Дурдона билан Дилобар бирга дарс тайёрлашди*), аташ (*Ситора учун китоб олдим*), восита (*Ер трактор билан ҳайдалади*), ўхшатиш (*Инсон каби яшаш керак*) сингари маъноларни кўшади.

Кўмакчилар қайси сўздан кейин келса, ўша сўз билан биргаликда бир сўрокқа жавоб бўлиб, гапнинг бирор бўлаги бўлиб келади: *Тил маданият билан биргаликда юксалади. (Л.Т.)*

Кўмакчилар ўзи боғланиб келган сўздан ажратилиб ёзилади, ўзгармайди, турланмайди ва ясалмайди, келишикларни бошқаради. Масалан: *Сенинг учун олдим* (қаратқич келишиги), *уйга томон кетди* (жўналиш келишиги).

254-машқ. Ўқинг. Кўмакчиларни қайси кўшимчалардан кейин келиши ва қандай вазифа бажаришини тушунтиринг.

1. Сизнинг соянгизда юрмоқ мен учун улуғ мақсад (О.)
2. Бўйинга қараб тўн бич. (М.)
3. Навоий бошқа болалардан кўра ўткир зеҳдли, меҳнатсевар чиқди. (О.)
4. Баликнинг тириклиги сув билан, ботирнинг улуғлиги эл билан. (М.)
5. Ишлаганига қараб ҳақ олади. (Абай)
6. Гапига қараганда хурсандга ўхшайди. (О.)
7. Овқатдан кейин ҳамма пахтазорга тарқалди.
8. Подадан илгари чанг чиқарма. (М.)

255-машқ. Ўқинг. Гаплардан кўмакчиларни топиб, аниқлатган маъносини тушунтиринг.

1. У билан турли нарсалар ҳақида узок суҳбатлашди. (О.)
2. Буюк кишилар доимо инсоният учун қайғуради. (Ш.)
3. Дилафруз касаллиги туфайли дарсга келмади.
4. Жаҳон бўйлаб бир овоз янграр (И. Шоир)
5. Аввал ўйла, кейин сўйла. (М.)
6. Атлас каби товланар дала,
Ўлкамизда ажойиб палла. (М. Бобоев)
7. Пул билан оёғига кишан сол. (О.)
8. Эркин меҳнат кўзда чўғ каби порлар,
Ироданинг қилич янглиғ ўткирдир дами. (О.)
9. Қишлоқ марказигача машинада келдим.
10. Гоҳо илондай буралиб,
Гоҳ бўлинар мингта ирмоққа. (Мирт.)

256-машқ. Ўқинг. Гаплардаги кўмакчиларни топиб, уларни ўн боғланиб келган сўз билан бирга кўчиринг.

Намуна: *Одамлар тўп - тўп бўлиб, алланималар ҳақида сўзлашаётир. (С. Аҳм.) Алланималар ҳақида.*

1. Улар кулги, ҳазил билан гузардан узоклашиб кетди. (С.З.)
2. Инсон учун фазлу камол лозим. (А.Қод.)
3. Сув борган сари кўпайиб келарди. (Р.Ф.)
4. Биз аскар сингари кийиниб,
Маҳкам боғлаймиз белни. (Ҳ.О.)
5. Дилдор тонг ёришганга қадар ухлай олмади. (Ё...)
6. Шиша каби зангори кўллар,
Ҳамишалик дил тортар кўклам. (Ҳ.О.)

7. Борлик узра тушганда окшом,
Зайнаб кўйди далага кадам. (Х. О.)
8. Нафиса куни билан далада бўлди. (С. Аҳм.)

257-машқ. Нукталар ўрнига *ичида, учун, орасига, сари, сайин, каби, инглиз, -ла, узра* кўмакчиларидан мосини кўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Кувнаб юрай кўрган ... мен. (В. Ф.) 2. Тошга бош кўйганимда ёстик ... туюлдинг. (Х.Б) 3. Сўнги жанга кирдим сен ... она (У.)
4. Фурсат ғаниматдир шоҳ сатрлар
- Безамок чоғидир умр дафтарин. (Ф. Ф.)
5. Раъно табассум ... жавоб берди. (А. Қод.) 6. Булут борган ... қуюклашди. (С. Аҳм.) 7. Кўм - кўк Исиккўл оппоқ қушлар гир айланиб парвоз қиларди. (Ч.А.) 8. Мересьев ўрмон қараб кетди. (Б. П.)

258-машқ. Кўчиринг. Кўмакчиларни топиб, остига чизинг ва қайси келишдикдаги сўз билан бирга келганини тушунтиринг.

1. Умр – доно учун жуда қисқа, танбал учун жуда керагидан ортик узун. (Ш.) 2. Ақл бўй билан ўлчанмайди. (М.) 3. Сиздан бошқа ҳеч ким бу ишни қила олмайди. (А.Қ.) 4. Ҳазабланган халқ денгиз каби тўлқинланди. (О.)
5. Чайқалади Нева тошгудай
Юзи узра баҳор сабоси. (Э.Р.)
6. У билмайди қайғуни ғамни,
Оёқлари остида баҳор. (Х.О.)
7. Хулқар ҳамма сирни Аваз орқали биларди. (П.Қ.) 8. Ариларнинг тўдаси ўзини қоп ичига урди. (Х.Н.)

259-машқ. *учун, билан, орқали, сингари, сари, узра* кўмакчилари иштирок этган 6 та гап ёзинг. Кўмакчилар маъносини изоҳланг.

46 - §. КЎМАКЧИЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ВА МАЪНОЛАРИ

Тошшириқни бажаринг.

Берилган гаплардан кўмакчиларни топиб, қайси бири соф кўмакчи, қайси бири кўмакчи вазифасида қўлланган сўзлар эканини тушунтиринг.

1. У ҳам ёшлар сингари иш олиб бораётган бўлса керак. (Т.Сидикбеков) 2. Дўстлар ўртасида ғийбат бўлмаслиги керак. (Мох.) 3. Оталар сўзи биз учун мерос. (Хос Ҳожиб) 4. Иккиси дала йўли бўйлаб сўзлашиб борарди. (П.Қ.) 5. Ўзимни овутиш учун бошқа нарсалар ҳақида ўйлай бошладим. (Ойдин) 6. Жасорат истеъдод сингари борадиган йўлни осонлаштиради. (П.Қ.) 7. Кўл томон салқин шабада эсарди. (Ж.Ш.)

Кўмакчилар англатган маъно ва грамматик хусусиятларига кўра икки гуруҳга бўлинади:

1. Соф кўмакчилар

2. Кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар.

Аввалги лексик маъносини йўқотиб, бутунлай кўмакчига айланган сўзлар соф кўмакчилардир.

Тилимиздаги *билан, учун, сингари, каби, сари, сайин, қадар, янглиг, узра* каби сўзлар соф кўмакчи бўлиб хизмат қилади.

Бу кўмакчилар ўзи билан бирга келган сўз билан: бириктирув, аталганлик, мақсад, сабаб, ўхшатиш, йўналганлик, биргалик, ҳамкорлик, восита, пайт каби маъноларни билдириб, бош келишик шаклида қўлланади:

1. *Дарича очилиши билан совуқ ҳужрага ёпирилиб кирди. (М.И.)* 2. *Хувуллаб ётган йўл билан меҳмонхонага келдим.*

3. *Қиш кўйида бахт сингари ёз учиб келар.* 4. *Дўстлик биз учун ҳамини ахлоқ манбаи бўлиб келган. (Ў.У.)* 5. *Дўстлар учун дарвозамиз ланг очик.* (Ф.Ф.) 6. *Янги чиққан ой ейилиб кетган ўроқдай шигичка бўлгани учун йўлни ёритмайди. (О.Ё.)*

Эслатма:

1) *учун* кўмакчиси шеърятда - *чун* шаклида ҳам қўлланади. Масалан: *Шараф чўққисига кўтарилан-чун.*

Меҳнат ва садоқат бўлди қаноатинг. (Ф.Ф.)

2) *билан* кўмакчиси шеърятда -*ла, -ила, бирла, бирлан, билла* шаклида қўлланади (кискарган шакл ўзидан олдинги сўздан чизикча билан ажратилиб ёзилади). Масалан:

1. *Эл бирла Ҳабибий ҳам,*

Меҳнатда, садоқатда (Ҳабибий).

2. *Юлдузлар-ла тўлиб кулгандир.*

Бу қирларнинг олтин тунлари. (У.)

260-машк. Ўқинг. Гаплардан соф кўмакчиларни топиб, маъноларини изохланг.

1. Муқимий хужраси доимо дўстлар билан гавжум. (С.Абд.)
2. Қани шундай баҳор бўлса,
Олам узра ёйса гул. (Э. В.)
3. Эл борган сари кучлана борди. (А.Қод.) 4. Қуш парвоз учун,
инсон бахт учун яралган. (Короленко) 5. Жийда ўтини жийда
сингари кизил аланга бериб ёнади. (С.Абд.) 6. Юрак дала сари
галлинарди. (Мирт.) 7. Уйга қадар ой ёритди унинг йўлини. (Х.О.)
8. Ҳар улуғ ишнинг замони меҳнат,
Меҳнат-ла яралур шоҳ асарлар ҳам. (Э.В.)
9. Ажойиб нағмалар бирлан
Саҳарда сайрадинг булбул. (Ҳабибий)

261-машк. Кўчиринг. Гаплардаги соф кўмакчиларни топинг,
уларнинг қисқарган шакллари остига чизиб, маъносини изохланг.

1. Йиғит отар тоғни дарёга,
Сув чопармиш осмонга қадар. (Х.О.)
2. Саттор тортинган сари Розия дадиллашар эди. (Б.Р.) 3. Бу
ҳол кун сайин такрорланиб турарди. (А.Қод.) 4. Ҳаётим сен-чун
айладим фидо. (Э. Р.) 5. Бу менинг кўлим-ла яратилган гул. (Элбек)
6. Викор-ла ўшшайган қоя лабида,
Нафис чайқалади бир туп наъматак. (О.)
7. Кўнгил сен бунчалар нега
Кишанлар бирла дўстлашдинг. (Чўлпон)
8. Шарафли кун, шонли турмуш-чун
Қурбон этди Гўзал ўзини. (У.)
9. Ўғлининг ҳам ўзи каби бўлмоғи-чун
Маманиёз сарф қиларкан бутун кучин. (F.F.)

262-машк. Нукталар ўрнига қуйида берилган кўмакчилардан мосини
қўйиб, гапларни ёзинг.

1. Гулзорга ... одамнинг баҳри - дили очилади. (М.И.) 2. Саф-
ларимиз йил ... кўпайиб, каторимиз мустаҳкамланапти. (F.F.)
3. Ойгул туриши... .
Сарой чарақлаб кетди(Х.О.)
4. Сирдарё чўзилар Оролга... . (У.)

5. Шундай гўзал гулбахорлар хушбўйини
Олам ... ёй дейди шабодалар. (Т.Сайдалиев)

6. Оёқ шарпаси болахона... келар, киз тин олмай кутар эди.
(А.Қ.)

Кўйини учун кўмакчилар: *томон, узра, каби, сайин, билан, учун, сари, қараганда.*

263-машқ. Кўчиринг. Кўмакчиларни топиб, остига чизинг, англатган маъносини устига ёзинг.

Намуна: Сен билан бардам ҳамиша дўсту ёр, ўртоқларинг.
(А.П.)

1. Анвар юзидаги кулгисини яшириш учун четга каради.
(А.Қод.) 2. Эртаси куни куда томонга одам юборди. (А.Қ.) 3. Дам ўтган сайин тоғлар чўққисини туман босиб, кўздан яширмоқда.
(Ш.)

4. Пона кўйиб теша сари борди ул. (Гулханий)

5. Бошимиз узра офтоб,

Хар бир сўзи, конун – китоб. (Қ.М.)

6. Ҳаммаси ҳам қиличдай ўткир

Ҳаммаси ҳам Рустам каби зўр. (Х.О.)

264-машқ. Ўқинг. Кўмакчиларни топинг. Изоҳланг.

1. Алибек мен томон юрди. (Ч.А.) 2. Бугун товус каби ясанди,
ўлкам. (Х. О.)

3. Инсон боласига меҳр ила шафқат,

Ҳаммага хос эди, бизга ҳам хосдир. (А.О.)

4. Куйга тўлиб янграр сиз учун

Юрагимнинг олтин рубоби. (У.)

5. Одамлар шошиб-пишиб шаҳар сари йўл олдилар.
(М.Раҳмон)

6. Меҳр майингдан тутдинг лиммо-лим коса,

Гўё тўқдинг бошим узра зар. (Ё.Мирза)

7. Дарё томондан эсган изғирин буруини учириб кетай дейди.
(А.Қ.)

Топшириқни бажаринг.

Ўқинг. Берилган гаплардан кўмакчиларни топинг.

1. Барча миллат оға-ини

Кок ўртада шараф-шони. (Ш.)

2. Иккиси йўл бўйлаб сўзлашиб борарди. (П.Қ.) 3. Комила тўшпа-тўғри идорага қараб кетди. (О.) 4. Ўқитувчи бўлиб нон егандан кейин болаларни ўзига мафтун қилиб олсин-да. 5. Лола илгари кимсасиз, хайхотдай уйда зерикарди. (А.Аб.) 6. Ниҳолага китоб устида кунт билан ишлашни топширди. 7. Тўйимиз бошида ўзингиз турасиз. (С. 3.)

Ўзининг мустақил луғавий маъносини йўқотмаган от, равиш, феъл ва феълнинг сифатдош, равишдош шаклларида ўсиб чиққан сўзлар кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар дейлади.

Кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар гапда ўрни билан мустақил сўз, ўрни билан кўмакчи бўлиб келади.

Кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар иккига бўлинади:

1. От кўмакчилар.

2. Феъл кўмакчилар.

От кўмакчилар

От ёки равишдан ўсиб чиққан, ўз луғавий маъносини тамомила йўқотмаган сўзлар от кўмакчилар дейлади.

Тилимиздаги *аввал, кейин, сўнг, илгари, бурун* каби равишлар; *эгаллик* ва *келишик* кўшимчалари билан қўлланган *ён, ост, уст, ич, тена, ўрта, орқа*, каби отлар от кўмакчи вазифасида қўлланади.

Феъл кўмакчилар

Феълнинг равишдош ва сифатдош шаклларида ўсиб чиққан ва ўз лексик маъносини тамомила йўқотмаган сўзлар феъл кўмакчилар деб аталади. *Кўра, яраша, қараб, бошлаб, тортиб, қараганда* каби. Масалан: *Ўзимизга яраша тўйича қилдик. (F.F.) Ниҳола Сарвинозга қараганда анча эчкил қиз.*

265-машк. Ўқинг. Кўмакчиларни топинг.

1. Китоб, албатта, билим олиш учун зарурдир. (М.Ю.О.)
2. Икки соатча кутдим. 3. Қизлар Гулшанни ховли ўртасидаги тўп ўйинига судрадилар. (А.Қод.) 4. Албатта, ошна-оғайни орасида мол писанд эмас. (С.Аҳм.) 5. Ақлли одамларнинг душманлиги жохил одамларнинг дўстлигидан кўра яхшироқ. (Оз-оз ўрганиб...)
6. Қопча, қопчанинг ичида унча, унчанинг ичида устунча. (Топ.)
7. Бурун бу дашт-биёбонда ҳеч ким яшамаган. (Эрт) 8. Буидан икки соат илгари ҳаво тиниқ эди.

266-машк. Ўқинг. Гаплардаги кўмакчи вазифасида қўлланган сўзларни топиб, қайси сўз туркумидан эканини тушунтиринг.

1. Улар машинадан тушиб, ўзларини йўл чеккасидаги дарахтлар орқасига олдилар. (П.Т.) 2. Қўрғончамизнинг олдида чиройли гуллар экилган. (Х.Н.) 3. Сой ўртасида оқаётган тиниқ сув кўёш нурида ойнадек ярқирамоқда. (Х.Н.) 4. Холмурод кўйлагини ечиб, юклар устига ташлади. (П.Т.) 5. Дўстлик ўртасида ғийбат бўлмаслиги керак. 6. Гулнор сакраб туриб онасининг олдида борди. (О.) 7. Энди биз ўрда ичига киролмаймиз. (А.Қод.) 8. Адирлар ўртасидан Шохимардон сойи оқиб чиқади.

267-машк. Ўқинг. Кўмакчиларни топиб, остига чизинг, устига кўмакчиларнинг турини кўрсатиб ёзинг.

Намуна: *Гул жанубнинг ойдин кечаси аста келди денгиз*

*От кўмакчи
ёшига. (У.)*

1. Темирдан кўра пўлат чидамлироқ. (М.) 2. Жаҳон бўйлаб тинчлик кўшиғи янграр. (И.Р.) 3. Бензин керосинга караганда ёнувчан бўлади. 4. Бу ерга Фуломжондан аввал сен эмас, мен етиб келганман. (М.Исм.) 5. Ноз-неъмат тўла дастурхон устида суҳбат бошланиб кетди. (О.) 6. Сиз билан мен анча-мунча ҳаёт синовларини бошимиздан кечирдик. (А.А.) 7. Маца танишганимиздан буён ғамхўрлигингизни, эътиборингизни сезиб юрибман. (А.А.)

268-машк. Нукталар ўрнига куйида берилган кўмакчилардан мосини кўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Доя келгандан ... ичкари эркаклардан тозаланди. (А.Қод.)
2. Тегирмон Шўхсой ... қурилган эди. (Х.Н.)
3. Мاستонга араванинг ... жой берилди. (А. Қ.)
4. Агар қодир бўлсам эди, бутун дунёни сизнинг оёғингиз ... тўқардим. (Х.Х.)
5. Зулмат ... нур ёғилгандай ҳувиллаб турган ҳовли, бир нафасда шодликка тўлди. (Ж.Абд.)
6. Эрталабдан ... унинг оёғи ерга тегмайди. (Ойдин)
7. Турналар Анорсой осмонида жануб ... учиб боради. (Ч.А.)

Кўйиш учун кўмакчилар: *томон, буён, ичра, остига, олдидан, бўйига, сўнг.*

269-машк. Ўқинг, кўмакчи вазифасидаги сўзларни топинг ва уларни ўзидан олдин келган сўзлар билан бирга кўчиринг.

1. Анчадан буён кимизхўрлик қилмагандик, бир яйрайлик. (А. Абд.)
2. Шохин Севинч орқали ҳамма гапдан воқиф бўлиб турарди. (Р.Жаб.)
3. Ҳожи йўлакдаги ойимга ер остидан кўз кириши ташлади. (А.Қод.)
4. Пешиндан кейин Собир кетмоқчи бўлди. (Х.Н.)
5. Қизимнинг эмган сутидан тортиб кўз нуригача ўзимники. (А.Мухт.)
6. Мендан илгари ҳам ялқовлар ҳақида ҳикоя ёзган кишилар ўтган. (F.F.)
7. Эшитишимга қараганда, Шаҳобнинг жуда пули кўп эмиш. (Ш.)

8. Куй айтар булутлар ичида инсон,
Куй айтар мардона аёл ҳаётга. (Э.Р.)

270-машк. Ўқинг. Соф кўмакчи ёки кўмакчи вазифасида келган сўзларни топинг.

1. Барчаси партизан бўлиб,
Кетди партизанлар ёнига. (У.)

2. Сорабиби кўрпани меҳмонлар тағига солди. (С.З.)
3. Шундан сўнг мўғуллар оломон устига ташланди. (О.Ё.)
4. Эй Аваз, қолмас булут остида офтоб. (А.Ў.)
5. Дехқонлар тўдаси қишлоққа қараб юрди. (О.)
6. Ёмғир эрталабга қадар тинмади. (О.Ё.)
7. Гулзорга қараган одамнинг баҳри-дили очилади. (С.З.)
8. Бошлиқнинг сўзидан кейин мажлис залида қий-чув бошланиб кетди. (О.Ё.)

271-машк. *Узра, яраша, бошлаб, ўртасида, орасида, илгари, аввал* кўмакчилари иштирок этган 7 та гап ёзинг, маъносини тушунтириг.

48 - §. КЕЛИШИКЛАР ВА КЎМАКЧИЛАР

Топшириқни бажаринг.

Гапларни ўқинг. Уларда қўлланилган кўмакчиларни қайси келишик кўшимчаси билан алмаштириш мумкин?

1. Болалар учун ажойиб совғалар тайёрланди. 2. Пахтани машина билан терамиз. 3. Ёш адабиётчилар беллашуви ҳақидаги хабарни радио орқали эшитдик. 4. Мактаб томон кетдик. 5. Бизга ҳаётингиз ҳақида сўзлаб берсангиз. 6. Кўпчилик билан одам ўзини кучли сезади.

Айрим кўмакчилар грамматик вазифаси жиҳатдан келишикларга ўхшайди. Баъзи ҳолларда кўмакчи ўрнида келишик кўшимчаси ёки келишик кўшимчаси ўрнида кўмакчи қўлланиши мумкин. Лекин кўмакчилар келишик кўшимчаларига қараганда маънони аниқроқ ифодалайди.

Масалан: *Хатти қаламда ёздим – Хатти қалам билан ёздим.*

Китобларни синглимга олдим – Китобларни синглим учун олдим.

Ёш адабиётчилар беллашуви ҳақидаги хабарни радиодан эшитдим – Ёш адабиётчилар беллашуви ҳақидаги хабарни радио орқали эшитдим.

Кўмакчилар бош, жўналиш ва чиқиш келишигидаги от ёки отлашган сўзлар билан бирга келади, турли маъноларни ифодалайди.

1. *Учун, билан, каби, сингари, сари, сайин, узра* кўмакчилари бош келишикдаги от ёки отлашган сўзлар билан бирга келади:

Симоб каби тиниқ ҳавода,

Шитирлашиб янроқлар титрар. (Х.О.)

Ақл бўлгани билан ўзингда ишонч, журъат бўлмаса, янглик бўлмайди. (Ш.) *Боланинг кўнгли учун ҳам келишини қойиб қўйса бўларди. (М.Ю.О.)*

2. Қадар, кўра, қараб, қараганда, яраша, томон кўмакчилари жўналиш келишигидаги от ёки отлашган сўзлар билан боғланади: *Гўдак менга қараб кулимсиради. (Самира) Ишим у қадар қийинмас. (Самира) Жалолободга қараганда Ўш қадимий шаҳар.*

3. Сўнг, кейин, илгари, бурун, аввал, буён, бошқа, ташқари, тортиб каби кўмакчилар чиқиш келишигидаги от ёки отлашган сўзлар билан бирга келади: *Ишни бажармасдан бурун мақтанма. (М.) Ҳосилни йигиб олгандан сўнг ер чуқур шудгор қилинади. Бир ҳафтадан буён сизни қидираман. (F.F.)*

272-машқ. Ўқинг. Кўмакчиларни топиб, уларни қайси келишикдаги муस्ताқил сўзлар билан бириктириб келишини айтинг.

1. У эрталабга қадар дарс гайёрлади. 2. Турсуналидан бошқа ҳамма ишга чиқди. (У.) 3. Зарифа ҳаммадан аввал имтиҳон топшириб чиқди.

4. Тиришдим, тоғдан ошдим

Ёруғлик сари интилдим. (У.)

5. Оталар шаънига бирор сўз демоқ.

Табаррук бир китоб ёзиш билан тенг. (А.О.)

6. Бу воқеа кўркинчли туш каби Йўлчининг кўз ўнгидан ўтди. (О.) 7. Биз у билан машина томон бордик. (Ч.А.) 8. Кечга яқин мирзолар тарқалишди. (А.Қод.)

273-машқ. Ўқинг. Бош, жўналиш ва чиқиш келишик шаклидаги сўзлар билан қўлланган кўмакчиларни топиб, уларнинг маъноси ва гадаги вазифасини изоҳланг.

1. Мен отам билан баробар ишлаганман. (С. Ҳ.) 2. Ота вояга етган боласининг униб-ўсиши учун борини аямади. (С. Ҳ.) 3. Ноила ўйлаган сайин чалкашиб ўзини тубсиз жарликка қулаётган кимсадек ҳис қилиб кетаверди. (Мох.) 4. Энди кизнинг вужуди худди шамолда қолган тоғ лоласи каби титрашга тушди. (А.Абл.) 5. Жавохир эса менга қараб талпинди. (Самира) 6. Биринчи сентябрдан бошлаб ҳамма ўқишга боради. 7. Омон беихтиёр боғ томон юрди. (А. Қ.) 8. Минг йиллардан кейин ҳам, унутмас менинг боғим. (А.Қ.)

274-машк. Нукталар ўрнига кўмакчилар талабига мувофиқ келишик кўшимчаларини кўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Аммо ҳамма ... олдин сиздан сўрайман. (А. Қод.)
2. Олмага караган... нок ширин.
3. Лола бу меҳрибонлик ... яраша сийланди. (Ш.)
4. Қиз челақчасини кўтариб сизга томон ... кетди. (С. А.)
5. Гулнор икки ҳафта ... буён дадаси ва онаси билан боғда ишлади. (О.)
6. Орадани икки ҳафта ўтган ... кейин Хўжаободдан мактуб олди. (Ш.)

275-машк. Нукталар ўрнига мос келадиган кўмакчилар кўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Писмиқдан файласуф чиқмагани ...
Хакгўй ҳам чиқмайди. (А.О.)
2. Дўст ... обод уйинг гар бўлса ул вайрона ҳам. (Э.В.)
3. Тўп-ланган одамлар ... ўз яқинларимизни кўрдик. (Т.Сид.)
4. Ҳакимадан ... ҳамма кизлар Анорга тегажаклик килди. (О.)
5. Бунда корнинг тағларида қиш.
Баҳор ... сўйлайди олқиш. (Х. О.)
6. Уч кундан ... калавамнинг учини йўқотиб кўйганман. (М.Бобоев)
7. Алибек довондан ўтгандан... бошқалар ҳам прицеплар ... ўтишга ҳаракат қила бошлашди. (Ч.А.)
8. Икки йилдан ... дом- дараксиз, йўқ. (О.)

276-машк. *Сари, билан, учун, бери, кейин, қадар, ичра* кўмакчилари иштирок этган гаплар ёзинг. Уларни қайси келишик шаклида келишини изохланг.

ТАНИШТИРИҒ БОРАМИЗ ҚИРҒИЗИСТОННИНГ МАШҲУР ИНСОНЛАРИ ШАМСИДДИН ШУКУРОВ

Шамсиддин Шукуров 1931 йили Ўш шаҳрида туғилди. Илк маълумотни Ўш шаҳар мактабларининг бирида олди. 1948 йилда Ўшдаги педагогика билим юртига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тугатади. 1950 йилгача ўқитувчилар институтида ўқиб, 1955 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетини тугатади.

У 1956 йилда Москва Фанлар академиясининг Тилшунослик институтининг аспирантурасига ўқишга кириб, 1958 йилда уни

тамомлайди. 1960 йили тилшунос олим Э. В. Севортян раҳбарлигида «Эски ўзбек тили ёдгорликларида ҳозирги ва келаси замон феъллари» деган мавзуда диссертация ёқлайди. Шу йилдан бошлаб Ўзбекистон фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб иш бошлайди. У ўзбек тили дарслигини ҳамда тил тарихига доир бир қанча илмий мақолалар эълон қилган.

Тошширик

Таассуротингиз асосида шахсий фикр - мулоҳаза ёзинг.

1. Авоқларга оид таълим жараҳати ёритилг.

1. Кўмакчиларнинг ёрдамчи сўзлар туркумига киритилиш сабабларини тушунтиринг.
2. Қайси сўзлар соф кўмакчилар ҳисобланади?
3. Кўмакчилар қандай маъноларни ифодалайди?
4. Кўмакчилар қайси келишиклар ўрнида қўлланади?
5. Кўмакчи вазифасида қўлланидиган сўзларни айттинг.

Тошширикларни ёзма бажаринг

1. Кўмакчилар иштирок этган иккита гап ёзинг.
2. Кўмакчиларнинг бошқа сўз туркумидаги сўзлар билан алоқага киришиш сабабларини ёзма баён қилинг.
3. Кўмакчи ҳақида баён ёзинг.

Кўмакчини таҳлил қилиш тартиби

1. Қайси сўз туркумига мансуб?
2. Кўмакчи ва унинг тури (соф кўмакчилар, кўмакчи вазифасидаги сўзлар)
3. Қайси келишикдаги сўз билан бирга келган?
4. Ўзидан олдинги сўз билан бирга қандай сўроққа жавоб бўлади?
5. Гапдаги вазифаси (Ўзидан олдинги келган сўз билан).

Намуна: *Онам билан ҳамжиҳат уй юмушларини бажариб турсангиз кифоя. (С. Иб.)*

билан – ёрдамчи сўз туркуми, кўмакчи соф кўмакчи онам сўзи билан бирга келган (онам билан), тўлдирувчи.

277-машк. Берилган гапларни намунадагидек таҳлил қилинг.

1. Матёкуб боядан бери хижолатомуз ўтирар эди. (С.С.)
2. Сўраб кўринг аввал сиз, мен ҳозирча панада тура турай.
3. Сентябрнинг кечаси салкин,
Онам каби юмшоқ беозор, (У.Н.)
4. Аваз саройдан кетгандан буён бу ҳақда бот-бот ўйларди.
(С.С.)
5. Айвондан аввал чакалокнинг йиғиси, кейин хуррак товуши эшитилди. (С.З.)
7. Ундан бери қанча вақт ўтиб кетди-ку.
(Ч.А.)

278-машк. Матнни ўқинг. Мазмувини қайта ҳикоя қилинг. Мустақил сўз туркумларини аниқланг. Олти устулда (от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш) ажратиб ёзинг.

МУДАРРИС ТАЪРИФИ

Навобий Самарқандга келгач, машҳур мударрис Ҳожа Жалолоддин Фазлудлоҳ Абу Лайс қўлида таълим ола бошлади. Бу мударрис ҳам ўзининг ота-боболаридан мерос – олимлик ва қонуншунослик анъаналарини давом эттирди.

Навобий машҳур олимлардан Саид Шариф раҳбарлигида ҳам таҳсили учун кизиқарли илмлар билан шуғулланди. Ҳожа Жалолоддинга ҳам мударрислик фатвосини Саид Шариф ёзиб берган эди.

Алишер мадрасага кираверишда яқиндагина танишган толиби илмлардан бири Юсуфга дуч келди. Юсуф Алишер билан самимий саломлашди.

– Ўзларининг қадам ранжида қилишларига интизор эдим. – деди Юсуф ва уни ўз ҳужраси томон бошлади.

– Нонушта тайёр, яна Сиз учун хушхабарлар бор.

Алишер ва Юсуф ҳужрага киришди. Бу тор ва қоронғи ҳужранинг бошқа ҳужралардан ҳеч фарқи йўқ эди. Аммо Юсуфнинг ниҳоятда нозик таъб ва дидли йиғит экани шу ҳужранинг ҳар бир бурчида, ҳар ашёсида кўзга ташланиб турарди. Ҳужра эски бўлса ҳам, озода кўрпачалар билан тўшалган, китоблар тоқчаларга тартиб билан терилган. Алишер бу ҳужрада бир икки марта бўлган. Юсуфнинг серҳаракат, назокатли, ғоят хуштаъб ва таъсирчан эканини яхши англади. Улар хонтахта атрофида ўтирдилар, фотиҳа ўқилгач, Юсуф хонтахта устидаги

сочикни кўтарди. Дастурхонда уч-тўрт нон, озгина майиз, туршак, баргак ва қандолат кўйилган патнис турар эди. Юсуф сочик билан авайлаб беркитилган чойнакнинг учини очиб пиёлага қуяр экан, Алишер деди:

– Кеча кечга томон мутавали келган эди. Сизга кўшни хужра ажратилганини хабар қилди. Мударрис шундай топширик берган эканлар. Бугундан кўчиб келишингиз мумкин. Энди бундан буён ажрамаймиз, кўшни бўлиб олдик.

– Худога шукур, меҳрибон мударрисдан миннатдорман. У кишининг кўрсатаётган лутф иноятларига не тур жавоб қайтармоқдан ақл ожиздир, – деди Алишер.

– Мударрис ҳазратларининг Сизга эътиқодлари жуда баланд, деди Юсуф эҳтиром билан Алишерга чой узатар экан.

– Ўтган кун бир гуруҳ шогирдлар билан суҳбатда у киши Сизни барчага ибрат қилиб кўрсатдилар, таҳсил ва илмга муҳаббат Алишерда бўлгани қадар бўлмоғи даркор дедилар.

Алишер камтарлик қилди.

– У киши қонушносликда Абу Ҳониф Соний, адабиётда Ибн Ҳожиб Каффосий деб ном чиқарганлар. Самарқанд олимларининг энг юксак даражадаги Аъзамул уламосидирлар. Шундай зотнинг сизга бу қадар лутф ва муҳаббат билан қарашлари катта давлатдир, – деди.

Азиз Қайюмов

Кўмакчилар юзасидан тест - синов саволлари

I. Жавоблардан кўмакчининг таърифини белгиланг.

А. Иш-ҳаракат, ҳолатнинг белгисини билдирган сўзлар туркуми.

В. От, олмош ҳаракат номи сифатдошлардан кейин келиб, уларни бошқа сўзга тобеланиш билан боғланишини билдирган сўзлар.

С. Қўшма гаплар таркибидаги содда гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлар.

Д. Мустақил сўз ва гапларга қўшимча маъно берадиган ёрдамчи сўзлар.

Е. Ҳис-ҳаяжон, туйғуни билдирадиган сўзлар.

2. Жавобларнинг қайси бирида кўмакчи берилган?

- A. Аммо, лекин, бироқ, чунки
- B. Билан, учун, сайин, оркали, сари
- C. Фақат, хатто, ҳам, -чи, -гина
- D. Ох-воҳ, бай-бай, ура, салом, офарин
- E. Ғув-ғув, кий-чув, ялт-ялт, ғуж-ғуж

3. Жавоблардан соф кўмакчиларни топинг.

- A. Бурун, илгари, кейин
- B. Учун, каби, сингари, сари, сайин
- C. Кўра, қараб, қараганда
- D. Тўғрисида, хақида, томон
- E. Остида, устида, ёнида, орасида

4. Қайси жавобда пайт жиҳатдан муносабатни ифодалаган кўмакчи берилган?

- A. Ичида, тепасида, остида
- B. Кейин, сўнг, аввал, илгари
- C. Сари, томон
- D. Қараганда, хақида, бўйлаб
- E. Сайин, сингари, каби

5. Қайси жавобда ўхшашликни билдирувчи кўмакчилар қайд этилган?

- A. Сингари, каби, янглиғ
- B. Сари, томон, буён
- C. Ёнида, ичига, ёнига
- D. Кейин, сўнг, илгари
- E. Қараб, бўйлаб, билан

6. Учун кўмакчиси қайси келишиқ ўрнида қўлланади?

- A. Қараткич келишиғи
- B. Тушум келишиғи
- C. Жўналиш келишиғи
- D. Ўрин-пайт келишиғи
- E. Чикиш келишиғи

7. Орқали, билан кўмакчилари ўрнида қайси келишик кўшимчасини қўллаш мумкин?

- А. Қараткич келишиги
- В. Тушум келишиги
- С. Жўналиш келишиги
- Д. Ўрин-пайт келишиги
- Е. Чиқиш келишиги

8. Қайси гапта билан кўмакчиси боғловчи вазифасида келган?

- А. Ерни трактор билан ҳайдайдилар
- В. Кенг йўл билан кетдик
- С. Собир эрта билан турди ва ишга кетди
- Д. Пахта даласига ҳашарчилар билан кетдик
- Е. Вазира билан Ҳафиза битта синфда ўқийди

9. Қайси катордаги гапта келишик кўшимчасини кўмакчи билан алмаштириш мумкин?

- А. Меҳнат ҳамиша инсон ҳаёти ва маданиятининг асоси бўлган
- В. Олимжон Фарғонадаги укаси билан телефонда гаплашди
- С. Боғимиздаги олмалардан яхши ҳосил олдик
- Д. Дурдона мактабга эрта келди
- Е. Ўктам гулзор ёнига дарров жой ҳозирлади

10. Қайси кўмакчилар фақат бош келишик шаклидаги сўз билан қўлланади?

- А. Биноан, қарши
- В. Сайин, сари
- С. Сўнг, бери
- Д. Қадар
- Е. Яраша

11. Қайси кўмакчилар кискартирилган ҳолда ишлатилади?

- А. Билан
- В. Учун
- С. Каби
- Д. Билан, учун
- Е. Билан, учун, каби

12. Чиқиш келишигидаги сўз билан қўлланадиган кўмакчини топинг.

- А. Каби С. Учун
В. Қадар Д. Сайин Е. Сўнг

13. Бош ва қараткич келишиги шаклидаги сўз билан қўлланадиган кўмакчини топинг.

- А. Сайин С. Бери
В. Биноан Д. Қадар Е. Каби

14. Ўзаро синоним бўлган кўмакчилар каторини кўрсатинг

- А. Бошқа, ташқари, бўлак С. Буён, бери, бурун
В. Сўнг, кейин, нари Д. Факат, ўзга, бошқа
Е. Ёлғиз, танҳо, факат

15. Қуйидаги гапда кўмакчининг қандай маънолар учун хизмат қилаётганини аниқлап. Баҳорга қадар сабр қилишга тўғри келади.

- А. Қамров С. Чегара
В. Пайт Д. Ҳолат

Е. Сабаб

49- §. БОҒЛОВЧИ

Умумий маълумот

Тошириқни бажаринг.

Ўқинг. Гаплардаги боғловчиларни топинг. Қайси гапда боғловчилар уошиқ бўлақларни, қайсиларида содда гапларни бири-бирига боғлаш учун қўлланган?

1. Инсон ҳар бир ишни сабр ва матонат билан юритиши лозим. (А. А.) 2. Ёки курашиб ғалаба қиламиз, ёки мардларча ҳалок бўламиз. (О.) 3. Сухбат узокқа чўзилмади, чунки жойнинг торлиги бунга ҳалакит берар эди. (С. Абд.) 4. Тўп ва милтик овозлари борган сари кучайди. (Б. Кербобоев) 5. Султонмурод ҳам, дўсти Зайниддин ҳам чексиз қувондилар. (О.) 6. Бу қўллар ҳаётда тутган нарсасини қўймайдиган, аммо жуда забардаст қўллар бўлади. (С.З.) 7. Гулноз хижолат тортар, лекин тили айланмасди. (С. Ибр.) 8. Опа калби шу қадар кенг бўлар эканки, унга бутун олам жо бўларкан. (Соҳиб Манзур)

Гапдаги уюшган бўлақларни, қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлар боғловчи дейилади. Масалан: *Ташиқарида чақмоқ ялтирар ва ёмғир қуярди. (П. Қ.) Чақалоқ кўзларини гоҳ очиб, гоҳ юмар эди. (А. Қод.) Яхшидан яхшисини ажрата олиш хунар эмас, аммо ёмонлардан яхшисини ажрата олиш хунардир. Хунар ўрган, чунки хунарда кўп сир. (Низомий)*

Боғловчилар қўлланиши жихатидан икки гуруҳга бўлинади:

1. Якка ҳолда қўлланадиган боғловчилар: *ва, аммо, ҳам, лекин, бироқ, чунки, зўё, зўёки, -ки, ҳамда, токи, балки* ва бошқалар.

2. Такрорланган ҳолда қўлланадиган боғловчилар: *ё... , ё... , ёки... , ёки... , дам... , дам... , гоҳ... , гоҳ... баъзан... , баъзан... , бир... , бир...* кабилар.

Боғловчилар грамматик маъно ва вазифаларига кўра икки турга бўлинади.

1. Тенг боғловчилар.

2. Эргаштирувчи боғловчилар.

Боғловчилар мустақил сўзлар каби гапда гап бўлаги вазифасини бажара олмайди.

Тенг боғловчилар

Гапнинг уюшиқ бўлақларини ва қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига боғлаш учун қўлланадиган боғловчилар тенг боғловчилардир. Тенг боғловчилар куйидаги турларга бўлинади.

1. Бириктирувчи боғловчилар.

2. Зидловчи боғловчилар.

3. Айирувчи боғловчилар.

50 - §. БИРИКТИРУВЧИ БОҒЛОВЧИЛАР

Уюшиқ бўлақларни ва қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлаш учун хизмат қиладиган боғловчилар бириктирув боғловчилари дейилади.

Ва, ҳам, ҳамда, билан бириктирувчи боғловчилардир: *Орол бўйи ҳавзасида яшаши ҳам, ишлаши ҳам, хўжалик юритиши ҳам қийинлашиб қолди. («Шарқ юлдузи»)*

Ичкарига кириб келдилар

Ва Анорга салом бердилар. (X. O).

Карим, Қодир, Бурхон ҳамда Диёра мукофот олди.

Бириктирувчи боғловчилар ўрнида баъзан -у, -ю, -да юкламалари келади. -у, -ю, юкламалари ва боғловчиси ўрнида келганда бу юкламалар ўзидан олдинги сўзга қўшиб ёзилади. Масалан: *Еру осмон бизники (Э. Р.) Қир-адирда ўтилар менинг кўю кўзим. (И. Р.)* Юклама вазифасида келса, ўзидан олдинги сўз билан чизиқча орқали ажралади ва юкламадан кейин вергул қўйилади: *У кулди-ю, ерга қаради.*

279-машқ. Кўчиринг. Гаплардан бириктирув боғловчиларни топиб, маъно турини тушунтириб беринг.

1. Ботиралининг аниқ ва содда сўзлари хонадагиларнинг қалбига ўт ёкди. (X. F.)

2. Олма билан гилос, олча, анор,

Бизнинг боғда истаганча бор. (К. М.)

3. Асрлар бўйи сув чиқариш учун кураш боради, лекин кураш охирига етмай қолиб кетади. (Ж. Абд.) 4. Шинни хуштаъм экан, бироқ кўп еб бўлмас экан. (X. F.) 5. Эртак ё ўлан айтаётган, ёки сўзлаётган одамни марок билан тинглар эди. (А. Мухт.) 6. Ўк гоҳ у томондан, гоҳ бу томондан минут сайин ғувиллаб ўтиб турарди. (Н.С.) 7. Мулламиз кўп нарсани билади, шунинг учун хурматлаймиз.

280-машқ. Кўчиринг. Гаплардан бириктирув боғловчиларни топиб, остига чизинг. Қўлланишنى тушунтириб беринг.

1. Оқсой тоғ оралиғида кисилиб қолган бир кишлоқ, шунинг учун бу ерга баҳор кечроқ келади. (С.Ан.) 2. Бутун халқимиз жуда хурсанд, чунки баҳор байрами ҳамманинг дилига қувонч бағишламоқда. (Мирт.) 3. Ҳар шафтолики, камалакка солиб отсанг, девор ағанайди. (А. Қ.) 4. Ер ва осмон гўё чойшабга ўралгандай. (Ч.А.) 5. Ёш терак ва толларнинг яшил барглари шамолда тебранмоқда. (С. Аҳм.) 6. Осмон оқара бошлаган, лекин офтоб чикмаган эди. (О.Ё.)

7. Ё етарман максадимнинг чўкқисига охири.

Ё бу йўлда шум ажалдан топгуеи ором. (Ибн Сино)

8. Ўтган ёшлик ва айтган сўзни,
Бўлмас экан асло ортга қайтариб. (Э. В.)
9. Ҳам кўрқаман, ҳам билгим келади. (А. Мухт.)

281-машқ. Нукталар ўрнига қўйиш учун берилган боғловчилардан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг, маъносини изоҳланг.

1. Кўҳна Хуросоннинг эли адолат.... фазилат куёшига ташнадир. (О.) 2. Ранги-рўйи.... кечагидан тузук. (Н.Фозилов.) 3. Булоққа ... , кишлоққа ... Ойкўл номи берилган экан. (П.Қ.) 4. Яктак, молу дунё топилади.... одам топилмайди. (Н.С.) 5. Ҳали кун чикмаган... Авазнинг кўнглида тўла нур. (С.С.) 6. Қаландарга ... гўшт татиди, ... қимиз. (О.Ё) 7. Ҳақиқатга терс қараган кишининг юзи... дили... коп-қора бўлади. (Ё.Ш.) 8. Одамларнинг ҳақлиги... ноҳақлиги ҳақида лўнда жавоб бериш керак.

Қўйиш учун сўзлар: ва, ҳам, ҳам, аммо, лекин, ёки, на, на, ва, ҳам.

282-машқ. Гапларни ўқинг. Улар таркибидаги бириктирув боғловчиларининг вазифаларини тушунтиринг.

1. Ҳаво иссиқ эди, шунинг учун биз енгил кийиндик. (Х. Н.) 2. Нутқингиз бой бўлсин, лекин ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатинг. (Оз-оз ўрганиб...) 3. Билимни тинмай ўрганиш, одамийлик сари элтувчи йўлдир, чунки одамийликкина инсонни улуғлайди. (Оз-оз ўрганиб...) 4. Осмон шу қадар беғубор кўринадики, гўё ҳеч қаерда бунақа тиниклик бўлиши мумкин эмасдай. (Ж.Абд.) 5. Шунда Розия гоҳ кулиб, гоҳ жиддий хикоя қила бошлади. (П.Қ.) 6. Кишининг қобилияти ҳамма соҳада бир хил бўлавермайди, шунинг учун ёшлар ўзи севган касбини эгаллаши керак. (Ё.Ш.)

283-машқ. Берилган гапларни мазмунига қараб давом эттириб ёзинг ва мазмунини изоҳланг.

1. Шеърни ифодали ўқиди, шунинг учун.....
2. Иш иштаха очар, (М.)
3. Яхшиларга эргашсанг, (М.)
4. Ой ёритади, аммо
5. Баҳор эрта келди, шунинг учун.....
6. Пухта билим ол, чунки
7. Ёлғоннинг тахтида шох бўлгандан (М.)
8. Доно олдин ўрганеди, (М.)

Бироқ, аммо, лекин зидловчи боғловчилар бўлиб, улар мазмунан бир-бирига карама-қарши кўйилган гапнинг уюшик бўлақларини, содда гапларни боғлаш учун хизмат қилади. Ёзувда зидлов боғловчиларидан олдин вергул кўйилади. Масалан: 1. *Эшикдан оппоқ соқолли, аммо кўриниши жуда тетик чол кириб келди.* (Р. Ф.) 2. *Қишлоқ ҳаёти Малоҳатга ёқади, бироқ уйга тез-тез бориши имкони йўқ.* (С. Иброҳимова) 3. *Гапнингиз тўғри, лекин масаланинг бошқа томони бор.* (А. Мухт.)

-у, -ю юкламалари ҳам зидлов боғловчилари ўрнида қўлланилиши мумкин. Ёзувда *-у, -ю* юкламалари зидлов боғловчилари ўрнида келганда ўзидан олдинги сўздан чизикча билан ажратилиб ёзилади ва ундан кейин вергул кўйилади. Масалан: 1. *Сен камтирға тушуштира олмайсан-у, камтир сенга тушуштирибди.* (С.З.) 2. *Юлдузхон мийиғида қулди-ю, индамади.* (С.З.)

284-машқ. Гапларни кўчиринг. Боғловчиларни топинг, қайси бири бириктирув, қайси бири зидлов боғловчилари эканлигини аниқланг, англаган маъноларини изоҳланг.

1. Офатдан қутулдик, деб ўйлагандик, аммо дарё хали бизни ўз хибсидан бўшатмаган экан. (Э. В.)

2. Эй куёш, сен билан менга Узок Шарқда,
Ватанни кўриқлаш ўзи бир бахт-да! (Э. Р.)

3. Ҳозиржавоблик адибнинг яхши фазилати, лекин адабиётнинг белгиловчи шарти эмас. (Э. В.) 4. Замиранинг баланд, аммо майин овози бор эди. (П. Қ.) 5. Бизда меҳнатга янгича ҳамда ижодий муносабатда бўлиш ўсмоқда. («Ж. Тонги»дан.) 6. Тўтиқиз Дилшодни кўп кутди, бироқ ундан дарак бўлмади. (М.И.) 7. Кишилар дунёда бой бўлиш учун эмас, балки, бахтли бўлиш учун яшайди. (Стендаль)

285-машқ. Кўчиринг. Уюшик бўлақларни боғлаган боғловчиларнинг тагига бир чизик, содда гапларни боғлаган боғловчиларнинг тагига икки чизик чизинг.

1. У кетди-ю, ҳаёлимда ҳам ширин, ҳам аччик, ҳам қувноқ, ҳам аламли узук-юлуқ хотиралар қолди. (Ў.Х.) 2. Кифоятхон

урмайди, аммо жаҳли тезлиги рост. (А. Қ.) 3. Нури Шодиеванинг жиндай бўқоғи бор, лекин ўзи зеҳни ўткир киз. (А. Қ.) 4. Гўзаллик ва меҳр кадрсизланган жойда, жоҳиллик ва бачканалик бошланади. (М. Ш.) 5. Сен кетдинг-у, сен эккан гуллар қолди. (С. 3.) 6. Оз гапир-у, соз гапир. (М.)

7. Лабларинг шивирлар, изламоқдалар

Балки бир эркалаш, бир она бўса. (Ф. Ф.)

8. Уйларнинг деразаларидан болаларнинг ҳамда хотин-кизларнинг кулгиси эшитилар эди. (А. Фадеев)

9. Ёз бошланар далаю, боғда.

Еру кўкни киздирар қуёш. (У.)

286-машиқ. Нуқталар ўрнига бириктирув, зидлов боғловчилари ёки улар ўрнида қўлланган *-у, -ю, -да* юкламаларидан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Чакмоқ чақди, ... ёмғир ёғмади.

2. Унинг юраги шод, ... қандайдир нотинчроқ эди. (О.)

3. Унга эди баъзи нарсалар аён ..., аксар нуқталар ойдин эмас эди. (С. С.) 4. Ҳар ким ҳар хил фикр юритар, ... ҳеч қайсиси аниқ

бир нарса айта олмас эди. (Х. Н.) 5. Мана сен келдинг..., бўлдим

хаёлкаш. (З.) 6. Саври хола ухлаб ётган Пўлатжоннинг юзини очиб,

ўпди... чўнтагидан от кўғирчоғини олиб, унинг олдига қўйди.

(С. З.) 7. Дунёда оқилона сўз..., яхши номдан бошқаси унутилади.

(Оз-оз ўрганиб...) 8. Кўзларим юмилиб кетаверди,... мен

ухламасликка ҳаракат қилдим. (Х. Ирфон)

287-машиқ. Гапларни ўқинг, боғловчиларни топиб, бириктирув ёки зидлов боғловчи эканини аниқланг. Боғловчи ўрнида қўлланган *-у, -ю, -да* юкламалари қайси боғловчи ўрнида қўлланганлигини изоҳланг.

1. Рисолат буви атлас рўмолчаси билан бироз елпинди-да,

саватларни судраб, уйга кириб кетди. 2. Помир ва Кавказ

тоғларида жуда баланд чўккилар бор. (Ч. А.) 3. Душман Алексейга

хужум қилмоқчи бўлди-ю, ботинолмади. (Б. П.) 4. Ҳаёт халлослаб

келиб, эшикни итарди, аммо эшик очилмади. (М. И.) 5. Тоғ дарё-

ларининг суви ҳаминша совуқ, энтиктиради, лекин тезда кўникиб

қоласан. (Ч. А.) 6. Муродов харита олдида узок тўхтади, бироқ

ҳеч нарса демеди. (Х. Ф.)

288-машқ. *Ва, ҳам, билан, аммо, лекин, бироқ* боғловчилари иштирокида гаплар ёзинг, бу боғловчиларнинг турини ва англатган маъноларини тушунтириб беринг.

52 - §. АЙИРУВЧИ БОҒЛОВЧИЛАР

Ё (ё-ё), ёки, гоҳ (гоҳ-гоҳ), ёхуд, дам (дам-дам), баъзан (баъзан-баъзан), бир-бир боғловчилари айирув боғловчиларидир.

Айирувчи боғловчилар уюшиқ бўлакларни ва кўшма гапларнинг тенг ҳуқуқли қисмларини бир-бирларидан айириб кўрсатиш учун қўлланилади.

Гоҳ-гоҳ, дам-дам, баъзан-баъзан, бир-бир боғловчилари кўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлашда факат такрор ҳолда қўлланади. *Ё, ёки, ёхуд* айирув боғловчилари такрор ҳолда ҳам, яққа ҳолда ҳам қўлланаверади.

Ёзувда такрорланган *ё, гоҳ, бир, баъзан* боғловчиларидан олдин вергул қўйилади.

Масалан: 1. *Ҳозир ё шамол бўлади, ё ёмғир ёгади.* (С.Аҳм.) 2. *Ҳаво гоҳ туманлашиб, гоҳ очилиб турибди.* (Х.Ғ.) 3. *Ботирали дам қшилоқни, дам шаҳардаги опасини эсларди.* (Х.Ғ.) 4. *Тўтиқиз айвонда бир Дилшодга, бир ҳолаеига қараб кўярди.* (М.И.) 5. *Баъзан улар чуғурлашиб келиб қолар, баъзан отанинг ўзи уларни йўқлаб борарди.* (Х.Ғ.)

Эслатма: *на* боғловчиси инкор боғловчисидир. У уюшиқ бўлакларни ёки гапларни инкор маънода боғлаб, такрорланган ҳолда ишлатилади. Такрорланиб келган инкор боғловчисидан олдин ёзувда вергул қўйилади. Масалан: *Малика на юриб чарчайди, на совуқдан шикоят қилади.* (С. 3.)

289-машқ. Гапларни ўқинг. *Гоҳ-гоҳ, дам-дам, ё-ё, ёки-ёки, баъзан-баъзан* боғловчиларининг маъно вазибаларини изохлап, вергулнинг ишлатилиш ўринларига эътибор беринг.

1. Биз саёхатга поездда ёки автобусда борамиз. 2. Баъзан кўнглим унга кушдай учади, баъзан яна чўчинкирайди (О.)

3. Гоҳ боладек завқланиб кулади.

Гоҳ лол этар сирли садоси. (Э. В.)

4. Дам нафаси ичига тушиб кетар, дам узун, чукур уф тортар эди. (А.Мухт.) 5. Қачон карамай, ё кулади, ё илжайиб туради. (Ў.Х.) 6. Ҳаво айниб турибди, ёки ёмғир ёғади, ёки қор ёғади. (Ў.Х.) 7. Йўлчи баъзан Қоратойнинг ишхонасида, баъзан чойхонада тунаб юрди. (О.) 8. Аваз ҳаёл уммонида гоҳ чўкиб, гоҳ қалқиб бораётгандай ўтирар эди. (С.С.)

290-машқ. Нукталар ўрнига айирув боғловчиларни кўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Йигитнинг... юзида... кўзида ҳаяжон аломатлари кўринади. (С.Аҳм.) 2. Унтер Пришибеев... судьяга, ... одамларга қаради. (А.Чехов) 3. Манзуранинг юзига... иссиқ, ... окшом шабадаси уриларди. (А.Мухт.) 4. Аммо... чиқиб жанжал қила олмади, ... бошқа бир чора ўйлаб тополмади. (С.Иброҳимова). 5. ... чучук, ... шўр сувлардан ичиб йўл юрдик. (У.Қ.) 6. ... от билан, ... поездда ... кездим пиёда. (Ҳ.О.)

Кўйиш учун боғловчилар: *на-на, дам-дам, ё-ё, гоҳ-гоҳ, баъзан-баъзан.*

291-машқ. Кўчиринг. Боғловчилардан олдин, кейин ишлатиладиган вергулни изоҳлаб беринг.

1. Гоҳ армонли, кайғули, гоҳ бахт-саодатга қоришиқ бу кунлар уларни бир-биридан узоқлаштирар, гоҳ яқин қиларди. (С.С.)
2. Бошига ок рўмол, ё дуррача ташлаб далага отланишарди. (С.С.)

3. Бўйинга бўлдим хумор,

Ё мен борай, ёки сен келгин. (Фольклор)

4. На булутлар гарқалди, на ёмғир ёғди. (Ў.Х.) 5. Ҳаво булут, қуёш дам ялт этиб кўришиб қолади, дам булутлар ортига беркиниб олади. (О.) 6. Гоҳ хўроз қичқиради, гоҳ тўрғай чулдурайди. (Х.Н.)

7. Сени, Зебо, зеби қиз дейми,

Ойдин кеча ё кундуз дейми? (А.О.)

292-машқ. Нукталар ўрнига мос боғловчилар кўйиб, гапларни кўчиринг. Қеракли ўринга вергул кўйишни унутманг.

1. ... кечки салқин билан... эрталаб ҳовлига олиб тушаман. (О.) 2. ... акам хужранинг тозалигидан, ... мен бориб текшириб келар эдим. (С. Айн.) 3. Гўрўғлини бандга келтирсак, ... ўлдирсак... айтганимизга кўндирсак, – деди Шохдор шох элчиси.

(Ф. Й.) 4... кулиб, ... кулдиради. (Ш.) 5. У... қаҳ-қаҳ отиб кулар,
... хўнграб йиғларди. (С. Аҳм.) 7. Эзгулик учун ... макон... замон
чегара эмас. (Ў. Х.)

293-машқ. Ўқинг. Боғловчиларни топинг остига чизинг, тенг
боғловчиларнинг турини устига ёзинг.

(зид. боғ.)

Намуна: *Насиба ўқиди, аммо ёзмади.*

1. Кўринишдан, арзимаган нарса, аммо соғлиққа жуда
фойдали-да, ўғлим. (Ш.) 2. Йўқ, менинг халким бахт - саодат
билан кўкрак кериб яшашни истайди. (Х.О.) 3. Фуломжоннинг ҳам
боргиси келди, лекин иложи канча. (М.И.) 4. Гоҳ юраклар
симобдай қалқийди, гоҳ тили гапга келмайди. 5. Ихтиёринг. Ё
мен билан кетасан, ё тўрт бола билан шу уйда коласан! (М.Ю. О.)
6. Дам найнинг майини куйи, дам хофизнинг ширали овози кулоққа
чалиниб қолади. (С.З.) 7. Кўнгил йиғлайди - ю, кўзларда нам йўқ.
(И.Султон)

294-машқ. *Ҳамда, аммо, балки, баъзан, на, гоҳ-гоҳ* боғловчилари
иштирок этган гаплар тузинг.

53 - §. ЭРГАШТИРУВЧИ БОҒЛОВЧИЛАР

Тошширикни бажаринг

Кўчиринг. Гаплардан эргаштирувчи боғловчиларни топинг,
остига чизинг.

1. Мулла Зокиржон ҳар келганларида шу жойда ўтирадилар,
шунинг учун камина шу жойни таклиф этди. (С. Абд.)

2. Тоза барглар соламиз,

Қуртимизга ёксин деб. (Кўшик)

3. Пахта майдони оппоқ, гўё далага оқ чодир ёзилган. (Мирт.)

4. Юзимиз ёруғ бўлди, чунки халқ, Ватан олдидаги бурчимизни

бажардик. (Х. Ф.) 5. Пулни ол, сенга ярашади, негаки камбағалсан.

(О.) 6. Олма тагида турсам, барги узилиб тушди. (Кўшик) 7. Шу

нарса эздан чиқмасинки, бир йиғитга қирқ хунар ҳам оз. (М.)

Қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига эргаштириш йўли билан боғлаш учун хизмат қиладиган боғловчилар эргаштирувчи боғловчилар дейилади.

-ки (-ким), чунки, шунинг учун, негаки, гўё (гўёки), токи, агар гар, худди, башарти, -са боғловчилари эргаштирувчи боғловчилардир. Масалан: 1. *Бизда шундай одат борки, ўзидан кичикни ҳам сизлайдилар.* 2. *Ким меҳнат қилса, унинг толеи ҳам баланд бўлади. (М.)* 3. *Номарддан ёрдам сўрама, чунки юзингга солади. (М.)* 4. *Гарчи қанча мағрур бўлса ҳам, тиллага эгилар чойнак. (Э.В.)* 5. *Ўғил-қизим бор, шунинг учун ҳеч бир армон қилмайман. (А.Мухт.)*

295-машқ. Қавс ичидаги сўроқларга қуйида берилган содда гаплардан мосини қўйиб, эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида қўшма гап ҳосил қилиб ёзинг. Эргаштирувчи боғловчиларнинг тагига чизинг.

Намуна: *Маҳкам боғланг меҳнатга бел,*

Чунки меҳнат билан яшайди эл. (Э.В.)

1. Биз шунга ишонамизки, (нега?).....
2. Тилимиз бир (нега?)
3. Мастуранинг чехраси шундай осойишта ва ҳорғин эдики, (нега?)....
4. Ўқидим, (қандай?).....
5. Кимки бўлса дилозор, (нега?).....
6. Ким ўз ҳурматини билмаса, (нега?).....

Қўйиш учун гаплар:

Ҳеч ким уни ҳурмат қилмайди. (М.) Элу юрт ундан безор. Кулоқларим остида янгради дўстларнинг қувноқ кулгиси. (У.) Уйкуга кетганга ўхшайди. (О.Ё.) Дилимиз бир, (F.F.) Тинчлик уруш хавфини енгади. (Газ.)

296-машқ. Қўшма гап таркибидаги эргаштирувчи боғловчиларни топинг, остига чизинг ва турини тушунтириб беришг.

1. Сенга насихатим шуки, одамлардан ўрган. (F.F.) 2. Виждон – яхши хулқларнинг манбаи, шунинг учун у хар кимнинг назарида маъқул ва суюқдир. (А.А.) 3. Қахрамонлар ўлмайдилар, чунки улар фаровон ҳаёт учун жон фидо қилганлар. (Газ.) 4. Мана икки

йил бўлибдики, Юлдузнинг ўз севикли иши, ўқиши бор. (Г.Фуломова) 5. Сорахон одобли киз, шу сабабли барча уни ҳамма ерда ва хар қачон ҳурматлар туну кун. (З. Д.) 6. Ой юзини сийрак будут тўсди, у гўё парда орқасида ёкилган чирокка ўхшайди. (С.З.)

7. Оғир ташвиш босди юртнинг сийнасини,
Гўёки тинч денгизга урилди тўфон. (М.Б.)

8. Хар қандай камчиликларни очиб ташла, чунки ойни этак билан ёпиб бўлмас. (Х.Ф.)

297-машқ. Ҳаётдан боғловчиларни топиб, уларнинг остига чизинг. Устига тенг ёки эргаштирувчи боғловчи эҳтилолни ёзинг.

1. Агар бўлмасайди истиклол, шаҳарлар тарихдан ўчгувчи эди. (Ғ.Ғ.) 2. Дилбар ростгўй киз, шунинг учун дуг оналари уни ҳурмат қилишади. 3. У ўша чашмада ҳам ўзини, ҳам куёшни, ҳам осмонни, ҳам тоғларни кўрди. (Ч.А.)

4. Ўтган ўтиб кетди, туш каби,
Ҳам секинчи, ҳам оғир дамлар. (У.)

5. Ҳозирча хат ёзмай туринглар, негаки манзил ҳали аниқ эмас. (О.) 6. Сув табиатнинг бебаҳо эҳсонидир, шунинг учун уни асраб-авайлашимиз зарур. 7. Самимий айтылган сўз содда бўлади, чунки дилнинг ҳукмронлиги тилдан устун туради. (Ғ.Ғ.)

298-машқ. Ҳаётдан кўчиринг, улардаги эргаштирувчи боғловчиларнинг остига чизинг.

1. Бой, бой бўлибдики, ҳеч ким унинг гапини қайтармаган. (Ф.Иқбол) 2. Кўрқоклик жуда зарарлидир, чунки у иродани фойдали ҳаракатдан тўхтатиб қўяди. (Э. В.) 3. Гарчи ёмғир ёғаётган бўлса-да, улар учрашувга етиб келишди. (Х.Ф.) 4. Барнога шундай туюлдики, гўё уни бир зим-зиё ўтовга қамаб қўйишганди. (О.Ё.) 5. Қаҳрамон фахмлаб билдики, аждар келяпти. (Эрт.) 6. Ким ўқишдан орланмаса, у сувдан дур, тошдан лаъл чиқаради. (Низомий) 7. Душманинг сичқонча бўлса ҳам, кучинг арслонча бўлсин. (М.)

299-машқ. -ки, (-ким), чунки, шунинг учун, негаки, гўё, ёки-ёки, гоҳ-гоҳ каби боғловчиларни иштирок эттириб, гаплар ёзинг. Гап таркибида келган боғловчилар аниқлашган маъноларни изоҳланг, тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

Боғловчини таҳлил қилиш тартиби

1. Қайси сўз туркумига мансублиги.
2. Боғловчи ва унинг қўлланишига кўра тури (якка ёки такрорланувчи).
3. Гапдаги маъно ва вазифасига кўра тури (тенг ва эргаштирувчи).

Намуна: *Хар ким насиҳат олишни ёки насиҳат қилишни истайди, аммо оз киши уни қабул қилади. (Оз-оз ўрганиб...)*

Ёки – ёрдамчи сўз туркуми; боғловчи, тенг боғловчи, айирувчи боғловчи; уюшиқ тўлдирувчиларни боғлаган.

Аммо – ёрдамчи сўз туркуми; боғловчи, тенг боғловчи, зидловчи боғловчи; кўшма гап қисмларини боғлаган.

300-машқ. Берилган гаплардаги боғловчиларни намунадагидек таҳлил қилинг.

1. Токи душман тураркан, бизни зимдан кузатиб,
Сен ўтда куймайдиган, сувда чўкмайдиган бўл. (А.Э.)
2. Ўзи енгил, аммо меҳнати оғир.
Меҳнат ва тер билан етилар пахта. (У.)
3. Гоҳ киялаб, гоҳ тик қуйган жала ерни орзиқиб кутгандек устма-уст ўпарди. (Ч. А.) 4. Кулги унга шу қадар ярашар эдики, гўё юзига нур ёғиларди. (С. А.) 5. Кекса врач билан Нафиса остонада жилмайиб турарди. (Ш.) 6. Адолат билан иш кўрдингиз, на моддий, на бошқа бир нарсадан таъмагирлик қилмадингиз. (Ж. Абд.) 7. Бу гапларни айтишдан мурод шуки, мен сизни тўла англаб етдим. (Ж. Абд.)

301-машқ. Матини ўқинг. Тиниш белгиларининг кўйилиш сабабларини тушунтириб беринг. Матн ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингизни айтинг. Боғловчиларни белгиланг.

Сўзни сўзга улаш осон, маълум маъно яратиш суҳбатдошингизни шу лаҳзада мос келиши ёки келмаслигини, севинч ёки қайғунгизни ифодалашнинг меъёрини билиб, фаросат билан сўзлаш ҳам санъат. Маълумки, одам боласи ёмон бўлиб туғилмайди, бироқ одамлар орасида «ёмонлар» бўлади. Яхшидан боғ қолар, ёмондан доғ қолар, деб бежиз айтмайди-ку, халқимиз. Яхши одам, даставвал, инсонпарвар, кўнгли беғубор, юрагида

доимо бировларнинг хатосини кечирришга ўрин олиб қўядиган, феъли кенг бўлади. Ёмон одам эса енгил табиатли, хавойи хаёлди ва ўз тилини тутиб туролмайдиган бўлади. Аччиқ тиллик – оғир дард. У тезда йўқ бўлиб кетмайди. Ўзаро муомала – энг кийин масъулиятли масала. Одатда, гапираётган сўзигагина эмас, унинг ҳаракатларига, юз ифодаларигагина синчиклаб кузатиб туради. Сухбатдошнинг иззат-нафсига тегадиган, унинг гашини кўзгайдиган сўзларни ишлатишдан эҳтиёт бўлган маъқул. Меъёридан ўтган сўзлар эзмаликка олиб боради. Демак, гап оз бўлсин-у, сөз бўлсин!

П. Махмудов

302-машқ. «Катталарга ҳурмат, кичикларга меҳрибонлик» мавзусида ишро ёзинг. Ундан кўмакчи ва боғловчиларни топиб, уларнинг қўлланиш сабабларини тушунтиринг.

Савол ва топшириқларни бажаринг

1. Қандай сўзлар боғловчи дейилади?
2. Боғловчилар қандай вазифани бажаради?
3. Боғловчи кўмакчидан нимаси билан фарқ қилади? Мисоллар билан тушунтиринг.
4. Қандай боғловчиларни биласиз?
5. Тенг боғловчилар билан эргаштирувчи боғловчилар қайси жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади?
6. Қайси боғловчилар кўпинча гапни боғлайди? Қайсилари ҳам гапларни, ҳам уюшиқ бўлақларини боғлайди?
7. Қуйида берилган шеърни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг. Онангизга атаб кичик ҳикоя ёзинг.

ОНАМГА

Кувнок давраларда юраман,
Онам, борлигини гоҳ унутиб.
Дўсту ёрни азиз кўраман,
Йўлларида тўкилиб кутиб.

Не ташвишлар? Фамлар? Яшайман
Юрагимда дард дебон уюб.
Майда-чуда юмуш билан банд
Муҳимларин эртамга қўйиб.

Ҳаёт – пойга аёзли, доғли
Қировлади сочимни дарров.
Ҳамон ҳузурингга шошаман,
Кўнглим ногоҳ оғритса биров.

Сен-чи? Кимга борасан, онам?
Кўнглинг кимга ёрасан, онам?
Менинг бахту насибам тилаб,
Кўз ёш ютиб юрасан онам.

Раъноҳон Розикова

Тошириқларни ёзма бажаринг

1. 6 та тенг ва эргаштирувчи боғловчилар иштирок этган гап ёзинг. Боғловчиларнинг қўлланишини тушунтиринг.
2. «Билан» сўзи иштирок этган 2 та гап ёзинг. Бирида «билан» кўмакчи, иккинчисида боғловчи ўрнида қўлланилсин.
3. Синоним боғловчиларга мисоллар келтиринг.
4. Эргаштирувчи боғловчилар иштирок этган 4 та гап ёзинг.

Боғловчилар юзасидан тест - синов саволлари

1. Қайси жавобда айирув боғловчилари қайд этилган?

- А. Ё, ёхуд, ёки, гоҳ, дам, баъзан
- В. Чунки, шунинг учун
- С. Ва, ҳам, ҳамда
- Д. Аммо, лекин, бироқ
- Е. Агарда, гарчи, токи, агар

2. Жавобларнинг қайси бирида зидловчи боғловчи қайд этилган?

- А. Ва, ҳам, ҳамда
- В. Ё, ёхуд, ёки, гоҳ, дам, баъзан
- С. Чунки, шунинг учун
- Д. Аммо, лекин, бироқ
- Е. Агарда, гарчи, башарти

3. Эргаштирувчи боғловчилар берилган қаторни топинг.

- А. -ки, (-ким), чунки, шунинг учун, негаки, гўё, гарчи
- В. Ва, ҳам, ҳамда

- С. Аммо лекин, бироқ
- Д. Гоҳ, дам, ёки
- Е. На, ва

4. Қайси жавобда айирув боғловчиси қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлаб келган?

- А. Куёш гоҳ кўринади, гоҳ булут орқасига кириб кетади.
- В. Баъзан ўқиймиз, баъзан дам оламыз.
- С. Аҳмаджон бир туради, бир ўтиради.
- Д. Ё ўтиринг, ёки ташқарига чикинг.
- Е. Дам ёмғир ёгади, дам куёш чарақлаб кетади.

5. Қайси гапта тенг боғловчи қўлланган?

- А. Бишкек – катта шаҳар.
- В. Биз китобни севамыз, чунки у билим манбаидир.
- С. Карима ва Салима яхши ўқийди.
- Д. Кўчатларни яхши парвариш килдик, шунинг учун тез ўса бошлади.
- Е. Республикамыз кундан-кунга яшнамоқда.

6. Қайси гапта эргаштирувчи боғловчилар қўлланган?

- А. Ниҳола ҳам ўқийди, ҳам ишлайди.
- В. Ситора гоҳ югуради, гоҳ сакрайди.
- С. VII синф ўқувчилари мусобакада ғолиб чиқдилар, чунки улар яхши тайёргарлик кўрган эдилар.
- Д. Болалар футбол, волейбол ўйнадилар.
- Е. Мафтуна яхши ўқийди, лекин мағрурланмайди.

7. Такрорланган ҳолда қўлланадиган боғловчилар боғловчиларнинг қайси турига мансуб?

- А. Тенг боғловчиларга
- В. Эргаштирувчи боғловчиларга
- С. Бириктирувчи боғловчиларга
- Д. Айирув боғловчисига
- Е. Барча боғловчилар такрорланган ҳолда қўлланиши мумкин

8. Эргаштирувчи боғловчилар қандай муносабатли қўшма гап қисмларини боғлаш учун хизмат қилади?

- A. Қўшма гапнинг тенг ҳуқуқли қисмларини.
- B. Қўшма гап таркибидаги уюшқик бўлақларни.
- C. Қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига эргаштириш йўли билан.
- D. Қўшма гапларни.
- E. Ҳеч қандай гап қисмларини боғламайди.

9. Айирув боғловчини кўрсатинг

- A. ва
- B. аммо
- C. баъзан
- D. лекин
- E. аммо

10. Қиз гоҳ севишиб, ширин хаёлларга ботар, гоҳ вужудоини кўркув босарди. Берилган гапта боғловчининг қайси тури қўлланган?

- A. Бириктирув боғловчиси
- B. Зидлов боғловчиси
- C. Айирув боғловчиси
- D. Эргаштирувчи боғловчиси
- E. Ушбу гапта боғловчи қўлланмаган

11. Қайси гаптаги нукталар ўрнига эргаштирувчи боғловчи қўйиш мумкин?

- A. Осмонни куюқ булут қоплади, ... ёмғир ёға бошлади
- B. Осмонни куюқ булут қоплади, ... ёмғир ёғмади
- C. Ичкаридан овоз эшитилар, ... сўзлари англашилмас эди
- D. Кўчатларни яхши парвариш қилдик ... улар тез ўса бошлади
- E. Қор ёққани йўқ, ... қалин қиров тушган

12. Берилган гаптаги боғловчи турини аниқланг. Қамишлар орасидан гоҳ боши кўринар, гоҳ сувга шўнгигандек йўқ бўлиб кетарди.

- A. Тенг боғловчи
- B. Эргаштирувчи боғловчи
- C. Шарт боғловчиси
- D. Айирув боғловчи
- E. Чоғиштирувчи боғловчи

13. Берилган гапта боғловчининг қайси тури қўлланган? Дам ёмғир ёғади, дам ҳаво очилади.

- A. Айирув боғловчи

- V. Ушбу гапда боғловчи қўлланмаган
- C. Бириктирувчи боғловчи
- D. Эргаштирувчи боғловчи
- E. Зидлов боғловчи

14. Такрор қўлланувчи боғловчилар қаторини аниқланг

- A. Ҳамда, аммо, балки
- B. Гоҳ, гўё, ё
- C. Баъзан, ҳам, бир
- D. Дам, ёки, яъни
- E. Ҳам, башарти, бироқ

15. Зидлов боғловчилари қўлланган гапни аниқланг.

- A. Тузсиэ ва шўр овқатлар бемаза бўлади
- B. Дунёда яхши китоблар кўп, лекин бу китоблар уни ўқиб биладиган кишилар учунгина кизик
- C. Ўшанда ё мен синовдан ўтдим, ё сиз синовдан ўтдингиз
- D. На машина боради, на арава
- E. Зидлов боғловчиси ҳеч бир гапда қўлланмаган

54-§. ЮКЛАМА

Умумий маълумот

Тошширикни бажаринг.

Гапларни ўқинг. Юкламаларни топиб, уларнинг аниқлатган маъноларини тушунтириб бering.

1. Онагинам соғмилар, отам бардамми? (Ж.Абд.)
2. Ҳой, Нигора, кўғирчоғингни ўйнасанг-чи. (С.З.)
3. Ахир, она сут бермаса, бола йиғлайди-ку. (Ж.Абд.)
4. Енгил шабада эринибгина эсмоқда. (С.А.)
5. Узокларда кимдир кўшиқ куйларди. (Ч.А.)
6. Нақадар гўзал садолар-а. (Н. С.)
7. Ўтган йили худди шу ерга райҳон уруғи сепилган эди. (Х. Н.)
8. Инсон ҳаёти мунча мураккаб, сира тушуниб бўлмайди-я. (Ч.А.)
9. Фақат ғир-ғир шабада-ю, чуғурчукларнинг чириллашигина тинмас эди. (Мох.)

Айрим гап бўлаги ёки бутун гапнинг мазмунига кўшимча маъно ифодалаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлар юклама дейилади.

Юкламалар сўз ва кўшимча шаклда бўлиб, улар алоҳида турганда лексик маъно ифода этмайди. Сўз ёки гапларга кўшилиб, сўроқ, таажжуб, таъкид, кучайтирув, айирув, чегаралов, гумон, инкор каби кўшимча маъноларни ифода этади. Масалан: *Инсон меҳнатда, фақат меҳнатда буюқдир. (О. Ё.) Теварак- атроф худди сув сепгандай жимиди. (Ж. Абд.)*

Юкламалар тузилиши жиҳатидан икки хил:

1. Сўз юкламалар: *ҳатто, ҳаттоки, наҳот, наҳотки, фақат, ахир, ҳам, на* кабилардир.

2. Кўшимча шаклидаги юкламалар: *-гина, (-кина, -қина), -ми, -чи, -да, -оқ(-ёқ), -а (-я), -у (-ю), -дир, -ки (-ким)* кабилар.

Масалан: *Қиличбек Элдорнинг ёнига келиб ниманидир шивирлади. (А. Абд.) Сўйласанг -чи, мард Авазга бир гап бўлдимиз? Воҳид худди заҳарланган илондай тўлғониб, олманинг тагидан чиқди. (О. Ё.)*

Юкламалар айрим сўз ва гапга берадиган кўшимча маъносига кўра куйидаги турларга бўлинади:

1. Сўроқ ва таажжуб юкламалари.
2. Таъкид ва кучайтирув юкламалари.
3. Айирув-чегаралов юкламалари.
4. Гумон юкламалари.
5. Инкор юкламалари.

303-машқ. Гапларни кўчиринг, юкламаларни топиб, остига чизинг. Англатган маъноларини изоҳлаб беринг.

1. Бирданига ҳамма нарсани билиб олмоқчисиз-а? (Мирт.)
2. Худди шу пайт саломхона эшиги охира очилиб, устод кўринди. (О. Ё.)
3. Мевасини уздик-ку, боғбонни эсга олмадик. (О.)
4. Мен фақат ўз қарашларимни баён этдим. (О.)
5. Хужранинг на туйнуғи, на дарчаси бор. (С. С.)
6. Ҳатто киши ҳам ёз менга. (Ҳ. О.)

304-машқ. Кўчиринг. Юкламаларни топиб, уларнинг тузилиши жиҳатидан турини тушунтиринг.

1. Опажон, мени тўғри тушунинг, ҳозир худди қил устида кетаётгандаймиз. (Ж. Абд.)
2. Ҳали хабаринг йўқми? Асрора опам касалхонада-ку. (С. Аҳм.)
3. Ҳатто еримизнинг тортиш қувватини

- ишга соладиган мухандисларимиз бор. (F. F.) 4. Эх, от ҳам қари, ўзим ҳам каридим. На белда мадор, на билакда куч бор. (А.Абдураззоқов) 5. Умрим баркка ўхшаб илиниб қолдим? – деб ўзига-ўзи савол берди Жаҳонгир. (Т. Малик) 6. Ўзимизнинг Шодисой лолалари ўтдек ёнади-я. (Ж.Абд.) 7. Қўйсангиз-чи, муғомбирликни, – деди унга тикилиб Камолиддин. (Ж.Абд.) 8. Наҳотки, ойим мени боқиб олган бўлсалар, йўқ, йўқ! (С. З.)

305-машқ. Кўчиринг. Гаплардан юкламаларни топинг, остига чизинг, устига маъно турини ёзиб кўрсатинг.

1. Далага чикмайсиэларми, яйраб-ййраб юрмайсиэларми? (Ш.) 2. Урушгани, аламини олгани келаётган бўлса-чи! Ахир, Гулчехра нима ёмонлик қилди? (С. З.) 3. Нимага у ёққа ўтаркан, ўзининг ҳовлиси туриб-а? (Ж. Абд.) 4. Ука, қани бир бошдан гапир-чи, балки даъвоси бордир, бу дарднинг. (М. Юсуф Охун) 5. Яшашдай ширин нарса борми дунёда? (Т. Содикова) 6. Ахир ҳеч ким дунёга икки марта келмайди - ку. (С. З.)

7. Қайғу доим ҳужум қилса - да,

Севинч доим ғолиб ҳаётда. (Ў. Рашид)

306-машқ. Гаплардан кўмакчи, боғловчи ва юкламаларни топиб, остига чизинг, устига кўмакчи, боғловчи, юклама деб ёзиб кўрсатинг.

1. Қишлоқнинг у бошидан бу бошига етгунга қадар бирор кимсанинг қораси кўринмади. (Ж.Абд.) 2. Фақат ширин хотираларнигина эслашга уринишди. (Ж.Абд.) 3. Кишининг пешона тери билан топган нарчасига хиёнат қилиш учун бўри бўлиш керак, ваҳший бўлиш керак. (С. Аҳм.) 4. Нега куйламай, ахир, зулматни енгган қуёш қалбимни ёритса-ю, куйламаслигим борми? (С.З.) 5. Худди гилам тўшалгандай баҳорда далалар кўқарган. (Х.Н.) 6. Халқ кучли ел билан чайқалган денгиз каби бирдан кўзғалди. (О.) 7. Бу ерларга келган киши яйраб кетади. Ана шунинг учун чўпонлар дардсиз, соғ-саломат яшайдилар-да! (Ё.Ш.) 8. Пиёда аскарни бошлаш керак, ёки сиз буни унутиб қўйдингизми? (Ш.)

307-машқ. *Сари, орқали* кўмакчилари, *ҳам, чунки, ёки* боғловчилари, *фақат, -ю* юкламаларини иштирок эттириб, гаплар тузинг, ударнинг аниқлашган маъноларини тушунтиринг.

308-машқ. Кўчиринг, гаплардан сўроқ ва таажжуб юкламаларини топинг, остига чизинг.

1. Элнинг оғзига элак тутиб бўладими? (Ж.Абд.) 2. Севара айтган гап тўғри бўлиб чиқса-чи? Мен далада ишлашим керакми-ми? (О.) 3. Наҳотки, мен сизни танимасам. (С.З.) 4. Тўғриликка, тўғри-я, мен бунга қарши эмасман, – деди Турди оға. (Х.Исм.) 5. Ҳаётда нималар рўй бермайди-я, дея ёкамни ушлайман. (Қ.Тўлабоев) 6. Она тилинг унутдингми, демак, онангни унутдинг. (Ш.) 7. Донохон шунчалик ўзгариб кетибди-я. (Н.С.)

-ми, -чи, -а(-я), наҳотки юкламалари сўроқ ва таажжуб юкламаларидир. Бундай юкламалар сўзларга ёки гапларга тааллуқли бўлиб, дарак гапларни сўроқ гапга айлантиради. Шунингдек сўзга ёки гапга оид турли хис - туйғуларни ифода қилади.

-ми юкламаси ўзидан олдин келган сўзга қўшилиб ёзилади. Масалан: *Шу ерда онамизни кутмаймизми?* (Д.Ерёмин)

Эслатма: **-ми** юкламаси ўзбек мумтоз шеърлятида **-му** шаклида ҳам қўлланади.

Масалан: *Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?* (З. Бобур)

-чи, -а, -я юкламалари ёзувда ўзидан олдинги сўздан чизикча билан ажратилиб ёзилади: *Раҳмат, амакижон, мен яхши бўлиб кетаман-а?* (Феруза Иқбол)

Одамлар қайқларга бориб юришади-я? Ўзим ейман, нуқул мой-а. (О.) *Оҳ, қандай сўлим кеча-я.* (О.)

309-машқ. Кўчиринг. Гаплардан сўроқ ва таажжуб юкламаларини топинг, остига чизинг, аниқланган маъносини тушунтиринг.

1. Оғзингга қатик ивитганмисан, сўзласанг-чи, бир гап бўлдимми? (А.Абд.) 2. Биров чиқиб қолса-я. (Ж.Абд.) 3. Аброр, юр, бўлақоқсанг-чи. (Н.С.) 4. Шундайку-я, сўздан оғзи куйган одам қатикни ҳам пуфлаб ичаркан. (А. Абд.) 5. Бунчалар соддасиз - а, Содиқ ака. (А.Абд.) 6. Кутиб олишга бирон нарсангиз борми? (Ж.Абд.) 7. Буни қаранг-а, танайми қолибман, қайси шамол учирди? (Ж.Абд.) 8. Қани айт-чи, Барчиндан хабар борми? (Мирт.)

310-машк. Кўчиринг. Сўроқ ва таажжуб юкламаларини топиб, остига чизинг, ёзилишини тушунтириб беринг.

1. Тош каттиқ, азизим, бош ёради, гийбат-чи, тошдан каттикроқ тошни ёради. (Ш.) 2. Наҳотки, иш шу қадар жиддий бўлса. (А.Мухт.) 3. Эртадан ҳовлини бўшатиб бер, – деб шовқин солса-я. (Ж.Абд.) 4. Мени кўриб атайлаб уйғонибсан-а. (Ж.Рамазон) 5. Айтмоқ-чи, сиз адабиётга кизиқасизми? (А.Абд.) 6. Ҳурмат юзасидан тишининг оқини кўрсатмади-я. (Ш.) 7. Бунча шошасиз-а, сизда гапим бор эди. (А.Насирдинова) 8. Бор-ку, буларнинг ҳам онаси-ю боласи. (Э.Раҳим) 9. Ёпирай, шунинг ҳаммаси ерга тушармикан? (А.Мухт.)

311-машк. Қавсларни очиб гапларни кўчиринг. Юкламаларни қондага мувофиқ ёзинг ва тиниш белгиларини кўйинг.

1. Гапирсангиз (чи) Фармон ота отам нега ўзлари ёлғиз? (Ж.Абд.)

2. Мен дунёга келган кундан (оқ)

Ватаним деб сени уйғондим. (Ҳ. О.)

3. Бу бекипмачокнинг поёни бор (ми), ахир? (С.Раҳ.) 4. Қандай сўлим кеча (я). (О.) 5. Биз кечаси (ёк) манзилга етиб олишга ҳаракат қилдик. (Ҳ. Н.) 6. Гапимга ҳатто энаси қотиб қўймади (я). (Т.Малик) 7. Футболга (ми), лаола сайлига (ми) она учун барибир. (А. Мухт.) 8. Вой, бирам чиройли гул экан-а. (С.З.)

312-машк. Кўчиринг. Юкламаларни аниқланг. Уларнинг қайси бири айрим сўзларга, қайси бири гап мазмунига кўшимча маъно берганини изохлаб беринг.

1. Наҳотки, Кимсан буванинг кетидан ҳам яхши хотира қолмаса. (С.З.) 2. Гўлликка солди-я, ўзини, муғомбир. (Ш.С.) 3. Ўғил бўлади-ю, онасини севмайдими? 4. Мен-ку, бу ишни элтарман-а, ўзингиз-чи, бирор эпини қила оласизми? (С.Аҳм.) 5. Одам дунёга мўчкадай семиришу, битдай болалаш учун келмайди. (А.Қ.) 6. Ахир, туғилган жойингиз Файзобод-ку. (С.З.) 7. Оппок палаткаларда кимлар яшайди. (Ў.Ҳ.) 8. Қаранг-а, қанча одамларни кўрадиған бўлдим. (М.Ю.О.)

313-машк. *-ми, -чи, -а (-я), наҳотки* юкламалари иштирок этган 5 та гап ёзинг. Юкламаларнинг аниқлатган маъноларини ва ёзилишини изохлаб беринг.

56 - §. ТАЪКИД- КУЧАЙТИРУВ ВА АЙИРУВ-ЧЕГАРАЛОВ ЮКЛАМАЛАРИ

314-машк. Кўчиринг. Таъкид-кучайтирув ва айирув - чегаралов юкламаларини топинг, тагига чизинг.

1. Ахир, ваъда мадор-ку, қурук гап қурул бўлмайди. (Ё.Ш.) 2. Ўта кийин юмуш-да, бу, Уста бобо. (С.С.) 3. Ахир сиз менга илҳом бағишлаган аёлсиз-ку. (А.Абд.) 4. Бизнинг кудратимизга ҳатто қуёш ҳам қойил. (Ф.Ф.) 5. Орзу ниятимга худди ҳозир етгандай бўлардим. (Ч.А.) 6. Улардан фақат бирга олдирилган сурат ёдгорлик бўлиб қолади. (С.Аҳм.)

Ҳам, ахир, ҳатто (ҳаттоки), нақ, худди агар (агарда), мабодо, башарти, зўё, -оқ (-ёқ), -ку, -да юкламалари таъкид- кучайтирув юкламаларидир.

Бу юкламалар гапда ифодаланган воқеа - ҳодисаларнинг тўғрилигини тасдиқлаб, фикрини кучайтириб беришга, иш-ҳаракатнинг бирин-кетин давом этишини, бошланиш пайтини кўрсатиш учун хизмат қилади.

Булардан *-оқ(-ёқ)* юкламаси сўзга кўшилиб, *-ку, -да* юкламалари чизикча билан ёзилади. Масалан: *Яхши одамлар ҳам бор экан-ку, дунёда дейман ичимда. (Ў.У.) Нозимжон ўрнидан турди-да, ҳардамхаёллик билан кўчага чиқди. (С.Аҳм.) Ҳамма ишни эртагаёқ тугатамиз. (А.Қ.) Кўнгиروق чалиниши биланоқ, мактаб ҳовлисида ҳеч ким қолмади. (Ш.С.)*

Фақат, фақатгина, -гина, (-кина, -қина) юкламалари айирув- чегаралов юкламаларидир. Бу юкламалар турли сўз туркумлари билан келиб, уларни чегаралаб, кўрсатиш ва маъно жихатдан ажратиш учун қўлланади. Масалан: *Енгил шабода эринибгина эсмоқда. (С.Аҳм.) Сиздан фақат битта илтимос... Зарифани қийнаманлар, Кечаги спорт маагулотида Содиққина қатнашди. Фақат қоник - маслиққина кишини ўз устидан ишлашга ундайди. (Э.Тельман) Синф йигилишига фақатгина Ниҳола қатнаша олмади.*

315-машк. Кўчиринг. Таъкид - кучайтирув ва айирув - чегаралов юкламаларини топиб, остига чизинг, ёзилишига эътибор беринг.

1. Динора эшикни очиб оқнасини кўрди. 2. Пул бўлса чағалда шўрва деганлари шу бўлади-да. (Ж.Абд.) 3. Ҳатто ўғил болалар ҳам уни камситишарди. (Н.С.) 4. Қалбнинг худди танага ўхшаб ўз гимнастикаси бор. (Белинский) 5. Онахон тонг отарга якингина уйкуга кетди. (А. Мухт.) 6. Ҳаммаёқ кўриниб туради. Томоша-да, ая. (С.З.) 7. Қиз унга бир табассум ҳая килди-ю, хирмондан тез чиқиб кетди. (М.И.) 8. Бошини кўтар, ўзинг биласан-ку, келажак сеники. (С.З.) 9. Қахрамон учувчиларимиз ҳатто кутбни ҳам эгалладилар. (Х.Исм.) 10. Ёлғиз ўзингиз турар экансиз-да. 11. Худди чаён ушлагандай кўрқасиз-а, Собиржон ака? – деди Майрамхон. (С.Раж.) 12. Наҳот, Гулининг айтган гаплари рост бўлса. 13. Ахир, жўнар пайтда хат ёзишни ваъда қилмадимиз?

316-машк. Ўқинг. Таъкид - кучайтирув ва айирув - чегаралов юкламаларини топинг, аниқлаш маъноларини ва ёзилишини тушутиринг.

1. Ҳа, жонивор, сенга ҳам совуқ ўтибди-да. (С.Иб.) 2. Бу орада Умматали ҳам чиқиб келди. (Ш.) 3. Тевараги тилло бўлса ҳам, қафас ўз номи билан қафас-ку. (А.Абд.) 4. Фақат онасига суянган кизалокнинг ишонган боғи, бош қўйган бўстонидан айрилиб қолиши, жуда оғир. (А.Абд.) 5. Шарқ мутафаккирларидан бири «Ҳар қандай ёмонликда яхшилик ҳам яширилган», – деб ёзган эди. (А.Абд.) 6. Дилшодани айтаяпман-да, эти суягига ёпишиб кетяпти-ку. (Қ.Раҳимбоева)

7. Бу она-ку, бу зўр инсон-ку!

Хурмат- муҳаббатнинг тимсоли. (У.)

8. Ёнғласам-да, кўз ёшларимни кўрсатмасликка тиришдим. (Мохимбегим)

317-машк. Кўчиринг. Юкламаларини топиб, остига чизинг, устига таъкид- кучайтирув ёки айирув- чегаралов юклама эканлигини ёзиб кўрсатинг.

1. Шунчаки тилинган оёқ оқсамайди-ку, ахир! Қани кўрсати-чи! – дедим уйга киргач. (Ж. Раҳимжон) 2. Ҳатто холасининг уйида еган овқати ҳам томоғидан зўрға ўтарди. (С.Иб.) 3. У оловдай ўткир, тентаккина бола эди. (О.) 4. Худди қаттиқ юрак олдириб

кўйган одамга ўхшайсиз-а. (Ж.Абд.) 5. Озгина сурилиш шунча кийинми? (О.Ё.) 6. Кўришганимизга бир ҳафта бўлмаган-у, уни жуда соғиндим. (Н.С.) 7. Аям нон ёпишга жуда уста-да. (С.З.)

318-машк. Нукталар ўрнига қўйиш учун берилган юкламаларни ва тиниш белгиларни қўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Умматали Нафисани кунда бир кўрмаса... ҳафтада бир кўриб туради. (Ш.) 2. Ҳаққим... бор, имконим... бор. (А.Мухт.) 3. Мирзо Улуғбек мактубни ўқиб тугатмасдан... ўрнидан туриб кетди. 4. Санталат ҳам майли... раисни бунчаллик қилишга нима ҳаққинг бор. (О.Ё.) 5. Вой ўлмасам, пешин бўлиб қолибди... (В.Ф.) 6. Шу гапларнинг ҳаммаси тўғри... , ўртоқ директор. (С.З.) 7. ... мени нимага озор чекаётганимни ҳалиям тушунмаса. (О.Ё.) 8. Ҳа, ахир сизнинг дарсингиз... , – деди жилмайиб Нилуфар. (Сайёра)

Қўйиш учун юкламалар: *-да, ҳам, ҳам, -оқ, наҳотки, -ку, -ми, -я, -а.*

319-машк. *-да, -ку, ҳатто, фақат, фақатгина, ҳаттоки* юкламаларини иштирок эттириб гаплар тузинг, юкламаларнинг гаптаги аниқлатган маъноларини изоҳлаб беришг.

57-§. ИНКОР ВА ГУМОН ЮКЛАМАЛАРИ

на (на..., на...,) сўзи инкор юкламасидир. Бу юклама тасдиқ маънодаги гапларда қўлланиб, фикр юритиладиган нарсанинг инкорини билдиради. Бу юклама ёзувда такрорланиб қўлланади, ёзувда такрорланиб келган иккинчи инкор боғловчидан олдин вергул қўйилади. Масалан: *Ҳужранинг на туйнуги, на дарчаси бор. На одам, на от-улов кўришади. (С.С.)*

-дир гумон юкламасидир. Бу юклама сўзга қўшилиб ёзилади ва гап бўлаги ёки гапга хос мазмунни гумон тарзда ифодалайди. *-дир* юкламаси барча сўз туркумларига қўшилиб кела олади. Масалан: *Бу гаплар кимгадир ёқди, кимгадир ёқмади. (А.Қод.)*

320-машк. Кўчиринг. Инкор ва гумон юкламаларини топинг, аниқлатган маъносини тушунтиринг.

1. Насимжон болалардан бирининг қулоғига ниманидир шивирлади. (О.) 2. Бировга на сўзини, на ўрнини беради.

(С.Ахм.) 3. Нимадир яқинлашмоқда, нимадир бало-қазодай босиб келмоқда. (Ж.Абд.) 4. На чўпон, на сокчи ит кўринади. (Ў.У.) 5. Отажон Солиховнинг бутун кўринишидан қандайдир расмийлик барк уриб турибди. (Ж.Абд.) 6. На келини, на ўғли эски гаплар ҳақида гап очишмади. (С.Иб.) 7. Бу сафар муштумзўрлардан, на уларнинг химоячиларидан, на зўравонларидан нишон бор. (М.Ш.)

321-машқ. Кўчиринг. Инкор ва гумон юкламаларини топинг, остига чизинг, устига гумон ёки инкор юкламаси эканлигини ёзинг. Тиниш белгиларини кўйинг.

1. Юрагинини кимгадир ёзишни керак. (Мох.) 2. Неча замонлардан бери Қизилкум на одамга на хайвонга на қанотли кушга бўйиң эккан. (И.Р.) 3. Қиличбек Элдорнинг ёнига келиб ниманидир шивирлади. (А.Абд.) 4. Эҳтимол дам олишгани келишгандир. (А.Абд.) 5. На одам на от-улов кўринади. (Ё.Ш.) 6. Камолиддин қандайдир иш билан Москвага кетган эди. (Ж.Абд.)

322-машқ. Кўчиринг. Нукталар ўрнига кўйиш учун берилган юкламаларнинг мосини кўйиб, остига чизинг, устига турини ёзинг.

1. Шундайин латофат, шу оқ кўкракка

Муносибдир шу ғамгин либос. (Ҳ.О.)

2. Ўзингиз биласиз... Ҳазрати олийлари рози бўлармикинлар. (С.С.) 3. Такдирнинг ўйинини қаранг... бугун ўша Аваз занжирбанд бўлиб, олдингизда турибди. (С.С.) 4. Кекса одам... гап-сўз бўлишдан кўркадилар. (В.Р.) 5. Сизни ҳам кўрадиган кун бор экан... ёзувчи ака? – деди Салтанат. (О.Ё.) 7. Кечгама машина ёнида ўтириб, вақтингиз бўлмаган... (С.Иб.)

Кўйиш учун юкламалар: *-дир, -ди, -а, -у, -ки, -ку, паҳот.*

323-машқ. Ўқинг. Юкламаларни топиб, аниқлатган маъноларига кўра гуруҳларга ажратинг. Сўнгра дафтарларингизга қуйидаги жадвалини чизиб, юкламаларни унга жойлаштиринг. Юкламаларнинг имлосига диққат қилинг.

1. Қора шарпа худди сунуриб ташлангандек ер юзидан ғойиб бўлади. (И.Султон) 2. Ахир, шунақа ҳам лағтта бўладими, инсон? (С.З.) 3. Менга шу ўриндик ёқиб қолди. Юмшоқкина экан, шу ерда ётаман. (С.З.) 4. Италияда янги йил кечаси ортикча нарсаларни деразадан улоқтиришаркан-а? (Ў.Ҳ.) 5. Оппок дадаларининг олдида- ку, умуман, тишининг оқини кўрсатмайдилар. (М.Ю.О.)

6. Нахотки, уни бошқа учратмасам. (Н.С.) 7. – Фақат тўғриси айтинг, – ўзича шашт билан сўради Умида. (Н. С.) 8. Мен фақат сиз билангина бахтлиман (Г.Омонкулова) 9. Нахот, шу ердан биронта тагли-тугли, аччиқ-чучук татиган одам топилмаса-я! (О.Ё.) 10. Бундан чиқди, иззат - нафсингга тегиб кетган экан-да. (О. Ё.) 11. Сен гапирасан-у, нотўғри бўлармиди, Юлдузим. (О.Ё.) 12. Бошқалар тугул, хатто отам тирилиб келса ҳам, нафасингни чиқарма. Тушундингми? (Ч.А.) 13. Саида айтишга айтди-ю, лекин туни билан кийналиб ухламай чиқди. (А.Қ.) 14. Ўзинг-чи, олдин ўзингни бир томоша қил-а! (Ч.А.) 15. Кумуш қайнотаси билан қайнонасига уч-тўрт куннинг ўзидаёқ ўзини кўрсатиб қўйди. 16. Отабек Зайнабнинг юзидаги маъюсликни кўрди. (А.Қод.)

Сўроқ ва таажжуб юкلامалари	Кучайтирув ва таъкид юкلامалари	Айирув ва чегаралов юкلامалари	Аниқлов юкلامаси	Инкор юкلامаси	Гумон юкلامаси
-----------------------------	---------------------------------	--------------------------------	------------------	----------------	----------------

324-машқ. 6 та гап ёзинг. Ёзган гапларингизда сўроқ ва таажжуб ва кучайтирув ва таъкид юкلامалари иштирок этсин. Ёзилиши ва англатган маъноларини тушунтиринг.

325-машқ. Ўқинг. Юкلامаларни топинг. Сўз юкلامасини бир устунга, кўшимча шаклдаги юкلامани иккинчи устунга ёзинг.

1. Саида худди биров қувлаётгандек тезликда жўнаб қолди. (Ч.А.) 2. Арслон хушига келганда пешонасини кимдир силаётганини сизди. (С.З.)

3. Бу ўтни илон-ку, ёқтирмас сира,

Инининг оғзида ўсибди, қара! (Ш.)

4. Ахир, сизнинг олдингизга келади-да. (Ш.) 5. Нахотки, сиз мени бошқаларни қоралаб, ўз кизини оклайди, деб ўйласангиз, ука? (О.Ё.) 6. Дунёни сув босса, тўпигингга чиқмайди-я. (С.Аҳм.)

7. Шу биттагина болангиздан мени қизғанаяписизми? (С.Аҳм.)

Юкلامани таҳлил қилиш тартиби

1. Қайси сўз туркумига мансублиги.

2. Маъносига кўра тури. (Сўроқ ва таажжуб; кучайтирув ва таъкид; айирув ва чегаралов; инкор ва гумон юкلامалари)

3. Юкلامанинг тузилиши жиҳатдан тури. (Сўз юклама ёки кўшимча шаклидаги юклама)

4. Сўзга ёки бутун гапга кўшган кўшимча маъноси.

Намуна: *Фақат Ислom билангина иш битармиди? (Ш.)*

Фақат – ёрдамчи сўз туркуми; юклама; сўз юклама; айирув юкламаси; бутун гапга кўшимча маъно берган;

билангина – ёрдамчи сўз туркуми; юклама; айирув юкламаси; кўшимча шаклида.

326-машқ. Гапларни ўқинг. Юкламаларни топиб таҳлил қилинг.

1. Наҳотки, у сезган бўлса! (Ч.А.) 2. Оиласи қийналиб қоладиганга ўхшайди-да. (Ш.) 3. Э. кўйсаларинг-чи, шу эски гапни! - деди у кўлини силтаб. (О.Ё.) 4. Ўз синфдошини танимаётган экан-а? (Н.С.) 5. Олча гуллари худди супра қоқилгандай ҳавони тўзитиб юборди. (О.Ё.) 6. Гулсум бу уйга фақат бир марта келган. (Н. С.) 8. Хатто коллежингизга хат ёзамиз, деб кўркитишди. (Н. С.) 9. Ўғлим, сенга ҳам эрта қайтар кун ҳам бор экан-ку. (Н. С.) 10. Майли, ойижон, мен бир нима демасан-ку. (Ш.) 11. Вой баччам - ей, ўзинг ширингина кизалок экансан-ку.

Саволларга оғзаки жавоб беринг

1. Юклама ҳақида нималарни биласиз?
2. Юкламалар маъно жиҳатдан қандай турларга бўлинади?
3. Қайси юкламалар алоҳида, қайси юкламалар сўзга кўшиб ёзилади?
4. Юкламалар кўмакчи ва боғловчидан нимаси билан фарқ қилади?
5. Сўз юкламаларини санаб беринг.

Тошширикларни ёзма бажаринг

1. *-ю* юкламасининг юклама ва боғловчи бўлиб қўлланишига иккита гап ёзинг.
2. *-ми, -чи, -а (-я)* юкламаларини катнаштириб 4 та гап ёзинг.
3. Кўшимча шаклдаги юкламалардан ёзинг.
4. Адабиёт дарслигидан бирор матнини танлаб ўқинг, ундаги юклама иштирок этган 4 та гапни кўчириб ёзинг.

327-машк. Расмни диққат билан кузатинг. Кузатишларингиз асосида «Баҳорги ишлар» мавзусида уй иншоси ёзинг.



328-машк. Ўқинг. Ҳикояни қайта сўзлаб беринг, режа тузинг ва баён ёзинг.

ИСРОФГАР СИЧҚОН

Бир дехкон бор эди. У ғалласини омборда эхтиёт қилиб сақлар ва омборнинг эшиklarини беркитиб қўяр эди.

Бир сичқон бор эди. Очкўзликдан осмондаги ойни урар ва юлдуз хирмонини терар эди. Унинг ини омборга яқин бир жойда эди. У ер остидан ҳар тарафни қавлаб, омборнинг тагидан бир тешиқ очди. Бу тешиқдан унинг уясига дехкон омборидаги буғдой муттасил тушиб турадиган бўлди. Сичқон уясининг шилига қадар буғдой билан тўлиб кетганини кўриб, жуда хурсанд бўлди, буғдойнинг кўплигидан қибр пайдо қилди ва Қорунлик (афсонага кўра энг бадавлат одамлардан бўлиб, ўта кетган мурдор киши бўлган) даъвосини, фиръавиллик (Миср подшоси) лофини урди. Оз фурсатдан кейин маҳалладаги сичқонлар бундан хабардор бўлиб, унинг хизматига бел боғлаб, унга хушомадгўйлик қила бошладилар. Унинг таъбига ёқадиган сўзлар

топиб мактадилар. Бой сичқон қўшниларининг бу сўзларига алданиб, охирини ўйламасдан буғдойни исроф қила бошлади. Шундай қилиб, ой ва йиллар ўтиб, ўша элда очарчилик ва қахатчилик бўлди. Халойиқ очликдан силласи қуриб, бир бурда нонга зор бўлиб, ўлиб кетмоқда эди. Аммо сичқон бундай очарчиликдан беҳабар эди.

Бир куни дехқон омборининг эшигини очиб караса, буғдой кам бўлиб қолибди. У жуда каттик қайғурди ва буғдойини супуриб-сидириб олди. Сичқонга бир дона ҳам қолмади. Сичқон бундан хабарсиз эди. У ҳамон такаббурлик қилиб, ўзини буғдой эгасидан, деб юраверди.

Сичқонлар орасида бир зийраги бор эди. У дехқоннинг қилган ишларини фахмлаб, бошқаларга айтди. Ҳамма сичқонлар такаббур сичқонни ташлаб қочиб кетдилар.

Дехқоннинг буғдойига ишониб, хотиржам бўлиб ухлаётган такаббур сичқон бирдан уйғонди. Ёстикдан бошини кўтариб, ҳар томонга қаради. Лекин ҳеч кимни кўрмади. Сичқон: «Дўстларим қаерга кетиб қолишди экан?» – деб ўйлади. Анча вақтдан сўнг очарчилик ва қахатчилик бўлганини билиб, омборга кирди. Бу омбор сичқоннинг хазинаси эди. Аммо омборда буғдой йўқ эди, сичқон югуриб уясига кирди. Бу ерда ҳам ғалладан гард қолмабди; у яна қайтиб омборга кирди, бир дона ҳам буғдой тополмади. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлди. Ёқасини йиртиб бошини тошга шундай урдик, миясининг қатиғи ҳар томонга сочилиб кетди.

Исрофгарчилик сичқоннинг бошига етди.

«Қалила ва Димна» дан

Юқламалар юзасидан тест - синов саволлари

1. Юқламанинг неча тури бор? У қайси жавобда берилган.

- | | |
|---------|----------|
| А. 3 та | Д. 10 та |
| В. 5 та | Е. 9 та |
| С. 7 та | |

2. Жавоблардан қучайтирув юқламаларини белгиланг.

- А. -ми, -чи, -а
- В. -ку, -да, -у, -ю
- С. фақат, ҳам, -гина
- Д. ахир, ҳатто, -ок, -ёқ
- Е. на, -дир, наҳот, ҳаттоки

3. Қайси ҳолатларда *-у, -ю* юкламаси сўзга қўшилиб ёзилади?

- А. Барча ҳолатларда сўзга қўшилиб ёзилади.
- В. Барча ҳолатларда чизикча билан ёзилади.
- С. Жуфт сўзлар орасида жуфт сўз вазифасини бажаради.
- Д. Икки содда гапдан қўшма гап ҳосил қилади.
- Е. Боғловчи вазифасида келган ҳолларда.

4. *Тогларда, ҳатто ёз ойларида ҳам қор - ёмғир ёғади. Ушбу гапда юкламанинг қайси тури қўлланган?*

- А. Сўроқ юкламаси
- В. Таъкид юкламаси
- С. Айирув юкламаси
- Д. Кучайтирув юкламаси
- Е. Ушбу гапда юклама қўлланилмаган.

5. *Ориф аканинг нақ кўнглидагидай бўлди. Ушбу гаптаги нақ сўзи қайси сўз туркумига мансуб?*

- А. Сифат
- В. Равиш
- С. Олмош
- Д. Юклама
- Е. Кўмакчи

6. Қайси жавобда айирув ва чегаралов юкламаси берилган?

- А. -гина
- В. -ку, -да
- С. -а
- Д. ҳам
- Е. дир

7. *-у, -ю* юкламаси қайси ҳолларда сўзга қўшилиб ёзилади?

- А. Таъкид юкламаси ўрнида қўлланган барча ҳолларда.
- В. Зидлов боғловчиси вазифасида қўлланганда.
- С. Тенг боғловчи вазифасида қўлланган барча ҳолларда.
- Д. Жуфт сўзлар орасида боғловчи вазифасида қўлланганда.
- Е. Сўзга қўшилиб ёзилмайди.

8. Сўзларда *-гина* кўшимчасидан сўнг қайси кўшимча қўшилиши мумкин?

- А. Келишиқ кўшимчалари
- В. Эғалиқ кўшимчалари
- С. -лар кўплиқ кўшимчаси
- Д. Келишиқ ва эғалиқ кўшимчалари
- Е. Ҳеч қандай кўшимча қўшилмайди

15. Қайси гапда юкламанинг ёзилиши нотўғри берилган?

А. Кечаги ҳужжатни кўриб чикибди-ми?

В. Биз қирқ йилдан бери ўртоқмиз-а?

С. Ахир тагин бир йилдан кейин мактабга боради-ку...

Д. Илми ҳисоб ўқиганингиз бор-ми?

Е. А ва Д

58-§, УНДОВ

Умумий маълумот

Топшириқни бажаринг.

Ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг қайси бири хис - ҳаяжон, қайси бири хитоб, ҳайдаш-чақириш маъноларини ифода этганлигини тушунтириб беринг.

1. Эҳ, хаёт, хаёт! Накадар мураккаб нарса! (Ш) 2. Ҳой йўловчи, юр, биз билан, жонингни қийнама, – деди карвонбоши. (Т. Малик) 3. Вой, туринг, домлалар келяпти. (О. Ё.) 4. Йўловчи чух деб отга камчи урди. (А.Қ.) 5. Кампирнинг дон сепиш учун беҳ-беҳ деб товукларни чақиргани эшитилди. (О) 6. Э, одам деган ҳам шунақа ўхшаш бўладими? (Т. Пўлат) 7. Ие, Латофатхон урушга кетганми? (А.Қ) 8. О, ўғлингга сең шафкатни билардинг-ку, онажон. (А.О.)

Ўзбек тилида ундовлар мустақил сўз туркумига ҳам, ёрдамчи сўз туркумига ҳам кирмайдиган сўз туркумидир.

Шахснинг борлиқдаги нарса-ходисаларга турлича хиссий муносабатларини ифодаловчи, шунингдек, ҳайвон, парранда кабиларни келиш - кетиш, тўхтатиш кабиларга ундашни билдирувчи сўзлар туркуми ундов дейилади. Масалан: *Ҳой, менга қаранг, Зарифахон, – деди келиптоғиша. (О. Ё.) Озоданинг беҳ-беҳ, деган товуши эшитилди. (С.З.)*

Ундовлар одатда бошка сўз туркумлари билан грамматик алоқага киришмайди, аммо улар ифодалаган маъно гапнинг умумий мазмуни билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ундовларнинг қандай маънода қўлланганлиги гап оркали англашилади. Масалан: *О!*

Ҳўкиз йўқ, оғил кўча томондан тешилган. (А.Қ.) Оҳ, умр ўтди, кетди оқар сувдай. (А.Ў.) Оҳ, қандай сўлим кеча-я. (О.)

Биринчи гапдаги *о* кўрқинч, кайғу маъносини; иккинчи гапдаги *оҳ* ундови афсусланишни; учинчи гапдаги *оҳ* ундови эса шодланиш маъноларини ифода этмоқда.

Ундовларда интонация муҳим роль ўйнайди. Чунки ундов маълум интонация билан айтилмаса, у хис-туйғуни, англата олмайди.

Ундовлар тузилишига кўра уч хил бўлади:

1. Содда ундовлар: *Оҳ, воҳ, эҳ, аҳ, вой, ҳой, кўп, ҳўш, киш* каби сўзлар содда ундовлардир. Улар битта сўздан иборат бўлиб, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайди.

Масалан: *Ҳой, капалак, капалак,*

Қанотларинг шакдек. (З.Д.)

Вой, ўзим қирар эдим, – деди Бинафша. (З. Дўс.)

2. Такрорий ундовлар: *бай-бай, вой-вой, ҳай-ҳай, қуррей-қуррей, беҳ-беҳ, оҳ-оҳ, гир-гир, гув-гув* каби такрорланиб қўлланувчи сўзлар. Бу хил ундовлар ёзувда бир-биридан чизикча билан ажратиб ёзилади. Масалан: *Ҳай-ҳай, шошманг, деҳқон бобо, сизни танийман. Бай-бай, зап чой бўлибди-да. (А. Қ.)*

3. Жуфт ундовлар: *оҳ-ҳо, ўҳ-ҳў, уҳ-ҳу, эҳ-ҳа, вой-бў, вой-вўй, вой-дод, оҳ-воҳ* каби сўзлардир. Жуфт ундовларга ҳам такрорий ундовлар сингари ёзувда орасига чизикча қўйилади. Масалан: *Ўҳ-ҳў. исмити ҳам унутмабсиз?(Л. Т.) Ўҳ-ҳў. мўъжиза-ку! Қаердан олдинг, таажжубланди. (Р. Тагор)*

Ундовлар гапнинг бошида, ўртасида, охирида кела олади. Масалан:

Эҳ, нақадар меҳрибон экан одамга!

Бундай шисоилар ҳар он керак оламга! (Э.Р.)

Дўтти тикиш енгил-а, ҳай-ҳай палакнинг машаққати. (О.)

329-машк. Гапларни кўчиринг, улардаги ундов сўзларни топиб, остига чизинг.

1. О, қандай бахтга тўлик бу онлар. (О.) 2. Ҳой азаматлар, уйқуни бас қилинглр. (Гоголь)

3. Э-воҳ, осмон йироқ- ер каттик,
Чархинг бузилсин фалак. (П. Т.)

4. Ассалому алайкум, ойи, бу бизнинг директоримиз, Алишер ака бўладилар. (С. Иб.) 5. Вой бечора, болагинам, дард заптига олибди-ку. (А. О.) 6. Эҳ, Мубина, Мубина, нима қилиб қўйдинг. (Д. Абдурахмонов) 7. Ҳой, анавилар ўзимизнинг Усмонжон билан Шарифа-ку. (С. З.)

330-машк. Кўчиринг. Ундовларни топинг, остига чизинг, тузилишига кўра турини тушунтиринг.

1. Орқада колганнынг ҳолига вой. (С.Аҳм.) 2. Бечоранинг вой-войлашига одам боласи чидай олмайди. (А. Мухт.)

3. Ва беизи қилган ишимдаи
Пушаймоним, ҳам оҳим йўқдир. (Х. О.)

4. Элмурод ох-воҳнинг ҳожати йўқлигини энди тушунди. (П.Т.) 5. Ҳай-пайи йўк, Қори ака. (Мирт)

6. Мен етим ўсганман, ох, у етимлик.
Вой, бечора жоним, десам арийди. (F. F.)

7. О, одам, қанчалик мўъжизакорсан, мен сенга хамиша очаман кучоқ. (Ш.) 8. О, сиз нима деб ўйладингиз, – деди Камолов. (О.)

331-машк. Кўчиринг. Гаплардан ундовларни топинг, остига чизинг, гаптаги ўрнини тушунтириб беринг.

1. Вой, бунча чиройли жойлар экан бу ерлар. (Х.Мастур)
2. О, бу тил мен учун нон каби азиз. (А.Абд.) 3. Э - э, тумордек хатингдан онанг ўргилсин, – дерди она кўзларига ёш олиб. (Ч.А.)

4. Бир-бирига ҳамнафас, жўшқин,
Ох, қандайини азиз бу далалар. (Э.Р.)

5. Домла ўх-хў, ҳаммаёқни ярқиратиб юборибсиз-ку. (О. Холдор) 6. Бай-бай-бай, бунча атирға беланмасанг. (С. Аҳм.)

7. Эҳ-хе, хали тонг отишига икки соат бор. (Ё. Ш.) 8. Уларнинг зикналиги, тағин бай-бай-бай, такаббурлигини, гурурини айтмайсизми? (О.)

332-машқ. Ўқинг, ундовларни тошиб, остига чизинг, маъно ва грамматик хусусиятларини тушунтиринг.

1. О-о-о, бу кунларга етишимиз учун қанча жонларини берганлар бор. (Мирт.) 2. Э, хорманглар, йигитлар, хорманглар. (О. Ё.) 3. Эҳ, болалик, болалик, ўшандок даврлар ўтдими? (Р. Жаб.) 4. Оҳ, унинг овози бирам ёқимлики. (Мох.) 5. Э, унақалар, оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним дейдиганлардан бўлади. (М.Калонхон) 6. Ие, уни сиз ҳам танийсизми? (М. Калонхон)

333-машқ. бта гап ёзинг. Уларда содда, такрорий ва жуфт ундовлар иштирок этсин.

Ундовларнинг маъно турлари

Ўзбек тилида ундовлар англатган маъноларига кўра икки турли бўлади:

1. Ҳиссиёт ундовлари
2. Буйруқ-хитоб ундовлари

59 - §. ҲИССИЁТ УНДОВЛАРИ

Тилимиздаги *оҳ, эҳ, уҳ, о, э, уф, вой, ура, офарин, салом, ҳорманг, хайр, хўш, раҳмат, тасанно, бай-бай, ҳай-ҳай, вой-бўй, оҳ-воҳ* ундовлари ҳиссиёт ундовларидир.

Ҳиссиёт ундовлари, гап бўлаги вазифасида қўлланилмайди. Улар ёзувда гап бўлақларидан вергул билан ажратилади. Агар ундов кучли ҳис-ҳаяжон билан айтилса, ундан сўнг ундов белгиси қўйилади. Масалан: *О, Иссиқ-кўл! Мангу қайноқ кўл. (Ч. А.) Вой-вой! Бу, сен-ку, ўжар! Худди ўзинг-а! – деди Ориф. (М. Авезов)*

Ҳиссиёт муносабатларини ифодаловчи ундовларнинг маъноси одатда гап ичида маълум бўлади. Масалан: *Ие! Бўлмаса Муқаддасхоннинг ўзлари гапирсинлар-да. (Кесатиш) (О. Ё.) Ҳой, кимсан, болам ҳидинг димогимга таниш. (Ажабланиш) (С. Аҳм.) Вой, унга бир бало бўлган. Бор, қидир, суриштир. (Ҳадиксираш) (С. Аҳм.)*

334-машк. Ўқинг. Ундовларни топиб, англаган маъноларини тушунтириб беринг.

1. Эҳ, бу ердан тезроқ чикиб кетса эди. (С. Саидазимова)
2. Вой, шўрим, онасидан суюнчи олайн. (Ч.А.) 3. Ассалому алайкум! – деди маслаҳат берувчининг шофёри. (Ж. Абд.) 4. Ха-ха?! – деди Рисолат буви чўзиб. Шунақами ҳали, ишлаб бўпсиз. (С. З.) 5. Вой, қайси раиснинг хотини далага чикибди? – деди зарда билан Сарвинисо. (С.З.) 6. Ҳим...демак, мендай зўр ракибдан чўчияпсиз-а! (Н.С.) 7. Ҳой, кизим, овқатинг пишган бўлса, опкела қол, акаларингнинг қорни очгандир. (С.Аҳм.) 8. Ҳой-ҳой, нималар деяпсиз, Воҳиджон, оғзингизга қараб гапиринг. (О. Ё.)

335-машк. Гапларни кўчиринг. Ҳис-ҳаяжон ундовларини топиб, ҳар бирининг англаган маъноларини изоҳлаб беринг.

1. Офарин... Яхши, давом этинг. (Ж. Абд.) 2. Э, баракалла, ёшлар ўсади-да, танимай қолибман. (З. Дўс.) 3. Балли, Мулла Жаҳонгир энди қиссадан ҳиссани айтинг. (Ж. Абд.)

4. Оҳ, шоир умрига ҳавас қилмагил,

У қуюн ичида унган бир дарахт. (А. О.)

5. Ие, ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич. (Ш.) 6. Вой, уни менга олиб келдингизми? Шундай қимматбаҳо нарсани-я. (З. Дўс.) 7. Вой, нега ундай қиласиз? Бекор овора бўлибсиз. (С. З.) 8. Ие, Умида, кечкурунда нима қилиб юрибсан? (Н. С.)

336-машк. Гапларни кўчиринг. Улардаги ҳиссиёт ундовларини топинг, англаган маъноларини аниқлаш ва тиниш белгиларининг ишлатилиш сабабларини тушунтиринг.

1. Ассалому алайкум, холажон. Мана келдик, энди шу ерда яшамоқчимиз. (С. Иб.) 2. Раҳмат, мени кечир, сени қийнаб қўйганим учун. (С. Иб.) 3. Ассалом, эй Самарқанднинг жафокор халқи. (М. Ш.) 4. Эҳ, тушга нималар қирмайди, дейсиз? (С. Р.) 5. Эй, юксак самода юксак чўлпоним! (Ш.) 6. Вой, Санобархон, ўрнишгиз билинди. (С. З.) 7. Ҳой, менга қара, кўп жиблажибонлик қилаверма. Мақсадингни айт. (Ш.)

337-машқ. Ўқинг. Ундовларни аниқланг, остига чизинг, тузилишига кўра турини изохлаб беринг.

1. Ҳой, бирон гап олиб келдингми? (С. Аҳм.) 2. Воҳ-воҳ, демак, эллик йилдир мен бунда банди. (М. Ш.) 3. О-о-о, жуда зўр-ку, танишганимдан хурсандман. (Н. Саидазимова) 4. Ҳай - ҳай, болам, нималар деяпсан? Ўйлаб гапиряпсанми? (Д. Абдурахманов) 5. Э, нима қиласан, меҳмонларни кўзғатиб, обдастани қўлингга ол. (П. Қ.) 6. Оббо! – деди Зулайҳо захарҳанда қилиб. (П. Қ.) 7. Ҳо, тилинг ўтқир-ку, – деди Ашур мени аччиклантирганидан қувонганидай. (П. Қ.) 8. Вой, сиз-ей! Шундай катта гапни кўркмай айтасиз. (П. Қ.)

338-машқ. Ўқинг. Ёрдамчи сўзларни топинг, турини аниқлаб, маъноларини изохлаб.

1. Чинор шундок ҳам узок яшайди-ку. (Ш.) 2. Фақат дарахтлар, кўприкларгина таниш. (А. Мухт.) 3. Гоҳ кулиб, гоҳ кулдиради. (Ш.) 4. Бойнинг жазо беришини билар, лекин мурувват қилишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. (Ф. Иқбол) 5. На отасининг савдосотиғи, на орзу- ниятлари билан иши бор. (Ш.) 6. О-о-о!- деб юборди, Ҳайдар ака. (П. Қ.) 7. Поезд силкиниб кўзгалди-ю, майин юриб кетди. (П. Қ.) 8. Куёш ҳам, ой ҳам сукланар. (Э. В.)

339-машқ. Гапларни ўқинг. Ундовларни топиб, маъноларини тушунтиринг.

1. Бадли, бу шароитга мослашиш белгиси. (С.Ан.) 2. Бай-бай-бай! Мунча ҳам ширин ухляпти! Менга беринг-чи, бола кўтариш эсимда бормикин. (А. Қ.) 3. Вой, кир мунча чиройли бўлиб кетибди! – деди Матлуба завқ билан кирга тикилиб. (С. Аҳм.) 4. Вой, у кишининг нима ишлари бор экан менда. (О.Ё.) 5. О... узугинг мунча чиройли. Қани, менга бер-чи. (И.Султон) 6. Раҳмат. Менга бўлар ҳозирча шу ер. (С.Абд.)

7. Қайғу хасратларинг барчаси аён.

О, мунча дардқашсан, она сайёра! (А.О.)

Буйрук-хитоб ундовлари огохлантириш, хитоб қилиш, таклиф, чакирик, буйрук, дўк қилиш, хайдаш каби маъноларни билдиради. Буйрук-хитоб, ундовлари куйидагилар:

1. Чакирик ундовлари:

а) мурожаат қилиш: *алло, ҳей, ҳой, эй, ҳай*;

б) турли ҳайвон ва паррандаларни чакириш, хайдаш учун ишлатиладиган ундовлар: *қурей-қурей, чу, баҳ-баҳ, хўш-хўш, ту-ту-ту*.

2. Буйрук ундовлари. Бу ундовлар ҳаракатни бошлаш ёки тўхтатиш учун берилган буйрукни билдиради: *тс, сс, тиши, тисс, марш* кабилар.

3. Табрик, ташаккур, хайрлашув ундовлари: *салом, хайр, раҳмат, марҳамат, балли, офарин* кабилар.

Ундовлар отлашганда гап бўлаги вазифасида келиши мумкин:

а) эга вазифасида: *Ўрмоннинг орқа томонидан жангчиларнинг «ура»си эшитилди. (Б.П.)*

б) кесим вазифасида: *Муттаҳамнинг бетига туф.*

в) тўлдирувчи вазифасида:

Бахтиёр ўлканинг ҳай-ҳайларида, оқади кекса шоирнинг вақти. (F.F.)

г) аниқловчи вазифасида:

Кўринар даҳшатлар тўла туш каби,

Мазлумлар оҳининг кўкда тутини. (F.F.)

д) ҳол вазифасида: *Онаси тиш- тиш ухлар эди.*

340-машқ. Кўчиринг. Гаплардан буйрук- хитоб ундовларини топинг, англлатган маъносини тушунтиринг.

1. «Так», деди - ю, «Чух» деди, жўнади.

Қоражон ўз йўлидан қолмади. (Ф.Й.)

2. Бех-бех, деб товукларни олдига чакирар, унинг олдида бир тўда товуклар курт-қуртлашиб дон талашар эди. (П.Т.) 3. Узоқдан чўпонларнинг қуррей - қуррей овози эшитиларди. (Х. Н.) 4. Кучук-бачча кулокни котирадиган овоз чикарди, анг-анг. (О.)

5. Кўш хўкизим, жуфт мугузим,
Омочни торт, чу! (Мирт.)

6. Гулсум теварак- атрофга қараб: Ҳайбар, Ҳайбар, бах-бах
деб чақирди. (Ч.А.)

341-машқ. Гапларни икки гуруҳга: ҳиссиёт ундовлари ва буйрук-хитоб ундовларига бўлиб кўчиринг. Гаптаги вазифасини тушунтиринг.

1. Офарин, ўртоқ сержант, мукофотга арзийдиган иш кўрсатдингиз. (Ф.Ниёзий) 2. Э - ҳа, жамоат жам - ку, Қодир ота, сиз ҳам шу ердამисиз? (З.Дўс.) 3. Онам астойдил оҳ - воҳ килдилар. (С.Жуманазаров) 4. Так-так! – Гаврилов отнинг жоловини дарров тортди. (Н.Островский) 5. Чу, жонивор, – деди кимдир шўхлик билан. (С.Аҳм.)

6. Шу дам қулоғига калъа томондан,
Эшитилар заиф оҳ - фарёд бирдан. (А.Пушкин)

7. Кишт, хира бўлмаёй ўлинглар. (Ҳ.Шамс) 8. Тр-р! Тўхта жонивор. (Н.Фозилов)

Ундовларни таҳлил қилиш тартиби:

1. Қайси сўз туркумига мансублиги.
2. Маъносига кўра тури.
3. Қўлланишига кўра тури.
4. Қайси сўз билан боғланган.
5. Отлашган, отлашмаганлиги.
6. Гаптаги вазифаси.
7. Тузилишига кўра турлари (содда, такрорий, қўшма ёки жуфт эканлиги).

Намуна

Ўх-ўх-ўх! Чучвара-ку! Ҳай-ҳай, оғизда эриб кетади-я! (А.Қ.)

Ўх-ўх-ўх, ҳай-ҳай - сўз туркуми; алоҳида олинган сўз туркуми; ундов сўзлар; ҳиссиёт ундовлари. Севинч, коникиш маъноларини ифодалаган. Отлашган; сўз гап.

Ундовларни таҳлил қилиш учун гаплар

1. Бай-бай! Юрак куйиб кетди. Қани бир пиёла сув олиб чиқчи! (П.Т.) 2. Эҳ, баҳорнинг гаштига нима етсин. (Х.Ғ.) 3. Вой - бўй, ҳар битта одам устида шунақа ташвиш тортаверса, шифокорга ҳам роса қийин экан-ку! (С.З.) 4. Урра, биз енгдик – деган

кийкириклар эшитилиб туради. (Х. Тўхт.) 5. Ҳай - ҳай - ҳай, меҳмон деган азиз бўлади, сизга нима бўлди? (О.) 6. О, Алишер! Хуш келибсиз, ичкарига марҳамат! (У.) 7. Оҳо! Оҳо! Қалай экансиз? Пичокни аввал ўзингга ур, оғримаса, бировга ур. (Ҳ. Ҳ.)

8. Зўр қаҳ - қаҳа учади бир зум.
Устод юзи тўла табассум. (О.)

Саволларга тезакчи жавоб беринг

1. Ундов нима? Унинг қандай турларини биласиз?
2. Ундовлар туркумига қандай сўзлар киради?
3. Ҳиссиёт ундовлари нима учун қўлланади?
4. Буйруқ-хитоб ундовлари-чи?
5. Ундовлар ёрдамчи сўзлардан нимаси билан фарқ қилади?

Тошширикларни ёзма бажаринг

1. Ҳиссиёт ундовларидан ўнта ёзинг ва шулардан тўрттаси иштирокида гап тузинг.

2. Буйруқ-хитоб ундовларидан олтита ёзинг ва иккитаси иштирокида гап тузинг.

342-машқ. Матнни ўқинг. Матн охирида берилган режа асосида матн мазмунини сўзлаб беринг. Суирнинг ҳалол ишини ва унинг ички кечинмаларини куйида берилган режа орқали ҳикоя қилинг.

РОСТ ГАП

Қадим замонларда, узоқ мамлакатда доно бир подшо бўлган экан. У ҳар жиҳатдан бекаму кўст бўлса-да, фарзандсизлиги туфайли кўнглининг бир чети ҳамиша хира экан. Кунлардан бир кун у: «Фарзандсизман, деб куюниб юргандан кўра фуқароларим орасидан самимий, ростгўй бир болани танлаб олиб тарбияласам бўлмайдими?», – дебди ўзига-ўзи.

Подшо шундай деб ўйлабди-ю, мамлакатдаги барча болаларга гул уруғи улашиш тўғрисида фармон берибди.

«Кимда-ким шу уруғлардан ажойиб гул ўстирса, ўшани ўзимга ўғил ёки қиз қилиб оламан», – деб эълон қилибди.

Мамлакатдаги болаларнинг барчаси подшо улашган гул уруғидан гул ундиришга киришибди. Улар эрта тонгдан тун қоронғисигача гул уруғи экилган тувак тепасида парвона бўлишибди.

Суир деган бола хам овора бўлибди. Ўн беш кун ўтибди, бир ой ўтибди, лекин гул тувакда ҳеч нарса кўкармабди. «Нега бундай бўляпти ўзи?» – деб хайрон бўлибди Суир.

– Эккан уруғларим нега кўкармаяпти-я? – деб сўрабди Суир онасидан.

Онаси хайрон бўлибди-да:

– Энди бошқа хил тупроқ олиб экиб кўр, – деб маслаҳат берибди.

Суир бошқа хил тупроқ топиб шунга экиб кўрибди, лекин уруғ барибир кўкармабди.

Нихоят подшо белгиланган кун хам етиб келибди. Ҳамма болалар ўстирган гулини подшога келтириб кўрсатишга ошиқишибди. Ясанган – тусанган болалар тувакларда турли-туман гуллар кўтариб, подшо хузурига йўл олишибди.

Раиғ-баранг товланган гулларни оралаб юрган подшонинг чеҳрасида норозилик аломатини кўриб, ҳамма хайрон бўлибди. Нима гап ўзи?

Бирдан подшо бўм-бўш тувак ёнида йиғлаб турган Суирни кўриб қолибди. Подшо йиғлаб турган болани хузурига олиб келишларини буюрибди.

Нега бўш тувак билан келдинг? – деб сўрабди подшо. Шунда Суир уруғни экиб қанча парвариш қилганим билан бари-бир кўкармаганини йиғлай-йиғлай сўзлаб берибди. Бир кун бировнинг боғидан сўрамай битта олма узиб олган экан. Шунинг жазоси бу, деб хикоясини тугатибди Суир.

Подшо Суирнинг қўлидан ушлаб одамларга кўрсатибди.

– Энг самимий ва ростгўй ўғлоним шу! – деб эълон қилибди.

– Ие, бўм-бўш гул тувак билан келди-ку? Нега яна уни ўғлоним дейсиз, подшоҳи олам? – деб шов-шув кўтарибди ҳамма.

– Ҳой, одамлар, эшитмадим деманглар. Мен таркатган уруғлар кўкарадиган уруғ эмас эди, – дебди подшо.

Болалар уялганларидан кип-қизариб кетишибди. Нега деганда ҳаммалари бошқа уруғни экиб, ундирган эдилар.

Корейс халқ эртаги

Режа

1. Подшонинг фарзандсизлиги ва унинг энг ахлоқли болани фарзанд қилиб олиш нияти.
2. Гул ўстирган болаларнинг подшо хузурига келишлари.
3. Гул ўстира олмаган Суир билан подшонинг учрашуви.
4. Подшонинг болаларга мурожаати.

Ундовлар юзасидан тест – синов саволлари

1. *Куллуқ, қуллуқ, минг марта қуллуқ, Дилбархон!* Ушбу гаптаги қуллуқ сўзи қайси сўз туркумига мансуб?

- A. От
- B. Равиш
- C. Модал сўз
- D. Ундов сўз
- E. Феъл

2. *Оҳ, эҳ, о, бай-бай* сўzlари ундов сўzlарнинг қайси турига мансуб?

- A. Ҳис-ҳаяжон ундовларига
- B. Ҳайдаш-чақириш ундовларига
- C. Севинч-шодлик ундовларига
- D. Ўкинч, қайғуриш ундовларига
- E. Ҳеч қайси жавоб тўғри эмас

3. Қайси сўzlар туркуми гап бўлаклари билан грамматик алоқага кириша олмайди?

- A. От
- B. Равиш
- C. Ундов сўzlар
- D. Таклид сўzlар
- E. Модал сўzlар

4. Ҳайвон, паррандаларнинг келиш, кетиш, тўхташ кабиларга ундашни билдирувчи сўzlар қайси сўз туркумига мансуб бўлади?

- A. Таклид сўzlарга
- B. Модал сўzlарга
- C. Ундов сўzlарга
- D. Кўмакчиларга
- E. Юкламаларга

5. Отлашмаган ундов сўzlар қандай қўшимчаларни қабул қилади?

- A. Сўз ясовчи қўшимчаларини
- B. Келишиқ қўшимчаларини
- C. Эгалиқ қўшимчаларини
- D. Кўплиқ қўшимчаларини
- E. Қўшимчалар қабул қилмайди

6. *Бай-бай, қир бағри шундай гўзал бўлибди-ки.* Ушбу гаптаги *бай-бай* сўзи қандай сўз ҳисобланади?

- A. Жуфт сўз
- B. Қўшма сўз
- C. Ундов сўз
- D. Модал сўз
- E. Таклид сўз

7. *Ўҳ-ҳў, намуна катта кетдингиз!* Ушбу гапдаги ундов сўз қайси маъноларни англатяпти?

- | | |
|----------------|----------------|
| А. Фахрланиш | Д. Ўтироз |
| В. Мағрурланиш | Е. Қойил қолиш |
| С. Менсимаслик | |

8. *Вой* ундови қандай маъно нозикликларини билдиради?

- А. Ҳавас, завқни
- В. Қўрқув, аламни
- С. Ҳайрат, ажабланишни
- Д. Қайғу, ташвишни
- Е. Юқоридагиларнинг барча маъно нозикликларини

9. *Таркибида ҳис-ҳаяжон* ундови бўлган гапларни белгилаң.

- А. Ўғлим, умрингиздан барака топинг.
- В. Ҳой, Ойниса, бувингни чақир.
- С. Қумри, ахир укангга қарасанг-чи, ичаги узилиб кетди-ку!
- Д. Вой, нимага куллуқ қилишар экан?
- Е. В, Д жавоблари.

10. *Жавобларнинг қайси бирида ҳайдаш - чакириш ундовлари берилган?*

- | | |
|------------------------|------------------------|
| А. Кишт, беҳ-беҳ, чух. | Д. Бай-бай, хайр, хуш. |
| В. Беҳ-беҳ, балли, уф. | Е. Вой, ура, кишт. |
| С. Оҳ, уҳ, о, э. | |

11. *Ҳа, албатта, қатнашамиз! Э, отангизга раҳмат! Баракалла, дўстим!* Ушбу матида қўлланган ундов сўзларни топинг.

- | | |
|----------------------|-------------------------|
| А. Ҳа, албатта | Д. Э, баракалла, раҳмат |
| В. Раҳмат, баракалла | Е. Ҳа, э |
| С. Э | |

12. *Таркибида ҳис-ҳаяжон* ундови бўлган гапларни белгилаң.

- А. Ўғлим, умрингиздан барака топинг!
- В. Ҳай, Ойниса бувингни чақир.
- С. Қумри, ахир укангга қарасангчи, ичаги узилиб кетди-ку!
- Д. Вой, нега куллуқ қилишар экан.
- Е. В ва Д.

13. Таркибида ҳайдаш-чақириш (буйруқ-хитоб) ундови бўлган гапларни аниқланг.

А. Салом, эй юлдузлар, ошноларим.

В. «у» деб отини савалади.

С. Балли, бу шартта мослашиш белгиси.

Д. Ер куррасида қадим-қадим замонлардан янграган мусиқий «кур-эй» бундан кейин ҳам тинмайди.

Е. В ва Д.

14. Ундов сўз қатнашган гапни аниқланг

А. Узоқдан милт-милт этган ёруклик кўринди.

В. Эҳ, ҳаво қандай мусаффо!

С. Сувнинг юзи жимир-жимир қилади.

Д. Дукур-дукур от келди.

Е. Юраги дук-дук урди.

15. Жавобларнинг қайси бирида хис-хаяжон, ундов сўзларнинг ёзилиши қондага мос тушмайди?

А. О, эй, вой, ие

В. Воҳ-воҳ, ура

С. Додвой, дув, ўх, ух, эйқа

Д. Эвоҳ, яшасин, уф, эй

Е. Оҳ-оҳ, бай-бай, оббо, эҳ-хе.

61-§. ТАҚЛИД СЎЗЛАР

Умумий маълумот

Топширикни бажаринг.

Гапларни ўқинг. Таклид сўзларни топинг. Уларнинг қайси бири, товушга тақлидни, қайси бири ҳолатга тақлидни билдираётганини тушунтириб беринг.

Намуна: *Физ - гиз – тақлид сўзи товушга тақлидни билдирмоқда.*

Билқ - билқ – тақлид сўзи ҳолатга тақлидни англатмоқда.

1. Икки букилиб, бошини тиззасига қўйиб олган Замира пик-пик йиғларди. (Н. С.)
2. Чиннигул ялт этиб Ҳасанга қаради. (С. З.)
3. Йўлакнинг охирида милт-милт шульға кўринар эди. (О. Ё.)

4. Тўлаган қаҳ-қаҳ уриб кулди. (О. Ё.) 5. Ариқда майин оҳанг билан ғир-ғир шабада эсарди. (О.) 6. Сув шилдир - шилдир окмоқда. (И.Р.) 7. Махмуднинг кўз олдидан Дилбарнинг чехраси лип-лип ўтарди. (Н. С.) 8. Чор атроф япроқларнинг шивир- шивирига тўлди. (Ў. Х.)

Инсон, хайвон ва нарсаларнинг товушини, кўриниш ҳолати ифодасини таклидан ифодаловчи сўзлар туркуми таклид сўзлар дейилади. Масалан: *губ-губ, қий-чув, ялт-юлт, гуж-гуж, тақир-туқур.*

Таклид сўзлар маъно жиҳатдан икки хил бўлади:

1. Товушга таклид сўзлар.

2. Ҳолатга таклид сўзлар.

Таклид сўзлар тузилишига кўра якка, такрорий ва жуфт ҳолда қўлланади.

Бир сўздан иборат бўлган таклид сўз якка таклид сўзлар саналади. Масалан: *гийт, пақ, ялт, ярқ.*

Такрорий таклид сўзлар шу сўзнинг такрорланиб келиши асосида ҳосил бўлади: *пиқир-пиқир, хир-хир, дув-дув, ширт-ширт, қилт-қилт, дунур-дунур, пак-пук, так-тук, тарс-турс, шов-шув* ва бошқалар.

Жуфт таклид сўзларда бир неча таклид сўз жуфтлашади. Масалан: *ғирч-ғурч, тақ-туқ, тарс-турс, шивир-шивир, чирт-пирт, гинг-нинг, аланг-жаланг, апил-тапил, қий-чув, гиж-бадабанг.*

Такрор ва жуфт таклид сўзлар ёзувда орасига чизикча қўйиб ёзилади.

Таклид сўзлар қил, эт феъллари билан бирга қўлланиб, қўшма феъл ҳосил қилади: *дунур-дунур қилмоқ, вағир-вугур қилмоқ, ялт этмоқ, гийт этмоқ, тақ этмоқ.*

343-машқ. Гапларни ўқинг. Таклид сўзларни топинг, остига чизинг.

1. Атлас кўйлакли қиз ялт этиб менга қаради. (У. Назаров)
2. Фермага яқинлашганда ба-бу деган товушлар эшитилди. (Ҷ.А.)
3. Чол ўғлининг елкасига бош қўйганича пиқ-пиқ йиғларди. (Ж.Абд.)
4. Ғала-ғовур бирдан тиниб, майин ва осуда жимлик чўкди. (О. Ё.)
5. Ташқарида кўм-кўк садалар лип-лип этиб орқада коларди. (Н. Ф.)
6. Бугун жуда ясениб олибди. Ялтир-юлтирми-

ей. (Н. С.) 7. Оломон ғув-ғув қайнайди. (О.) 8. Юраги қинидан чикқудай пўк-пўк уради.

9. Дик-дик сакраб отлари ҳар ёк,
Яна кучли юришлар бошлар. (Э. Раҳим)

10. Чумчуқ пир этса, юрагинг ҳам шир этар. (А.Қ.)

11. Бироздан кейин оқиш йўлнинг уфқида бир нима ялт этди.

344-машқ. Кўчиринг. Гаплардаги таклид сўзларни топинг.

1. Ташқарида от туёқларининг дупур-дупури эшитилди. (О. Ё.) 2. Ҳаммаёқни кий-чув, дод-вой босиб кетди. (М.И.) 3. Хи-хи-хи, бачкана кулди чол. (О.) 4. Уларнинг кўлида йилт этиб шам ёкилди. (С.Аҳм.)

5. Олидан жангур-жунгир,
Яқиндан оддий темир. (З. Д.)

6. Бедананинг уйи йўқ, қаерга борса, битбилдик. (М.)

7. Бунча ширин бўлурми бу нон,
Тандир лов-лов кўрин бермаса. (Ҳ.Салоҳ)

345-машқ. Кўчиринг. Гаплардаги таклид сўзларни топинг. Якка, такрорланган ва жуфт ҳолда қўлланган таклид сўзларни топиб, маъносидаги фарқни айтинг.

1. Отақўзи билқ-билқ кум кечиб, асфальт йўлга чикди. (О. Ё.) 2. Тақир-туқур яна зўрайди. (Ш.Тошматов)

3. Шир этганда ўт тушмасин зинҳор,
Пахтакорнинг анор боғига. (Мирт.)

4. Капитаннинг командаси билан йигитлар апил-тапил сафга тизила бошладилар. (Ҳ. Ғ.) 5. Шу он арава чайқалиб, тарак-турук бўлиб кетди. (М. И.)

6. Шамол эсарди ғир-ғир,
Япроқлар шилдир-шилдир. (Қ. М.)

7. Аҳмад бригадир қиҳ-қиҳ кулди. (С. Нуоров) 8. Ишлайдилар окшомгача, безор эди ғув-ғувлардан. (О.) 9. Беморлар палатасининг эшиги ғийт этиб очилди. (С.Ан.) 10. Ғала-ғовур ичида аллакимнинг баланд овози янгради. (М. И.) 11. Замиранинг дук-дук ураётган юраги унга шундай эшитилиб турарди. (Н.С.) 12. Маҳбуба ялт этиб юзимга қаради. (О. Ё.) 13. Эъюзхон тўшакни апил - тапил йиғиб, таҳмонга олиб келиб ташлади. (Ҳ. Ғ.)

Топшириқни бажаринг.

Ўқинг. Гаплардан таклид сўзларни топинг. Уларнинг қайсилари одамга, қайсилари парранда ва қушларга ҳамда турли жонсиз нарсабуюмларга хос товушларга таклид қилинаётганлигини изоҳлаб беринг.

1. Сувнинг шилдир-шилдири кучайди. 2. Ғарч-ғурч қор босиб келяпмиз. (Н. Ф.) 3. Ҳаво тоза. Ғир-ғир шабада эсиб турибди. (С.Аҳм.) 4. Асалхонни қушларнинг чуғур-чуғури уйғотиб юборди. (Х.Ғ.) 5. Атрофдаги овозларга чуғурчукларнинг вижир-вижири кўшилиб кетмоқда. (Х. Н.) 6. Собир катта чойнакдаги чойни култ-култ ютиб, чопикка киришди. (О.)

Товушга таклид сўзлар борликдаги барча товушларга таклид қилиш, уларни қайта такрорлаш асосида ҳосил қилинади: *тарс-турс, чарс-чурс, қурт-қурт, хўр-хўр, қаҳ-қаҳ, гийт, гийқ, тақ, мо-о-о, миёв, тиқ, тўқ, гув-гув, виқир-виқир* каби сўзлар товушга таклид сўзлардир.

Товушга таклид сўзлар кўпроқ жуфт ёки такрор сўз ҳолда қўлланилади. Масалан: *гув-гув, дунур-дунур, дук-дук, тақ-туқ, қий-чув, дун-дун, дир-дир* ва бошқалар.

Товушга таклид сўзлар якка ҳолда, (ғийк-эшик ғийк этиб очилди) куйидаги маъноларни ифодалайди: *тиқ* (этиб кулмоқ), *тиқ-тиқ* (йиғламоқ), *хўр-хўр* (ичмоқ), *култ-култ* (ютмоқ), *гурс-гурс* (қадам ташламоқ), *гун* (этиб йиқилмоқ) каби сўзлар одамга хос товушларга таклидни англатади: *Ҳамма элатлар гўнгир-гўнгир сўзлашиб боришди.*

Миёв, мо-о-о, чирқ-чирқ, виз-виз, гув-гув, зув-зув, ма-а каби сўзлар турли хайвон, парранда ва қушлар товушига таклидни билдиради.

Товушга таклид сўзлар баъзан отлашиб эгаллик ва келишик кўшимчалари билан қўлланади. Гапта кўпинча эга ёки тўлдирувчи бўлиб келади. Масалан: *Кўчада қизларнинг қий-чуви (эга) эшитилди.* («Саодат»дан) *Бог қушларнинг чуғурига (тўлдирувчи) тўлган эди.* (Л. Б.)

346-машк. Кўчиринг. Гаплардаги таклид сўзларни топиб, товушга таклид сўзларнинг англатган маъносини изоҳланг.

1. Тўсатдан тарс-турс милтик отила бошлади. (И. Р.) 2. Мунча курт-курт қилиб чайнайсиз. (А.Қ.) 3. Чайқалган сайин музнинг ўйилган жойидан виқир-виқир сув чиқади. (Н. Ф.) 4. Бирпасда хотишлар чуғур-чуғур бўлиб қолишди. (Ойдин) 5. Ҳалиги овчи кўлини баланд кўтариб, «пўх-пўх», – деб чақира бошлади. (Н.Ф.) 6. Қўрқанимданми ёки совуқданми қалт-қалт титраб, секин сўрадим. (Н. С.) 7. Боғ қушларнинг чуғур-чуғурига тўлган эди. (Л. Б.) 8. Онда-сонда беданаларнинг битбилдиғи эшитилади. (И. Р.)

347-машк. Кўчиринг. Гаплардаги таклид сўзларни топинг, уларнинг товушга таклид маъносини тушунтириб, гапдаги вазифасини изоҳланг.

1. Узоқдан қизларнинг қаҳ-қаҳ овози эшитилди. (О.) 2. Унинг хотини кечгача ғув-ғув чарх йигирарди. (А.Қ.) 3. Чилдирмамизнинг овози ғиж-банг. (С. Аҳм.) 4. «Тарс» этиб чийзор орасидан бешотар милтик отилди. (Ч.А.) 5. Тун кучоғида сон-саноксиз хашаротларнинг ёкимли «чир-чири» га кулоқ солиш қандай марокли. (Ч.А.) 6. Улар баликларнинг чўлп-чўлп сакрашига кулоқ солишиб, ширин хаёлларга чўмишарди. (О.Ё.) 7. Нам ғўзапоё аввал тугади, сўнг чарс-чурс этиб ёна бошлади. (У.Назаров) 8. Беда берсанг, отга бер касир-қусир чайнасин. (Кўшиқ)

348-машк. Отлашган ёки отлашмаган товушга таклид сўзларни топинг, уларни ўзи боғланиб келган сўз билан бирга кўчиринг.

1. Лайло уйда ёлғиз ўтириб, уй томини чертаётган ёмғирнинг тақир-туқурини тинглади. (Ш. Тошматов) 2. Сув жимир-жимир қилиб оқаяпти. (С.Аҳм.) 3. Фақат вагоннинг бир мақомда тебранишидан чиқаётган тарак-туруки ҳоким эди. (С.Аҳм.) 4. Тўлзор ичи қий-чувга, болаларнинг шўхликларига тўлган эди. («Саодат»дан)

5. Шамол эсарди ғир-ғир,

Япроқлари шилдир-шилдир. (В. М.)

6. Биз она-бола ҳўнг-ҳўнг йиғлаб қолардик. (О.)

7. Хўроз деди: қу, қу, қу,

Хўроз жуда кам уйқу. (Қ. М.)

349-машк. Кўчиринг. Гаплардан таклидий сўзларни топинг, тузилишига кўра турини аниқланг, остига чизиб, устига якка, такрорий ёки жуфт эканлигини ёзинг.

1. Арчалар устидан пастлаб учаётган какликларнинг «кийк-кийк» деб кетаётгани аниқ эшитилиб турарди. (П.Қ.) 2. Чодир тарафдан одамларнинг шов-шуви аранг эшитилар эди. («Саодат»дан) 3. Бу шалдир-шулдир овоз тўхтовсиз эшитилмоқда. (С.З.) 4. Пахта ортиб кетаётган машиналар ғув-ғув-ғув ўтиб турибди. 5. Тўсатдан шип-шип кадам товуши эшитилди. (О. Ё.) 6. Даврадагилар шивир-шивир гап бошладилар.

350-машк. Ўқинг. Таклид сўзларни топинг, уларнинг айтилиши ва ёзилиши ҳамда уларда тиниш белгиларининг ишлатилишига диққат қилинг.

1. Фалдур-ғулдур, тарақа-туруқ ўзгаришсиз давом этди. (А. Қод.) 2. Шилдир-шилдир сув оқар, кўшиғи бизга ёқар. (Кўшиқ) 3. Ховлида кий-чув, чапак бўрони бошланди. (О.) 4. Така-так... така-так..., Тақа-туқ.... така-тақа-туқ поезд пишкириб олға чопарди. (Н. С.)

5. Фир-фир эсар эди кузги шабада,

Чирт-чирт этиб тушар эди япроқлар. (С.Назар)

6. Зарофат пик-пик йиғлаганича унинг олдидан ўтиб, эшикка калит солди. (С. Аҳм.)

63-§. ХОЛАТГА ТАКЛИД СЎЗЛАРИ

Топшириқни бажаринг.

Ўқинг. Гаплардан ҳолатга таклид сўзларни топиб, улар аниқланган маъноларини изоҳланг.

1. Ўнг томон мўйлови лип-лип учди. (Мирт.) 2. Йўлакнинг охирида милт-милт ёнган шульа кўринарди. (О. Ё.) 3. Орқадан Холисхоннинг пиш-пиш ухлаётгани эшитилиб турибди. (С.Анб.) 4. Разм солиб қарасам, кўл бети ғуж-ғуж ўрдакка тўлиб кетибди. (С.Аҳм.) 5. Кампир нима дейишини билмай, дир-дир титрарди. (С.Аҳм.) 6. Сув жимир-жимир қилиб оқмоқда. (С.Аҳм.)

Нарса-буюмларнинг кўриш билан боғланган ҳодисаларни ифодалайдиган таклид сўзлар ҳолатга таклид сўзлар дейилади: *лип-лип, ялт-ялт, пилдир-пилдир, ҳанг-манг, аланг-жаланг, жилтанг-жилпанг, мўлт-мўлт, гунг-гунг, лов-лов, апил-тапил, милт-милт, жимир-жимир ялт-ялт* каби.

Масалан: *лип* (этиб ўтмоқ), *лик* (этиб турмоқ), *ярқ-юрқ* (кўринмоқ), *гир-гир* (айланмоқ), *лапанг-лапанг* (юрмоқ), *аланг-жаланг* (ҳадиксираб қарамок), *мўлт-мўлт* (зорланиб мадад сўраб қарамок).

Ҳолатга таклид сўзлар ҳам кўпроқ жуфт ва такрор ҳолда қўлланади, ёзувда улар орасига чизикча қўйилади. Масалан: *Пиёлалар ўн икки шамлик кумуш қандил ёруғида ялт-ялт қилар эди. (М. Осим) Юлдузлар куйган қозон тағидек жимир-жимир қилиб турибди.*

351-машқ. Кўчиринг. Гаплардан таклид сўзларни топинг, ҳолатга таклид сўзларни аниқлаш маъносини изоҳланг.

1. Ташқарида кўм-кўк садалар лип-лип этиб орқада коларди. (Н. С.) 2. Осмонда сийрак булутлар орасида ҳамон милт-милт ёнган юлдузлар кўринарди. (О. Ё.) 3. Чакмоқ ялт этиб кетди. (Ҳ.Н.) 4. Кампир бу сафар лом-лим демай ўтираверди. (Ч.А.) 5. Поезд вагонлари лип-лип этиб ўтиб турарди. (Ҳ. Н.) 6. Қутидор билан Отабек ялт этиб Кумушга қаради. (А. Қод.)

352-машқ. Кўчиринг. Гаплардан таклид сўзларни топиб, уларнинг гаптаги вазифасини аниқланг.

1. Ногаҳон ғала-ғовур кўтариб бир ғала бола кириб келди. (О.) 2. Булбулигўё тез-тез чой хўплар, култ-култ ютар эди. (А.Қ.) 3. Омбор тақа-тақ печатланган-ку, хабарингиз йўқми? (Ҳ.Н.) 4. Ярим кеча эди. Узокдан тасур-тусур ўқ овози эшитилиб қолди. (Л.Маҳмудов) 5. Бу каллада илм йўқ! – деди пешонасига шак-шик уриб Қаландаров. (А. Қ.) 6. Чакмоқ ялт этиб, лип-лип ўтиб кетди. (О.)

353-машқ. Кўчиринг. Таклидий сўзларни топиб, уларнинг грамматик хусусиятларини тушунтиринг.

1. Ғир этган шабада йўқ, дарахтларнинг учи қимирламайди. (Ж. Абд.) 2. Қий-чув аралаш аравалар узоклашиб, туман ичида

кўринмай қолди. (Ч.А.) 3. Қумрини кўриши билан юраги така-пука бўлиб, масалага дарҳол тушунди. (Ч. А.) 4. Сувнинг шилдир-шилдири кучайди. (С. Аҳм.) 5. Фир-ғир эсиб турган майин шабада фарқ пишган ғалланинг хушбўй хидини димокқа келтириб урарди. (Ч. А.)

6. Бурдаланар зогора нон,
Апир-шапир ошар қизлар. (О.)

354-машқ. Ўқинг. Юклама, ундов сўз ва таклид сўзларни топиб, уларни тўлик изохлаб беринг.

1. Оббо, гапни кўп чувадинг-да, – деб бақириб берди Мирзақул. (Ч.А.) 2. Эҳе, у ёққа боришга улов қани? (Ч.А.) 3. Ахир, юракка қил сиғмайдиган шундай кунларда осойишта яшаб бўлармиди. (Ч.А.) 4. Фақат хурсандлик билан, ўйин-кулги билан кузатишингиз керак. (В. Ғофуров) 5. Рустам ака, сиз саёҳатга кетаётганингиз йўқ-ку. (В. Ғофуров) 6. О, унинг кўзлари нақадар чиройли. (С. Аҳм.) 7. Менинг кўнглимда ялт этиб чақнаган ёшлик ҳислари бир нафас оғушига олгандек бўлди. (С. Аҳм.)

355-машқ. Ўқинг. Ундов ва таклид сўзларни топиб, ўхшаш ва фарқли томонларини тушунтиринг.

1. Вой, сени кара-ю, жимжитликни мен бор жойдан кидиряпсанми? (С.Аҳм.) 2. Эҳ, аттанг, у ерда ҳам ишлашини айтсам бўлар экан. (Ш.) 3. Ҳой, бўшанг йигит овозингни бир чиқарсанг-чи! 4. Бай-бай, бунинг хидини қаранг. (Ш.) 5. Оҳ-оҳ, қани энди кетма-кет келиб турса. (Ш.) 6. Офарин! Жуда тўғри, ўхшатдингиз. (Ш.) 7. Ие, ҳали яна ёзмоқчимисиз? Шоирмисиз, мунча ёзишни яхши кўрасиз. (Ш.)

Такрорлаш

Саволларга оғина жавоб беринг

1. Қандай сўзлар таклид сўзлар дейилади?
2. Таклид сўзлар бошқа ёрдамчи сўзлардан нимаси билан фарқ қилади?
3. Таклид сўзларга мисоллар келтиринг.

Топшириқларни ёзма бажаринг

1. Товушга таклид сўзларга 5-6 гап ёзинг.
2. Ҳолатга таклид сўзларга 4-5 гап ёзинг.
3. Тўртга таклид сўзлар иштирок этган гап ёзинг. Таклид сўзларнинг гаптаги вазифасини тушунтиринг.
4. Отлашган таклид сўз иштирок этган тўртга гап ёзинг.

356-машқ. Адабиёт дарслик мажмуасидан бирор матн танлаб ўқинг ва таклид сўз иштирок этган олтига гапни топиб, дафтарингизга ёзинг.

Таклид сўзни таҳлил қилиш тартиби

1. Қайси сўз туркумига мансублиги.
2. Нимага таклид эканлигига кўра тури. (Товушга таклид, ҳолатга таклид)
3. Қайси сўзга боғланиб келгани.
4. Таклид сўзнинг тузилишига кўра тури. (Якка, такрорий ва жуфт ҳолда қўлланиши).
5. Отлашган ёки отлашмаганлиги.
6. Гаптаги вазифаси.

Намуна: Тасир - тусур кучайди. (Ҳ. Ғ.)

Тасир - тусур сўз туркуми; алоҳида олинган сўзлар; таклид сўзлар; товушга таклид; жонсиз предметга таклид; кучайди сўзи билан боғланиб келган; тузилишига кўра жуфт ҳолда қўлланган. Отлашмаган; бош келишида; гапта эга вазифасида келган.

357-машқ. Берилган гаплардаги таклид сўзларни таҳлил қилиш тартибига таяниб, таҳлил қилинг.

1. Оломон ғув-ғув қайнайди. (О.) 2. Чор - атроф япроқларнинг шивир-шивирига тўлди. (Ў.Х.) 3. Тўсатдан ҳовлида лип-лип кадам товуши эшитилди. (О.Ё.) 4. Кўра орқасида арава ғилдирақларининг тақир-туқури эшитилди. (Ҳ. Ғ.) 5. Жимликни Санобарнинг пик-пик йиғиси бузди. (С.З.) 6. Олмадаги майна бўлса, «чаҳ-чаҳ», «чух-чух» билан чумчуқларнинг бетартиб симфониясига жўр бўлади. (Ҳ. Ғ.) 7. Осмонда сийрак булутлар орасида ҳамон милт-милт ёнган юлдузлар кўринарди. (О.Ё.) 8. Карнайчилар ҳам чиқишибди, ват-вутлари билан халқ шодлигини кўкларга кўтарди. (М.И.) 9. Қулоғига одамларнинг шивир-шивири кириб қолди. (Ҳ.Қ.) 10. Боғда кимлардир ғўнғир-ғўнғир гаплашар эди. (С. Анб.)

11. Шилдир-шилдир сув оқар,
Сув тагидан кум оқар. (Кўшиқ)
12. Ғув-ғув, тақ-тақ, қий-чувлар,
Топинг-чи, қандай сўзлар? (Топишмоқ)

Таклид сўзлар юзасидан тест - синов саволлари

1. Қайси хусусият таклид сўзга хос эмас?

- A. Таклид сўз яқка ҳолда қўлланиши мумкин.
- B. Таклид сўзлар жуфт ёки такрор ҳолда қўлланиши мумкин.
- C. Таклид сўзлар баъзан отлашиб, эгалик, келишиқ кўшимчалари билан қўлланади.
- D. Таклид сўзлар муस्ताқил сўзлар каби гап бўлаги бўла олади.
- E. Жавобларда кўрсатилган барча хусусиятлар барча таклид сўзларга хос.

2. Отлашган таклид сўз иштирок этган гапни топинг.

- A. Шивир-шивир гаплар тўхтамади.
- B. Оломон ғувур-ғувур кайнайди.
- C. Юраги гуп-гуп этиб уриб кетди.
- D. Токчага ин курган мусичанинг ғув-ғуви эшитилади.
- E. Таклид сўзлар отлашмайди.

3. Товушга таклид сўз қайси гап таркибида қўлланган?

- A. Осмонда юлдузлар ғуж-ғуж.
- B. Бай-бай, зап чой бўлибди-да.
- C. Ялт-юлт этиб чакмоқ чалди.
- D. Бир томонда чарс-чурс билан гулхан ёнади.
- E. Тулки ҳам лип этиб ғойиб бўлди.

4. Ойдинда чиройли иштираган чиллаки луччак шафтолилар дува-дува тўкилади. Ушбу гаптаги таклид сўз қандай синтактик вазифани бажармоқда?

- A. Аниқловчи
- B. Ҳол
- C. Кесим
- D. Тўлдирувчи
- E. Эга

5. Тақлид сўзни аниқланг.

- А. Вой
- В. Фир-фир
- С. Вой-вой
- Д. Кишт
- Е. Ура

6. «Атрофдаги овозларга гала-гала чугурчуқларнинг вижир-вижери қўшилиб кетмоқда» гапдаги тақлид сўзларнинг турини аниқланг.

- А. Ҳолатга тақлид
- В. Товушга тақлид
- С. Ҳаракатга тақлид
- Д. Кўринишга тақлид
- Е. Бу гапда тақлид сўз иштирок этмаган.

7. Ҳолатга тақлид сўзлар қаторини топинг.

- А. Лик-лик, култ-култ, пих-пих.
- В. Йилт-йилт, жиқ, дик.
- С. Чарс-чурс, тақ-туқ, лип.
- Д. Тап-тап, физ-физ, ханг-манг.
- Е. Чип, ялт, ликанг-ликанг.

8. Даврадагилар шивир-шивир гап бошладилар. Ушбу гапдаги шивир-шивир сўзи қайси сўзлар туркумига мансуб?

- А. Равишга
- В. Тақлид сўзга
- С. Сифатга
- Д. Модал сўзга
- Е. Ундов сўзга

9. Ўзбек тилида тақлид сўзлар қандай феъллар билан бирикади?

- А. Тўликсиз феъллар билан
- В. Кўмакчи феъллар билан
- С. Мустақил феъллар билан
- Д. А ва В жавоблари.
- Е. А, В, С жавоблари.

10. Таклид сўзлар кўмакчи феъллар билан birlikда қўлланса қандай номланади?

- A. Кўмакчи феълли сўз қўшилмаси.
- B. Сўз бирикмаси.
- C. Қўшма феъл.
- D. Таклид сўзлар кўмакчи феъллар билан birlikда қўлланмайди.
- E. Мураккаб таклид сўз.

11. Ёқимли тонг шамоли гир-гир эсмоқда. Ушбу гаптаги таклид сўзнинг гаптаги вазифасини аниқланг.

- A. Ўрин ҳоли
- B. Пайт ҳоли
- C. Тўлдирувчи
- D. Вазият ҳоли
- E. Аниқловчи

12. Гап таркибидаги товушга таклид билдирган сўзларни топинг.

- A. У киши хингир-хингир куларди.
- B. ... ой тангалари сув бетида милт-милт оқади.
- C. Тун сукунатини от туёқларининг дупури бузди.
- D. Тер оқади манглайдан дув-дув.
- E. А ва Д.

13. Бозорда оломон ғув-ғув қайнайди. Гаптаги таклид сўз қандай гап бўлаги вазифасида келади?

- A. Эга
- B. Кесим
- C. Ҳол
- D. Аниқловчи
- E. Тўлдирувчи

14. Қайси қатордаги гапта таклид сўз иштирок этган.

- A. Япроқ тўкила бошлади.
- B. Бир томонда чаре-чурс билан гулҳан ёнади.
- C. Эҳ, тоғ халхининг тўйини кўрмабсиз!
- D. О, қандай бахтли инсонман.
- E. Билмайман.

15. Юраги дук-дук урди. Гаптаги таклид сўз қайси жавобда тўғри таҳлил қилинган?

- A. Дук-дук таклид сўз ҳолатга таклид билдирувчи сўз, юраги сўзига боғланади (юраги дук-дук). Ҳол.

В. Дук-дук ундов сўз. Урди сўзига боғланади (дук-дук урди). аниқловчи.

С. Дук-дук таклид сўз. Товушга таклид билдирган сўз, урди сўзига боғланади (дук-дук урди). Ҳол.

Д. Дук-дук таклид сўз. Юраги сўзи билан боғланган, эга.

Е. Дук-дук ундов сўз. Урди сўзига боғланган, кесим.

Билиб олинг.

ҚОМУСИЙ БИЛИМЛАР СОҲИБИ (БЕРУНИЙ ҲАҚИДА)

Қомусий билим соҳибни Абу Райҳон Беруний 973 йили Хоразмнинг Кот шаҳрида дунёга келади. У дастлабки таълимни она шаҳрида олади. Ёшлигидан аниқ фанларга, тил ўрганишга қизиқади. Ўша даврнинг машҳур олими Абу Наср ибн Али Ироқдан илми нужум (астрономия), риёзат (математика) дан дарс олади. 17 яшарлигида илк астрономик кузатишларни ўтказди. Беруний қадимги Хоразм, Сўғд, Юнон ва қадимги ҳинд тили санскритни пухта ўрганади. Сомонийларга тобе бўлган тож - тахт учун кураш кучайиб кетади. 22 яшар Беруний ватанини тарк этиб, Эроннинг Рай шаҳрига боради. Кўп олимлар, жумладан, астрономик асбоблар ихтирочиси Абу Махмуд Хўжандий билан учрашади. Икки йилдан сўнг Беруний ўз Ота юртига келади. Бухоролик ёш олим Абу Али ибн Сино билан хат орқали танишиб, мунозара ўтказди. 998 йили Гурганж вилоятининг амири Қобус ибн Вашимгир ўз саройига таклиф этади. У бу ерда Абу Саҳл Масихий билан дўстлашади. Масихий астрономия ва математикага оид 12 та рисоласини Берунийга бағишлаган эди.

Беруний бу ерда жиддий ижодий ишлар билан шуғулланади ва Қобусга бағишлаб «Қадимги халклардан қолган ёдгорликлар» асарини ёзади. Бу асарда олим ўзига маълум бўлган барча халкларнинг йил ҳисобини чуқур таҳлил қилган; этнография, минерология, картография ва бошқа ўнлаб фанлар ҳақида ҳам фикр юритган.

Абу Райҳон Беруний Султон Махмуд ҳукмронлиги даврида Шимолӣ Ҳиндистоннинг кўп вилоятларига саёҳат қилади. У 13 йил давомида ҳинд халқи адабиёти, тарихи, маданияти, урф-

одатини ўрганиш билан шуғулланиб, «Ҳиндистон» номли китобини ёзди.

Олим умрининг охириги йилларида «Минерология», «Қонуни Маъсудий», «Сайдана» сингари асарлар яратди. Тиббиётга бағишланган «Сайдана» асарида мингдан ортиқ доривор моддаларни таърифлаган, уларнинг номини 30 тилда берган. Беруний ўз асарларини ўша давр илмий аъёнасига кўра араб тилида ёзган, ўзи шеърлар битган, араб шоирларнинг шеърларини шарҳлаган.

Бобокалонимиз 1048 йили 75 ёшда Ғазнада вафот этди.

Берунийнинг 152 та асар ёзгани, 1036 йилгача ёзган асарларини рўйхатини шахсан ўзи тузгани бизга маълум. Афсуски, бу асарлардан 30 тасигина бизгача сақланиб қолган.

Ҳамиджон Ҳомидий

64. §. МОДАЛ СЎЗЛАР

Умумий маълумот

Тошшириқни бажаринг.

Ўқинг. Модал сўзларни топинг, англагган маъносини изоҳланг.

1. Ўқиш, ўрганиш иштиёқи билан ишлаш, шубҳасиз, ғалабаларга етказар. (О.) 2. Ётиғи билан тушунтира олмадим, шекилли, сенга. (Ж. Абд.) 3. Афсуски, иккаламиз ҳам умр баҳоримизни кўролмадик. (Ё. Ш.) 4. Хуллас, Толибжон ёшлиқ йилларини кўз олдига келтирди. (С. Аҳм.) 5. Балки, у мудҳиш хатарнинг шарпасини сезгандир. (О. Ё.) 6. Кенгаш яхши ўтган, чамаси, Ғиёсиддиновнинг вақти чоғ эди. (П. Қ.) 7. Хайрият, чин дилдан кўнглимни кўтарадиган одам ҳам бор экан. (А. Абд.) 8. Демак, мактабни битириб ўқишга кирмоқчисан. (Р. Ф.)

Сўзловчининг ўзи айтаётган фикрга бўлган муносабатини ифодаловчи сўзлар модал сўзлар дейилади. Масалан: *Раҳмат, холажон! Албатта, идорага бораман, – деди Ўткир.* (С. Иб.) *Аёلسиз ҳовли, табиий, супурилиб-сидирилмаган бўлади.* (В. Ф.) *Дарҳақиқат, бугунги сайр эсда қоладиган бўлди.* (Ж. Абд.)

Модал сўзлар ясалиш, шакл ясовчи кўшимча олиш хусусиятига эга эмас. (Айрим модал сўзлар таркибидаги ясовчи ва келишик кўшимчалари ўз вазифасини йўқотиб қотиб қолган: *шубҳасиз, шаксиз, афтидан*). Бундай сўзлар ҳам маълум сўроққа жавоб бўлмайди. Бу жиҳатдан ёрдамчи сўзларга ўхшайди. Аммо гапда кириш сўз вазифасини бажаради. Масалан: *Бу, шубҳасиз, бизнинг ютугимиз. (А.Қ.)*

Модал сўзларнинг ўзи гап бўлиб келиши мумкин. Масалан: *Бугун театрга борасиз - ми? - Йўқ.*

358-машқ. Кўчиринг. Модал сўзларни топиб, унинг хусусиятини тушунтиринг, тагига чизинг.

1. Албатта, тикиб бераман, лекин кейинроқ. (С.Иб.) 2. Қадрини билган кишига, шубҳасиз, жондир китоб. (Ҳ.Ҳ.) 3. Дарҳақиқат, Хусаналининг уйда меҳмон бор эди. (Ж.Абд.) 4. Кимдир бизни синаяпти, шекилли. (Н. Ризаева)

5. Балки у ерларда кўп дилбар

Манзаралар жилва қилгандир. (У.)

6. Афтидан, эшаги бу ерда тўхтамайди. (И.Р.) 7. Ҳар бир ишнинг чамаси бор, ҳар бир дарёнинг кемаси. (Оталар сўзи) 8. Агтанг, от бўлганда орқасидан тушар эдик. (П.Т.)

359-машқ. Кўчиринг. Модал сўзларни топинг, улар сўзловчининг айтилаётган фикрига қандай муносабати ифодаланганини тушунтиринг.

1. Лозим сизга ҳар тилни билув она тилидек. (А.Ўтар) 2. Бу, эҳтимол, бутун борлиқни захарлайди. (О.) 3. Усмон Носир – шубҳасиз, қатга истейдод эгаси. 4. Билим, маърифат, албатта, яхши ахлоқ билан безаги бўлмоғи лозим. (М.Қ.) 5. Дарвоқе, Мирюсуф акамларнинг соғликлари қалай? (М.Қ.) 6. Афсуски, мактовга яраша иш қилганимиз йўқ. (И.Р.) 7. Ҳамманинг кўзи йўлда. Ниҳоят поезд кўришди. (Ч.А.) 8. Демак, одамда ўз-ўзини енгитишга ҳам вақт, куч, ирода топилар экан. (С.Раж.) 9. Майли, хафа бўлманг, бошлиққа ўзим ётиғи билан тушунтириб қўяман. (М.Ю.О.)

360-машқ. Ўзингиз албатта, шубҳасиз, ҳайрият, эҳтимол, афсус модал сўзлари иштирок этган гаплар тузинг, модал сўзлар аниқланган маъносини тушунтиринг.

361-машк. Нукталар ўрнига кўйиш учун берилган модал сўзлардан мосини кўйиб, кўчиринг.

1. ... гўзалликда кўркам Қрим соҳилларидан қолишмайди Қирғизистоннинг табиати. (Ч.А.) 2. ... Юсуфбек ҳожига бу ваъдаларнинг ҳеч аҳамияти йўқ. (А.Қод.) 3. ... Ҳалиги овчи кўлнини баланд кўтариб, «пўх-пўх», – деб чакира бошлади. (Н.Ф.) 4. Сизнинг келишингиздан у кишининг хабарлари йўқ. (Ж.Абд.) 5. ... мен буни шу бугун, ҳозир билиб колдим. (О.Ё.) 6. ... уни бу ишга мажбур этаётган қандайдир бошқа сабаблар бор. (О. Ё.) 7. ... у мени юпатмокчи бўлди. (Ч.А.) 8. ... эзгу ишнинг кечи йўқ. (О.)

Кўйиш учун сўзлар: *умуман, худлас, афтидан, хойнаҳой, албатта, шекилли, афсуски, ажабо, демак.*

362-машк. Адабиёт мажмуасидан бирор матни ўкиб, ундан модал сўз иштирок этган гаплардан 8 тасини танлаб дафтарингизга ёзинг.

65 - §. МОДАЛ СЎЗНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ

Тошширикни бажаринг.

Гапларни ўқинг. Улардан модал сўзларни топинг, остига чизинг, англаган маъноларини изоҳланг.

1. Хойнаҳой, бизникига тушмасдан кетмассан. (У.) 2. Ниҳоят, биз манзилга етиб келдик. (Х.Н.) 3. Айтгандай, сизни зарур иш билан Равшанжон излаб юрган эди. (Туйғун) 4. Афсуски, ёзувчининг шакл-шамойили жуда ҳам турфа, фоят ранг-баранг. (А.О.) 5. Биринчидан тўғри бўлинглар, иккинчидан ёлғон гапирманглар. (Эрт.) 6. Балки уни ҳар кўрганингизда нафратланаётган бўлсангиз керак. (С.Ражабов) 7. Тўғри, болаларидан сира хафа бўлмаган эди. (М.Ю.О.) 8. Шубҳасиз, кўприк шу ерга якин жойда. (В.Катаев).

Модал сўзлар қуйидаги маъноларни англатади:

1. Фикрнинг аниқлигини: *албатта, шубҳасиз, табиий, дарҳақиқат, ҳақиқатан* каби сўзлар;

2. Гумон, ноаниқликни: *эхтимол, хойнаҳой, балки, чоғи, афтидан, чамаси, шекилли* каби сўзлар;

3. Мақсад, шарт, талаб: *керак, даркор, лозим, шарт* каби сўзлар;

4. Мавжудлик ва тасдиқни: *майли, хўп, тўғри, тузук* каби сўзлар;

5. Мавжуд эмаслик, инкор, эътирозни: *йўқ* сўзи;

6. Маъқуллашни: *дуруст, бўпти* каби сўзлар;

7. Яқунлаш ва таъкидни: *демак, хуллас, модомики* каби сўзлар;

8. Эслатишни: *дарвоқе, айтгандай, айтмоқчи* каби сўзлар;

9. Ачиниш, таассуфни: *афсус, аттанг* каби сўзлар.

363-машқ. Кўчиринг. Модал сўзларнинг тагига чизиб, англаган маъносини тушунтириб беринг. Тиниш белгиларини қўйинг.

1. Чамаси ўзи киролмагандан кейин, Гўзал кудағайини ишга солганга ўхшайди. (О.Ё.) 2. Афсуски биз шундай ишларга эътиборсиз қараймиз. (А.Қ.) 3. Афтидан ичкарида бошқа меҳмонлар ҳам бор экан. (Ж.Абд.) 4. Майли мусобақадорларнингизга ёрдам беринг. (Х.Нўъмон) 5. Энди биз билан келмайдими? Йўқ Энди бутунлай келмайди. (М.Ю.О.) 6. Дарвоқе менинг унга нима керагим бор. (Ч. А.) 7. Бўпти ака, бир оғиз сўзингиз. (А.Абд.) 8. Табиийки уларнинг иноқлиги бошқаларнинг ғашини кўзғарди. (Р.Хўжанова)

364-машқ. Ўзингиз *шубҳасиз, афтидан, эҳтимол, аттанг, хуллас, дуруст, модомики, тўғри айтмоқчи* каби модал сўзлар иштирок этган гаплар ёзинг, англаган маъноларини тушунтиринг.

365-машқ. Нукталар ўрнига қўйиш учун берилган модал сўزلардан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Шу хатлардан иккитасини шўхрок йигит ёзган экан.... умрини берсин. (А.Қ.) 2. ... Тўғонбек бизнинг кўнглимизни очкусидир. (О.) 3. ... шу маҳалгача ҳаётнинг, ёшликнинг қадрини билмаган бир гўдак экан. (О.Ё.) 4. Билмадим, чинми чин эмасми, ... изингиздан эшитгандек бўлган эдим. (А.Қод.) 5. ... , илгари ўзбек кизларига ҳос ифбат, уятчанлик, одоб - ахлоқ, вафо ва садокатни олайлик. (О.Ё.) 6. ... мақташса, кўқларга кўтаришса, кишиларга ёқмайдим. (Ё.Аҳмедов) 8. ... у кишининг сизнинг келишингиздан хабари йўқ. (Ш.)

Қўйиш учун сўзлар: *хайтовур, ҳойнаҳой, тўғри, масалан, демак, шекилли, албатта, майли.*

366-машқ. Ўзингиз мустақил ўқиган бадний асарлардан модал сўзларнинг маъно турларининг ҳар бирига биттадан гап ёзинг.

66-§. МОДАЛ СЎЗЛАРНИНГ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ БИЛАН ИФОДАЛАНИШИГА ҚЎРА ТУРЛАРИ

Тошшириқни бажаринг.

Ўқинг. Модал сўзларни топинг, остига чизинг, ифодаланишини тушунтириб беринг.

1. Арслонбек акам, афтидан, менга жазо берадилар. (А.Қ.)
2. Дарҳақиқат, меҳнат фронтининг қайси жабҳасига кўз ташламанг ёшларнинг қилган ишларини кўриб хурсанд бўласиз. (М.Каримов)
3. Сўздаги ноаниқлик, шубҳасиз, фикр ноаниқлигининг аломатидир. (Л.Толстой)
4. Сизнинг ишингиз ҳам меникига ўхшаб кеч тугайди, шекилли. (С.З.)
5. Демак, нозик жой дегин, Ҳомидбой. (А.Қод.)
6. Бу кунларни биламан, меҳнат яратди. (Ғайратий)
7. Ниҳоят, бир куни чидай олмай, ўзи гап очди. (М.Иб.)

Модал сўзлар куйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади:

1. От билан: *ҳақиқатан, дарҳақиқат, чамаси, афтидан, афсус, одатда.* Масалан: *Бу хатти бир вақтлар ҳақиқатдан Гултор ёздирган эди. (О.)*

2. Сифат билан: *шубҳасиз, сўзсиз, шекилли, табиий, тўғри, рост, яхши, маъқул.* Масалан: *Бизга ҳаловат ёт шекилли, ака. (А. Абд.)*

3. Сон билан: *биринчидан, иккинчидан, учинчидан, бир томондан, иккинчи томондан.* Масалан: *Биринчидан, қишлоқни албатта ёритиш керак. (О.)*

4. Олмош билан: *менингда, сенингда, унингча, бизнингча, сизнингча, ўзингизча.* Масалан: *Сизнингча, бу масала қандай ҳал бўлади. (Газ.)*

5. Феъл билан: *биламан, биласан, эшитдим, айтайлик, келинг, қаранг, десанг, айтмоқчи.* Масалан: *Билмайман, менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ. (Ч. А.)*

6. Равиш билан: *асосан, хусусан, тахминан, умуман, дастлаб, даставвал, айтгандай, аксинча, ҳақиқатан.* Масалан: *Албатта, ўзаро яхши ният билан иш бошланса, чора топилмай қолмайди. (М. Ибр.)*

7. Ёрдамчи сўзлардан: *балки, кошки, ҳатто, ҳайтовур.* Масалан: *Ҳайтовур, ишингиз чакки эмас ўхшайди. (О.)*

8. Сўз бирикмасининг кўшма сўзга айланишидан: *ҳар қалай, ҳар ҳолда, хуллас калом.* Масалан: *Хуллас калом, сабрни, қаноатни унутма.*

367-машқ. Кўчиринг. Модал сўзларни топиб, уларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланганлигини тушунтиринг.

1. Афсуски, Софья йўқ, бу ишларга у жуда уста эди. (М.Г.)
2. Менимча, у йигитга ишонса бўлади. (М.Г.) 3. Ҳар қалай, у сенчалик кўп азоб чекмаган бўлса керак. (М.Ибр.) 4. Тўғри, иш анча мушкуллашди. (О.) 5. Сиз, албатта, нимага чақирди экан деб, ўйлаётган бўлсангиз керак. (М.Ибр.) 6. Эҳтимол, у нутқ тингловчи одамларга малол келарди. (М.Г.) 7. Кўплашиб шу ботқоқни куритсак, биринчидан учинчи бригада очадиган ер яхлит бўлади. (А.Қ.) 8. Бизнинг фикримизча, бу усулни барча фермер хўжаликларида жорий қилиш керак. («Дийдор»дан)

368-машқ. Ўзингиз *шубҳасиз, афтидан, эҳтимол* сўзлари иштирокида иккитадан гап тузинг.

369-машқ. Ўқинг. Юклама ва модал сўзларни топиб, улар орасидаги фарқли томонларини изоҳланг.

1. Мана, ниҳоят, Дилдорнинг қораси кўринди. (С.Ахм.) 2. Вой, илм увол эмасми, нега ишламайсиз? (А.Қ.) 3. Ахир, ҳар бир давр ўз романтикасини яратади-ку! (Ж.Абд.) 4. Афтидан, мустақил ҳаёт кечирмокка илк бор қадам қўйиш ҳам кишида ҳаяжон уйғотар экан. (Ж.Абд.) 5. Синфдошлар фақат ширин хотираларнинггина элашга уринишди. (Ж.Абд.) 6. Вой, ғалати гапни гапирасиз-а, домласи, она ўз боласига ёмонликни раво кўрадимми? (А.Қ.) 7. Ҳайрият, шунақа ўртоқларингиз ҳам бор экан! (Ш.) 8. Ҳақиқатда, менинг бошимга тушган мусибат оғир эди. (Ш.)

370-машк. Нукталар ўрнига кўйиш учун берилган модал сўзлардан мосини кўйиб, гапларни кўчиринг.

1... Даврон унга жой банд қилиб ўтирибди. (П.Қ.) 2. ... водопроевод қуриб улгурмасдан, бу посёлка ҳам кераксиз бўлиб қолар! (П.Қ.) 3... айтдингиз, сизга ўхшаган кадрлар ҳамма жойда керак. (С.Раж.) 4. ...Анварга кўп меҳнатим синган. (А.Қод.) 5. Ҳозир ҳаммасини айтиб берардим-у, ... уйларингга келдик. (О.Ё.) 6. Бугун учрашолмаймиз... вазиятга қаранг. (М.Ю.О.) 7. ... озод яшаш-чун ёвларга бермаймиз омон. (З.Д.) 8... бу гапнинг ўрни йўқдир. (С.З.)

Кўйиш учун сўзлар: *балки, демак, майли, шекилли, аттанг, дарвоқе, тўғри, эҳтимол, афтидан.*

371-машк. *Албатта, табиий, сўзсиз, ажабо, хусусан, аксинча, чамаси, дуруст* каби модал сўзлар иштирок этган 8 та гап ёзинг, уларнинг англаган маъносини тушутиринг.

67 - §. МОДАЛ СЎЗЛАРНИНГ ГАПДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Топшириқни бажаринг.

Ўқинг. Гаплардаги модал сўзларни топинг, уларнинг гапдаги вазифасини аниқлаб, тушунтириб беринг.

1. Ҳақиқатдан, чолнинг меҳнат қилгани кўриниб турарди. (С.Назар) 2. Меҳмонлар бугун Ўшдан, албатта, келади. 3. Ҳамма номаълум сирнинг очилиши, шубҳасиз. 4. Ҳамма, афтидан. Тўлаган билан Фарҳоднинг фикрини қутмоқда эди. (Х.Н.) 5. Ҳайрият, бизнинг бағримизга ҳам офтоб тегар экан. (О.Ё.) 6. Эртага, албатта, бизниқига боринг, бафуржа гаплашамиз. (Ч.А.) 7. Тиллабой, чамамда, феъли айниб, хиёнат кўчасига қирганга ўхшайди. (О.)

Модал сўзлар гап таркибида келиб, асосан қуйидаги синтактик вазифаларни бажаради:

1. Диалогларда аввал айтилган фикрга муносабатни ифодалаб, сўз - гап вазифасида келади. Масалаи: «Учувчилик бизнинг ишимиздан ҳам оғир, шундай эмасми?» – «Албатта». (Ойдин)

2. Кириш сўз вазифасида келади. Масалан: *Афсуски, Аброрбек тўғни дарвозага кирита олмади. Шубҳасиз, топириқ ўз вақтида бажарилади.*

3. Кесим ва ҳол вазифасида келади, у вақтда бундай вазифада *албатта, шубҳасиз, эҳтимол*, балки модал сўзлари кўпроқ қўлланади. Масалан: *Пахтачиликда не-не азоб-уқубатларни бошдан кечирган Даврон акани таниш қийин, албатта. (Ё.Ш.)*

372-машқ. Ўқинг. Гаплардаги модал сўзларни топиб, уларнинг маъно турларини тушунтириб беринг. Тиниш белгиларини тўғри қўйинг.

1. Мазмунидан бу тортишув олдинроқ бошланган экан.

(Х.Н.) 2. Дўстинг учун захар ют деган гап бор. (О.) 3. У ердан чўлларга сув оқиши керак. (О.) 4. Тухматчи ўйнаб-кулиб юрса, майли экан-да. (А.Қ.) 5. Сиз балки менинг тилимни тушунарсиз. (А.Қ.) 6. Эҳтимол бугун келиб қолар. (Ҳ.Ҳ.) 7. Тўғри энди ҳар қанча бўлса ҳам, сабр - қаноат керак. (О.Ё.) 8. Кун бўйи қўй боққан чўпонлар чайла олдидан ўт ёқишлари табиий. (Ш.Р.) 9. Ҳайрият шунақа ўртоқларингиз ҳам бор экан. (Ш.)

373-машқ. Нукталар ўрнига аниқлашган маъносига кўра мос модал сўзлар қўйиб гапларни кўчиринг.

1. ... ўзинг нима демоқчисан энди – Махфуза? (Н.Ризаева) 2. ... жанобларининг ҳукми жиддий. (У.) 3. ... мен сизни ранжитдим. (У.) 4. ... вақтинча, ўша ерга кўчиб ўтарсизлар. (С.Иб.) 5. Ўткангизни ёрдим Фармон ота. (Ж.Абд.) 6. ... Чет элларда кўп ишлар қилган бўлишингиз мумкин. (С.Аҳм.) 7. Ҳаво булут ... ёмғир ёғар. (С.Аҳм.) 8. ... ғийбат оддий кўрингани билан жуда ёмон излар қолдирувчи гуноҳи кабиралардандир. (Ҳадис)

374-машқ. *Албатта, ҳайрият, эҳтимол, афсус, афтидан, балки, умуман, дарҳақиқат* модал сўзлари яшироқида гаплар ёзинг. Аниқлашган маъноларини тушунтиринг.

375-машқ. Ўқинг. Гаплардаги ундов, тақлид ва модал сўзларни топинг, уларни гуруҳлаб кўчиринг. Модал сўзларни тагига чизиб, маъносини изоҳланг.

1. Ошхонадан чиқсак, вой-бўй, ховлига бола демаган сиғмай кетибди. (Х.Т.) 2. Сувдан салқин шабада эсар, майини тўлқинларнинг қирғоққа чилп-чилп урилиши ёқимли эшитиларди. (Ж.Абд.)

3 Гулдур-гулдур, тарака-турук ўзгаришсиз давом этади. (А.Қод.)
4. Майли, бир кутини эрмак киламан десаларинг, ўзларингиз биласизлар. (А.Қ.) 5. Балли, бу шароитга мослашиш белгиси. (С.Анб.) 6. Эҳтимол, биларсиз, Бўз сувнинг нақ бўйида, уч-тўрт туп жийда ўсган бир хилват жой бор. 7. Вой, мен сизни йиқилиб қолмасангиз, деб шунчалар кўрқдим! – деди Муқаддас. (О.Ё.)

8. Эҳтимол, туну кун шу қирлар кўксига
Ўйин қилгандирсиз тинмасдан сира. (У.)

БИЛИБ ОЛГАН ЯХШИ БАЛИК ХАКИДА

Балик гўшти ҳам ҳайвон ва парранда гўшти каби тўла қимматли ҳайвонот оксилларидан бири ҳисобланади. Балик гўшти осон ҳазм бўлади ва танага яхши сингади.

Музлатилган ёки тузланган баликнинг сифатини аниқлаш учун унга иссиқ пичоқ ёки ошпазлик игнасини санчиб кўрилади. Бадбўй ҳид чиқса, демак, сифати ёмон бўлади.

Янги баликнинг тангаси яхши ёпишиб туради, териси каттик, кўзлари ялтироқ, ойкулоғи қизил бўлади. Уринган балиқ юзаси шилимшикли, кўзлари ичига ботган, хира, сувда чўқади, янги балик чўкмайди.

Баликни бир неча секундча кайнаб турган сувга солинса, тангалари осон кўчади.

Баликни (треска, денгиз окуни, камбалани) сирка кўшилган совук сувда 2-3 соат саклаб турилса, ўзига ҳос хидини йўқотиш мумкин. Бундай баликка тузланган бодринг, ёки помидор суви ёки петрушка, пиёз, лавр барги ва қорамурч кўшиб қайнатиш лозим.

Баликни баланд оловда қайнатиш ярамайди, чунки бунда гўшти каттик, шўрваси хира бўлиб қолади. Баликни ковуришдан олдин сутга солиб кўйиб унга қорилса ва кўпроқ ёғда ковурилса, мазали бўлади. Уни 15-20 минут лимон шарбати, ўсимлик мойи, туз, пиёз ва кўкат аралашмасига солиб кўйилса, мазаси яхши бўлади.

Балиқ бўлақларига туз сешиб кўйсангиз, ковураётганда майдаланиб кетмайди. Балиқ ва балик маҳсулотлари жигар, юрак касалликларини, склероз, гепертония касаллиғи, қон босими касалликларига даво ҳисобланади.

Т. Худойшукуров

Топширик

Юқоридаги маттни ўқинг, режа тузинг, баён ёзинг.

Такрорлаш

Оғзаки жавоб беринг.

1. Модал сўзлар нима?
2. Модал сўзлар қайси жиҳатлари билан ёрдамчи сўзларга ўхшайди?
3. Модал сўзлар англатган маъноларига кўра қандай турларга бўлинади?
4. Модал сўзлар қандай сўз туркумлари билан ифодаланади?

Топшириқларни ёзма бажаринг

1. Ишонч билдирувчи модал сўзларга 5 та мисол келтиринг.
2. *Эҳтимол, балки, шекилли, афтидан* гумон маъноли модал сўзлар иштирок этган 4 та гап ёзинг.
3. Модал сўзларнинг гапдаги вазифаларига биттадан мисол ёзинг.

Модал сўзни таҳлил қилиш тартиби

1. Модал сўзлар қандай сўзлар туркумига мансуб? (Мустақил сўзлар, ёрдамчи сўзлар, алоҳида олинган сўзлар);
2. Модал сўзларнинг англатган маъноларига кўра тури;
3. Қайси сўз туркуми билан ифодаланганлиги;
4. Гапда бажарган вазифаси (кириш сўз бўлиб келиши, кесим, ҳол вазифасида келиши);
5. Тиниш белгилари (вергулнинг қўлланилиш ўринлари).

Намуна: Сўзсиз бу ҳол уларга тасалли бера олмади.

Сўзсиз – сўз туркуми, алоҳида олинган сўзлар туркуми. Модал сўз; фикрнинг аниқлигини ифодалаган; сифат билан ифодаланган; гапда кириш сўз ўрнида қўлланган.

376- машқ. Берилган гаплардан модал сўзларни топиб, уларни модал сўзларни таҳлил қилиш тартибига таяниб, таҳлил қилинг.

1. Унинг кўнглида, албатта, ғарази йўқдир. (Гоголь) 2. Акам хали ишдан қайтганлари йўқ, чамаси. (У.) 3. Ажабо, кампирнинг

овози бурунгидай йўғон, ўктам эди. (О. Ё.) 4. Хуллас, Толибжон ёшлик йилларини кўз олдига келтирди. (С. Аҳм.) 5. Сиз эҳтимол, ёзда дам олгани болалар оромгоҳига борарсиз? 6. Қисқаси биз аъло баҳолар билан VII синфни битиришга аҳд қилдик. 7. Шўх куй янграгач, кизларнинг ўйинга тушишлари табиий. (Ш.)

Модал сўзлар юзасидан тест - синов саволлари

1. Қайси гапда модал сўз мавжуд?

- А. Офарин, азаматлар, ишни дўндирибсизлар.
- В. Бу йил ҳамма фанларни аъло якунлашим, шубҳасиз.
- С. Оббо, яна иш пачава, денг.
- Д. Унинг кимлигини афтидан билса бўлади.
- Е. Берилган гапларда модал сўз кўлланмаган.

2. Модал сўзларнинг морфологик хусусиятлари қайси жавобда кўрсатилган?

- А. Кириш сўз вазифасида келади.
- В. Модал маъноларни кўрсатади.
- С. Морфологик жиҳатдан ўзгармайди.
- Д. А ва В жавоблари.
- Е. Барча гапларда модал сўзларнинг морфологик белгиси тўғри кўрсатилган.

3. *Айтишларича, она қалби жуда сезгир бўлар экан.* Ушбу гап таркибидаги «*айтишларича*» сўзи қандай вазифада келган?

- А. Бош гап
- В. Эргаш гап
- С. Ундалма
- Д. Кириш сўз
- Е. Кириш гап

4. Қайси катордаги сўз *чамаси* модал сўзига синоним бўла олади?

- А. Балки
- В. Дарвоқе
- С. Табиий
- Д. Мазмуни
- Е. Ҳар қалай

5. Ўзаро синоним бўлган модал сўзлар қатнашган гапни аниқланг.

- А. Чамаси, чиндан ҳам янги асар муҳокамаси бошланган эди.

- В. Ўшанда баҳор фасли эди, шекилли.
- С. Эҳтимол, хатосини тушунгандир.
- Д. Балки, бу гапнинг ўрни йўқдир.
- Е. В, С, Д жавоблари.

6. Модал сўзларнинг синтактик белгиси қайси қаторда берилган?

- А. Морфологик жиҳатдан ўзгармайди.
- В. Ундалма вазифасида келади.
- С. Жавобларнинг барчаси тўғри.
- Д. Сўзларни ўзаро бириктиради.
- Е. Иккинчи даражали бўлак вазифасида келади.

7. Фикрнинг аниқлигини билдирган модал сўзлар қайси жавобда берилган?

- А. Дарвоқе, айтгандай, айтмоқчи.
- В. Демак, ҳуллас, модомики.
- С. Албатта, шубҳасиз, табиий.
- Д. Афсус, аттанг, эссиз.
- Е. Ҳамма жавоб тўғри.

8. Гумон, ноаниқлик маъноларини ифода этган модал сўзлар берилган қаторни топинг.

- А. Эҳтимол, балки, ҳойнахой.
- В. Дуруст, бўпти, хўп.
- С. Йўқ, дуруст, майли.
- Д. Демак, ҳуллас, майли.
- Е. Тўғри, тузук, айтгандай.

9. Таассуф, ачиниш маъноларини билдирган модал сўзлар берилган қаторни белгиланг.

- А. Эҳтимол, албатта, йўқ.
- В. Дуруст, аттанг, дарвоқе.
- С. Афсус, аттанг, эссиз.
- Д. Хуллас, аттанг, тузук.
- Е. Айтгандай, балки, эссиз.

10. Модал сўзлар маъно жиҳатдан печага бўлинади?

- А. 2 га
- В. 5 га
- С. 6 га
- Д. 9 га
- Е. 7 га

11. Демак, хуллас, модамики сўзлари қандай модал сўзлар дейилади?

- А. Гумон маънодаги модал сўз
- В. Тасдиқ маънодаги модал сўз
- С. Эслатиш маънодаги модал сўз
- Д. Инкор маънодаги модал сўз
- Е. Шарт маънодаги модал сўз

12. Афсус, яна кечикибмиз. Гапдаги модал сўзни маъно жиҳатдан турини аниқланг.

- | | |
|--------------|-----------|
| А. Эслатиш | Д. Ачиниш |
| В. Маъқуллаш | Е. Гумон |
| С. Тасдик | |

13. ... у кишининг сизнинг келишингиздан хабар йўқдир. Гапдаги нуқталар ўрнига қайси модал сўзни қўшиш керак.

- | | |
|----------|------------|
| А. Майли | Д. Дарвоне |
| В. Демак | Е. Эҳтимол |
| С. Тўғри | |

14. Албатта, бу масала ижобий ҳал бўлади. Гапдаги модал сўз қандай маъно билдиради?

- | | |
|------------------------|-------------|
| А. Инкор | Д. Ачинишни |
| В. Мақсадни | Е. Таъкидни |
| С. Фикрнинг аниқлигини | |

15. Эшитдим, сиз у ерда бўлгансиз. гапдаги модал сўз қайси сўз туркуми билан ифодаланган?

- | | |
|----------------|----------------|
| А. От билан | Д. Феъл билан |
| В. Олмош билан | Е. Равиш билан |
| С. Сифат билан | |

Ўаждоларга жавоб беринг.

1. 7-синфда тилшунослик фанининг қайси бўлимини ўргандингиз?
2. Қайси сўз туркумларини тўлиқ ўргандингиз?
3. Ўрганилган сўз туркумларининг грамматик белгиларини айтиб беринг.
4. Сўз туркумлари нимаси билан бир-биридан билан фарқ қилади?
5. Ёрдамчи сўз туркумлари мустақил сўз туркумларидан нимаси билан фарқ қилади?
6. Мустақил сўз туркумларидан қайсилари турланади?
7. Қайси мустақил сўз туркуми тусланади?
8. Берилган жадвални кузатинг. Аввал мустақил сўз туркумларини, сўнгра ёрдамчи сўз туркумларини изоҳланг. Алоҳида олинган сўзлар туркуми нимаси билан мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларидан фарқ қилади?

Мустақил сўз туркумлари	Ёрдамчи сўз туркумлари	Алоҳида олинган сўзлар туркуми
От Сифат Сон Олмош Феъл Равиш	Кўмакчи Боғловчи Юклама	Ундов сўз Таклид сўзлар Модал сўзлар

377-машқ. Кўчиринг. Феъл, равиш туркумларига оид сўзларни топиб, тагига чизинг.

1. Халқимни севаман, бу севги менга жондан азиз десам хато қилмасдим. (У.)
2. Омилкор дехкон, тadbиркор рахбар кишки ишларни кўкламга қолдирмайди. (У.)
3. Одобли, билимдон, ишчан ва меҳнатсевар фарзанд – оила кўрки.
4. Халқимиз юз марта эшитгандан, бир марта кўрган яхши дейди. (Р.Ф.)
5. Хатосини бўйнига олдим, эгилган бошни қилич кесмайди. (С.А.)
6. Одобли бўлганинг учун сени ҳамма хурмат қилади. («Одоблар хазинаси»)
7. Баҳор табиатга ўз хукмини ўтказа бошлади. (Х. Ф.)

ТАШНИШТИРИШ БОРАМИС
ҚИРГИЗИСТОННИНГ МАШХУР ИНСОНЛАРИ
ЗОКИРОВ ҚОДИР ЗОКИРОВИЧ

Зокиров Қодир Зокирович 1906 йили 25 июлда Қирғизистон Республикасининг Жалолобод шаҳрида хунармандлар оиласида таваллуд топган. У ўзбек совет ботаниги, биология фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Биринчи бор ўзбек тилида Ботаник терминология тамойилларини илмий асослади. У кўп томлик «Ўзбекистон флораси»ни тузишда фаол қатнашган. «Зарафшон водийси ўсимлик қоплами ҳақида»ги уч жилдлик монография муаллифи. Олим ўгли П. Зокиров билан бирга Ўрта Осиё ва дунё бўйича геоботаника типологияси тамойилларини ишлаб чиққан. Юздан ортик салмоқли илмий асарлар муаллифи. Беруний номидаги Ўзбекистон ҳреспубликаси Давлат мукофоти совриндори. Икки марта Меҳнат Қизил байроқ ордени ва яна кўплаб мукофотлар билан тақдирланган. Геоботаника типологияси бўйича кўплаб шогирдларни етиштирган буюк олим. *(Энциклопедия)*

378-машқ. Ўқинг. Феъл, равиш туркумига оид сўзларнинг қўлланилишини тушунтиринг.

1. Бахтли одам фитна-фасодлардан четлаб юрувчи ва мусибатга сабр қилувчи кишидир. (Ҳадис) 2. Кечиримли бўлинглар, шунда сизларга ҳам кечиримли бўлишди. (Ҳадис) 3. Насихат таъсир қилмаган киши бахтсиздир. 4. Тўғрилик ва ростлик одамни сира уятга қолдирмайди. (Қобуснома) 5. Инсонда доимо турадиган нарса латофат, ҳаё ила ифбатдир. (Ибн Сино) 6. Фотимани бу ахволда кўриб унинг авзон бузилди. (П.Т.) 7. Мурод мирзо бош эгиб, таъзим бажо келтирди. (Ш. Тошматов)

379-машқ. Кўчиринг. Гаплардан феъл, равиш туркумига оид сўзларни топинг, гапда қандай вазифада келганини тушунтиринг.

1. Сиз менинг уйқусиз тунларим, ҳамдамимсиз, мунис онажонгинам. (Т. Содиқова) 2. Февраль ойигина ҳар тўрт йилда бир марта 29 кундан иборат бўлади. 3. Ўн иккиннинг тўртдан уч қисми тўққиз, тўртдан бир қисми уч бўлади. 4. Дононинг бир гуноҳи нодонга ўн йил озик беришда. (М.) 5. Она калби-битмас-

туганмас мўъжизалар макони. (П. Беранже) 6. Болалик чукур иззат-хурматга лойиқ фаслдир. (Ювенал) 7. Яхшиликка йўйиш мумкин бўлган сўзни ёмонликка йўйишнинг ўзи ёмонликдир. (Ҳикмат) 8. Бемаврид хузур, халоват кўнгилсизлик келтиради. (Арасту)

379-машқ. Кўчиринг. Гаплардан феълларни топиб замонини аниқланг, остига чизиб, устига турини ёзинг.

1. Эзгулик дўстликни, ёмон хулқ ёмонликни келтиради. («Донолар ўгити») 2. Фарзанд ўз онаси олдида хамиша қарздордир. («Донолар ўгити») 3. Эрта баҳор, дарахтлар энди куртак чиқармоқда. (Ж. Ш.) 4. Ўт куйдирад, ер тўйдирад. (М.) 5. Баҳорда кўм-кўк либос кийиб олган боғлар кузда сарик кизил ва кўкимтир барглрар ичида товланади. (С. З.)

6. О, нақадар жасур ва қувноқ эдик,

Ўқирдик, ўйнардик, кўшиқ айтардик. (У.)

7. Нолиш билан иш битмайди,

Мард номардга тиз чўкмайди. (М.)

380-машқ. Ўқинг. Гаплардаги кўмакчиларни топиб уларнинг турларини аниқланг.

1. Опам ёзда дам олиш учун Арслонбоб оромгоҳига борди. 2. Жар тагида, сув ичида бир кўй ётиб бошини кимирлатар эди. (С.Айн.) 3. Ўқиш билан бир пайтда ишлаш одамга оғирлик қиларкан. (Нозима) 4. Либосларинг ўзгарган сари одамларнинг, атрофдагиларнинг муомаласи ҳам ўзгараркан. (Нозима) 5. Ўқувчилар икки кундан бери Бишкекни томоша қилишди.

381-машқ. Нукталар ўринга мос боғловчи кўйиб гапларни кўчиринг. Керакли ўринга вергул кўйишни унутманг.

1. Кўринишдан арзимаган нарса – ... соғлиқка жуда фойдалида. ўғлим. (Р.Ф.) 2. Мухиддин ичида севиниб кетди ... бу ҳолни сездирмади. (Р.Ф.) 3. Дарахт япроғи ... кўркам, одам меҳнати (М.) 4. Ер ... осмон ... опноқ чойшабга ўралгандай. (А.Мухт.) 5. Томошабинлар ... чавандозга ... отга қарайдилар. (Ч.А.) 6. Унинг ой нури ёритиб турган кўзлари намданми ... севинчданми худди бояги узукнинг кўзларидек ялтирарди. (Ў.У.) 7. Бу ерда қовун текин. Узиб берайми ўзингиз узасизми? (С.Ахм.) 8. Атроф жимжит: ... шарпа эшитилади, одамлар кўринади. (С. З.)

382-машқ. Гапларни ўкиб, улардан юкламаларни аниқлаб, тишиш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтиринг.

1. Биз, ҳатто якшанба кунлари ҳам дарс тайёрлаймиз.
2. Кўчат ҳам бамисоли мурғак боланинг ўзи! Нахотки, шуни билмасангиз! (Р. Ф.) 3. Шуни айтиш керакки, бундай маънавий гўзаллик жуда кўп нарсалар билан боғланади. (О.) 4. Ахир, ота-онанга қарашсанг бўлмайдимиз? 5. Жигар жигарга ёмонликни раво кўрмайди-а? (П.Т.) 6. Зулфикор билан Завроқ сингари шогирдлар фақат илм олишлари, хунар ўрганиши керак. (Мирт.)

383-машқ. Дўстлик мавзусида ишро ёзинг. Ёзган ишонгиздан кўмакчи ва боғловчиларни топиб, остига чизинг, аниқлаб маъносини изоҳланг.

384-машқ. Кўмакчи боғловчи ва юкламалар иштирок этган 6 та гап ёзинг. Уларни изоҳлаб беринг.

385-машқ. Гапларни икки гуруҳга бўлиб, кўчиринг.

1. Ҳиссиёт ундовлари.
2. Буйруқ - хитоб ундовлари.

1. Ўх-хў, шу ердаям сендан хабар олиб турадиган одам топилибди-да. (С.Жўр.) 2. Дук-дук юриб кетди, комати тикка. (А.Мухт.) 3. Эҳ! Ҳаво нақадар соф ва мусаффо. (С.Аҳм.) 4. Ҳой, мени нега қаргайсан? Арпагини ҳам ўрдимми? (Х.Х.) 5. Вой-вўй! Аёл жаннати денг, таксир. (С. Анб.)

6. Эй, улуг наслимнинг юраги, жони!
Кипригинга илинмас йиғидан зарра. (F.F.)
7. Ўх, бай-бай, ўзинг биласан, болам. (О.)

386-машқ. Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Қандай сўзлар таклид сўзлар дейилади?
2. Таклид сўзлар бошқа ёрдамчи сўзлардан фарқ қиладимиз?
3. Товушга таклид сўзларни тушунтиринг.
4. Ҳолатга таклид сўзлар ҳақида айтинг.
5. Отлашган таклид сўзларнинг гапдаги вазифасини мисоллар билан тушунтириб беринг.

387- машқ. Гаплардаги таклид сўзларни топиб уларнинг остига чизинг, турини, англатган маъносини тушунтириб беринг.

1. Арчанинг орасида яна каклик сайради: какри-какри- какри – жинсдошларини чақиради. (С.Анб.) 2. Вакир -вукур курбақа, нега афтинг бундақа? 3. Ўткир тумшукли чуғурчуклар чигирткаларнинг калласини чирт-чирт узиб ташлаяпти. («Фунча») 4. Бир томонда чарс-чурс билан гулхан ёнади. (Х.Н.) 5. Болалар осмонда учиб юрган кабутарларни беҳ-беҳ, деб чақирдилар. (П.Т.) 6. Дастгоҳлар ишлайди чур-чур тинмайин. (П.Т.) 7. Жазирама иссиқ ер бетини тарс-турс ёриб юборган. (Л.Б.) 8. Тепада ваҳимали кий-чув кўтарилди. (Х. Н.)

388- машқ. Нукталар ўрнига керакли феълларни қўйиб кўчинг.

Пахта машиналарда пахта заводларига Заводда пахта чигитдан Чигитдан тозаланган пахта навларга ... ва махсус машиналарда пахта тойлари

Пахта тойлари йигирув ва тўқув цехларига Заводда сараланган чигитлар уруғ учун хўжаликларга

Қўйиш учун сўзлар: *жўнатилади, тозаланади, ясалади, юборилади, топширилади.*

Билиб олинг.

КИТОБ ҲАКИДА

Китоб - билимларни сақлаш ва тарқатиш воситаси. Китоблар инсон тафаккури жавоҳирларини йиғиб авлодларга мерос қолдиради. Китоб халқаро статистикада ЮНЕСКО тавсиясига кўра ҳажми 3 босма тобоқдан ортиқ 48 саҳифадан кам бўлмаган босма асарни шартли равишда китоб дейиш қабул қилинган.

Китобнинг пайдо бўлиш тарихи ёзувнинг яратилиши ва шаклланиши жараёни билан узвий боғлиқ. Ёзувнинг тузилиши хусусиятлари (белгилар тартиби, уларнинг жойлашиш тартиби), ёзув ашёси ва қуролининг ўзига хос томони ва бошқалар маълум даражада китоб тузилишини белгилаб беради.

Қадимги Миср, Рим, Юнонистон ва Ўрта Осиёда кишилар тош, пальма дарахти барглари, сопол ва бошқа буюмларга ёзиб фикр изҳор этганлар. Ҳар бир китоб ўнлаб шундай ашёларда

тайёрланган плиталардан иборат бўлиб, оғирлиги бир неча кило бўлган. Ёзув ашёси сифатида папирус ўсимлиги ишлатилиши натижасида (милоддан аввал 4-3 минг йилликларда) ўрама китоблар пайдо бўлди. Бундай китобларнинг узунлиги ўртача 10 метр атрофида бўлиб, ингичка, думалоқ таёқларга ўралган ва махсус чарм ёки ёғоч ғилофларда сақланган. Шарқ мамлакатлари, Қадимги Рим ва Юнонистондаги кўпгина нодир асарлар папирусга битилган.

Милоддан аввал иккинчи асрга келиб, китоб ашёси сифатида пергамент (тери)дан фойдаланиш кенг расм бўлди. Дастлаб бундай китоблар ўрама ҳолда сақланган. Айрим маълумотларга қараганда Ўрта Осиёда тарқалган зардуштийлик динининг муқаддас китобларидан ҳисобланган «Авесто» нинг қадимги нусхаси пергамент (тери) га ёзилган. Ўрта Осиёда араблар истилосига қадар кўп нодир китоблар сақланган кутубхоналар бўлган. Лекин уларнинг кўплари босқинчилик урушлари натижасида йўқотилиб юборилган.

Биринчи асрдан бошлаб худди ҳозирги китобларнинг варақлари сингари бир-бирига бириктирилган муқовали китоблар пайдо бўлди. Улар дастлаб папирус, сўнг пергаментларга ёзилган. Бундай китоблар оғир ва бесўнақай бўлган. Пергаментга ёзилган ноёб китоблардан бири ислом динининг қомуси «Қуръон»дир. У 681 йилда китоб ҳолига келтирилган.

Қоғознинг кашф этилиши китоб тарихида янги давр очди. 13-асрда Европада қоғоз асосий ёзув ашёси бўлиб қолди. Аста – секин ҳаттотлик (хуснихат), муқовасозлик каби касблар ажралиб чиқди. Ҳаттотлик Ўрта Осиёда узок сақланди, ҳатто китоб босиш кашф қилингандан кейин ҳам дастлабки вақтларда китоблар қўлёзма йўли билан кўпайтирилар эди. 15 - асрнинг 40-йилларида Германияда Иоганн Гутерберг томонидан китоб босиш ихтиро қилинди. Кейинчалик 1465 йили Италияда 1468 йили Чехословакияда ва бошқа мамлакатларда вужудга келди. 1501 йил 1 январига қадар босилган китоблар инкунабула деб аталган. Россияда биринчи босма китоб (Апостол) 1564 йили Москвада Иван Федоров томонидан босилган.

Туркистонда босма усули билан китоб чиқариш Ўрта Осиёни Россия томонидан босиб олингандан кейин тарқалди. 1868 йили Тошкентда, 1871 йили Хивада китоб босиш бошланган...

Муҳаммад Жабалрудий

Матни ўқинг. Китоб ҳақида ёзилганлар ҳақида фикр – мулоҳаза юритинг.

389-машқ. Шеърни ифодали ўқинг. Мазмунини сўзланг. Ёд олинг.

ОНА ТИЛИМ

Ўзбек тили – она тилим

Ўзбек тили – отам тили.

Уруғ – аймақ, момом тили,

Яшаб ўтган бобом тили.

Тиллараро йирик тил – бу,

Абадийга тирик тил – бу.

Шу тилда «Кутадғу билиг»

«Девону луғатит турк»

Битилгани аён бизга

Аён туркий элимизга.

Тарих билан фалсафада,

«Алжабр»да, «Ҳандаса»да

Ал Фарғоний Абу Райхон

Берунийни танир жаҳон

Ал – Хоразмий, Форобий ким

Мутафаккир, олим – ҳаким!

Ҳазрат Навоийга қаранг,

Шеър мисраси пишиқ, таранг.

«Чор девон» ин ўқиган чок

Дил – вужудинг яйрар ўртоқ!

«Хамса» сида беш китоб жам

Беш китобмас, беш офтоб жам.

Фарҳод, Қайс, Искандари,

Меҳр, Лайли, Ширинлари

Пок севгида вафодор, дўст,

Таърифига ожиздир сўз.

Тарих узок - олис ўтмиш,
Кимлар келиб, кимлар кетмиш.
«Хапалак» ни ёзиб Махмур
Деди шохга: «Фафлатдан тур».

Турди битиб замон захрин,
Улуғлади инсон қадрин.
Гулханийда «Зарбулмасал»
Бунда жамдир тўрт юз асар.

Маърифатга чорлар Фуркат.
Нозик ифодалар қат - қат.
Мавлоно Муқимий устоз,
Ўта доно, аскиябоз.

«Навбахор» ни завки дилда
Фазаллари кўшиқ тилда.
«Ўтган кунлар», «Обид кетмон»
Дилларда «Меҳробдан чаён».

Отабеғу Кумуш, Раъно,
Ҳар сўзида ростлик, маъно.
Қодирийнинг тили содда,
Абадийга номи ёдда.

Ўзбек тили – онам тили.
Ўзбек тили – отам тили.
Шу тил билан айтиб алла
Гоҳ секину гоҳ баралла

Бешигимга белаб онам,
Омонлигим тилаб онам,
Энг лазизи ҳаммасидан
Бокқан оппок сийнасидан.

Обид Расул

Шартли қисқартмалар

- А. А. - Абдулла Авлоний
А. О. - Абдулла Орипов
А. Қ. - Абдулла Қаҳҳор
А. Қод. - Абдулла Қодирий
А. Жом. - Абдурахмон Жомий
А. Мухт. - Асқад Мухтор
А. Ҳ. - Аваз Ҳтар
В. Ғ. - В. Ғофуров
Ё. Ш. - Ёқубжон Шуқуров
Ж. Абд. - Ж. Абдуллаев
З. Д. - Зафар Диёр
З. - Зулфия
И. Р. - Иброҳим Раҳим
К. Я. - Комил Яшин
Л. Т. - Лев Толстой
Мир. - Мирмуҳсин
М. Ғ. - Максим Горький
М. Ш. - Максуд Шайхзода
М. Исм. - Мирзакалон Исмоилий
Н. Ф. - Носир Фозилов
О. - Ойбек
О. Ё. - Одил Ёқубов
П. Қ. - Пиримкул Қодиров
П. М. - Пўлат Мўмин
Р. Ф. - Раҳмат Файзий
С. - Сайёр
С. А. - Садриддин Айний
С. Ан. - С. Анарбоев
С. Аҳм. - Саид Аҳмад
С. С. - С. Сиёев
С. З. - Саида Зунуннова
С. Иб. - С. Иброҳимова
Т. А. - Турсунбой Адашбоев
Т. М. - Тоҳир Малик
У. - Уйғун
Х. Т. - Худойберди
Тўхтабоев
Ч. А. - Чингиз Айтматов
Ч. - Чўлпон
Ш. - Шавкат Раҳмон
Ш. Х. - Шуқур Холмирзаев
Э. Ж. - Эргаш Жуманбулбул
Э. В. - Эркин Воҳидов
Ў. Ҳ. - Ўткир Ҳошимов
Ў. У. - Ўлмас Умарбеков
Я. - Яшин
Ф. Й. - Фозил Йўлдош
Қ. М. - Қуддус Муҳаммадий
Ғ. - Ғайратий
Ғ. Ғ. - Ғафур Ғулом
Ҳ. Н. - Ҳаким Назир
Ҳ. О. - Ҳамид Олимжон
Ҳ. Ғ. - Ҳамид Ғулом
Ҳ. - Ҳикматлардан
Эрг. - Эртақ
М. - Мақол

Азиз ўқувчи!.....	3
Дунё тиллари тизимида ўзбек тилининг тутган ўрни.....	3
Ўқув йили бошида такрорлаш.....	6
1-§. Феъл.....	13
2-§. Феълнинг ноаниқ шакли.....	15
3-§. Мустақил феъллар ва ёрдамчи феъллар.....	17
4-§. Бўлишли ва бўлишсиз феъллар.....	19
5-§. Тўлиқсиз феъллар.....	21
6-§. Феълнинг тусланиши.....	24
Феъл замонлари.....	28
7-§. Ўтган замон феъли.....	28
8-§. Яқин ўтган замон феъли.....	29
9-§. Узок ўтган замон феъли.....	30
10-§. Ўтган замон давом феъли.....	32
11-§. Ўтган замон ҳикоя феъли.....	33
12-§. Ҳозирги замон феъли.....	38
13-§. Ҳозирги замон давом феъли.....	38
14-§. Ҳозирги-келаси замон феъли.....	41
15-§. Келаси замон феъли.....	42
16-§. Келаси замон мақсад феъли.....	43
17-§. Келаси замон гумон феъли.....	45
Феъл нисбатлари.....	48
18-§. Аниқ нисбат.....	49
19-§. Ўзлик нисбат.....	49
20-§. Мажхул нисбат.....	51
21-§. Биргалик нисбат.....	53
22-§. Орттирма нисбат.....	55
Феъл майллари.....	59
23-§. Хабар майли.....	59
24-§. Буйруқ - истак майли.....	61
25-§. Шарт майли.....	63
26-§. Майлсиз феъллар.....	67
Феълларнинг ясалиши.....	70
27-§. Ясовчи кўшимчалар билан феъл яшаш.....	70
Махсулсиз феъл ясовчи кўшимчалар.....	72

28-§. Сўзларни кўшиб феъл яшаш ва уларнинг ёзилиши.....	75
29-§. Жуфт феъллар ва такрорий феъллар, уларнинг ёзилиши.....	77
30-§. Равишдош.....	82
Равишдош ясовчи кўшимчалар ва уларнинг ёзилиши.....	85
31-§. Сифатдош.....	89
32-§. Сифатдош ясовчи кўчимчалар ва уларнинг ёзилиши.....	91
33-§. Ҳаракат номи	95
34-§. Ҳаракат номи ясовчи кўшимчалар ва уларнинг ёзилиши.....	96
35-§. Равиш.....	106
36-§. Ҳолат равиши.....	109
37-§. Пайт равиши.....	111
38-§. Ўрин равиши.....	114
39-§. Даража-миқдор равиши.....	116
40-§. Мақсад ва сабаб равишлари.....	120
Равишларнинг ясалиши.....	123
41-§. Равишдош ясовчи кўшимчалар билан равиш яшаш.....	123
42-§. Равишнинг тузилишига кўра турлари.....	125
43-§. Жуфт ва такрорий равишлар ва уларнинг ёзилиши.....	127
44-§. Ёрдамчи сўзлар туркуми.....	144
45-§. Кўмакчи.....	146
46-§. Кўмакчиларнинг қўлланиши ва маънолари.....	148
47-§. Кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар.....	152
48-§. Келишиклар ва кўмакчилар	155
49-§. Боғловчи	163
50-§. Бириктирувчи боғловчилар.....	164
51-§. Зидловчи боғловчилар.....	167
52-§. Айирувчи боғловчилар.....	169
53-§. Эргаштирувчи боғловчилар.....	171
54-§. Юкловчи.....	179
55-§. Сўрок ва таажжуб юкламалари.....	182
56-§. Таъкид-кучайтирув ва айирув-чегаралов юкламалари.....	184
57-§. Иикор ва гумон юкламалари.....	186
58-§. Ундов	194
59-§. Ҳиссиёт ундовлари.....	197
60-§. Буйрук- хитоб ундовлари.....	200
61-§. Таклид сўзлар.....	206

62 -§. Товушга таклид сўзлар.....	209
63- §. Ҳолатга таклид сўзлар.....	211
64- §. Модал сўзлар.....	219
65 -§. Модал сўзнинг маъно турлари.....	221
66-§. Модал сўзларнинг сўз туркумлари билан ифодаланишига кўра турлари.....	223
67 -§. Модал сўзларнинг гапдаги вазифалари.....	225
Ўқув йили давомида ўтилганларни такрорлаш.....	232

Ўқув наشري

Абдулхамид Нурмонов, Муяссар Мирзахидова, Гулчекра Абдуллаева

ЎЗБЕК ТИЛИ

7-синф учун дарслик

Биринчи наشري

Бош муҳаррир: *А. Ўринбоев*
Техник муҳаррир: *М. Аҳмедов*
Саҳифаловчи: *М. Тишабаева*
Мусаҳҳиҳа: *Д. Аббосова*

Босишга 12.12.2011 имзо чекилди.

Офсет қоғози № 1. Формати 60x90 ¹/₁₆. "Таймс" гарнитураси.

Ҳажми 15,25 физ. босма тобоқ. Адади 16 000 нусха.

Буюртма 739.



